

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТЕХНИКА ФАКУЛТЕТИ**

**«ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, БУЮМЛАРИ ВА  
КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ»  
КАФЕДРАСИ**



**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ  
ТЕХНОЛОГИЯСИДА ЖАРАЁН ВА АППАРАТЛАР  
ФАНИДАН  
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Билим соҳаси:	<b>300000 – Ишлаб чиқариш техник соҳа</b>
Таълим соҳаси:	<b>340000 – Архитектура ва қурилиш</b>
Таълим йўналиши:	<b>5340500 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш</b>

**Термиз 2018**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 201\_ йил “\_\_” \_\_\_\_даги \_\_-сонли буйруғи билан тасдиқланган фан дастури асосида тайёрланди.

**Тузувчи:** **ўқит. Абдумўминов О.Р.**

**Тақризчилар:** **т.ф.н. Махмудов Д.**  
**ўқит. Ғаффоров Ш.**

*Ўқув -услубий мажмуа ТерДУ кенгашининг 201\_ йил \_\_\_\_\_даги  
\_\_-сонли қарори билан фойдаланишга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

	<b>СЎЗ БОШИ.....</b>	
<b>I.</b>	<b>МАЪРУЗАЛАР.....</b>	
I.1	Гидромеханик жараёнлар	
I.2	Математик моделлаштириш	
I.3	Донадор қатлам	
I.5	Фильтрлаш	
I.5	Насос ва вентиляторлар	
I.6	Иссиқлик алмашиниш жараёнлари	
I.7	Масса алмашиниш асослари	
I.8	Эритиш ва эритмалар	
I.9	Қуритиш ва намликни йўқотиши	
I.10	Механик жараёнлар	
I.11	Хом ашёни етказиб бериш	
I.12	Совутиш ускуналари	
I.13	Машиналар характеристикиси	
<b>II.</b>	<b>АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР.....</b>	
II.1	Қурилиш материалларининг асосий хоссалари мавзусида масалалар ечиш	
II.2	Энергия самарадор керамик материаллар мавзусида масалалар ечиш	
II.3	Бетон учун оғир, енгил ва ўта енгил тўлдиргичлар мавзусида масалалар ечиш	
II.4	Оғир, енгил ва ўта енгил бетонлар таркибларини ҳисоблаш	
II.5	Энергия самарадор сунъий тош материаллари мавзусида масалалар ечиш	
II.6	Ёғоч материаллари энергия самарадорлиги мавзусида масалалар ечиш	
II.7	Лок ва бўёқ материаллар мавзусида масалалар ечиш	
II.8	Энергия самарадор иссиқлик изоляцияси материаллари мавзусида масалалар ечиш	
II.9	Қурилиш материаллари ва буюмлар бўйича ҳисобкитобларни виртуал услубда ташкил этиш	
<b>II.</b>	<b>ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТЛАРИ.....</b>	
II.1	Суюқликларни физика-кимёвий хоссаларини аниqlаш	
II.2	Ихтиёрий нуктадан гидрастатик босимни аниqlаш	

II.3	Анамал ва оддий суюқликлар учун харакат тартибини аниқлаш	
II.4	Бернулли тенгламаси ёрдамида напор сарфини хисоблаш	
II.5	Узунлик бўйича ва махалий қаршиликлар хисобига напор сарфини хисоблаш	
II.6	Мавхум қайнаш қатлами гидро динамикаси	
II.7	Насослар ва вентелаторларни асосий параметорларни хисоблаш	
II.8	Иссиқлик ўтказувчанлик ва иссиқлик бериш коефициентини аниқлаш	
II.9	Қуритиш жараёни, қуритиш аппаратларини хисоби	
<b>III.</b>	<b>МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШҒУЛОТЛАРИ.....</b>	
<b>IV.</b>	<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	
<b>V.</b>	<b>ИЛОВАЛАР .....</b>	
V.1	ФАН ДАСТУРИ.....	
V.2	ИШЧИ ФАН ДАСТУРИ .....	
V.3	ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР.....	
V.4	ТЕСТЛАР.....	
V.5	БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ.....	

## СҮЗ БОШИ

Мазкур ўқув услубий мажмуа “Курилиш материаллари технологиясида жараён ва аппаратлар” фанидан “5340500-Курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” таълим йўналиши учун мўлжалланган бўлиб, Архитектура ва курилиш факултетининг “Бино-иншоотлари архитектураси ва қурилиши” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган. “Курилиш материаллари технологиясида жараён ва аппаратлар” фани ўқув услубий мажмуасини яратишда етакчи ОТМлар ўқув дастурларига асосий адабиётлар рўйхатига киритилган адабиётлардан фойлаланилди.

“Курилиш материаллари технологиясида жараён ва аппаратлар” фани “5340500-Курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” таълим йўналиши ўқув режасига асосан 5-семетрларда мос равища 54 аудитория соатларда ўқитилади.

Маъруза ва амалий машғулотлар давомида Гидромеханик жараёнлар, Математик моделлаштириш, Донадор катлам, Фильтрлаш, Насос ва вентиляторлар, Иссиклик алмашиниш жараёнлари, Масса алмашиниш асослари, Эритиш ва эритмалар, Куритиш ва намликни йўқотиш, Механик жараёнлар, Хом ашёни етказиб бериш, Совутиш ускуналари, Машиналар характеристикаси, Курилиш материалларининг асосий хоссалари мавзусида, Энергия самарадор керамик материаллар, Бетон учун оғир, енгил ва ўта енгил тўлдиргичлар мавзусида масалалар ечиш, Оғир, енгил ва ўта енгил бетонлар таркибларини ҳисоблаш, Энергия самарадор сунъий тош материаллари, Ёғоч материаллари энергия самарадорлиги, Лок ва бўёқ материаллар, Энергия самарадор иссиқлик изоляцияси материаллари мавзусида масалалар ечиш, Курилиш материаллари ва буюмлар бўйича ҳисоб-китобларни виртуал услубда ташкил этиш мисоллар асосида тушунтириб ўтилган.

Ушбу ўқув услубий қўлланма бешта қисмдан иборат бўлиб, маъруза материаллари (маъруза матни, таянч сўзлар, назорат саволлари) ва амалий машғулотлар материаллари (амалий топшириқлар, намуна), глоссарий, мустақил таълим мавзулари, иловалар (намунавий ва ишчи ўқув дастур, адабиётлар рўйхати, тарқатма материаллар, кейслар банки, тест саволлари, баҳолаш мезонлари) дан ташкил топган.

## **1-мавзу Гидромеханик жараёнлар РЕЖА**

1. “Курилиш материаллари технологиясида жараён ва аппаратлар” фанининг аҳамияти ва вазифалари
2. Курснинг структураси ва жараёнларнинг турлари.
3. Томчили ва эластик суюкларининг физик хусусиятлари. Идеал суюклик хакида тушунча. Гидростатиканинг асосий тенгламаси.
4. Мувозанат ҳолатдаги турган суюқлик учун Эйлернинг дифференциал тенгламаси

Таянч атама ва иборалар: технология, жараёнлар, қурилмалар, гидравлика, гидростатика, мувозанат, гидромеханика материалларнинг ички тузилиши, материалнинг таркиби, материалларнинг агрегат ҳолати, диффузион жараён, температуралар фарқи, гидростатик босим, турғун ва турғунмас жараёнлар

### **1“Курилиш материаллари технологиясида жараён ва аппаратлар” фанининг аҳамияти ва вазифалари Курснинг структураси ва жараёнларнинг турлари.**

“Курилиш материаллари технологиясида жараён ва аппаратлар” фанининг вазифаси қурилиш саноатида рўй берадиган турли технологик жараёнлар ва шу жараёнларни амалга оширадиган аппаратларни ҳисоблаш, лойихалаш, оптимал параметрларни аниқлаш, моделлаштириш ва бошқалардан иборатdir.

Бу фан қурилиш технологиясида учрайдиган барча жараёнларни, яъни гидромеханик, иссиқлик, модда алмашинувига тааллуқли назарий маълумотларни амалда тадбиқ этиш усулларини ўргатади.

“Курилиш материаллари технологиясида жараён ва аппаратлар” фани бўйича биринчи маротаба маъруза ўқиши 1890 йилда Петербург технологик институтининг профессори Крупский А.К. бошлади. Кейинчалик эса Москвалик профессор Тихенко И.А. давом эттириди. Бизнинг давримизгача бу фанга асос солган олимлар Касаткин А.Г., Романков П.Г., Жаворонков Н.М., Плановский А.Н., Гелперин Н.И. ва бошқалардир.

Бизнинг республикамиизда ўзбек олимларидан Ризаев Н.У., Набиев М.Н., Салимов З.С., Левш И.П., Юсупбеков Н.Р. ва бошқалар бу фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар ва қўшиб келяптилар.

### **2. Курснинг структураси ва жараёнларнинг турлари.**

“Курилиш материаллари технологиясида жараён ва аппаратлар” фанида асосий жараёнлар беш гурухга бўлинади:

1. Гидромеханик жараёнлар.
2. Иссиклик жараёнлари.
3. Модда алмашинуви жараёнлари.
4. Кимёвий жараёнлар.
5. Механик жараёнлар.

1. Гидромеханик жараёнлар гидродинамика қонунларига асосланган бўлиб, бунда суюқлик ва газларнинг ҳаракати ва мувозанат қонуниятлари ўрганилади. Бу жараёнда суюқликларни бир жойдан иккинчи жойга кўчиши (узатилиш), газларни сиқиш ва узатиш, турли жинсли газ ва суюқлик аралашмаларини ажратиш ва ҳ.к. лар ўрганилади. Бу жараёнлар босимлар фарқи таъсирида амалга ошадилар.

2. Иссиклик жараёнлари иссиқлик алмашинуви қонуниятларига асосланган бўлиб, бу жараён температуралар фарқига боғлиқдир. Бу жараёнда иситиш, совитиш, буғлатиш, конденсациялаш ва ҳ.к. лар ўрганилади.

3. Модда алмашинуви жараёнлари модда алмашинуви қонуниятларига асосланган бўлиб, бу жараён концентрациялар фарқига боғлиқдир. Бунда суюқликларни ҳайдаш, ректификациялаш, адсорбция, абсорбция, экстракция, қуритиш ва ҳ.к. лар ўрганилади.

4. Кимёвий жараёнлар кимёвий кинетик қонуниятларга асосланган бўлиб, бу жараён моддаларнинг ўзаро таъсирида янги бирикмалар ҳосил бўлишига боғлиқдир.

5. Механик жараёнлар қаттиқ жисмларнинг механик қонуниятларига асосланган бўлиб, бунга қаттиқ моддаларни майдалаш, саралаш, узатиш ва аралаштириш каби жараёнлар киради.

“Курилиш материалларини ишлаб чиқариш жараёни ва аппаратлари” курси умуммухандислик сикили фанларидан мутахассислик фанларига ўтишнинг маҳсус курси ҳисобланиб, бўлажак мутахассис кадрлар учун зарурый фанлардан биридир.

Ишлаб чиқариш жараёнлар тўғрисидаги замонавий таълимот кимё, физика, математика ва озиқ-овқат, ҳамда бир катор мухандислик фанлари, яъни дизайн, техник чизмачилик, микробиология, электротехника каби фанларга таянади.

“Курилиш материаллари технологиясида жараён ва аппаратлар” курсида аниқ техник-иктисодий шароитларда саноат микёсида ҳар хил кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришда физик ва кимёвий жараёнларнинг бориши ўрганилади.

Ҳар қандай технологик жараён уни амалга ошириш усуллари орасидаги фарқка қарамасдан маълум туркумдаги қурилмада борадиган бир-бири билан боғланган ўхшаш технологик босқичлардан иборатdir. Кимё маҳсулотлариға қўйиладиган юқори талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги, унинг энергия ва материал сарфини камайтириш, атроф-мухит химояси кимё ишлаб чиқариш технологик босқичларини халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидағи ўхшаш жараёнлардан фарқини белгилайди.

Ишлаб чиқариш технологиясидаги жараёнлар жуда мураккаб бўлиб, кўп ҳолларда гидродинамиқ, иссиқлик, модда алмасиниш, кимёвий ва механик жараёнларнинг бир вактда амалга ошиши билан боради. Бу курс кимё технологиясининг назарий асоси бўлиб, жараёнларни таҳлил қилиш ва ушбу жараёнлар амалга ошириладиган қурилмаларнинг ишлаш принципини ўрганиш имкониятини яратади.

“Курилиш материаллари технологиясида жараён ва аппаратлар” тўғрисидаги фаннинг ривожланиши қурилиш технологияси жараёнларининг илмий асосланган синфларини яратиш имконини берди.

**Ишлаб чиқариш жараёни** - бу система ёки маълум бир маҳсулотдаги кетма-кет ва қонуний ўзгаришлар бўлиб, натижада уларнинг янги хусусиятлари юзага чиқади.

**Технология** - бу бошланғич хом-ашёдан маълум хоссаларга эга бўлган маҳсулот олишга йўналтирилган қатор жараёнларнинг мажмуаси бўлиб ҳисобланади.

**Технологик қурилма** - бу жихоз ёки мослама бўлиб технологик жараённи амалга ошириш учун мўлжалланган.

**Машина** - бу энергия ёки материални ўзгarterиши учун механик ҳаракат бажарувчи қурилмадир. Кимё технологиясидаги турли хил жараёнларнинг барчасини уларнинг кечиш қонуниятлариға қараб бешта асосий гурухга бўлиш мумкин: гидромеханик, иссиқлик алмасиниш, модда алмасиниш, механик ҳамда кимёвий жараёнлар.

Жараённинг ташкил қилинишига қараб, улар узлуксиз, даврий ва комбинасиялашган турларга бўлинади.

Агар жараённинг хамма босқичлари бир қурилмада бирин-кетин бажарилса, у **даврий жараён** дейилади. Бунда дастлаб қурилма хом ашё билан тўлдирилади, кейин ишлов бериш бошланади ва ушбу операсия тугагач қурилмадан тайёр маҳсулот бўшатиб олиниб, жараённинг босқичлари бошқадан такрорланади.

Агар жараённинг хамма босқичлари бир вақтнинг ўзида қурилманинг турли қисмларида ёки бир-бири билан боғлик бўлган бир неча қурилмада бажарилса, у **узлуксиз жараён** дейилади. Масалан маҳсулотни конвейер қурилмада куритиш жараёни.

Агар жараённинг баъзи босқичлари даврий, баъзилари эса узулуксиз амалга оширилса, бундай жараёнлар комбинасиялашган жараёнлар дейилади.

Бундан ташқари жараён параметрларининг вақт бўйича ўзгаришига қараб, улар турғун ва нотурғун турларга бўлинади. Агар қурилма иш ҳажмининг маълум бир нуқтасида жараённинг тезлиги, маҳсулотнинг концентрасияси, температураси каби параметрлар вақт бўйича ўзгармас бўлса бундай жараён турғун, аксинча эса нотурғун ҳисобланади

**3. Томчили ва эластик суюқларининг физик хусусиятлари. Идеал суюқлик хакида тушунча Гидростатиканинг асосий тенгламаси**  
Суюқликлар деб, оқувчанлик хусусиятига эга бўлган, гўё маълум ҳажмга эга, лекин шаклга эга бўлмаган, қайси идишга солинса, шу идиш шаклини эгаллайдиган физикавий жисмга айтилади.

Гидравликада суюқлик деганда газ ҳам (ҳаво, буғ, турли газлар), томчисимон суюқликлар ҳам (сув, мой, бензин, эритилган металл ва х.к.) тушунилади.

Гидравликада **идеал ва реал суюқликлар** тушунчаси мавжуд.

Идеал суюқликлар математик ҳисобларини осонлаштириш мақсадида қабул қилинган бўлиб, улардаги ички қовушқоқлик кучлари ҳисобга оллинмайди. Аслида эса, ҳар қандай суюқлик ички қовушқоқлик кучларга эга. Демак, хақиқатда табиатда идеал суюқлик бўлмайди, яъни барча суюқликлар реал суюқликлардир.

Суюқликларнинг гидравликада фойдаланиладиган асосий физик хоссалардан бири: зичлик, солиштирма ҳажм, солиштирма оғирлик, сиқилувчанлик ва қовушқоқликлардир.

1. Зичлик деб, ҳажм бирлигидаги суюқликнинг массасига айтилади:

$$\rho = \frac{m}{V}, \text{ кг/м}^3 \quad (1.1)$$

Масалан: сув учун  $\rho=1000 \text{ кг/м}^3$ ,

хаво учун  $\rho=1,29 \text{ кг/м}^3$ .

2. Солиширма оғирлик деб, ҳажм бирлигидаги суюқликнинг оғирлигига айтилади:

$$\gamma = \frac{G}{V}, \text{ Н/м}^3 \quad (1.2)$$

Масса билан оғирлик ўзаро қуидагича боғланган:

$$m = \frac{G}{g}, \quad \frac{H \cdot c^2}{m} = \frac{\kappa \cdot m \cdot c^2}{c^2 \cdot m} = \kappa \quad (1.3)$$

агар бундаги масса микдорини (1) га қўйсак, ; яъни

$$\gamma = \rho \cdot g, \quad (1.4)$$

СИ системасидаги зичлик билан МКГСС системасидаги солиширма оғирлик сон жихатдан бир-бирига тенгdir:

$$\rho_{\text{си}} = \gamma_{\text{мкгсс}}$$

3. Зичлик катталигига тескари бўлган катталик, солиширма ҳажм деб аталади.

$$v = \frac{V}{m}, \quad \frac{m^3}{\kappa} \quad (1.5)$$

4. Қовушқоқлик деб, суюқликларнинг ички ишқаланиш кучларига қаршилик кўрсатиш қобилиятига айтилади.

Нютон қонунига асосан ишқаланиш кучини аниқлаш формуласи қуидагича:

$$P = \mu \cdot F \frac{dw}{dn} \quad (1.6)$$

бу ерда: P- ишқаланиш кучи, Н;

$\mu$  - динамик қовушқоқлик коефициенти, Па·с;

F - ишқаланиш юзаси. м<sup>2</sup>;

$\frac{dw}{dn}$  - тезлик градиенти.

$$\text{Нютон қонуни формуласидан: } \mu = \frac{m \cdot dn}{F \cdot dw} \quad (1.8)$$

Динамик қовушқоқлик коефициентининг турли системалардаги ўлчов бирликлари қуйидагича:

$$\mu_{\text{си}} = \text{Па} \cdot \text{с}, \quad \mu_{\text{мкгсс}} = \text{кг} \cdot \text{с}/\text{м}^2, \quad \mu_{\text{сгс}} = \text{дин} \cdot \text{с}/\text{см}^2 = \text{Пуаз.}$$

$$1 \text{ пуаз} = 100 \text{ СПЗ}$$

$$1 \text{ СПЗ} = 10^{-3} \text{ Па} \cdot \text{с.}$$

Гидравликада кинематик қовушқоқлик коефициентидан ҳам фойдаланилади:

$$v = \frac{\mu}{\rho}; \quad (1.9)$$

$$1 \text{ см}^2/\text{с} = 1 \text{ стокс (ст)} = 100 \text{ сст}$$

Жадвалларда кинематик қовушқоқлик коефициенти қиймати берилмаган ҳолда Пуазейл (инглиз врачи) формуласидан фойдаланилади (фақат сув учун).

$$v = \frac{0,0178}{1 + 0,03376t + 0,00221t^2}, \frac{\text{см}^2}{\text{s}} \quad (1.10)$$

5. Суюқликларнинг сиқилиши ва кенгайиши.

Суюқликнинг сиқилиши ёки сиқилувчанлиги - ташқи босим ортганда ҳажмнинг камайишидир.

$$\rho_v = \frac{1}{\Delta P} \cdot \frac{\Delta V}{V}, \quad (1.11)$$

$$\Delta P = P_2 - P_1, \quad \Delta V = V_2 - V_1$$

Суюқликнинг температураси  $1^{\circ}\text{C}$  га ўзгарғандаги ҳажмнинг кенгайиши - температуравий кенгайиши дейилади.

$$\beta_t = \frac{1}{\Delta T} \cdot \frac{\Delta V}{V}, \frac{1}{k} = k^{-1} \quad (1.12)$$

$$\Delta T = T_2 - T_1$$

6. Сирт таранглик кучи - суюқликнинг ўз сатхини тўғрилаб олишиш кучидир.

$$\sigma = \frac{m}{l}, \quad (1.13)$$

Сирт таранглик кучи маълум бўлса, суюқликнинг капилляр бўйлаб кўтарилиши баландлигини топиш мумкин:

$$h = \frac{2 \cdot \sigma}{r \cdot \rho \cdot g} , \text{ м} \quad (1.14)$$

р - капилляр радиуси.

Гидростатиканинг асосий тенгламаси эйлернинг мувозанати ҳолатининг дифференциал тенгламасидан келтирилиб чиқарилади.

Эйлернинг тенгламасидан кўриниб турибдики, тинч турган суюқликнинг исталган нуқтасидаги босимнинг X ва Y ўқлари бўйича ўзгариши 0 га тенг, З ўқи бўйича эса босим ўзгаради. Шунинг учун хусусий ҳосила миқдорини билан алмаштирамиз.

$$\text{У ҳолда} \quad -\rho g - \frac{dp}{dz} = 0 \quad (1.18)$$

бундан,  $- dp / dz = 0$

тенгламанинг ўнг ва чап қисмларини  $\rho g$  га бўлиб, ишораларини ўзгартирамиз. Унда, ёки  $d(z + p/\rho g) = 0$  ҳолга келади, буни интеграллаб, қуйидагини оламиз:

$$z + \frac{p}{\rho \cdot g} = const \quad (1.19)$$

**Бу тенглама гидростатиканинг асосий тенгламаси деб юритилади.**

Умумий ҳолда бу тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин

$$P = P_0 + \rho g x \quad (1.20)$$

Бу ерда,  $P$  - гидростатик босим;

$P_0$  - тинч турган суюқлик сиртига таъсир қилаётган атмосфера босими;

х - суюқлик сиртидан ўлчанаётган нүктагача бўлган вертикал масофа.

(3 расмда) мисол келтирилган.

$$p = p_0 + \rho g (z_0 - z) \quad \text{ёки} \quad p = p_0 + \rho g x.$$

Бу тенгламалардан кўриниб турибдики, тинч ҳолатда турган суюқликнинг хар қайси нүктасида гидростатик босимнинг катталиги факат шу нүкта устидаги суюқлик устунининг баландлигига боғлиқдир.

Бу тенгламаларга кўра Паскал ўз қонунини яратди: Тинч ҳолатдаги суюқликнинг исталган нүктасига таъсир этаётган ташқи босим суюқликнинг барча нүкталарига ўзгаришсиз узатилади.

#### **4. Мувозанат ҳолатдаги турган суюқлик учун Эйлернинг дифференциал тенгламаси**

Босим - бир бирлик юзага таъсир қилаётган куч микдоридир. Агар таъсир юзаси бир нүктага қараб интилса, бу босим гидростатик босим дейилади.

$$P = \lim_{\Delta S \rightarrow 0} \frac{F}{\Delta S}; \quad \frac{H}{m^2} \quad (1.15)$$

Бу ерда:  $\Phi$  - куч, Н.;  $\Delta S$  - элементар юза,  $m^2$ .

СИ системасида: Па=Н/м<sup>2</sup>,

МКГСС системасида: кгк/м<sup>2</sup>,

СГС системасида: дн/см<sup>2</sup>.

Амалда босим физик ва техник атмосферада ўлчанади.

Физик атмосфера - нормал шароитда, яъни атмосфера ҳавоси 0<sup>0</sup> да денгиз сатхидаги ўртacha босимдир (атм).

$$1 \text{ атм} = 1,03 \text{ кгс/см}^2 = 013 \cdot 10^5 \text{ Па} = 760 \text{ мм.см.уст.} = 1,03 \cdot 10^4 \text{ кгс/м}^2 =$$

$$= 1,03 \cdot 10^4 \text{ мм.сув.уст.}$$

Техник атмосфера - техник ҳисобларда қўлланиладиган ўртacha босимдир. (ат)


$$1 \text{ ат} = 1 \text{ кгс/см}^2 = 9,81 \cdot 10^4 \text{ Па} = 735 \text{ мм.см.уст.} = 10^4 \text{ кгс/м}^2 = 10000 \text{ мм.сув.уст.}$$

$$1 \text{ ат} = 10 \text{ м.сув.уст.}, \quad 1 \text{ мм.сим.уст.} = 133,3 \text{ Па},$$

$$1 \text{ мм.сув.уст.} = 9,81 \text{ Па}, \quad 1 \text{ бар} = 750 \text{ мм.сим.уст.} = 10^5 \text{ Па} \approx 1 \text{ ат.}$$

Гидростатик босим 2 та асосий хусусиятга эга:

1. Гидростатик босим ўзи таъсир қилаётган юзага доимо тик йўналган бўлади.
2. Гидростатик босимнинг қиймати таъсир юзасининг жойлашишига боғлиқ эмас.



Расм 1.

Бу тенгламани келтириб чиқариш учун бирор идишда тинч ҳолатда турган суюқлик ҳажмидан элементар заррача (параллелепипед) ажратилади ва унга таъсир этаётган кучлар ўрганилади. (расм - 1). Бу ерда:

$$\Gamma = \rho g dV \quad \Gamma = \rho g dV \quad dV = dx dy dz$$

$x, y, z$  ўқларига проекцияланган умумий кучлар йигиндиси 0 га teng, бу ўқларга фақат гидростатик босим таъсир қиласи.

$$X \text{ ўқига проекцияси: } P dy dz - \left( P + \frac{\partial P}{\partial x} dx \right) = - \frac{\partial P}{\partial x} dx dy dz = 0$$

$$Y \text{ ўқига проекцияси: } P dx dz - \left( P + \frac{\partial P}{\partial y} dy \right) = - \frac{\partial P}{\partial y} dx dy dz = 0 \quad (1.16)$$

$$Z \text{ ўқига проекцияси: } P dx dy \left( P + \frac{\partial P}{\partial z} dz \right) = - \rho g - \frac{\partial P}{\partial z} dx dy dz = 0$$

маълумки  $dv \neq 0$ , яъни  $dx dy dz \neq 0$ . Унда юқоридаги тенгламалар системасига математик ишлов берсак, қуйидаги ҳолга келади.

$$\left. \begin{aligned} - \frac{\partial P}{\partial x} &= 0 \\ - \frac{\partial P}{\partial y} &= 0 \\ - \rho g - \frac{\partial P}{\partial z} &= 0 \end{aligned} \right\} \quad (1.17)$$

Бу тенгламалар системаси - эйлернинг мувозанат ҳолати учун дифференциал тенгламаси дейилади.

## **Назорат саволлари**

- 1.“Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш жараёни ва аппаратлари” фани нимани ўрганади?
- 2.“Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш жараёни ва аппаратлари” фани қандай асосий жараёнлардан ташкил топган?
- 3.Асосий технологик жараёнларнинг синфини кўрсатинг.
- 4.Гидромеханикжараёнлар дебнимага айтилади?
- 5.Иссиқликжараёнлари нима?
- 6.Масса алмашиниш жараёнлари нима?
- 7.Кимёвий жараёнлар деб нимага айтилади?
- 8.Механикавий жараёнларга нималар киради?
9. Гидростатик босим нима?
- 10.Босим қайси бирликларда ўлчанади?
11. Гидростатик босимнинг нечта ҳоссаси бор ва улар нимадан иборат?
- 12.Гидростатика нимани ўргатади?
- 13.Мувозанатдаги суюқлик учун эйлер тенламасини ёзинг.

## **2-мавзу Гидромеханик жараёнлар РЕЖА**

1. Гидродинамика. Суюқликларнинг тургун ва нотургун ҳаракати. Суюқлик оқимининг узлуксиз тенгламаси. Ньютоннинг ички ишқаланиш конуни.

2. Рейнольдс тажрибалари. Ламинар, утиш ва турбулент режимлари. Рейнольд критерийси ва унинг физик маъноси.

3. Ҳаракатдаги суюқликлар учун Эйлернинг дифференциал тенгламаси. Бернулли тенгламаси, физик ва энергетик маъноси. Физик ва энергетик маъноси Таянч атама ва иборалар: *Гидродинамика, суюқлик зичлиги, қовушқоқлик, сарф, тезлик, Рейнольд критерийси, ламинар, турбулент, ньютон ва ноньютон суюқликлар, бингам ва пластик суюқликлар, мавжум пластик суюқликлар, дилатант суюқликлар, узлуксизлик тенгламаси.*

### **1. Гидродинамика. Суюқликларнинг тургун ва нотургун ҳаракати.**

#### **Суюқлик оқимининг узлуксиз тенгламаси. Ньютоннинг ички ишқаланиш конуни.**

Агар суюқлик оқимида унинг заррачалари тезлиги ҳамда унинг ҳаракатига таъсир қилувчи факторлар (зичлик, температура, босим ва бошқалар) оқимнинг исталган кўндаланг кесим юзида вақт давомида ўзгармаса бундай оқим турғун ёки стационар деб аталади.

Турғун оқимда суюқлик тезлиги оқим ичида олинган нуқтанинг координаталари ( $x, y, z$ ) дан боғлиқ бўлиб, вақт ўтиши билан ўзгармайди:

$$\vartheta = f(x, y, z)$$

Нотурғун оқимда эса суюқликнинг тезлиги оқим ичида олинган нуқтанинг нафақат координаталаридан, балки вақтдан ҳам боғлиқ бўлади ёки

$$\vartheta = f(x, y, z, \tau)$$

Суюқликнинг нотурғун оқимига суюқлик сатхи ўзгариб турган идиш таглигига ўрнатилган жўмракдан чиқаётган суюқлик оқими мисол бўлади. Суюқлик сатхининг юқори бўлиши тезликнинг ошишига сабаб бўлса, унинг паст бўлиши оқим тезлигининг камайишига олиб келади.

Суюқликларнинг ҳақиқий тезлигини ўлчаш жуда қийин, чунки суюқлик заррачалари оқимнинг ҳар бир нуқтасида алоҳида тезликка эга бўлади. Шунинг учун заррачаларнинг тезлиги ўртача катталик билан аниқланади. Ҳажмий сарф миқдорининг труба кўндалан кесимига нисбати ўртача тезлик ( $w$ , м/с) дейилади:

$$W=B/C,$$

Бу ерда  $B$  – ҳажмий сарф миқдори,  $\text{м}^3/\text{с}$ ,  $C$  – трубанинг кўндаланг кесими,  $\text{м}^2$ . Юқоридаги тенгликдан:


$$B=wC.$$

**Бу тенглик секундли сарф тенгламаси** дейилади. Суюқликнинг массавий сарфи ( $\text{м}, \text{кг}/\text{с}$ ) қўйидагида аниқланади:

$$M=B\rho=wC\rho,$$

бу ерда  $\rho$  – суюқлик зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$ .

**Узлуксизлик тенгламасига мувофиқ, трубанинг ўлчамидан қатъий назар, вақт бирлигига унинг ҳар қандай кўндаланг кесим юзасидан оқаётган суюқликнинг миқдори бир хил бўлади, деган холосага келиш мумкин.** (6.1 – расм). Бу вақтда кесим юзалари  $C_1$ ,  $C_2$ ,  $C_3$  ва оқимнинг тезлиги  $\omega_1$ ,  $\omega_2$ ,  $\omega_3$  бўлади.



6.1 – расм. Узлуксизлик тенгламасини аниқлаш схемаси

Секундли сарф тенгламасига мувофиқ:

$$\omega_1 S_1 \rho_1 = \omega_2 S_2 \rho_2 = \omega_3 S_3 \rho_3 \quad (2.9)$$

ёки

$$\Gamma_1 = \Gamma_2 = \Gamma_3 \quad (2.10)$$

Бу ерда  $G = S\omega\rho$  - суюқликнинг массавий сарфи;  $\text{кг}/\text{с}$ .

Трубадан оқаётган суюқлик бир хил ва унинг зичлиги вақт бирлигига труба узунлиги бўйича ўзгармайди ( $\rho_1 = \rho_2 = \rho_3 = \rho = const$ ), шунинг учун вақтнинг исталган моментида оқиб ўтаётган суюқликнинг миқдори бир хил бўлади:

$$\omega S = const \quad (2.11)$$

Бу тенгламадан кўриниб турибдики, тезлик трубанинг кесим юзасига тескари пропорционал экан:

$$\frac{\omega_1}{\omega_2} = \frac{S_2}{S_1} \quad (2.12)$$

**Оқимнинг узлуксизлик тенгламаси** моддалар сақланиш қонунининг хусусий кўриниши бўлиб, оқимнинг моддий балансини ифодалайди. Баъзи ҳолларда оқимнинг узлуксизлиги бузилиши мумкин. Масалан, суюқликнинг қайнаши пайтида, босимнинг бирдан пасайиши натижасида, насослар иш жараёнининг айрим вақтида оқим узлуксизлиги тенгламаси шартлари бажарилмайди.

**Нютон қонунига асосан ишқаланиш кучини аниқлаш формуласи қуйидагича:**

$$P = \mu \cdot F \frac{dw}{dn} \quad (1.6)$$

бу ерда:  $P$  - ишқаланиш кучи, Н;

$\mu$  - динамик қовушқоқлик коефициенти, Па·с;

$\Phi$  - ишқаланиш юзаси.  $m^2$ ;

$\frac{dw}{dn}$  - тезлик градиенти.

Нютон қонуни формуласидан:  $\mu = \frac{m \cdot dn}{F \cdot dw} \quad (1.8)$

Динамик қовушқоқлик коефициентининг турли системалардаги ўлчов бирликлари қуйидагича:

$\mu_{си} = \text{Па}\cdot\text{с}$ ,  $\mu_{мкгс} = \text{кг}\cdot\text{с}/\text{м}^2$ ,  $\mu_{сгс} = \text{дин}\cdot\text{с}/\text{см}^2 = \text{Пуаз}$ .

1 пуаз=100 СПЗ

$1\text{СПЗ} = 10^{-3}\text{Па}\cdot\text{с}$ .

## **2. Рейнольдс тажрибалари. Ламинар, утиш ва турбулент режимлари. Рейнольд критерийси ва унинг физик маъноси.**

Курилиш махсулотлари ишлаб чиқаришнинг қўпчилик жараёнларида суюқлик мухитининг ҳаракати кузатилади. Жумладан: жараён учун зарур бўлган суюқликларнинг трубалар ёрдамида узатиш, эритиш, экстраксиялаш, гомоген системалар ҳосил қилиш ва кимёвий жараёнларда суюқлик мухитини аралаштиргич ёрдамида ҳаракатга келтириш, суюқлик оқимлари ёрдамида иссиқлик ва модда алмасиниши жараёнларини амалга ошириш.

### **Суюқликларнинг ҳаракати тезлик, сарф, босим ва бошқа катталиклар билан ҳарактерланади.**

Оқим йўналишига перпендикуляр бўлган юза орқали вақт бирлиги ичida оқиб ўтган суюқлик миқдорига **сарф** дейилади. Оқиб ўтган суюқлик миқдори ҳажм бирликларида ўлчанса **ҳажмий сарф**, масса бирликларида ўлчанса **массавий сарф** дейилади. Ҳажмий сарф  $\text{m}^3/\text{с}$ ,  $\text{m}^3/\text{соат}$ ,  $\text{л/с}$ ,  $\text{л/соат}$  бирликларида, массавий сарф эса  $\text{кг/с}$ ,  $\text{кг/соат}$  каби бирликларда ўлчанади.

Суюқлик ҳаракатланаётган трубаларнинг ички сирти маълум даражада ғадир - будирликга эга бўлганлиги сабабли у суюқлик ҳаракатига қаршилик кўрсатади. Натижада труба сиртига тегиб турган суюқлик қатлами ҳаракатланади. Труба кўндаланг кесими бўйича ҳар бир суюқлик қатлами турли хил тезликга эга бўлиб, труба марказида унинг қиймати максимал бўлади. Трубадан тўлиб оқаётган суюқлик оқимининг кўндаланг кесим юзаси бўйича, суюқлик тезлигининг ўзгариши қуйидаги схемада тасвирланган:

Труба девори яқинидаги ва марказидаги тезликлар қиймати орасидаги фарқ суюқликнинг оқим режимига боғлиқ бўлган катталик ҳисобланади.

Ҳар бир қатламдаги суюқлик тезлигини ўлчаш имконияти бўлмаганлиги сабабли гидромеханик жараёнларда суюқлик оқимининг ўртача тезлиги катталиги ишлатилади ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$\vartheta_o = \frac{V}{S} \quad (2.1)$$

бу йерда  $V$  - ҳажмий сарф,  $S$  - оқимнинг кўндаланг кесим юзаси,  $\text{м}^2$ .


Ушбу тенглама асосида суюқликнинг ҳажмий сарфи  $V = \vartheta_o \cdot S$ ,  
массавий сарфи  $G = \vartheta_o \cdot S \cdot \rho = V \cdot \rho$  тенгламалар билан аниқланиши мумкин.  
Бу йерда:  $\rho$  - суюқлик зичлиги ( $\text{кг}/\text{м}^3$ )

Оқимдаги суюқлик қатламининг ҳаракат траекторияси унинг ҳаракат режимини белгилайди. 1883 йилда инглиз физиги О.Рейнолдс биринчи бўлиб суюқликларнинг ҳаракати режимлари икки хил, яъни ламинар ва турбулент режимларга бўлиннишини тажриба орқали аниқлади. Унинг тажриба қурилмаси схемаси 6.1 - расмда келтирилган.

Резервуарда сувнинг сатхи бир хил ушлаб турилади. Унга горизонтал шиша труба бириктирилган. Шиша трубадаги оқим ҳаракатини кузатиш учун унинг ўқи бўйлаб рангли суюқлик юбориладиган найча ўрнатилган. Сувнинг трубадаги тезлиги кран орқали ростланади.

Сув оқимининг тезлиги кичик бўлганда рангли суюқлик сувга аралашмасдан тўғри чизиқ бўйлаб горизонтал ип шаклида ҳаракат қиласди. Чунки, кичик тезликда сувнинг заррачалари бир – бирига аралашмасдан, паралел ҳолда тартибли ҳаракат қиласди (5.1 – расм, а). Бундай ҳаракат *ламинар режим* деб юритилади.

Трубадаги сув оқими тезлиги кескин қўпайтирилса, рангли эритма труба бўйлаб тўлқинсимон ҳаракат қилиб сувнинг бутун массасига аралashiб кетади (5.2 – расм, в). Бу вақтда сув заррачалари ҳам бир – бири билан аралашиб, тартибсиз тўлқинсимон ҳаракат қиласди. Бундай оқим *турбулент режим* дейилади.



5.1 -расм. Рейнолдснинг тажриба қурилмаси схемаси.

- а) қурилма схемаси; б) трубадаги суюқликнинг ламинар ҳаракати;
- в) трубадаги суюқликнинг турбулент оқими; 1- рангли суюқлик юбориладиган найча; 2- суюқлик тўлдирилган идиш; 3- суюқлик оқадиган труба; 4- суюқлик ҳаракатини ростлаб турувчи кран.

Рейнолдс ўз тажрибаларида фақат тезликни эмас, балки трубанинг диаметри, суюқликнинг қовушқоқлиги ва зичлигини ўзгартириди. Бу ўзгарувчан катталиклар: тезлик  $v$ , диаметр  $d$ , зичлик  $\rho$ , қовушқоқлик  $\mu$  каби катталиклардан Рейнолдс ўлчамсиз комплекс келтириб чиқарди, яъни:

$$Re = \frac{vd\rho}{\mu} \quad (2.2)$$

Бу комплекс **Рейнолдс мезони (критерийс)** дейилади. Рейнолдс мезони критерийси ўлчовсиз маълум сон қийматга эга. Масалан, халқаро бирликлар системасида унинг сон қиймати қуидагига тенг:

$$Re = \frac{vd\rho}{\mu} = \frac{(m/s) \cdot m \cdot (\text{kg}/\text{m}^3)}{H \cdot s/\text{m}^2} = \frac{\text{kg} \cdot m}{s^2 \frac{\text{kg} \cdot m}{s^2}} = 1,$$

чунки  $1H = \frac{\text{kg} \cdot m}{s^2}$

Рейнолдс суюқликларнинг ҳаракат режимини аниқлаш билан бирга оқим ҳаракатидаги қовушқоқлик ва инерсия кучларининг ўзаро нисбатини ҳам аниқлади. Суюқликларнинг ҳаракат режими Рейнолдс мезонининг критерийсининг критик қиймати  $Re_{kp}$  билан аниқланади. Тўғри ва текис юзага эга бўлган трубалардаги суюқлик оқими учун  $Re_{kp} = 2320$  га teng. Агар  $Re < 2320$  бўлса, ламинар режим бўлади,  $Re > 2320$  бўлса, тўлқинсимон ҳаракат (турбулент режим) бўлади.  $Re > 10000$  бўлганда турғун турбулент режим бўлади.

$Pe=2300 \div 10000$  чегарада ўзгарса ўтиш соҳаси бўлиб, бу вактда бир вактнинг ўзида трубада икки хил ҳаракат мавжуд бўлади, яъни труба ўртасида суюқлик турбулент, девор яқинида ламинар ҳаракатда бўлади.

Суюқликлар ҳаракатини думалоқ кесим юзали трубалардан ташқари ҳар хил каналларда аниқлаш учун Пе мезонидаги диаметр ўрнига эквивалент диаметр катталиги ишлатилади. У ҳолда

$$Re = \frac{\omega \cdot d_s \cdot \rho}{\mu}; \quad d_s = \frac{4S}{\Pi}; \quad (2.3)$$

бу ерда  $C$  – суюқлик оқимининг кесим юзаси,  $m^2$ ;

$\Pi$  – хўлланган периметр,  $m$ .

**Хўлланган периметр** – бу суюқлик оқаётган труба кўндаланг кесимида тубанинг суюқлик билан хўлланган қисмининг периметридир

Диаметри  $d$  га teng бўлган думалоқ кесим юзали труба учун  $d_e=d$ . Агар каналнинг кесим юзаси томонлари  $a$  ва  $b$  га teng бўлган тўртбурчак бўлса, у ҳолда:

$$d_s = \frac{4S}{\Pi} = \frac{4a \cdot b}{2a + 2b} = \frac{2a \cdot b}{a + b} \quad (2.4)$$

**Оқимнинг гидравлик радиуси** – бу оқим кўндаланг кесим юзасининг хўлланган периметрга нисбатидир, яъни:

$$r_e = \frac{S}{\Pi} = \frac{d_s}{4} \quad (2.5)$$

Мисол: Турли кесимлар учун:

$$R_r = \frac{a^2}{4a} = \frac{a}{4} d_s = \frac{4a^2}{4a} = a \quad (\text{квадрат кесим}) \quad (2.6)$$

$$R_r = \frac{\pi \cdot d^2}{4\pi \cdot d} = \frac{d}{4} d_s = \frac{4\pi \cdot d^2}{4\pi \cdot d} = d \quad (\text{думалоқ кесим}) \quad (2.7)$$

$$R_r = \frac{\frac{1}{2}bh}{3b} = \frac{h}{b} d_s = \frac{4h}{6} = \frac{2h}{3}$$

(тeng томонли учурчак кесим)(2.8)

Оқимлар стационар (турғун) ёки ностационар (нотурғун) харакатда бўлишлари мумкин. Стационар оқим - оз вақт давомида суюқликнинг тезлиги ва бошқа физик катталиклари ўзгармас бўлган оқимнинг ҳаракатидир (). Ностационар оқим аниқ вақт давомида юқоридаги катталикларнинг ўзгариши тушунилади().

### **3. Харакатдаги суюқликлар учун Эйлернинг дифференциал тенгламаси. Бернулли тенгламаси, физик ва энергетик маъноси.Физик ва энергетик маъноси**

Харакатдаги суюқликлар учун Эйлернинг дифференциал тенгламаси

$$\left. \begin{array}{l} -\frac{\partial p}{\partial x} = 0 \\ -\frac{\partial p}{\partial y} = 0 \\ -\rho g - \frac{\partial p}{\partial z} = 0 \end{array} \right\} \quad (3.1)$$

Бу тенгламани келтириб чиқариш учун бизга маълум мувозанатдаги суюқлик учун эйлернинг дифференциал тенгламасидан фойдаланамиз. Динамиканинг асосий қонунига асосан, ҳаракатдаги суюқликка таъсир қилаётган кучлар проекцияларининг йифиндиси масса билан тезланишнинг кўпайтмасига teng.

$$\Pi = m \cdot a \quad m = \rho dV \quad a = \frac{dw}{d\tau}, \quad dV = dx \cdot dy \cdot dz \neq 0$$

Шуларни ҳисобга олиб, қуйидаги ифодани оламиз.

$$p = \rho \cdot dV \frac{dw}{d\tau} \quad (3.2)$$

$$\left. \begin{aligned} \rho \frac{dw_x}{d\tau} &= -\frac{\partial p_x}{\partial x} \\ \rho \frac{dw_y}{d\tau} &= -\frac{\partial p_y}{\partial y} \\ \rho \frac{dw_z}{d\tau} &= -\rho g - \frac{\partial p_z}{\partial z} \end{aligned} \right\} \quad (3.3)$$

(3.3) ҳаракатдаги идеал суюқликлар учун эйлернинг дифференциал тенгламаси.

Ейлернинг ҳаракатдаги суюқликлар учун дифференциал тенгламасида тезликлар проекцияси вақт ва координата ўқларининг функцияси ҳисобланади. Шунинг учун мураккаб функцияниң тўлиқ дифференциал қонунига асосан

$$\frac{dw_x}{d\tau} = \frac{\partial w_x}{\partial \tau} + \frac{\partial w_x}{\partial x} w_x + \frac{\partial w_x}{\partial y} w_y + \frac{\partial w_x}{\partial z} w_z \quad (3.4)$$

агар  $\frac{\partial w}{\partial \tau} = 0$  бўлса, ҳаракат турғун бўлади.

агар  $\frac{\partial w}{\partial \tau} \neq 0$  бўлса, ҳаракат нотурғун бўлади.

**Оқимнинг энергетис баланси Бернулли тенгламаси** билан ифодаланади. Гидродинамиканинг асосий тенгламаси бўлган Бернулли тенгламаси турғун ҳаракатдаги идеал суюқлик оқимининг ихтиёрий кўндаланг кесимидағи умумий босимни тавсифлайди.

**Ушбу тенглама идеал суюқлик ҳаракати учун эйлер дифференсиал тенгламасидан келтириб чиқарилади ва қуидагича ёзилади:**

$$z + \frac{P}{\rho \cdot g} + \frac{\vartheta^2}{2 \cdot g} = const \quad (3.8)$$

бу ерда  $z$  - горизонтал текисликдан суюқлик оқими кўндаланг кесими марказигача бўлган масофа;  $m$ ;  $P$  - кўндаланг кесим юзасига таъсир қилаётган босим, Па;  $\rho$ ,  $\vartheta$  - суюқлик зичлиги ( $\text{кг}/\text{м}^3$ ) ва ўртача ҳаракат тезлиги ( $\text{м}/\text{с}$ );  $g$  - эркин тушиш тезланиши, .

(3.8) тенгламанинг чап томонидаги катталиклар йиғиндиси

$(z + \frac{P}{\rho \cdot g} + \frac{\vartheta^2}{2 \cdot g})$  умумий гидродинамик босим деб аталади.

Ушбу тенгламадан кўриниб турибдики, идеал суюқликлар учун трубанинг ихтиёрий кўндаланг кесимида ёки исталган нуқталарида умумий гидродинамик босим ўзгармайди. Тенгламанинг биринчи ҳади (3) геометрик босим (ёки нивелир баландлик), иккинчи ҳади ( $P/(\rho \cdot g)$ ) статик (пезометрик) босим, учинчи ҳади динамик босим (ёки тезлик босими) дейилади.

Бернулли тенгламасига биноан, идеал суюқликларнинг турғун ҳаракатида геометрик, статик ва динамик босимлар йиғиндиси суюқликнинг бир трубадан иккинчисига ўтганида ўзгармайди (7.1 -расм), яъни


$$z_1 + \frac{P_1}{\rho \cdot g} + \frac{V_1^2}{2 \cdot g} = z_2 + \frac{P_2}{\rho \cdot g} + \frac{V_2^2}{2 \cdot g} \quad (3.9)$$

Бернулли тенгламаси энергия сакланиш қонунининг хусусий кўриниши бўлиб, оқимнинг энергетик балансини белгилайди.

**Ҳақиқий суюқликларда ички ишқаланиш кучи мавжуд бўлгани сабабли суюқлик трубаларда оқаётганда бир қисм босим бу кучни енгиш учун сарф бўлади.** Бундай шароитда Бернулли тенгламаси қўйидагича ёзилади:

$$z_1 + \frac{P_1}{\rho \cdot g} + \frac{V_1^2}{2 \cdot g} = z_2 + \frac{P_2}{\rho \cdot g} + \frac{V_2^2}{2 \cdot g} + h_0 \quad (3.10)$$

бу ерда:  $h_0$  - ишқаланиш кучини енгиш учун сарфланган босим.



## 7.1 - расм. Бернулли тенгламасининг схематик тасвири.

Бернулли тенгламаси суюқликлар ҳаракатини ўрганишда, насос ва компрессорларнинг умумий босимини топишда, суюқлик ҳамда газлар тезлиги ва сарфини аниқлашда кенг қўлланилади.

### Бернулли тенгламаси ва унинг энергетик маъноси

Эйлернинг ҳаракатдаги суюқлик учун дифференциал тенгламасининг ҳар икки томонини мос равишида  $dx$ ,  $dy$ ,  $dz$  ларга кўпайтирилиб ва  $\rho$  га бўлиб, уларнинг йифиндисини оламиз, яъни

$$\left. \begin{aligned} -\frac{1}{\rho} \frac{d p_x}{dx} dx &= \frac{dw_x}{d\tau} dx \\ -\frac{1}{\rho} \frac{d p_y}{dy} dy &= \frac{dw_y}{d\tau} dy \\ -gdz - \frac{1}{\rho} \frac{d p_t}{dz} dz &= \frac{dw_t}{d\tau} dz \end{aligned} \right\} \quad (3.11)$$

дан маълумки, буни ҳисобга олиб, системали йифиндиласак,

$$kw_x dw_x + w_y dw_y + w_z dw_z. \quad (3.12)$$

(39) дан уларнинг йифиндиси

$$d\left(\frac{w_x^2 + w_y^2 + w_z^2}{2}\right) = d\left(\frac{w^2}{2}\right) \quad (3.13)$$

ва

$$\left( \frac{d p_x}{dx} dx + \frac{d p_y}{dy} dy + \frac{d p_z}{dz} dz \right) = dp \quad (3.14)$$

чунки, тенгламанинг бу қисми босимнинг тўлиқ дифференциалини ифодалайди.

Унда (38) тенглама қуидаги кўринишга келади:  $-gdz - \frac{dp}{\rho} - d\left(\frac{w^2}{2}\right) = 0$

ёки  $d$  ни қавсдан чиқарсак,  $\int -d\left(gz + \frac{p}{\rho} + \frac{w^2}{2}\right) = 0$  ва

г га бўлиб интегралласак, **бу тенглама идеал суюқликнинг элементар оқимчаси учун Бернулли тенгламаси бўлади.**

$$z + \frac{p}{\rho g} + \frac{w^2}{2g} = \text{const} \quad (3.15)$$

Бунда бутун олам сақланиш ва гидравликанинг асосий қонунлари ифодаланади.

Бу ерда:  $z$  - геометрик дам ёки нивелир баландлик, яъни таққослаш текислигидан кесманинг оғирлик марказигача бўлган масофа.

$\frac{p}{\rho g}$  - позометрик баландлик ёки статик дам,,

$\frac{w^2}{2g}$  - динамик дам ёки тезлик ҳосил қилган баландлик, м

Бу дамлар йифиндисини тўла гидродинамик дам деб юритилади. Исталган иккита кўндаланг кесма учун, яъни икки хил диаметрли қувур учун бу tenglama қўйидагича ёзилади:

$$z_1 + \frac{p_1}{\rho g} + \frac{w_1^2}{2g} = z_2 + \frac{p_2}{\rho g} + \frac{w_2^2}{2g} \quad (3.16)$$

**Демак, Бернулли тенгламасига биноан идеал суюқликларнинг турғун харакатида тўла гидродинамик дам бир қувурдан иккинчисига ўтганда ҳам ўзгармайди.**

Бернулли тенгламасининг энергетик маъноси қўйидагича

$z$  - ушбу нуқтадаги **холатнинг** солиштирма потенциал энергиясини ифодалайди.

$\frac{p}{\rho g}$  - ушбу нуқтадаги **босимнинг** солиштирма потенциал энергиясини ифодалайди.

и

$\frac{w^2}{2g}$  - ушбу нуқтадаги солиштирма **кинетик энергияни** ифодалайди.

Демак, турғун харакатдаги идеал суюқлик учун потенциал ( $z+$ ) ва кинетик () энергиялар йифиндиси оқимнинг исталган нуқтасида ўзгармасдир. (расм 2).

Реал суюқликлар учун Бернулли тенгламаси қўйидаги кўринишга эга:

$$z_1 + \frac{p_1}{\rho g} + \frac{\alpha_1 w_1^2}{2g} + z_2 + \frac{p_2}{\rho g} + \frac{\alpha_2 w_2^2}{2g} + h_e \quad (3.17)$$

$$X_{\text{й}} = \sum X_{\text{л}} + \sum X_{\text{мк}} \quad (3.18)$$

$x_{\text{ж}}$  - йўқотилган тўла дам.

$x_e$  - трубанинг узунлиги бўйича йўқотилган дам.

$x_{\text{МК}}$  - маҳаллий қаршилик хисобига йўқотилган дам.


$\alpha$  - Кориолис коэффициенти. Бу коэффициент кўндаланг кесим бўйича тезликнинг нотекис тақсимланишини ифодалайди.

### **Бернулли тенгламасининг амалда қўлланилиши**

Бернулли тенгламаси халқ хўжалигининг қўп саноат корхоналарида суюқликнинг тезлигини, сарфини ва идишлардан суюқликларнинг оқиб чиқиш вақтини аниқлашда кенг қўлланилади.


1. Пито найчаси (расм 10) тезликни аниқлашда ишлатилади.

$$h = \frac{w^2}{2g}; w = \sqrt{2gh}, \text{ м/сек.} \quad (3.19)$$



Расм 10. Пито–Прандтл найчаси.

2. Вентури найчаси.



Расм 11. Вентури найчаси.

Расмдаги икки кесим учун Бернулли тенгламасини ёзиб, қуидаги мос үзгартиришлар, гурухлашларни бажаргач, тезлик ва сарф тенгламаси келиб чиқади:

$$\frac{p_1}{\rho g} + \frac{w_1^2}{2g} = \frac{p_2}{\rho g} + \frac{w_2^2}{2g} \quad (3.20)$$

$$\frac{w_2^2}{2g} - \frac{w_1^2}{2g} = \frac{p_1 - p_2}{\rho g} = h \quad (3.21)$$

$$\frac{w_2^2}{2g} - \frac{w_1^2}{2g} = h \quad (3.22)$$

Узлуксизлик тенгламасига асосан

$$B_{cek} = w_1 \phi_1 = w_2 \phi_2 = \dots = w_n \phi_n. \quad (3.23)$$

$$w_1 = w_2 \frac{f_2}{f_1} \quad f_1 = \frac{\pi d_1^2}{4} \quad f_2 = \frac{\pi d_2^2}{4} \quad w_1 = w_2 \frac{d_2^2}{d_1^2} \quad (3.24)$$

Буни (48) га қўйсак,

$$\frac{w_2^2}{2g} - \frac{w_1^2}{2g} \left( \frac{d_2}{d_1} \right)^4 = h \quad (3.25)$$

Бундан

$$w_2 = \sqrt{\frac{2gh}{1 - \left( \frac{d_2}{d_1} \right)^4}} \quad (3.26)$$


$$V_{cek} = \frac{\alpha \pi d_0^2}{4} \sqrt{\frac{2gh}{1 - \left(\frac{d_2}{d_1}\right)^4}}, \text{ м}^3/\text{с.} \quad (3.27)$$

бу ерда:  $d_0=d_2$ ; ва

$\alpha = f\left(Re, \frac{d_0}{d_1}\right)$  дроссел асбобларининг сарф коефициенти. Дроссел асбобларининг диаметри труба диаметридан 3-4 маротаба кичик бўлади, шу сабабли охирги тенгламадан  $(d_2/d_1)^4$  нисбатлар миқдори ҳам жуда кичик бўлгани учун бу тенгламани қуидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$V_{n\ddot{a}e} = \frac{\alpha \pi d_0^2}{4} \sqrt{2gh} \quad (3.28)$$

3. Суюқликларнинг тешиклардан оқиб чиқиши. (расм 12)



Расм12. Идишнинг тешигидан суюқликнинг оқиб чиқиши

а— ўзгармас баландликда, б— ўзгарувчан баландликда.

Икки кесим учун Бернулли тенгламасини ёзамиз ва қуидагиларни инобатга оламиз:

$$P_1=P_2, w_1=0, z_1-z_2=X$$

У ҳолда , бундан, . Реал суюқликлар учун

$$w_2 = \varphi \sqrt{2gH}. \quad (3.29)$$

Бу ерда:  $\varphi$  - тезлик коефициенти бўлиб, суюқлик тешикдан оқиб чиқаётгандаги дамнинг йўқолишини ҳисобига олинади.  $\varphi=0,97\div0,98$ .

$$\varepsilon = C_2/C_0 \text{ - сиқилиш коефициенти.} \quad (3.30)$$

$$\varepsilon = 0,61\div0,64.$$

$$\mu = \varepsilon\varphi \text{ - сарф коефициенти.} \quad (3.31)$$

$$\mu = 0,60\div0,63 \text{ у ҳолда } w_0 = w_2 = \varepsilon\varphi\sqrt{2gH} = \mu\sqrt{2gH},$$

$$Vc = \mu S_0 \sqrt{2gH}, \text{ м}^3/\text{с.} \quad (3.32)$$

Бу тенгламадан кўриниб турибдики, тешикчадан оқиб чиқаётган суюқлик миқдори тешикнинг эквивалент диаметри ва суюқликнинг баландлигига боғлиқ. Суюқликнинг баландлиги  $H_1$  дан  $H_2$  гача камайгандаги вақти қуидагича аниқланади: (расм 13)

$$\tau = \frac{2S\sqrt{H_1} - \sqrt{H_2}}{\mu \cdot S_0 \sqrt{2g}}, \text{ сек} \quad (3.33) C_0 -$$

тешикчанинг кўндаланг кесим юзаси.

$C$  - идишнинг кўндаланг кесим юзаси.

Идихдаги суюқликнинг тўлиқ оқиб чиқиш вақти қуидагича:

$$\tau = \frac{2S\sqrt{H_1}}{\mu \cdot S_0 \sqrt{2g}}, \text{ сек} \quad (3.34)$$

Думалоқ тешикдан оқиб чиқиш холи учун

$$\varepsilon = 0,64; \quad \varphi = 97; \quad \mu = 0,62 \text{ га тенг.}$$

## Назорат саволлари

1. Суюқликлар кинематикаси нимани ўргатади?
2. Гидродинамика бўлимида суюқликларнинг қайси қонуниятлари ўрганилади?
3. Турғун харакат нима?
4. Нотурғун харакат нима?
5. Оқим чизиги нима?

6. Оқим найчаси қандай күринишда бўлади?
7. Елементар оқимча нима?
8. Хажмий сарф қандай аниқланади?
9. Массавий сарфнинг тенгламасини ёзинг.
10. Узлуксизлик тенгламасини ёзинг.

## **З-мавзу Математик моделлаштириш Р Е Ж А**

**1.Математик моделлаш. ЭХМ ёрдамида моделлаш. Пассив ва актив тажриба. Тажрибаларни режалаштириш. Жараёнларни тасвирилашнинг тажрибавий-статистик усуллари ва классификацияси.**

**2.Хакикий суюқликлар харакатини ифодаловчи Навье-Стокснинг дифференциал тенгламаси. Гидродинамик ухшашик критериялари ва уларнинг физик маъноси.**

**3.Кувурларининг гидравлик каршиликлари. Ламинар ва турбулент режимларда ишқаланиш туфайли йукотилаётган напор ва босим. Махаллий каршиликлар.**

Таянч атама ва иборалар: *Гидродинамика, идеал суюқлик, томчилик суюқлик, суюқлик тезлиги, материал ва энергетик баланс, геометрик(геометрик баландлик)босим, статик(пъзегометрик) босим ламинар, турбулент реJим, Рейнолдс мезони, турбулентлик даражаси.*

**1.Математик моделлаш. ЭХМ ёрдамида моделлаш. Пассив и актив тажриба. Тажрибаларни режалаштириш. Жараёнларни тасвирилашнинг тажрибавий-статистик усуллари ва классификацияси.**

Ўхшашик назариясида, лаборатория ва синов қурилмалари моделлари натижаларига асосланиб саноат қурилмалари яратилади ва бундаги қонуниятлар ўрганилади. Бундай қонуниятлар ўхшашик қонуниятлари деб юритилади ва уларни ўхшашик назарияси текширади.

Ўхшашик шартлари қўйидагилардир: геометрик ўхшашик, вақт бўйича ўхшашик, физик катталикларнинг ўхшашилиги, бошланғич ва чегара шартларининг ўхшашилиги ва х.к.

Нютон теоремасига асосан ўхшаш ҳодисалар бир хил қийматга эга бўлган ўхшашик критерийлари билан ҳам характерланади. ўхшашик критерийси ўхшашикни белгилаб берувчи физик катталикларнинг комплексидир. Бу критерийлар олимлар номлари билан юритилади. Асосий гидродинамик критерийлар қўйидагилар хисобланади:

- Re - Рейнолдс критерийси, ўхшаш оқимлардан инерция кучларининг ишқаланиш кучларига нисбатини ва ҳаракат режимини характерлайди.

- Еу - эйлер критерийси, ўхшаш оқимлардан босимлар фарқини динамик босимга бўлган нисбатини характерлайди ёки суюқликнинг гидростатик босим ва инерция кучлари орасидаги ўзаро боқъланишни ифодалайди.

$$Fr = \frac{w^2}{g} \quad (5.1)$$

- Фр - Фруд критерийси, оғирлик кучи таъсирини характерлайди ва ўхшаш оқимлардаги инерция кучининг оғирлик кучига нисбатини ифодалайди.

$$No = \frac{wi}{l} \quad (5.2)$$

- Н<sub>0</sub> - Гомохронлик критерийси, ўхшаш оқимлардаги ҳаракатнинг турғуналигини характерлайди.

$$G = \frac{l}{d} \quad (5.3)$$

Г - Геометрик критерий.

Юқорида қайд қилинган критериал тенгламалар ўхшаш оқимларнинг ўлчамсизлигини ифодалайди.

**2.Хакикий суюқликлар ҳаракатини ифодаловчи Навье-Стокснинг дифференциал тенгламаси. Гидродинамик ухашлик критериялари ва уларнинг физик маъноси.**

## 1.2. НАВЬЕ-СТОКС ТЕНГЛАМАСИ

Реал суюқликлар учун Навье-Стокснинг дифференциал тенгламаси қўйидаги кўринишга эга:

$$\begin{aligned} \rho \frac{dw_x}{d\tau} &= - \frac{\partial p_x}{\partial x} + \mu \nabla^2 w_x \\ \rho \frac{dw_y}{d\tau} &= - \frac{\partial p_y}{\partial y} + \mu \nabla^2 w_y \\ \rho \frac{dw_z}{d\tau} &= - \rho g - \frac{\partial p_z}{\partial z} + \mu \nabla^2 w_z \end{aligned} \quad (3.5)$$

$\nabla$  - Лаплас оператори деб юритилади ва қўйидагича ифодаланади:

$$\begin{aligned}\nabla^2 w_x &= \frac{\partial^2 w_x}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 w_x}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 w_x}{\partial z^2} \\ \nabla^2 w_y &= \frac{\partial^2 w_y}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 w_y}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 w_y}{\partial z^2} \\ \nabla^2 w_z &= \frac{\partial^2 w_z}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 w_z}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 w_z}{\partial z^2}\end{aligned}\quad (3.6)$$

Ейлернинг ҳаракатдаги идеал суюқлик учун дифференциал тенгламасига биноан (з ўқи бўйича):

$$-\rho \cdot g - \frac{dp}{dz} + \mu \left( \frac{\partial^2 w_x}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 w_y}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 w_z}{\partial z^2} \right) = \rho \left( \frac{\partial w_z}{\partial \tau} + \frac{\partial w_x}{\partial x} w_x + \frac{\partial w_y}{\partial y} w_y + \frac{\partial w_z}{\partial z} w_z \right) \quad (3.7)$$

маълумки, агар бўлса, ҳаракат турғун ҳисобланади. Ўхшашлик критерийлари шу тенгламанинг бир қисмини иккинчи қисмига нисбати орқали аниқланиши мумкин, яъни га бўлинади (бирдан кичик сон чиқмаслиги учун тескари ифода олиш қабул қилинади).

$$\begin{aligned}\frac{\rho gl}{\rho w^2} &= \frac{gl}{w^2} \text{ yoki... } F_2 = \frac{w^2}{gl} \\ \frac{pl}{l\rho w^2} &= \frac{p}{\rho w^2} \text{ yoki... } Eu = \frac{\Delta p}{\rho w^2} \\ \frac{\mu w^2 l}{l^2 \rho w^2} &= \frac{\mu}{l \rho w} \text{ yoki... } Re = \frac{wl \rho}{\mu} \\ \frac{\rho wl}{\tau \rho w^2} &= \frac{l}{iw} \text{ yoki... } Ho = \frac{w \tau}{l} \\ \frac{\rho w^2 l}{l \rho w^2} &= 1 \text{ yoki... } \Gamma = 1\end{aligned}$$

Жараёнларни хисоблашда бир қатор ўхшашлик мезонларидан фойдаланилади. Ухшашлик мезонлари улчамсиз булиб, текширилаётган жараённи характерлайдиган физик катталиклардан тузилади. Бу мезонлар олимлар номлари билан юритилади. Ўхшашлик мезонлари асосан учта гурухга бўлинади:

1) гидромеханик; 2) иссиқлик; 3) диффузион ўхшашлик мезонлари.

Гидродинамик ўхшашлик критерийлари ичida Еу критерийси аниқланувчи ҳисобланади, яъни бу критерий бошқа критерийларга боғлиқ равища аниқланади.

$Ey=\phi(Re, Fr, X_0, \Gamma)$

Биринчи гурухга Рейнолдс, Эйлер, Фруд, Галилей, Гомохрон, Архимед ва бошқа мезонлар киради. Рейнолдс мезони:

$$Re = \frac{\omega d \rho}{\mu} \quad (5.10)$$

бу йерда  $w$  — суюқлик ёки газ оқимининг тезлиги, м/с;  $d$  — оқимнинг характерли ўлчами, м;  $\rho$  — суюқлик ёки газнинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $\mu$  — муҳитнинг динамик қовушқоқлиги, Па<sup>\*</sup>с.

Рейнолдс мезони ўхшаш оқимлардаги инерция кучларининг ишқаланиш кучларига нисбатини ва ҳаракатнинг режимини характерлайди.

Эйлер мезони:

$$Eu = \frac{\Delta P}{\rho \omega^2}, \quad (5.11)$$

бу йерда  $\Delta P$  — суюқлик оқимидағи босимнинг йўқолиши, Па.

Ўхшашлик назариясига асосан айрим ҳолларда юқорида келтирилган критерийлардан бошқа критерийлар тузиш ҳам мумкин. Масалан:  
Галилей критерийси:

$$Ga = \frac{Re^2}{Fr} \quad (5.12)$$

$$Ar = Ga \frac{\rho_0 - \rho}{\rho} \quad (5.13)$$

Ар - Архимед критерийси,

$\rho_0$  - заррачанинг (материалнинг) зичлиги;

$\rho$  - муҳитнинг (суюқликнинг) зичлиги.

Нютон теоремасига асосан ўхшаш ҳодисалар бир хил қийматга эга бўлган ўхшашлик критерийлари билан ҳам ҳарактерланади. Ўхшашлик критерийси ўхшашликни белгилаб берувчи физик катталикларнинг комплексидир. Бу критерийлар олимлар номлари билан юритилади. Асосий гидродинамик критерийлар қуидагилар ҳисобланади:

- Pe - Рейнолдс критерийси, ўхшаш оқимлардан инерция кучларининг ишқаланиш кучларига нисбатини ва ҳаракат режимини характерлайди.

- Eu - Эйлер критерийси, ўхшаш оқимлардан босимлар фарқини динамик босимга бўлган нисбатини характерлайди ёки суюқликнинг гидростатик босим ва инерция кучлари орасидаги ўзаро боғланишни ифодалайди.

$$Fr = \frac{w^2}{g} \quad (5.14)$$

- Fr - Фруд критерийси, оғирлик кучи таъсирини характерлайди ва ўхшаш оқимлардаги инерция кучининг оғирлик кучига нисбатини ифодалайди.

$$Ho = \frac{wi}{l} \quad (5.15)$$

- Ho - Гомохронлик критерийси, ўхшаш оқимлардаги ҳаракатнинг турғунлигини характерлайди.


$$\Gamma = \frac{l}{d} \quad (5.16)$$

Г - Геометрик критерий.

Юқорида қайд қилинган критериал tenglamalар ўхшаш оқимларнинг ўлчамсизлигини ифодалайди.

**3.Кувурларнинг гидравлик қаршиликлари. Ламинар ва турбулент режимларда ишқаланиш туфайли йўқотилаётган напор ва босим.  
Махаллий қаршиликлар.**

Гидродинамиканинг асосий масалаларидан бири - қувурлардаги ҳаракатланаётган суюқликнинг дами ёки босим йўқолишини аниқлашдир. чунки йўқотилган дамни билмай туриб энергия сарфини ҳисоблаш мумкин эмас. Трубалардаги дам асосан ички ишқаланишни ва маҳаллий қаршиликларни енгишга сарф бўлади. Ички ишқаланиш кучи трубанинг узунлиги бўйлаб мавжуд бўлади ва унинг катталиги суюқликнинг оқиш режимига боғлиқдир. Ундан ташқари трубалардаги ҳаракатланаётган суюқлик маҳаллий қаршиликларга дуч келади ва унинг оқим тезлиги ва йўналиши ўзгаради. Бу ҳам энергия йўқотишига олиб келади. Маҳаллий қаршиликларга: трубадаги жўмраклар, тирсаклар, торайган ва кенгайган қисмлари, ҳар хил тўсиқлар киради.



Расм 4.2 . Маҳаллий қаршиликлар.

а – трубанинг бирдан кенгайиши; б – трубанинг бирдан торайиши;  
в – трубанинг текис бурчак остида тўғри бурилиши; г – тўғри бурчак  
остида трубанинг бирдан бурилиши; д – тиқинли кран; е – стандарт  
вентил (егилган шпиндел билан)

**Гидравлик қаршиликлар.** Ҳақиқий суюқликлар трубадан ёки  
каналлардан оқаётганда босимнинг бир қисми ички ишқаланиш кучини енгиш  
учун ҳамда ҳаракат йўналишини ўзгартиргандан ва оқим тезлиги ўзгарганда  
йўқолади. Демак, босимнинг йўқолиши ички ишқаланиш қаршилигини ва  
маҳаллий қаршиликни йенгиш учун сафр бўлади.

Гидравлик қаршиликларни ҳисоблаш катта амалий аҳамиятга эга. Йўқотилган  
босимни билмасдан насос ва компрессорлар ёрдамида суюқлик ва газларни  
узатиш учун керак бўлган энергия сарфини ҳисоблаш қийин. Трубадан суюқлик  
оқаётганда ички ишқаланиш кучи трубанинг бутун узунлиги бўйича мавжуд  
бўлади. Унинг катталиги суюқликнинг оқиш режимига (ламинар, турбулент)  
боғлиқ.

Маҳаллий қаршиликлар натижасида суюқликнинг ҳаракат йўналиши ва тезлиги  
ўзгаради. Трубадаги вентиллар, тирсак, жўмрак, торайган ҳамда кенгайган  
қисмлар ва ҳар хил тўсиқлар **маҳаллий қаршиликлар** дейилади (4.2 - расм).  
Труба ва каналларда ички ишқаланиш ва маҳаллий қаршиликлар натижасида  
йўқотилган босим **Дарси – Вейсбах тенгламаси** орқали аниқланади:

$$\Delta P = \lambda \frac{l \rho v^2}{d_s \cdot 2} \quad (4.1)$$

бу йерда  $\lambda$  - ички ишқаланиш коеффициенти;  $l$  – труба узунлиги, м;  $v$  - оқимнинг ўртача тезлиги, м/с;  $d_e$  - трубанинг эквивалент диаметри, м;  
 $\rho$  - суюқликнинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>.

Тўғри ва силлиқ трубаларда суюқлик оқими **ламинар** ҳаракатда бўлса, ишқаланиш коеффициенти трубанинг ғадир - будирлигига боғлиқ бўлмайди ва қуйидаги тенглик орқали аниқланади:

$$\lambda = \frac{A}{Re} \quad (4.2)$$

бу йерда  $A$  – труба шаклини ҳисобга олувчи коеффициент: думалоқ трубалар учун  $A=64$ , квадрат шаклидага каналлар учун  $A=57$ ;  $Re$ - Рейнолдс мезони.

Гидравлик жиҳатдан силлиқ трубалар учун  $Re$  нинг қиймати  $4 \cdot 10^3$  дан  $10^4$  гача бўлганда ишқаланиш коеффициентини **Блазиус тенгламаси** орқали аниқлаш мумкин:

$$\lambda = \frac{0,316}{Re^{1/4}} \quad (4.3)$$

**Турбулент** оқимда ишқаланиш коеффициентининг катталиги режимга ҳамда трубанинг ғадир – будирлигига боғлиқ. Трубанинг ғадир – будирлирлиги абсолют геометрик ва нисбий ғадир – будирликлар билан характерланади. Труба деворларидағи ғадир – будирликлар ўртача баландлигининг труба узунлиги бўйича ўзгариши **абсолют геометрик ғадир – будирлик** дейилади.

Труба деворларидағи ғадир – будирликлар баландлигининг ( $\Delta$ ) трубанинг эквивалент диаметрига ( $d_e$ ) нисбати нисбий ғадир – будирлик дейилади ва  $\varepsilon$  билан ифодаланади:

$$\varepsilon = \frac{\Delta}{d_s} \quad (4.4)$$

Турбулент режим учун ишқаланиш коеффициенти  $\lambda$  ни топишда қуйидаги тенгламадан фойдаланиш мумкин:

$$\frac{1}{\sqrt{\lambda}} = 21g \left[ \frac{\varepsilon}{3.7} + \left( \frac{6.81}{Re} \right)^{0.9} \right] \quad (4.5)$$

Маҳаллий қаршиликлардаги босимнинг йўқотилиши қуйидаги тенглама орқали топилади:

$$\Delta P_{mk} = \sum \xi_{mk} \frac{\rho \omega^2}{2} \quad (4.6)$$

бу йерда  $\xi_{mk}$  - маҳаллий қаршилик коеффициенти (4.2 – жадвалга қаранг) унинг қиймати тажриба йўли билан аниқланади.

4.2 – жадвал.

#### Маҳаллий қаршилик коеффициентлари


Маҳаллий қаришилик турлари	Маҳаллий қаршилик коеффициентининг қийматлари
Трубага кириш	0.5
Трубадан чиқиш	1.0
Кран тўла очик бўлганда	0.2
Тирсак учун	1.1
Нормал вентил	4.5 – 5.5
Труба бурилиши 90° бурчак остида бўлса	0.14

Ички ишқаланиш ва маҳаллий қаршиликларни енгиш учун умумий сарф бўлган босим қуйидагига teng:

$$\Delta P = \left( \lambda \frac{l}{d_s} + \sum \xi_{mk} \right) \frac{\rho v^2}{2} \quad (4.7)$$

#### Никурадзе ва Мурин графиклари.

1932 йилда И.Никурадзе ишқаланиш коеффициентининг Re сонига ва ғадир-будурликка ўзаро боғлиқликни тажриба орқали ўрганиб ўз графикини яратади.



Расм 16. Ишқаланиш коефициентининг Pe сонига ва ғадир-будурликка ўзаро боғлиқлиги графиги.

Ишқаланиш коефициенти ишқаланиш турларига боғлиқ. Ишқаланиш турлари соҳалараро характерланади. Никурадзе графигидаги соҳалар куйидагиларни билдиради:

I соҳа. Ламинар режим соҳаси  $Pe \leq 2320$

$$\lambda = \phi(Re). \quad (4.8)$$

II соҳа. Силлиқ трубалар соҳаси енг ўтиш режими соҳаси.

$$2320 < Pe < 10000.$$

$$\lambda = \phi(Re). \quad (4.9)$$

III соҳа. ғадир-будур трубалар соҳаси. Енг турбулент режим соҳаси.

$$Pe > 10000, \lambda = \phi(Re, \varepsilon).$$

$$\lambda = 0.4 \varepsilon^{0.25}. \quad \text{Шифринсон формуласи.} \quad (4.10)$$

IV. Автомодел соҳаси ёки квадрат қаршиликлар соҳаси деб ҳам аталади.

$$Pe > 10000, \lambda = \phi(\varepsilon).$$

Фilonенко формуласи. (4.11)

Никурадзе графиги сунъий Ғадир-будурлигига эга бўлган трубалар учун мосдир, 1948 йилда Г.А. Мурин амалда қўлланиладиган трубаларнинг гидравлик қаршиликларини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказиб ўз графигини яратди.

## Назорат саволлари

1. Мувозанатдаги суюқлик учун эйлер тенгламасини ёзинг.
2. Гидростатиканинг асосий тенгламаси нимани билдиради?
3. Нуқтадаги босим қандай аниқланади?
4. Текис юзага бўлган босим кучи қандай аниқланади?
5. Бернулли тенгламаси қандай келтириб чиқарилади?
6. Бернулли тенгламаси аъзоларининг геометрик ва энергетик маъноси нима?
7. Идеал суюқликлар элементар оқимчаси учун Бернулли тенгламасини ёзинг.
8. Реал суюқликлар элементар оқимчаси учун Бернулли тенгламасини ёзинг.
9. Реал суюқликлар оқими учун Бернулли тенгламасини ёзинг.
- 10.Бернулли тенгламасидан қайси соҳаларда қўлланилади?
- 11.Пито найчаси ёрдамида нима аниқланади?
- 12.Вентури найчаси ёрдамида тезликни аниқлаш тенгламасини ёзинг.
- 13.Бернулли тенгламасидаги  $X_{\text{пр}}$  нимани билдиради?

## **4-мавзу Донадор қатлам**

### **P Е Ж А**

1.Донадор қатламнинг гидравлик каршилиги. Донадор материалларнинг мавхум кайнаши.

2.Мавхум кайнаш катлами холатларининг турлари. Мавхум кайнаш бошланиши ва учиб чикиш тезликлари. Мавхум кайнаш катламининг  $P = f(W)$  графики.

3.Турли жинсли системалар ва уларни ажратишнинг гидромеханик усуллари. Ажратиш усулларининг классификацияси. Огирилик ва босимлар фарки кучлари ёрдамида ажратиш.

Таянч атама ва иборалар: *Мавхум қайнаш, фильтраш, бир жинсли, турли жинсли, гидравлик қаршилик, критик тезлик, чикиш тезлиги, поршенли қайнаш, каналли қайнаш, фонтансимон қайнаш, импулсли циркуляция, вибрация, фавворали қатлам, бўшлиқ, пневмо ва гидротранспорт*

### **1.Донадор қатламнинг гидравлик каршилиги. Донадор материалларнинг мавхум кайнаши.**

Донасимон материаллар қатлами гидравлик қаршилик, солиширма юза, заррачалар орасидаги бўшлиқ ҳажм каби катталиклар билан ҳарактерланади.

Донасимон материаллар орасидаги бўшлиқ ҳажмнинг қатлам ҳажмига нисбати **бўши ҳажм** дейилади.

$$\varepsilon = \frac{V - V_3}{V} \quad (6.4)$$

бу йерда  $V$  - қатлам ҳажми;  $V_3$  - заррачаларнинг умумий ҳажми.

Бўш ҳажмнинг қиймати тажриба орқали аниқланади.

Донасимон қатламнинг гидравлик қаршилиги суюқлик оқимида босимнинг йўқолиши формуласидан аниқланади.

$$\Delta P = \lambda \frac{l}{d_e} \cdot \frac{\rho \cdot g^2}{2} \quad (6.5)$$

бу йерда  $\lambda$  - умумий қаршилик коеффициенти бўлиб, қатламдаги барча гидравлик қаршиликларни ўз ичига олади; 1- қатламнинг баландлиги;

- мос ҳолда қатламдан ўтаётган мухитнинг зичлиги ва тезлиги,

$d_e$  - эквивалент диаметр:

$$d_e = \frac{2 \cdot \varphi \cdot \varepsilon \cdot d}{3(1 - \varepsilon)} \quad (6.6)$$

$d$  - заррачанинг ўлчами;  $\varphi$  - заррачаларнинг шаклини белгиловчи катталик

$$\varphi = \frac{F_{uu}}{F} \quad (6.7)$$

- қатламдаги заррачанинг юзаси;  $F_{uu}$  - ҳажми текширилаётган заррача ҳажмига тенг бўлган шарнинг юзаси.

Шарсимон заррачалар учун  $\varphi = 1$ , куб шаклидаги заррачалар учун  $\varphi = 0,806$  баландлиги радиусидан 10 марта катта бўлган силиндрик заррачалар учун  $\varphi = 0,69$ . Агар қатламнинг солиштирма юзаси ва бўш ҳажми маълум бўлса эквивалент диаметр қўйидагича топилади:

$$d_e = \frac{4 \cdot \varepsilon}{a} \quad (6.8)$$

бу ерда  $a$  - солиштирма юза.

Солиштирма юза махсулот қатламиининг ҳажм бирлигига жойлашган ҳамма заррачалар юзасидан иборат:

$$a = \sum_{i=1}^n F_i / V \quad (6.9)$$

Агар қатлам кўп ўлчамли заррачалардан иборат бўлса, у ҳолда заррачаларнинг диаметри қўйидагича топилади:

$$d = 1 / \sum_{i=1}^n \frac{x_i}{d_i} \quad (6.10)$$

бу ерда - диаметри бўлган заррачаларнинг массавий улушки.

Донадор заррачалар қатламидан ўтаётган суюқлик тезлигини аниқлаш кийин, шунинг учун дастлаб қуидаги тенгламадан суюқликнинг мавхум тезлиги аниқланади:

$$\vartheta_0 = V / F \quad (6.11)$$

$V$  - суюқликнинг ҳажмий сарф;  $F$  - қатлам кўндаланг кесими юзаси.

Суюқликнинг ҳақиқий тезлиги эса қуидаги тенгламадан аниқланади:

$$\vartheta = \frac{\vartheta_0}{\varepsilon} \quad (6.12)$$

Умумий қаршилик коефициенти қуидаги формуладан аниқланади:

$$\lambda = \frac{133}{Re} + 2.54 \quad (6.13)$$

Тенгламадаги  $Re$  - Рейнолдс мезони қуидагича ҳисобланади

$$Re = \frac{4 \cdot \vartheta_0 \cdot \rho}{a \cdot \mu} \quad (6.14)$$

бу ерда - мос ҳолда суюқликнинг динамик қовушқоқлик коефициенти ва зичлиги.

**2.Мавхум қайнаш катлами холатларининг турлари. Мавхум қайнаш бошланиши ва учеб чикиш тезликлари. Мавхум қайнаш катламининг  $P = f(W)$  графики.**

Тўр тўсиқ билан иккига ажратилган идишда, тўсиқдан юқорига донадор қаттиқ материалларни солиб тўсиқ остидан маълум тезлиқда газ ёки суюқлик оқими берилганда **мавхум қайнаш** катлами юзага келиши мумкин.

**Мавхум қайнаш катлами ҳосил бўлиши учун оқимнинг босим кучи билан заррачаларнинг оғирлик кучи тенг бўлиши керак.** Бу жараённинг юзага келишига асосан идишга берилаётган газ ёки суюқлик оқимининг тезлиги сабаб бўлади.

Қаттиқ заррачаларнинг тинч ҳолатдан мавхум қайнаш катламига ўтиш вақтидаги оқимнинг тезлиги **биринчи критик тезлик** дейилади.

Агар оқим тезлигини ошириб борилса, у маълум қийматга етганда оқимнинг босим кучи заррачаларнинг оғирлик кучидан ошиб кетиб заррачалар оқим билан бирга идишдан чиқиб кета бошлайди. Бу ҳолатга тўғри келадиган оқим тезлиги **иккинчи критик тезлик** дейилади.


Агарда оқим тезлиги биринчи ва иккинчи критик тезликлар оралиғида ва заррачалар қатлам бўйича бир хил тақсимланган бўлса, у бир жинсли мавҳум қайнаш қатлами, бир хил тақсимланмаган бўлса турли жинсли мавҳум қатлам дейилади.

Агарда жараён бораётган идиш ёки қурилманинг диаметри жуда кичик бўлса бунда заррачаларнинг **поршенли харакати** юзага келади.

Намлиги жуда юқори бўлган ёки ўлчами жуда кичик бўлган заррачалар мавҳум қайнаш ҳолатига келтирилса **канал ҳосил қилувчи қатлам** пайдо бўлади.

Конуссимон ва конус-силиндрсимон қурилмаларда канал ҳосил қилувчи қатлам **фонтанли қатламга** айланади (13.6- расм).

**Мавҳум қайнаш қатлами учун биринчи критик тезлик қўйидаги тенгламадан аниқланади.**



13.6- расм. Мавҳум қайнаш қатламининг турлари.

а) поршенли қайнаш қатлами; б) каналли қайнаш қатлами; в,г) фонтансимон қайнаш қатлами;

$$Re_{kp} = Ar / \left( 1400 + 5,22 \cdot \sqrt{Ar} \right) \quad (7.1)$$

бу йерда

$$Ar = \frac{d^3(\rho_{\kappa} - \rho_m)}{\mu^2} \quad (7.2)$$

$$Re_{kp} = \vartheta_o d\rho / \mu \quad (7.3)$$

бу йерда  $d$  - қаттиқ заррача диаметри,  $\rho_m$  - мұхитнинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $\vartheta_o$  - қаттиқ заррача зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $\mu$  - мұхитнинг динамик қовушқоқлик коефициенти, Па с

Қўзғалмас қатлам ва мавҳум қайнаш қатлами орасидаги боғланиш

$$H(1-\varepsilon) = H_o(l-\varepsilon_0) \quad (7.4)$$

бу йерда  $H, H_o$  - мос ҳолда, мавҳум қайнаш қатлами ва қўзғалмас қатлам баланддиклари;  $\varepsilon, \varepsilon_0$  - мос ҳолда, шу қатламларнинг бўш ҳажми.

Мавҳум қайнаш жараёни мавҳум қайнаш сони билан ҳарактерланади:

$$k_w = \vartheta / \vartheta'_0 \quad (7.5)$$

- қурилманинг тўла кесим юзига нисбатан олинган оқимнинг иш тезлиги;
- биринчи критик тезлик;
- заррачаларнинг аралashiш интенсивлигини кўрсатади. Энг интенсив аралashiш = 2 бўлганда содир бўлади.

Иккинчи критик тезлик қўйидаги формуладан топилади:


$$Re = \frac{Ar}{18 \cdot 0,62 \cdot \sqrt{Ar}} \quad (7.6)$$

Оқим билан қатлам заррачаларини тулик олиб чикишдаги тезлик олиб чикиш тезлиги ёки эркин учиш тезлиги дейилади.

Мұхит тезлигінің қийматыға күра (4.23-расм) уча режим мавжуд: 1) фильтраш ( $\omega < \omega_{sp1}$ ); 2) мавхум қайнаш қатлами ( $\omega \geq \omega_{sp2}$ ); 3) материал заррачаларинн оқим билан чиқиб кетиши ( $\omega > \omega_{sp2}$ ).

Мавхум қайнаш ҳолатида баландлығы Н бүлған қатламнинг кесимида босым ва оғирлик күчиннің балансы рүй берады, яғни:

$$\frac{\Delta P_e}{H} = (\rho_{k3} - \rho_u)(1 - e)g, \quad (4.59)$$



4.23-расм. Мавхум қайнаш этри чынкдары:

- а) иштөн қолат үчүн;
- б) диккәй сөр жеткес заррачалар орталашмас үчүн;
- в) күп өткөли заррачалар орталашмас үчүн

Мавхум қайнашдан кейин оқимнинг қатламдаги тезлиги камаядиган бўлса, гистерезис ходисаси қозатилади. Бунда қўзғалмас қатламнинг гидравлик қаршилиги оқим тезлигига боғлиқлиги АВС чизиқ билан қўзғалмас қатламнинг зичлиги муаллақ қайнашдан кейин биринчи кам бўлади. Муаллақ қатламининг мавжуд бўлиш чегараси қайновчи қатлам тезлиги паст бўлғанлиги учун бир мунча секинлашади. Шуни нарсани таъкидлаш керакки қўзғалмас қатламда муаллақ қатлам ҳолатига ўтишда модда заррачалариннің қатлами учун бир хил дисперслик характерли бўлмайди. Поли дисперс қатламлар учун нафақат қайновчи қатламли балки, қайновчи қатламнинг тезлик соҳаси кўпроқ характерлидир. бу соҳада қўзғалмас қатламидан тўлиқ мавхум қайновчи қатламига айтилади. Тезлиги қиймати  $\omega_0$  нинг мавхум қайнаш тезилиги бошланишига нисбати мавхум қайнаш тезлиги дейилади.

Бир жинсли мавхум қайнашни томчили суюқликлар оқимида фақатгина қаттиқ заррачаларнинг мавхум қайнашыда кузатиш мумкин. бунда тезликнинг юкори томонга оқиб бориши қатлам қалинлигининг мос равища ортишига олиб келади. Бунда заррачалар орасидаги масофа ортиб бориб, суюқлик эркин хажмда улар орасида узлуксиз оқим кўринишида харакатланади. Лекин саноатда кўпинча газ – қаттиқ фаза системасидаги мавхум қайнашдан кўпроқ фойдаланилади. Бундай системалар учун мавхум қайнаш бир жинсли хисобланмайди. Яъни бунда газнинг бир қисми қатлам орқали бутун оқим

кўринишида эмас балки пуфакчалар кўринишида харакатланади. Бу эса қатлам қаплинлигининг ўзгаришига сабаб бўлади. Мавхум қайнаш сони қиймати хали кичик бўлганда қатламнинг бир жинслиги унинг характеристикасига таъсир кўрсатмайди.

Аксинча харкатланаётган пуфакчалар заррачаларнинг қатламдаги аралashiшини тезлаштиди. Лекин газ оқимининг тезлиги анча катта бўлганда қатламнинг бир жинсли эмаслиги ортиб боради. Бунда қатлам орасига йирик ўлчамли пуфакчалар кириб олиб қаттиқ заррачаларни қатлам шиддат билан ота бошлайди. Газ пуфакчалари шу даражада ортиб кетадики, нихоят унинг ўлчами аппарат диаметрига teng бўлиб қолади. Бу эса қаттиқ заррачаларни кўп миқдорда отилишига олиб келади. Бундай режим поршенли мавхум қайнаш режими дейилади.

Кейинги йилларда кимё ва бошқа саноат тармокларида газларнинг майда донадор қаттиқ модда заррачалари билан узаро таъмирлашиши билан боғлиқ булган жараёнлари хам куп учрамокда. Бундай қаттиқ заррачалар кайновчи ёки мавхум кайновчи холатда булади. Кайновчи қатламли аппаратлардан сочилувчан материалларни аралаштириш қуидириш жараёнларни олиб бориш, иссилик алмашиниш, куритиш, адсорбция каталитик ва бошқа жараёнларни амалга оширишда фойдаланилади.

Қайновчи қатламли жараёнларнинг бундай кенг таркалиши уларнинг бир қанча афзалликларга эга бўлишлик билан тушинтирилади. Бунда шуни такидлаб ўтиш керакки мавхум қайнаётган модда заррачалари кўзгалмас қатламдаги материалнинг заррачаларидан бир мунча кичик бўлади. Кайновчи қатламнинг гидравлик каршилиги бир мунча кичик булиб, заррача улчамларининг камайиши уларнинг оқим билан учрашиш сиртини ошишига олиб келади ва заррача ичидаги диффузия каршилигини камайтиради. Бунинг натижасида қўпгина жараёнларнинг тезликлар ортади. Суюкликларнинг донадор қатлам оркали харакатланиш конуниятлари оқимдаги хар кандай тезлиқда ҳам амал килинади. Факатгина унинг юқоридан пастга харакатланишида бу конуниятлар оқим тезлигининг қатлам турғунлигининг бузилишига олиб келадиган тезлиқдан катта бўлмаслигига риоя килиш керак.

**3.Турли жинсли системалар ва уларни ажратишнинг гидромеханик усувлари. Ажратиш усувларининг классификацияси. Огирилик ва босимлар фарки кучлари ёрдамида ажратиш.**

Ҳар хил фазалардаги моддаларнинг механик аралашмаси турли жинсли системалар дейилади. Бу аралашмалар асосан ишлаб чиқариш жараённида юзага келади.

Фазаларнинг физик ҳолатига кўра турли жинсли системалар қўйидаги турларга бўлинади: суспензиялар, эмулсиялар, кўпиклар, чанглар, тутунлар ва туманлар.

Суюқлик ва қаттиқ модда заррачалари аралашмаси **суспензия** дейилади.

**Емулсия** - ўзининг зичлиги билан бир-биридан фарқ қиласиган, ўзаро эримаган икки хил суюқлик аралашмасидир.

Суюқлик ва газдан иборат система **кўпиклар**, қаттиқ модда ва газдан иборат система **чанглар** дейилади. Чанг таркибидаги қаттиқ заррачалар ўлчами 3 - 70 мкм бўлади.

Тутун ҳам газ ва қаттиқ заррачалар аралашмаси бўлиб, ундаги қаттиқ заррачалар ўлчами 0,3 мкм дан 3 мкм гача бўлади.

Туманлар суюқ ва газ фазалари аралашмаси бўлиб, бунда суюқлик заррачалари ўлчами 0,3-0,5 мкм бўлади.

**Турли жинсли системаларни фазаларга ажратишнинг асосан икки усули, яъни чўқтириш ва филтрлаш усуллари мавжудdir.**

Чўқтириш - суюқ ва газсимон турли жинсли системаларни гравитасион, инерсия (марказдан қочма) ва электр майдон кучлари таъсирида алоҳида фазаларга ажратишdir. Шунга мос ҳолда гравитасион чўқтириш, сиклонлар ва чўқтирувчи сенрифугалар ёрдамида чўқтириш ҳамда электр майдонда чўқтириш жараёнлари мавжуд.

Филтрлаш - суюқлик ва газсимон турли жинсли системаларни ғоваксимон филтр тўсиқ ёрдамида алоҳида фазаларга ажратиш жараёнидир. Бунда ғоваксимон тўсиқ суюқлик ва газни ўтказиб, унинг таркибидаги қаттиқ заррачаларни сақлаб қолиш хусусиятига эга бўлиши шарт.

### **Гравитасион майдон таъсирида чўқтириш**

Оғирлик кучи таъсирида суюқлик ва газсимон системалар таркибидаги қаттиқ ёки суюқ заррачаларни ажратиш гравитасион майдон таъсирида чўқтириш ёки тиндириш деб аталади. Тиндириш суспензия, эмулсия ва чангларни бирламчи ажратиш учун ишлатилади. Жараённинг тезлиги кичик. Тиндириш жараённида турли жинсли системани дисперс ва дисперсион фазаларга тўлиқ ажратиб бўлмайди. Бироқ энергетик харажатлари кичик ва

тузилиши мураккаб бўлмаганлиги туфайли тиндириш қурилмалари озиқсаноатида кўлланиб келинмоқда.

Чўктириш жараёни ҳар хил конструксияли чўктирувчи қурилмаларда олиб борилади.

Чўктириш жараёнида қуидаги шартларга риоя қилиш керак: турли жинсли системанинг қурилмада бўлиш вақти заррачаларнинг чўкиш вақтига тенг ёки катта бўлиши керак; оқимнинг чизиқли тезлиги чўкиш тезлигидан кичик бўлиши керак. Биринчи шартга риоя қилинмагандага қурилмада заррачалар ажралишга ва чўкишга улгурмайди, иккинчиси бузилганда оқим қурилмалардан қаттиқ заррачаларни олиб кетади.

Гравитасион куч таъсирида чўкаётган заррачаларга ўзининг оғирлик кучи, мухитнинг қаршилик кучи ва Архимед кучи таъсир қиласи.

Оғирлик ва Архимед кучлари орасидаги фарқ чўктириш жараёнининг харакатлантирувчи кучидир:

$$P = G - A = \frac{\pi \cdot d^3}{6} \cdot g (\rho_{k_3} - \rho_m) \quad (10.1)$$

бу йерда  $d$  - заррача диаметри;  $\rho_{k_3}$  ва  $\rho_m$  - мос ҳолда қаттиқ заррача ва мухит зичликлари.

Мухитнинг қаршилик кучи заррача харакатига тескари йўналган бўлиб инерсия ва ишқаланиш кучларидан иборат:

$$R = 3 \cdot \pi \cdot d \cdot \mu \cdot \vartheta \quad (10.2)$$

бу йерда  $\mu$  - мухитнинг динамик қовушқоқлик коеффициенти, Па с;  $\vartheta$  - заррачанинг эркин чўкиш тезлиги, м/с.

Чўкаётган заррача дастлаб тезроқ чўкади, бир оз вақт ўтгач, мухитнинг қаршилик кучи ҳаракатлантирувчи кучга тенглашганда у ўзгармас тезликда чўка бошлайди, бу **чўкиш тезлиги** дейилади.

Чўктириш жараёни даврий ёки узлуксиз ишлайдиган чўктириш қурилмаларида олиб борилади.

## **Марказдан қочма куч майдонида чўқтириш**

Чанглар, суспензиялар ва эмулсияларни фазаларга ажратишни тезлаштириш мақсадида чўқтириш жараёни марказдан қочма куч таъсирида олиб борилади.

Марказдан қочма куч ҳосил қилиш учун икки хил техник усул қўлланилади: 1) суюқлик ёки газсимон турли жинсли система оқими қўзғалмас қурилмага тангенсиал патрубка орқали катта тезликда киритилади ва у қурилма ичида катта бурчак тезликда айланади; 2) қурилманинг ўз ўқи атрофида катта бурчак тезликда айланувчи барабанга суспензия ёки эмулсия оқими киритилиб, у барабан билан биргалиқда айланади. Биринчи усулда жараён сиклонларда, иккинчисида эса чўқтирувчи сентрифугаларда амалга оширилади.

Жараён бу усулда амалга оширилганда турли жинсли система таркибидаги қаттиқ заррачага марказдан қочма куч таъсир қилиб, бу куч таъсирида заррача қурилма марказидан деворига томон харакатланади. Бу куч миқдори қуийдаги формуладан аниқланади:

$$G_m = m \cdot \omega_r^2 / r \quad (10.3)$$

бу йерда  $m$  - заррача массаси, кг;  $r$  - айланиш радиуси, м;  $\omega_r$  - қурилма ичида айланётган махсулотнинг айланма тезлиги,  $\omega_r = \pi \cdot n \cdot r / 30$ , м/с;

Ушбу қучни оғирлик кучи билан таққослаб, марказдан қочма куч майдонида чўқтиришнинг қанчалик интенсив боришини аниқлаш мумкин:

$$\frac{G_m}{G} = \frac{m \cdot \omega_r^2 / r}{m \cdot g} = \frac{\omega_r^2}{r \cdot g} = k_a \quad (10.4)$$


Ушбу  $k_a$  - катталик ажратиш фактори деб аталади ва марказдан қочма куч майдонида чўкаётган заррачага гравитасион майдондагига нисбатан неча марта катта куч таъсир килаётганлигини кўрсатади.

**Чўқтириш учун мўлжалланган жихозлар ишлаш принсипига кўра гравитасион чўқтиргичлар, чўқтирувчи сентрифугалар, гидросиклонлар**

**ва сепараторларга бўлинади. Чўктириш қурилмалари даврий, узлуксиз ва ярим узлуксиз режимда ишлайдиган қурилмаларга бўлинади.**

Даврий ишлайдиган чўктириш қурилмасининг корпуси силиндрсимон идишдан иборат бўлиб унга суспензия юқоридан берилади. Суспензия қурилмада маълум вақт тиндирилгандан сўнг заррачалар қурилманинг пастки қисмига чўкади. Қурилманинг юқори қисмida эса тозаланган қатлам ҳосил бўлади. Бу тозаланган махсулот (декантат) қурилманинг ён томонида жойлашган штусер орқали чиқариб олинади, сўнгра эса чўкма туширилади. Шундан сўнг қурилма ювилади ва жараён қайтадан бошланади.


Узлуксиз ишлайдиган чўктирувчи қурилманинг тароқлари бўлиб, суспензияларни тиндириш учун ишлатилади. Ушбу чўктирувчи қурилма баландлиги унча катта бўлмаган катта диаметрли силиндрсимон резервуардан иборат бўлиб, конуссимон асосга эга. Дастребки суспензия резервуарнинг ўрта қисмига берилади. Суспензия таркибидаги қаттиқ заррачалар оғирлик кучи таъсирида чўкади. Резервуарнинг ўртасида вал ўрнатилган бўлиб, унга тароқлар бириктирилган.



10.1 -расм. Узлуксиз ишлайдиган чўктириш қурилмаси

Ушбу тароқлар чўкаётган заррачаларни узлуксиз равишда чўкма тушириладиган патрубка томон силжитиб туради. Тарокли аралаштиргич жуда

кичик тезлик (0,02 - 0,05 айл/мин) билан айланади. Шу сабабли аралаштиргичнинг ҳаракати чўкиш жараёнига таъсир қилмайди. Тозаланган суюқлик қурилманинг юқори қисмидаги ҳалкасимон тарнов орқали узлуксиз чиқиб туради. Бундай чўқтирувчи қурилманинг асосий камчилиги катта ўлчамга эга эканлигидир. 10.1 - расмда узлуксиз ишлайдиган чўқтириш қурилмаси келтирилган бўлиб, кўрилма ҳалкасимон тарнов 1, аралаштиргич 2, аралаштиргичнинг тароксимон иш органи 3, чўкма чиқариладиган патрубка 4, конуссимон таглик 5 ва силиндрик резервуар 6 дан иборат.



10.2- расм. Кўп ярусли чўқтириш қурилмаси.

Турли жинсли системаларни фазаларга ажратишнинг асосан икки усули, яънис ҳўқтириш ва филтрлаш усуллари мавжуддир. Чўқтириш – суюқ ва газсимон турли жинсли системаларни гравитасион, инерстия (марказдан қочма) ва электрмайдон кучлари таъсирида фазаларга ажратишдир.

Шунга мос ҳолда гравитасион чўқтириш, стиклонлар ва чўқтирувчи стенрифугалар ёрдамида чўқтириш ҳамда электр майдонда чўқтириш жараёнлари мавжуд.

Филтрлаш-суюқлик ва газсимон турли жинсли системаларни ғоваксимон филтр тўсиқ ёрдамида алоҳида фазаларга ажратиш жараёнидир. Бунда ғоваксимон тўсиқ суюқлик ва газни ўтказиб, унинг таркибидаги қаттиқ заррачаларни сақлаб қолиш хусусиятига эга бўлиши шарт. Чўқтириш жараёни ва оғирлик кучи таъсирида чўқтириш Оғирлик кучи таъсирида суюқлик ва газсимон системалар таркибидаги қаттиқ ёки суюқ заррачаларни ажратиш гравитасион майдон таъсирида чўқтириш ёки тиндириш дебаталади. Тиндириш суспензия,

эмулсия ва чангларни бирламчи ажратиш учун ишлатилади. Жараённинг тезлиги кичик. Тиндириш жараёнида турли жинсли системани дисперс ва дисперсион фазаларга тўлиқ ажратиб бўлмайди. Бироқ энергетик харажатлари кичик ва тузилиши мураккаб бўлмаганлиги туфайли тиндириш қурилмалари кимё саноатида қўлланибкелинмоқда. Чўктириш жараёни ҳархил конструкцияли чўктирувчи қурилмаларда олиб борилади.

Чўктириш жараёнида қуйидаги шартларга риояқилиш керак: турли жинсли системанинг қурилмада бўлиш вақти заррачаларнинг чўкиш вақтига teng ёки катта бўлиши керак; оқимнинг чизиқли тезлиги чўкиш тезлигидан кичик бўлиши керак.

Биринчи шартга риоя қилинмагандан қурилмада заррачалар ажралишга ва чўкишга улгурмайди, иккинчиси бузилганда оқим қурилмалардан қаттиқ заррачаларни олибкетади. Гравитасион куч таъсирида чўкаётган заррачаларга ўзининг ғирлик кучи, мұхитнинг қаршилик кучи ва Архимед кучи таъсир қиласи. Оғирлик ва Архимед кучлари орасидаги фарқ чўктириш жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучидир:

$$P = G - A = \frac{\pi \cdot d^3}{6} \cdot g (\rho_{kz} - \rho_m) \quad (6.1)$$

buerda  $d$  - zarracha diametri;  $\rho_{kz}$  va  $\rho_m$  - mosholda qattiqzarracha va muhitichliklari.

Muhitningqarshilikkuchizarracha harakatiga teskariyo'nalganbo'libinerstiyava ishqalanishkuchlaridaniborat:

$$R = 3 \cdot \pi \cdot d \cdot \mu \cdot \vartheta_z \quad (6.2)$$

buerda  $\mu$  - muxitningdinamikqovushqoqlikkoeffstienti, Pa s;  $\vartheta_z$  - zarrachaningerkincho'kishtezligi, m/s.

### **Назорат саволлари**

1. Мавхум қайнашнинг хосил бўлиш шартларини баён этинг.
2. Пневмотранспорт ходисаси нимага айтилади?
3. Мавхум қайнаш тезлиги нима?
4. Заррачаларнинг эркин учиш тезлиги деб нимага айтилади?
5. Мавхум қайнаш сони деб нимага айтилади?
6. Бир жинсли мавхум қайнаш нима?

## **5-мавзу Фильтраш**

### **P E Ж A**

1.Чанг ва суспензияларни фильтраш. Жараённинг назарий асослари. Фильтраш жараёнига босимлар фарки ва суспензия температурасининг фильтраш жараёнининг тезлигига таъсири. Фильтраш жараёни даврлари. Фильтр тўсиклар характеристикалари ва турлари.

2.Саноат фильтр тусикларининг турлари ва уларнинг классификацияси. Фильтрларни хисоблаш. Марказдан кочма куч таъсирида ажратиш. Циклон ва гидроциклонлар.

3.Центрифугалаш. Ажратиш фактори. Суспензия ва эмульсияларни ажратиш учун центрифуга турлари ва улар классификацияси. Газларни ювиб тозалаш. Кўпикли курилмалар, скрубберлар. Электр майдони остида ажратиш ва электрофильтрлар.

4. Суюкликларни аралаштириш. Газ, суюклик ва катгик заррачаларни, суюклик билан аралаштириш усуллари. Аралаштиргичлар ва сарф буладиган энергия.

Таянч атама ва иборалар: *фильтраш, фильтр, фильтр тўсиклар, гидравлик қаршилиқ, фильтраш юзаси, ҳаракатлантирувчи куч, фильтраш режими, солишиштирма хажм, нутчфильтр, ромли фильтр-пресс.*

**1.Чанг ва суспензияларни фильтраш. Жараённинг назарий асослари. Фильтраш жараёнига босимлар фарки ва суспензия температурасининг фильтраш жараёнининг тезлигига таъсири. Фильтраш жараёни даврлари. Фильтр тўсиклар характеристикалари ва турлари.**

Суспензия ва чангли газларни филтр тўсиклар орқали ўтказиб тозалаш жараёни филтрлаш дейилади. Бу жараён асосан турли жинсли системаларни тўла тозалаш учун ишлатилади.


Филтрлаш жараёни босим таъсирида ёки марказдан қочма куч таъсирида амалга оширилиши мумкин. Шунга мос ҳолда оддий филтрлаш ва марказдан қочма куч таъсирида филтрлаш жараёнлари мавжуд.

Филтрлаш интенсивлиги суспензиянинг сифатига ва чўкма қатламиининг ҳамда филтрловчи материалнинг қаршилигига боғлик. Филтрлаш пайтида

суспензия таркибидаги майда заррачалар филтрловчи материалнинг устки кисмида чўкма ҳолида ёки филтрловчи материалнинг ўзида, тешикларни тўлдирган ҳолда ўтириб қолиши мумкин (11.6-расм). Бу хусусиятларга кўра филтрлаш жараёни З га бўлинади: а) чўкма қатлами ҳосил қилиш йўли билан филтрлаш; б) филтрловчи материалнинг тешикларини тўлдириш орқали филтрлаш; в) бир вақтнинг ўзида чўкма қатлами ҳосил қилиш ва филтрловчи материалнинг тешикларини тўлдириш орқали филтрлаш.

Филтр тўсиқлар юзасида чўкма қатлами ҳосил қилиш йўли билан филтрлаш суспензия ёки газ таркибидаги қаттиқ заррачалар диаметри тўсиқ ғоваги диаметридан катта бўлганда қўлланилади.

Филтрловчи материалнинг тешикларини тўлдириш орқали филтрлашда қаттиқ заррачалар ғоваклар ичига киради. Ғовакларнинг ичи қаттиқ заррачаларга тўлишини филтрлаш жараёнининг бошидаёқ кузатиш мумкин. Бу ҳол ўз навбатида филтрнинг иш унумдорлигини камайтиради.



11.6-расм. Филтрлаш жараёнининг схемаси.

1 - филтр аппартининг қобиғи; 2- филтр тўсиқ; 3- суспензия;4- филтрат; 5- чўкма.

Кўпчилик филтрлаш қурилмаларида жараён учинчи усулда боради, яъни бир вақтнинг ўзида филтр тўсиқ устида чўкма қатлами ҳосил қилинади ҳамда филтрловчи материалнинг тешиклари қаттиқ заррачалар билан тўлади.

Филтр тўсиқдан олдинги ва кейинги босимлар фарқи ёки филтрловчи материалга суюқлик босимини ҳосил қилувчи марказдан қочма куч филтрлаш жараёнининг **ҳаракатлантирувчи кучи** ҳисобланади. Босимлар фарқи филтрловчи тўсиқ устида ортиқча босим ҳосил қилиш ёки тўсиқдан кейинги босимни камайтириш билан юзага келтирилади.

Филтрлаш жараёнининг интенсивлиги ва филтр қурилманинг иш унуми филтрлаш тезлиги билан ҳарактерланади.

**Филтрлаш тезлиги** деб вақт бирлиги ичидаги филтр тўсиқнинг юза бирлигидан ўтган филтрат миқдорига айтилади. Филтрлаш тезлиги ажратилаётган суспензиянинг физик-озиқ-овқат ва кимёвий ҳоссаларига, ҳосил бўлаётган чўкманинг ҳарактерига, филтратнинг ҳоссасига, филтрлаш режимига ва бошқа катталикларга боғлиқ. Шуни айтиб ўтиш керакки, филтрлаш жараёни ламинар режимда боради ва унинг тезлиги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$W = \frac{dV_\phi}{F_\phi \cdot d\tau_\phi} \quad (11.1)$$

бу йерда  $dV_\phi$  - филтратнинг ҳажми,  $\text{m}^3$ ;  $F_\phi$  - филтрлаш юзаси,  $\text{m}^2$ ;  $d\tau_\phi$  - филтрлаш давомийлиги, с.

Филтрлаш жиҳозлари ишлаш принципига кўра қуйидагиларга бўлинади: ўзгармас босимлар фарқи билан ёки доимий филтрлаш тезлиги билан ишловчи қурилмалар; босимлар фарқи ҳосил қилиш усулига кўра вакуум ёки ортиқча босим остида ишловчи қурилмалар. Бундан ташқари филтрлар жараённи ташкил қилинишига кўра даврий ва узлуксиз ишлайдиган турларга бўлинади.


Босимлар фарқи филтр тўсиқ устидаги суспензия устунининг гидростатик босими воситасида, суспензияни насос билан бериш орқали, филтр тўсиқдан кейинги босимни вакуум насос воситасида камайтириш орқали ёки марказдан қочма кучлар ёрдамида ҳосил қилиниши мумкин. Босимлар фарқини ҳосил қилиш усулига кўра филтрловчи қурилмалар филтрлар ва сентрифугаларга бўлинади.

Вакуум ва ортиқча босим остида ишловчи нутч филтрлар ишлаб чиқаришда кенг тарқалган (12.1-расм). Ҳосил бўлган чўкмани ундан чиқариш жараёни механизациялаштирилган. Чўкмани қурилмадан чиқарилишини таъминлаш учун филтр бир куракли аралаштирувчи қурилма билан таъминланган. Чўкмани филтрдан чиқариш мақсадида қобиқнинг цилиндрический қисмида тешик қуйилган. Суспензия ва сиқилган ҳаво алоҳида штусерлар орқали берилади. Филтр ҳимоя қилувчи клапан билан таъминланган.

Филтрнинг ишлаш даври суспензияни солиш, босим остида суспензияни филтрлаш, филтр тўсиқдан чўкмани олиш ва филтр тўсиқни регенерасиялаш (тозалаш) дан иборат. Бу филтрларда бир вақтнинг ўзида чўкмани ювиш мумкин.

Филтрлаш қурилмаларида турли материаллардан тайёрланган фильтр-түсиқлар кўлланади.


Рамали фильтр - пресс (12.2-расм) виноматериалларни, сутни, пивони, ўсимлик ёғини ва бошқа турдаги суспензияларни таркибидаги қаттиқ модда заррачаларидан тозалаш учун ишлатилади. Фильтровчи блок бирин - кетин жойлаштирилган рама, плита ва улар ўртасига жойлаштирилган фильтровчи газламалардан иборат. Рама ва плиталар горизонтал йўналтирувчиларга ўрнатилган бўлиб, сиқувчи винт билан сиқилади. Суспензия ҳамда юувучи суюқлик бериш учун хар қайси рама ва плитада каналлар мавжуд. Плитанинг хар иккала томони юзасида йифувчи канал жойлашган бўлиб, пастда чиқарувчи канал билан чегараланганди.



**12.1 - расм. Нутч филтри.**

1 - чўкмани чиқариш механизмининг узатмаси; 2 - фильтрнинг қобиги;

3- чўкмани чиқарувчи курак; 4- фильтратни чиқариш патрубкаси; 5- фильтр түсиқи; 6- фильтровчи материал.



12.2 - расм. Рамали филтр- пресс.

1- таянч плита; 2- рама; 3-плита; 4- филтр материал; 5 - ҳаракатланувчи плита; 6 - горизонтал йўналтирувчи; 7 - винт; 8 - станина; 9 - филтрат йиғиладиган идиш.

Филтрлаш пайтида суспензия босим остида каналлар орқали рама ва плиталар оралиғига берилиб, рамалар бўйича тақсимланади. Плиталарнинг йиғувчи каналлари бўйича филтрат оқиб тушади ва чиқарувчи каналлар орқали қурилмадан чиқарилади. Чўкмани ювиш пайтида юувучи суюқлик босим остида каналлар орқали берилади ва рамалар бўйича тақсимланади. Юувучи суюқлик тескари йўналишда филтр тўсиқ орқали ўтиб, чўкмани ювади. Шундан сўнг филтрдан чиқарувчи каналлар орқали чиқариб юборилади. Ювиш вақтида филтр қурилмаси электр манбаидан ажратилган бўлиши керак.

Рамали филтр-прессларнинг асосий камчилиги: чўкмани тушириш ва филтр тўсиқларни алмаштириш қўл меҳнатини талаб қиласди. Чўкмани тушириш учун филтрловчи блок, плита ва рама очиб йиғилиши керак.


Барабанли вакуум-филтрлар зичлиги  $50-500 \text{ кг}/\text{м}^3$  бўлган суспензияларни узлуксиз тозалаш учун қўлланилади. Қаттиқ заррачалар кристалл, толасимон, аморф, коллоид структурали бўлиши мумкин. Филтрнинг иш унумдорлиги қаттиқ заррачаларнинг тузилишига боғлиқ. Ташқи ва ички филтрловчи юзали барабанли вакуум - филтрлар мавжуд. Уларнинг асосий ишчи органи барабан бўлиб, унинг ён томон сирти филтрловчи газлама билан қопланган. Секин айланувчи силиндрсимон горизонтал барабан тўсиқлар ёрдамида бир нечта бир хил шаклли сексияларга бўлинган.

Шу сабабдан ҳар бир сексияда барабаннинг бир марта айланишида филтрлаш жараёнининг ҳамма босқичлари амалга оширилади: I - сексияда

вакуумнинг таъсирида филтрловчи газлама орқали филтрлаш жараёни боради. Бунда суспензия таркибидаги чўкма филтрловчи газлама устида йигилиб қолади; ИИ - сексияда форсункалар орқали берилаётган сув билан чўкма қатлами ювилади; ИИИ - сексияда сўрилган ҳаво ёрдамида чўкма қуритилади. Бу босқичда чўкма таркибидаги намлик ҳавога ўтиб, филтрдан ташқарига чиқарилади. Сўнгра чўкма пичноқ билан барабандан ажратиб олинади. Ҳамма сексиялардаги жараёнлар узлуксиз равишда кетма-кет бораверади. Барабанли вакуум филтрнинг умумий кўриниши 12.3- расмда келтирилган бўлиб, қурилма тешикли металл барабан 1, симли тўр 2, филтр газлама 3, барабанда ҳосил бўлган чўкма 4, чўкмани тушириб турувчи пичноқ 5, суспензия қуйилган сифим 6, тебранувчи аралаштиргич 7, чўкмани ювиш қурилмаси 8, ҳаракатланувчи қисмлар билан бирлаштирувчи трубалар 9, 10, бош тақсимлагич 11 ва бош тақсимлагичнинг қўзғалмас қисми 12 дан иборат.


Филтрланувчи муҳит билан контактда бўлган филтрнинг деталлари зангламайдиган пўлатлардан тайёрланган. Филтрнинг ҳамма деталлари осон тозаланади.

Филтрловчи қурилманинг сифимига суспензия берилади. Суспензияли сифимда барабан юзасининг тахминан 35% туширилган бўлади. Ушбу сифимда силкиниб турувчи аралаштиргич суспензия таркибини бир хил бўлишилигини таъминлаб, ундаги қаттиқ заррачаларнинг чўкмага тушишига йўл қўймайди. Филтрат ва юувучи суюқлик йиғгичда тўпланади.



12.3 - расм. Барабанли вакуум- филтр.

Лентали вакумм-фильтрлар (12.4-расм) рама, ҳаракатлантирувчи (етакчи) ва тарангловчи барабанлар, улар орасига тортилган, ғалвирсимон резинали лентадан иборат. Чексиз ғалвирсимон резина лента остида вакуум-камера жойлашган бўлиб, унинг пастки қисми фильтрат ва юувчи суюқликни чиқариш учун коллектор билан уланган. Тарангловчи барабанлар ёрдамида ғалвирсимон резина лента ва фильтровчи газлама асосга ёпиширилади. Фильтровчи газлама ҳам чексиз лента шаклида тайёрланган.




12.4 - расм. Лентали вакуум-фильтр.

1- ғалвирсимон резинали лента; 2- барабанлар; 3- вакуум камералар; 4- фильтровчи материал; 5- суспензиянинг берилиши; 6- чўкмани ажратиб олиш; 7- чўкмани ювиш учун суюқлик бериш; 8- роликлар.

Суспензия фильтровчи газламага берилади. Фильтрат вакуум-камерага сурилади ва коллектор орқали йиғгичга узатилади. Юувчи суюқлик форсунка ёрдамида хосил бўлган чўкмага берилади ва камерага тўпланади, ундан коллектор орқали йиғгичга узатилади. Етакловчи барабанда фильтровчи газлама резинали лентадан ажралади ва йўналтирувчи ролик билан бирга айланади. Бунда чўкма фильтровчи газламадан айрилади ва йиғгичга тушади. Роликлар орасидан ўтиш пайтида фильтровчи газлама ювилади, қуритилади ва тозаланади.

Иш режимига кўра фильтровчи центрифугалар (12.5-расм) даврий ва узлуксиз бўлади. Барабан валининг ўрнатилиш ҳолатига қараб горизонтал ва вертикал фильтровчи сентрифугалар бўлади. Фильтровчи сентрифугаларда чўкма қўл кучи ёрдамида ҳамда гравитасион, пулсацион, марказдан қочма кучлар таъсирида туширилади. Чўктирувчи сентрифугалардан фильтровчи сентрифугаларнинг асосий фарқи шундаки, улар ғалвирсимон турли металлдан тайёрланган барабанга эга бўлиб, унинг юзасига фильтровчи газлама (мато) қопланган.

Даврий ишлайдиган филтрловчи сентрифугада суспенсия барабаннинг юкорисидан берилади. Суспенсия берилгандан сўнг барабан айланма ҳаракатга келтирилади. Марказдан қочма кучлар тасирида суспенсия барабан деворига томон улоқтирилади. Суюқ фаза филтрловчи тўсиқ орқали ўтади, чўкма эса унда ушланиб қолинади. Филтрат патрубка орқали йиг'гичга узатилади. Филтрлаш даври тугагандан сўнг чўкма кўл кучи ёрдамида қопқоқ орқали туширилади.



12.5 - расм. Филтрловчи центрифуга.

1-суспенсиянинг берилиши; 2- чўкма тушириладиган тешик; 3- қобиқ; 4- барабан; 5- фугатнинг чиқарилиши; 6- корпус; 7- филтрловчи материал; 8- чўкма; 9- суспенсия.

Ўзи туширувчи сентрифугаларда чўкма гравитасион кучлар таъсирида туширилади. Бундай сентрифугалар вертикал валли қилиб тайёрланади ва уларда ғалвирсимон барабан жойлаштирилади. Суспенсия барабангага диск орқали берилади. Барабаннинг пастки қисми конуссимон шаклга эга. Филтрлаш даври тугагандан сўнг ва барабан тўхтагандан кейин чўкма гравитасион кучлар таъсирида туширилади.

2. Саноат фильтр тусикларининг турлари ва уларнинг классификацияси. Фильтрларни хисоблаш. Марказдан қочма куч таъсирида ажратиш. Циклон ва гидроциклонлар.

3. Центрифугалаш. Ажратиш фактори. Суспенсия ва эмульсияларни ажратиш учун центрифуга турлари ва улар классификацияси. Газларни ювиб

тозалаш. Кўпикли курилмалар, скрубберлар. Электр майдони остида ажратиш ва элек- трофильтрлар.

### **Газларни сув ёки бошқа суюқлик билан ювиш уларни чанглардан намлаш усули билан тозалаш дейилади.**

Бу усул бўш ёки насадкали скрубберларда амалга оширилади

Бу усулнинг камчилигига катта миқдордаги оқава сувларнинг ҳосил бўлиши, аппаратнинг коррозияга учраши киради.

Намлаш усули билан тозалашда бўш ва насадкали, марказдан қочма скруубберлардан фойдаланилади. Уларнинг тозалаш даражаси  $60 \div 85\%$  га етади.

Насадкалар тозалаш жараёнини жадаллаштириш ва тезлигини ошириш учун қўлланилади. Насадкалар газ ва суюқлик фазалари орасидаги контакт юзасини оширади. Насадкалар сифатида кокс, кварц ва халқасимон насадкалар ишлатилади.


Катта кучланишли электр майдонини юзага келтирган электродлар тўплами орасидан газсимон турли жинсли система ўтказилганда унинг таркибидаги зарядланган қаттиқ заррачалар электродлар сиртига тортилади ва газдан ажратиб саклаб қолинади.

Таркибидаги қаттиқ заррачаларни бўлган газ оқими юқори кучланишли электр майдондан ўтганда ионизация ҳодисасига учрайди, яъни унинг молекулалари мусбат ва манфий зарядлангани заррачаларга ажралади. Бунда бутунлай ионлашган газ қатлами чоғланиб, нур ва чарсиллаган овоз чиқаради. Бу син нурланувчи электрод деб аталади. Манфий зарядланган чангнинг электронлари нурланувчи электроддан мусбат зарядланган чўқтириш электродларига томон ҳарака қилганда ўз йўлида қаттиқ заррачаларга учрайди ва уларни зарядлайди. Зарядланган заррачалар чўқтириш электроига яқинлашганда ўзининг зарядини беради ва оғирлик кучи таъсирида чўкади.

Электрофилтрлар юқори кучланишли ўзгармас токда ишлайди, чунки ток ўзгарувчан бўлган зарядланган заррачалар ўз ҳаракат йўналишини ўзгаритиб, чўқтириш электродларида чўкишга улгурулмай, газ билан қурилмадан чиқиб кетиши мумкин. Ўзгармас ток кучланиши 220-500 В бўлган ўзгарувчан токдан кучайтирувчи трансформатор ва тўғрилагич ёрдамида олинади.

Электрофилтрларнинг нурланувчи электродлари ток манбаининг манфий кутбига, чўқтирувчи электродлари эса мусбат кутбига уланади.

Чўқтириш электродларнинг тайёрланишига қараб трубали ва пластинали электрофильтрлар бўлади, бироқ уларнинг ишлаш режимида принсибиал фарқ йўқ. Электрофильтрнинг схемаси 14.1 – расмда кўрсатиган. Масалан, трубали электрофильтрда трубаларнинг диаметри 150-300 мм бўлиб, уларнинг ўртасидан 2 мм ли симлар тортилган, улар нурланувчи электрод вазифасини бажаради. Тозаланиши керак бўлган газ қуrimасининг пастки қисмидан берилиб, трубаларнинг ичидан пастдан юқорига қараб ҳаракат қиласади ва тозаланганда сўнг юқоридн чиқиб кетади. Манфий электродлар умумий рамага осил бўлиб, рамалар эса изоляторларнинг устига ўрнатилган. Электродларга ўтириб қолган чанглар махсус механизмлар ёрдамида тебрантирилиб, қурилманинг пастки конус қисмига туширилади.



14.1 – расм

14.1- расмда ШМК маркали бир сексияли вертикал нам электрофильтрлар кўрсатилган. Бу фильтр газни сульфат кислота туманидан, селен ва мишяк заррачаларидан тозалаш учун ишлатилади. Пўлатдан ясалган силиндрсимон қобиқнинг ички қисми кислотага бардошли ғишт ва полизобутилен юпқа қатлами била қопланади. Қурилманинг қопқоғи қўрғошли листи билан химоя қилинган. Қорғошинли чўқтирувчи электродлар олти қиррали труба кўринишида тайёрланган. Бу электродлар қурилмаларнинг юқори қисмига маҳкамланган панжараага осиб қўйилган. Панжара пўлатдан тайёрланиб, қорғошин билан қопланган. Олти қиррали ҳар бир трубанинг ўқи бўйлаб эркин ҳолатда нурланувчи электрод осиб қўйилган. Нурланувчи электрод кўндаланг кесими юлдузча шаклига эга бўлган симдан тайёрланган. Бу симнинг юқорига қисми қурилма қобигидан изоляция қилинган рамага бириктирилиб, юк осиб қўйилган.

Нурланувчи электродларнинг рамаси тортгич ёрдамида изоляторга осиб қўйилган. Изолятолар эса қопқоқнинг қутичаларида маҳкамланган. Изоляторларнинг қутичалари электр иситгич билан таъминланган. Ушбу иситгичлар конденсаторлар юзасид намликнинг конденсацияцияланиб қолишини йўқотади. Қобиқ газнинг кириш ва чиқиши, бугни бериш, ушланган таъминланган. Қобиқнинг пастки қисмида икки қаторли газ тарқатувчи панжара ўрнатилган.

Йиғилган кислота қобиқнинг пастки қисмида тўпланади ва иш давомида қурилмадан чиқариб турилади. Қурилма тўхтатилиб, иссиқ сув билан ювилгандан сўнг, йиғилган қаттиқ заррачалар шлам сифатида ташқарига чиқарилади.

Электр чўқтириш қурилмасининг ишлаш принсиуп чангли газларнинг хусусияти, таркиби ва температурасига боғлиқ. Температуре ва ҳавонинг молекуляр оғирлги ортиши билан системадан ўтаёрдан токнинг миқдори кўпайиб боради. Чанг заррачаларнинг катталиги камайиши билан қурилманинг фойдали иш коеффициенти камаяди.

Электрофильтрларнинг гидравлик қаршилиги жуда кичик. Бундай фильтрлар энг самарали қурилма ҳисобланиб, катта ҳажмдаги чангли газларниг ажратиш учун ишлатилади. Электрофильтрлар электродларнинг ўрнатилишига кўра горизонтал ва вертисал ҳолда бўлади. Худди шунингдек, газ аралашмаси таркибидаги заррачаларнинг ҳолатига кўра қуруқ ван ам электрофильтрлар бўлиши мумкин.

Электр чўқтириш қурилмасининг тузилиши сода бўлса ҳам, унда борадиган жараён анача мураккабдир. Шу сабабли электр чўқтириш қурилмаларини умумий ҳисоблаш усули ишлаб чиқилмаган. Ҳисоблаш пайтида тажрибадан олинган маълумотлардан фойдаланилади. Масалан, труба типидаги қурилмалар учун ток кучи  $J = 0.3 \div 0.5$  мА/м, пластинали учун  $J=0.1 \div 0.3$  мА/м олинади; майдон кучланганлиги 450 кВ/м, иш кучланиши 35  $\div$  70 кВт, труба типидаги қурилмалар учун газнинг тезлиги  $w=0.8 \div 1.5$  м/с, пластинали қурилмалар учун  $w= 0.5 \div 1$  м/с олинади.

Електрофилтрлар газ таркибида ўта майда заррачалар ва томчиларнинг концентрацияси кам бўлган пайтда уларнинг тўла тозалаш учун ишлатилади. Бундай қурилмалар, масалан, газ таркибидаги қимматбаҳо металларни ажратиб олишда, сement кўмир чангини тутиб қолиш учун, сулфат кислота ишлаб чиқаришд газ таркибидаги кислота томчиларини ажратиб олишда ишлатилади

#### **4. Суюқликларни аралаштириш. Газ, суюқлик ва қаттиқ заррачаларни, суюқлик билан аралаштириш усуллари. Аралаштиргичлар ва сарф буладиган энергия.**

Гидромеханик жараённи асосий мезони суюқлик билан боғлиқ системалардаги аралаштириш бўлиб, муҳитга ташқи куч таъсирида қўшимча импулс беришга асосланган. Аралаштириш жараёнида қурилма ҳажмидаги оқувчан муҳит заррачаларини бир–бирига нисбатан кўп маротаба силжитиш содир бўлади.

Аралаштириш қўйидаги мақсадлар учун ишлатилади:


- а) қаттиқ заррачаларни суюқлик ҳажмида бир текисда тарқатиш (суспензия ҳосил қилиш);
- б) суюқлик заррачаларини тегишли ўлчамларгача майдалаш ва уларни суюқлик муҳитда бир текисда тарқатиш (емулсия ҳосил қилиш);
- в) газ заррачаларини суюқликда бир текисда тарқатиш (аерация);
- г) суюқликни иситиш ёки совутиш жараёнларини тезлаштириш;
- д) аралашадиган системалардаги (масалан, қаттиқ материалларни суюқлик ёрдамида эритиш) модда алманинишини тезлаштириш.

Кимё саноатида аралаштиришнинг қўйидаги усулларидан фойдаланилади: 1) механик; 2) циркуляцион; 3) турбулизатор ёрдамида; 4) пневматик. Бу усулларни танлашда қўйидаги шарт – шароитлар ҳисобга олинади: аралаштиришнинг мақсади; жараённинг асосий характеристикалари

(температура, босим); аралашадиган мұхиттінг хоссалари; қурилманинг иш унумдорлиги.


**Суюқликтарни механик аралаштириш парракли, пропеллерли ва турбинали аралаштиргичларда амалға оширилади (15.1 - расм).**

Қовушқоқлиги 1 Па.с гача бўлган суюқликлар учун бир парракли, ундан катта бўлғанлари учун эса кўп парракли аралаштиргичлар қўлланилади. Паррак диаметри қурилма диаметрининг 0,66-0,9 қисмини ташкил қиласди. Парракнинг айланишлар сони минутига 15 - 45 мартани ташкил қиласди.




*15.1 - расм. Аралаштиргич турлари.*

*a) парракли; б) пропеллерли; в) турбинали;*




*15.2 - расм. Парракли аралаштиргичнинг турлари*

*а) рамали; б) якорли; в) япроксимон;*



1. 15.3 - расм Пропеллерли аралаштиргич

2.




3.

15.4 - расм. Турбинали аралаштиргич турлари


а) очик түғри куракчали; б) очик қия куракчали;

в) ёпик турбинали; 1- турбина; 2- йүналтиргич;



15.5 - расм. Пневматик аралаштиргич

Аралаштиргичнинг айланиши учун зарур бўлган энергия ишқаланиш кучларини енгишга ҳамда уюрмаларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг бўзилишига сарфланади. 15.6 – расмда ичидаги аралаштиргич ўрнатилган идиш тасвирланган:



15.6–расм. Аралаштириш учун энергия сарфини аниқлаш.

Механик аралаштиришдаги энергия сарфини аниқлаш учун ўлчамларни анализ қилиш усулидан фойдаланилади. Аралаштиргичнинг ишлаши учун зарур бўлган Н суюқликнинг зичлиги Р ва қовушоқлик  $\mu$ , айлантиргичнинг айланиш частотаси н ва унинг диаметри д га боғлиқ. Бу катталиклар ўртасидаги критериал боғлиқликни аниқлаймиз. Дастребки функционал боғланиш куйидагicha:

$$H = \phi / (\mu, \rho, n, d), \quad (15.1)$$

ёки

$$H = C \mu^x * \rho^y * n^z * d^v \quad (15.2)$$

Бу ерда С, х, й; з, в- сонли коеффициент ва даража курсаткичлари.

$\pi$  теоремага асосан, мезонларнинг сони  $5 - 3 = 2$ . Ушбу тенглама таркибидаги катталикларнинг ўлчов бирликлрини ёзамиш:

$$[N] = Vt = \frac{N * m}{s} = \left( \frac{kg * m}{s^2} \right) \frac{m}{s} = \frac{kg * m^2}{s^3}$$

$$[\mu] = \frac{N * s}{m^2} = \left( \frac{kg * m}{s^2} \right) \frac{s}{m^2} = \frac{kg}{s * m}$$

$$[\rho] = \frac{kg}{m^3} \quad [n] = \frac{1}{c} \quad [d] = m$$

Ўлчамларнинг тенгламасини тузамиш:

$$\frac{kg * m^2}{s^2} = \left( \frac{kg}{s * m} \right)^x \left( \frac{kg}{m^3} \right)^y \left( \frac{1}{s} \right)^z (m)^v$$

Ушбу тенгламани бошқача кўринишга келтирамиз:

$$k\Gamma * M^2 * C^{-3} = k\Gamma^{x+y}; \quad C^{-x-3}; \quad M^{-x-3y+3}$$

Асосий бирликлар учун тенгламалар системасини тузамиз:

$$\begin{array}{ll} k\Gamma & 1 = x + y \\ M & 2 = -x - 3y + 3 \\ C & -3 = -x - 3 \end{array}$$

Ушбу тенгламаларга кирган қийматларни х орқали ифодалаб қуидагиларга эришамиз:

$$\begin{aligned} y &= 1 - x; \\ v &= 5 - 2x; \\ x &= 3 - y \end{aligned}$$

(12.3) тенгламани қуидаги кўринишда қайта ёзамиш:

$$H = C\rho n^3 d^5 (\mu / \rho n d^2)^x$$

ёки

$$\frac{N}{\rho n^3 d^5} = C \left( \frac{\rho n d^2}{\mu} \right)^{-x} \quad (15.3)$$

### 1.1. УМУМИЙ КРИТЕРИАЛ ТЕНГЛАМА

Ўлчамсиз комплекс  $\frac{N}{\rho n^3 d^5}$  эйлер мезони ёки қувват мезони  $K_N$  деб аталади.

Еум билан, мезон  $\frac{\rho n d^2}{v}$  Рейнолдс мезонининг бошқа бир кўриниши бўлиб,  $Re_M$  билан белгиланади:

$$Eu_M = \frac{N}{\rho n^3 d^5} = K_N \quad (15.4)$$

$$Re_M = \frac{\rho n d^2}{\mu} \quad (15.5)$$

Демак, механик аралаштириш пайтидаги энергия сарфининг умумий тенгламаси қуидаги кўринишга эга бўлади:

$$E_{yM} = CPe^k_M \quad (15.6)$$

Коэффициент С ва даража курсаткичи к нинг қийматлари тажриба йўли билан аниқланиб аралаштиргичнинг турига, қурилманинг тузилишига ва аралаштириш жараёнининг режимига боғлиқ бўлади.


Агар қурилмадаги суюқликнинг баландлиги  $X$ , унинг диаметри  $D$  га тенг бўлмаса, (15.5) тенглама бўйича аниқланган қувватнинг қиймати тузатиш коэффициентига кўпайтирилиши керак:

$$f_H = \sqrt{\frac{H}{D}}$$

## 1.2. АРАЛАШТИРГИЧЛАР ТУРЛАРИ, ТУЗИЛИШИ, ҚЎЛЛАНИЛИШИ, АФЗАЛЛИК ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

Циркуляцион аралаштиришнинг чизмалари 15.1 расмда кўрсатилган. Суюқлик мухитини тезда аралаштириш учун циркуляцион насосдан фойдаланилади. Суюқлик ҳайдаланадиган трубапроводлар горизонтал юзага нисбатан биро з қия қилиб, қурилма деворига уринма ҳолатида бирлаштирилади.


Трубапроводларнинг учлари маҳсус насадкалар билан таъминланган бўлади. Насадка ёрдамида суюқлик қурилманинг ҳажми бўйича сочиб берилади. Циркуляцион насос сифатида марказдан қочма ва ингичга оқимли насослар ишлатилади. Насоснинг иш унумдорлиги қўпайган сари циркуляциянинг самарадорлиги ортади.



Расм 15.1. Циркуляцион аралаштиришнинг чизмаси.

а, б-циркуляцион насос билан; в- циркуляцион насос ва эжектор билан; 1- қурилма; 2-циркуляцион насос; 3-сочқич; 4- трубапровод; 5-ежектор.

Насос ёрдамида циркуляцион аралаштириш учун зарур бўлган энергия сарфи 5-бобда келтирилган тенгламалар ётдамида аниқланади.



Расм 15.2. Оқимда аралаштириш учун ишлатадиган қурилма чизмаси.

а- Диафрагма; б- яримта тўсиқлар; в- винт; г- ингичга оқимли аралаштиргичда винт;

1,2- аралашма компонентларининг кириши; 3- аралашманинг чиқиши.

Пропеллерли аралаштиргичларнинг асосий иш органи пропеллер бўлиб, улар икки ёки уч қанотли бўлиши мумкин. Уларнинг диаметри қурилма диаметрининг 0,25-0,3 қисмини, айланишлар сони эса минутига 150-1000 мартани ташкил қиласи. Улар динамик қовушқоқлиги 6 Па·с гача бўлган суюқликларни аралаштириш учун қўлланилади.

Турбинали аралаштиргичнинг асосий ишчи органи турбина бўлиб, у қовушқоқлиги 1-700 Па·с гача бўлган суюқликлар учун ишлатилади. Турбинанинг айланишлар сони минутига 200 дан 2000 мартагача бўлиб, унинг диаметри эса қурилма диаметрининг 0,17-0,33 қисмини ташкил қиласи.

Пневматик аралаштиргичларда ишчи орган вазифасини барбатёрлар бажаради. Бу қурилмаларда барбатёрга асосан сиқилган хаво юборилиб, хаво

оқими ёрдамида барбатёр устидаги суюқлик қатламининг аралashiши таъминланади. Бу усул асосан барбатёрга бериладиган газлар билан реаксияга киришмайдиган суюқликларни аралаштириш учун қўлланади.

Кимё саноатида бундай аралаштиргичлардан ташқари шнекли, лентали, планетар, вибрацион аралаштиргичлар ҳам мавжуд. Бу аралаштиргичлар нютон ва нонютон суюқликларни аралаштириш учун қўлланилади.

Ҳамма аралаштиргичлар айланма ҳаракат тезлигининг қийматига кўра икки турга бўлинади.: 1) секин ҳаракат қилувчи- agar паррак чеккасининг айланма ҳаракат тезлиги 1 м/с атрофида бўлса, бундай аралаштиргичлар (масалан, якорли, рамали ва бошқа) секин ҳаракат қилувчи аралаштиргич қаторига киради. Тез ҳаракат қилувчи аралаштиргичларни (масалан, винтли, турбинали ва бошқа ) айланма ҳаракат тезлиги 10 м/с гача етиб боради. Мухитдаги гидродинамик режимга кўра аралаштиргичнинг ҳаракат қилиш тезлигини аниқлаш мумкин. Турбулент ва оралик режимда ишлатилаётган аралаштиргичлар тез ҳаракат қилувчи, ламинар режимда ишлатилаётгани эса секин ҳаракат қилувчи аралаштиргичлар дейилади.

Аралашаётган суюқликнинг гидродинамик режими Рейнолдс мезонининг бошқа кўриниши билан аниқланади:

$$Re_M = \frac{\omega d \rho}{\mu} = \frac{\rho n d^2}{\mu} \quad (15.7)$$

бу ерда  $n$  - аралаштиргичнинг айланиш частотаси, айл/с;  $d$  - аралашаётган суюқликнинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $\mu$  - аралашаётган суюқликнинг қовушоқлиги,

Па \*с;  $d$ -аралаштиргичнинг диаметри, м.

## Назорат саволлари

1. Филтрлаш жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи нима?
2. Филтрлаш жараёнининг тезлиги кандай аниқланади?
3. Филтрлаш режимларини тушунтиринг.
4. Филтрлаш жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи қандай ҳосил қилинади?
5. Филтрлаш қурилмаларининг турлари ва уларнинг ишлаш принсипини тушунтиринг.

6. Чўктириш ва филтрлаш қурилмаларининг озиқ - саноатида  
қўлланилишига мисоллар келтиринг.

## **6-мавзу Насос ва вентиляторлар**

### **P E Ж A**

1.Аралаштириш жараёнининг эффективлиги ва интенсивлиги.

Суюкликларни узатиш. Насослар классификацияси. Насоснинг асосий параметрлари: иш унумдорлиги, босими, энергия сарфи, фойдали иш коэффициента. Сўриш ва кўтариб бериш баландликлари

2. Умумий напорни аниклаш. Поршенли насослар, ишлаш принципи, тузилиши ва хажмий фойдали иш коэффициенти. Марказдан кочма насослар ва унинг асосий тенгламаси. Насослар характеристикиси. Пропорционаллик конуни.

3.Кавитация ходисаси. Насосларни параллел ва кетма-кет уланганда ишлаши. Шестернали, пластинали, окимчали насослар, газлифт ва эрлифтлар. Насослар камчилик ва афзалликлари, уларни танлаш ва кулланиш соҳалари.

4.Газларни сикиш ва узатиш. Компрессорларнинг ишлаш принципи, тузилиш ва классификацияси. Идеал ва реал газларни сикиш пайтидаги назарий иш. Компрессорлар конструкциялари ва фойдали иш коэффициенти.

Таянч атама ва иборалар: *гидравлик машиналар, насос, куракчили, динамик, хажмий, оқимчавий, сиқилиши коеффиценти, монометр, вакуумметр, вертикал масофа, махаллий қаршилик, вакуум, куракчалар сони, пропорционаллик коеффиценти, поршенли, роторли.*

1.Аралаштириш жараёнининг эффективлиги ва интенсивлиги.

Суюкликларни узатиш. Насослар классификацияси. Насоснинг асосий параметрлари: иш унумдорлиги, босими, энергия сарфи, фойдали иш коэффициентИ

Озиқ-овқат ва кимё саноатининг барча тармоқларида суюқликлар горизонтал ва вертикал трубалар орқали узатилади. Суюқликларни узатиш учун мўжалланган машиналар (қурилмалар) **насослар** дейилади. Трубанинг бошланғич ва охирги нуқталаридаги босимлар фарқи трубаларда суюқликнинг оқиши учун ҳаракатланувчи куч ҳисобланади. Суюқлик оқимининг трубалардаги ҳаракатлантирувчи кучи гидравлик машиналар ёки насослар орқали ҳосил қилинади. Насос электр двигателдан механик энергия олиб, уни суюқлик ҳаракатининг оқим энергиясига айлантириб, босимини оширади.

Насослар иқтисодиётнинг барча соҳаларида: машинасозликда, металлургияда, озиқ-овқат ва кимё саноатида, эр ишларини гидромеханизасиялаштиришда ва кўпчилик бошқа тармоқларда кенг қўлланилади.

### **Насослар асосан икки турга: динамик ва ҳажмий насосларга бўлинади.**

Динамик насосларда суюқлик ташқи куч таъсирида харакатга келтирилади. Насос ичидағи суюқлик насосга кириш ва ундан чиқиш трубалари билан узлуксиз боғланган бўлади. Суюқликка таъсир қиласиган кучнинг турига кўра, динамик насослар парракли ва ишқаланиш кучи ёрдамида ишлайдиган насосларга бўлинади.

Парракли насослар ўз навбатида марказдан қочма ва пропеллерли (ўқли) насосларга бўлинади. Марказдан қочма насосларда суюқлик иш ғилдирагининг марказидан унинг четига қараб ҳаракат қиласа, пропеллерли насосларда эса суюқлик ғилдиракнинг ўқи йўналишида ҳаракат қиласи.

Ишқаланиш кучига асосланган насослар икки хил (уормавий ва оқимли) бўлади. Уормавий ва оқимли насосларда суюқлик асосан ишқаланиш кучи таъсирида ҳаракатга келади.

Ҳажмий насосларнинг ишлаш принципи суюқликнинг маълум бир ҳажмини ёпиқ камерадан итариб чиқаришга асосланган. **Ҳажмий насослар жумласига поршенли, плунжерли, диафрагмали, шестерняли, пластинали ва винцимон насослар киради.**

Саноатда суюқликларни сиқилган газ (ёки ҳаво) ёрдамида узатиш учун **газлифтлар** ва **монтежюлар** ҳам ишлатилади.

**Умумий босим.** Суюқликни пастки идишдан (5.1-расм) сўриш ва ҳайдаш трубалари орқали ҳайдаш учун двигатель насосга зарур энергия бериши, яъни насос босими (напор) ҳосил қилиши лозим.

Насоснинг умумий босимини 5.1- расмдаги насос қурилмасидан аниқлаш учун сўриш ва ҳайдаш трубалари учун Бернулли тенгламасининг ўзгаришидан фойдаланамиз. Бунинг учун сўриш ва ҳайдаш вақтидаги параметрларнинг ўзгаришини қуйидаги тартибда аниқлаймиз:

$P_1$  — суюқлик сўриб олинаётган идишдаги босим;  $P_2$  — юқорида жойлашган идишдаги босим;  $P_c$ ,  $P_x$  — суюқликнинг насосга киришидаги ва чиқишидаги босими;  $H_c$  — суриш баландлиги;  $h_x$  — ҳайдаш баландлиги;  $H_r$  — суюқликнинг геометрик кўтарилиш баландлиги;  $x$  — вакуумметр ва манометр ўрнатилган нуқталар орасидаги вертикал масофа.

**Расм 1.2.** Насоснинг умумий босимини аниқлаш.


1-суюқлик узатиладиган резервуар;

2- суюқлик қабул қилувчи резервуар;

3- насос; M- манометер; Б- бакуумметр.

Пастки идишдаги суюқликнинг эркин сиртига (5.1- расм) атмосфера босими  $P_0$  таъсир этади. Суюқлик сўриш трубаси орқали баландликка кўтарилиб, насоснинг иш камерасини тўлдириши учун бу камерада сийракланиш (яъни вакуум) вужудга келтириш керак. Бунда иш камерасига қолдиқ абсолют босим  $P_c < P_0$  таъсир этади. Босимлар фарқи ( $P_0$  —  $P_c$ ) ҳосил бўлганлиги сабабли суюқлик устунининг метрларда ифодаланган босими ( $P_0$  —  $P_c$ )/ $\rho g$  ҳосил бўлади. Бу босимнинг бир қисми суюқликни сўриш трубасида  $H$  баландликка кўтариш учун, қолган қисми эса суюқликнинг трубада  $w$  тезлик билан харакатланишига ёки тезлик босимини ҳосил қилиш учун ва сўрилаётган суюқлик йўлида учрайдиган барча қаршиликларни енгишга сарфланади. У холда:

$$\frac{P_0}{\rho g} - \frac{P_c}{\rho g} = H_c + \frac{\omega^2}{2g} + h_c \quad (8.6)$$



Узатилаётган

суюқликнинг кайнаб кетишини хисобга олган холда (у доим сурилиши учун) сурилиш трубаларидаги босим шу температурадаги

суюқликнинг туйинган буг босими  $P_m$  дан юкори булиши керак. Бунда насоснинг нормал ишлаши учун тенглама куйидагича ёзилади:

$$\frac{P_c}{\rho g} = \frac{P_o}{\rho g} - (H_c + \frac{\omega^2}{2g} + h_c) \geq \frac{P_t}{\rho g}$$

Бу ердан

$$H_c \leq \frac{P_o}{\rho g} - (\frac{P_t}{\rho g} + \frac{\omega^2}{2g} + h_c) \quad (8.7)$$

Температура ортиши билан суюқликнинг тўйинган буғ босими ҳам ортиб, у қайнаш температурасида ташқи атмосфера босимига тенглашади, бу вақтда сўриш баландлиги нолга тенг бўлади. Шунинг учун қовушоқоқлиги юкори ва иссиқ суюқликларни узатаётганда насос қабул қилувчи идишга нисбатан пастроқ ўрнатилиши зарур.

Насослар сўриш баландлигининг узатилаётган сув температураси билан боғлиқлиги 8.1-Жадвалда берилган.

**8.1-Жадвал.** Сўриш баландлигининг ўзгариши

Сувнинг температураси, $^{\circ}\text{C}$	10	20	30	40	50	60	65
Сўриш баландлиги, м	6	5	4	3	2	1	0

Худди шунингдек, сўриш баландлигини ҳисоблашда гидравлик ва маҳаллий қаршиликларни енгиш учун кетган сарфлардан ташқари, марказдан қочма насосларда кавитация ходисаси, поршенли насосларда эса инерцион куч таъсирида бўладиган босим йўқолишлари инобатга олиниши лозим.

**2. Умумий напорни аниклаш. Поршенли насослар, ишлаш принципи, тузилиши ва хажмий фойдали иш коэффициенти. Марказдан қочма насослар ва унинг асосий тенгламаси. Насослар характеристикаси. Пропорционаллик конуни.**

## **Поршенли насослар. Поршенли насосларнинг тузилиши ва ишлаш принципи.**

Поршенли насосларда суюқлик ҳайдаш трубасига илгариланма – қайтма ҳаракат қилувчи механизмлар орқали узатилади. Поршенли насослар воситасида ҳар қандай қовушқокликдаги суюқликларни узатиш мумкин.

Поршенли насослардан оз миқдордаги суюқликларни юқори босимда узатиша ва суюқлик сарфи ўзгармас бўлиб, босим кескин ўзгарадиган ҳолларда фойдаланиш қулай.

Бу насосларда поршен насос қобиғида горизонтал ва вертикал ҳолларда жойлашган бўлиши мумкин. Ишлаш принципига кўра поршенли насослар оддий, икки босқичли ва кўп босқичли бўлади.


Поршен суюқликни фақат олд томони билан сиқиб чиқарадиган насос оддий бир томонлама ишлайдиган насос дейилади.

Агар насос силинтрида поршеннинг иккала томонида жойлашган иш камераси бўлса ва поршен улардан суюқликни кетма – кет сиқиб чиқарса, бундай насос икки босқичли ёки икки томонлама ишлайдиган насос дейилади.

Оддий поршенли насоснинг ишлаш принципини кўриб чиқамиз. Насос поршени сўриш жараёнида ўнг томонга ҳаракат қилганда иш камерасининг ҳажми катталашади. Ундаги босим камайиб, сийракланиш ҳосил бўлади. Пастки резервуардаги (насос суюқликни сўриб оладиган бассейндаги) суюқликнинг эркин сирти атмосфера босими  $P$  таъсирида бўлади. Атмосфера босими билан пасайтирилган босим  $P_c$  орасидаги фарқ таъсирида суюқлик резервуардан сўриш трубаси бўйлаб силиндрга кўтарилади ҳамда сўриш клапанини очиб, насоснинг иш камераси бўшлигини тўлдиради. Поршен ўнг чекка ҳолатни эгаллаб, чап томонга ҳаракат бошланиши билан сўриш клапани ёпилиб, ҳайдаш клапани очилади ва силиндрда йиғилган суюқлик поршен воситасида узатиш трубасига сиқиб чиқарилади.

Поршенли насосларнинг сарфи қўйидагича аниқланади:

$$Q_q = \eta_v \cdot \frac{FnS}{60} \text{ м}^3/\text{с} \quad (9.5)$$



F - ишчи цилиндрнинг кўндаланг кесим юзаси, м<sup>2</sup>;

S - поршен юриш йўли, м;

n - айланишлар сони, айл/м.

Кўп босқичли насослар учун

$$Q_q = \eta_v \frac{iFnS}{60}, \text{ м}^3/\text{с} \quad (9.6)$$

и - босқичлар сони.

$\eta_v$  - Поршеннинг фойдали иш коэффициенти,

$$\eta_v = \frac{Q_{xak}}{Q_{naz}} \quad (9.7)$$

$$\eta_v=0,85\div0,95$$

Насоснинг қуввати қўйидагича аниқланади:

$$N = \frac{QSgH}{1000\eta}, \text{ кВт}$$

Суюқликнинг ҳаракат тезлиги ва босимларининг пулсасияланишини тенглаштириш ҳамда суюқликнинг сўриш ва ҳайдаш трубаларида бир меъёрда текис оқишини таъминлаш учун насосга маҳсус қурилма (ҳаво қалпоқчалари) ўрнатилади.

Поршенли насосларнинг ишлаш принципи ишчи органнинг илгариланма қайтарма ҳаракатланиши натижасида суюқликни сиқиб чиқаришга асосланган.

1-ишчи цилиндр, 2-поршен, 3-шток, 4-судралувчи (ползун), 5-штатун, 6-кривошип, 7-8-сўриш ва узатиш йўлларида клапанлар.

Поршенли насосларнинг сарфи қўйидагича аниқланади:

$$Q_q = \eta_v \cdot \frac{FnS}{60} \text{ м}^3/\text{с} \quad (9.8)$$

F - ишчи цилиндрнинг кўндаланг кесим юзаси, м<sup>2</sup>;

S - поршен юриш йўли, м;

n - айланишлар сони, айл/м.

Кўп босқичли насослар учун

$$Q_q = \eta_v \frac{iFnS}{60}, \text{ м}^3/\text{с} \quad (9.9)$$

и - босқичлар сони.

$\eta_v$  - Поршеннинг фойдали иш коефициенти,

$$\eta_v = \frac{Q_{xak}}{Q_{naz}} \quad (9.10)$$

$$\eta_v = 0,85 \div 0,95$$


Насоснинг қуввати қуйидагича аниқланади:

$$N = \frac{Q S g H}{1000 \eta}, \text{ кВт} \quad (9.11)$$

Поршенли насосларнинг асосий характеристикаси 32-расмда кўрсатилган.

Поршенли насосларнинг афзаллиги жуда юқори босимли дам ҳосил қила олади. Камчилиги - ишчи орган билан цилиндр ишқаланишлари сабабли тез ишдан чиқади, сўриш ва узатиш бир текис эмас ва х.к.

**Марказдан қочма типдаги насослар.** Марказдан қочма насосларда спиралсимон қобик ичидаги парракли ишчи ғилдирак жойлашган бўлади. Ишчи ғилдиракнинг айланишида марказдан қочма куч ҳосил бўлади. Бу куч таъсирида суюқликнинг сўрилиши ва уни ҳайдаш бир меъёрда узлуксиз боради. 8.1 – расмда марказдан қочма насос схемаси кўрсатилган.



8.1 - rasm. Markazdan qochma nasos.

1-spiralsimon qőzfalmas kamera; 2-ish fildiragi; 3-parraklar;  
4- val; 5- sõrvuvchi truba; 6- kirish klapani; 7- tõrli fil`tr;

Насос ишга туширилишидан олдин сўриш трубаси, иш филдираги ва қобиқ суюқлик билан тўлдирилади. Шундан кейин двигател ток манбаига уланади ва иш филдираги ҳаракатга келтирилади. Суюқлик филдирак билан бирга айланиб, марказдан қочма куч таъсирида парраклар воситасида филдиракнинг марказидан чеккасига отилиб, спиралсимон қўзғалмас камерани тўлдиради ва ҳайдаш трубаси орқали баландликка кўтарилади. Бунда иш филдирагига кириш олдида сийракланиш вужудга келади. Суюқлик атмосфера босими таъсирида йифгич резервуардан кириш клапани орқали сўриш трубасидан насосга кириб, иш филдиракнинг марказий қисмини тўлдиради ҳамда филдиракнинг чеккаларига чиқариб ташланади ва ҳоказо. Шундай қилиб, узлуксиз марказдан қочма куч таъсирида суюқликнинг насос орқали ўтадиган узлуксиз оқими вужудга келади.

Суюқликнинг иш филдираги орқали оқиб ўтишида двигателнинг механик энергияси суюқлик оқими энергиясига айланади. Бунда ишчи филдиракдан чиқиши олдида суюқликнинг босими ортади.

Босим (дам), кувват ва ФИК ларнинг сарфга боқлиқлик графиклари насоснинг характеристикалари дейилади, яъни:

$$H=\phi_1(K), H=\phi_2(K), \eta=\phi_3(K). \quad (27\text{-расм})$$

P-P чизиғи берилган айланиш сонларида маскимал ФИК га тўри келади.

Универсал характеристика (28-расм) насосларни танлашда қўл келади. бундан фойдаланиб насосларнинг ишлаш чегарасини аниқлаш мумкин.

$H_1, H_2, H_n$  - айланишлар сони;

$P_1, P$  - чизик ўрта чизик.

Насослар асосан тармоқлар (қувур) га суюқлик узатгани сабабли, уларнинг ўзаро мослиги аҳамиятга эгадир. Бу ҳол ишчи нуқта орқали аниқланади.

Ишчи нуқта ( $A$ ) деб, трубопровод характеристикиси  $X_{\text{пп}} = \phi(K)$  билан насоснинг бош характеристикиси  $X = \phi(K)$  кесишган нуқтасига айтилади.

Марказдан қочма насослар ўзаро параллел ва кетма-кет уланиши мумкин.

Агар мақсад - сарфни ошириш бўлса, у ҳолда характеристикалари ётиқ бўлган насослар танланади ва параллел

### Пропорционаллик қонуни

Марказдан қочма насосларнинг асосий параметрларининг ўзгариши айланишлар сонига боғлиқ.

Масалан:  $n_1 < n_2$  га оширсак,


$$\frac{Q_1}{Q_2} = \frac{n_1}{n_2} \quad (9.1)$$

Суюқликнинг тегишли  $H_1$  ва  $H_2$  босимлари айланишлар частотасининг квадратлари нисбатига пропорционал:

$$\frac{H_1}{H_2} = \left( \frac{n_1}{n_2} \right)^2 \quad (9.2)$$

Насос стеъмол қладган қувват  $N$  суюқлик сарфи  $Q$  нинг суюқлик босими  $N_g$  кўпайтмасига пропорционал бўлганлиги сабабли, фиддиракнинг бир минутдаги айланишлар частотаси турлича бўлгандаги насоснинг оладиган қуввати  $N_1$  ва  $N_2$  бир минутдаги айланишлар частотасининг кублари нисбатига пропорционал бўлади:

$$\frac{N_1}{N_2} = \left( \frac{n_1}{n_2} \right)^3 \quad (9.3)$$



5.4- расм. Марказдан қочма насоснинг иш характеристикаси.

Бу формулалар пропорционаллик тенгламалари дейилади

**3.Кавитация ҳодисаси. Насосларни параллел ва кетма-кет уланганда ишилаши. Шестернали, пластинали, оқимчали насослар, газлифт ва эрлифтлар. Насослар камчилик ва афзалликлари, уларни танлаш ва кулланиш сохалари.**

Насос ғилдиракининг тез айланишида ва иссиқ суюқликлар марказдан қочма насослар ёрдамида узатилганда **кавитация ҳодисаси** юз беради. Бу вақтда насосдаги суюқлик тез буғланади. Ҳосил бўлган буғ суюқлик билан юқори босимли зонага ўтиб тезда конденсланади. Натижада насос қобигида ката бошлиқ ҳосил бўлади, насос қаттиқ силкинади ва тақиллаб ишлайди. Насос кавитация режимида кўпроқ ишласа у тезда бузилади. Шунинг учун температураси юқори бўлган суюқликларни узатаётганда бу ҳодиса қўшимча кавитацион коеффициент билан ҳисобга олиниши керак.

Кавитация оқибатида насоснинг иш унумдорлиги, босими ва фойдали иш коеффициенти камаяди. Кавитация ҳодисасининг олдини олиш учун иш ғилдирагининг айланиш сонини камайтириш керак. Кавитация таъсирида насос сўриш баландлигининг камайиши (ёки кавитацон коеффицент) ни қуйидаги тенглама орқали аниқласа бўлади:

$$h_{kav} = 0,00125 (Qn^2)^{0,67} \quad (9.4)$$

Бу тенгламадан кўриниб турибдики, ковитацион коеффициентнинг қиймати насоснинг иш унумдорлиги ва айланиш частотасининг сонига боғлиқ экан.


Ишлаб чиқаришда суюқликларни узатиш учун марказдан қочма ва поршенли насослардан ташқари маҳсус насослар ҳам ишлатилади. Маҳсус насослар қовушқоқлиги юқори бўлган, жуда ифлосланган, чукур қудуқдаги суюқликларни узатиш учун қўлланилади. Маҳсус насослар сифатида роторли (шестерняли, пластинали), винтли, оқимли, пропеллерли газлифт, эрлифтлар ва монтежюлар ишлатилади.

**Роторли насослар.** Қовушқоқлиги жуда юқори, ифлосланган ва узатилиши қийин бўлган суюқликларни узатиш учун роторли насослардан фойдаланилади. Бу насослarda суюқлик айланувчи механизмлар ҳаракати воситасида узатилади. Роторли насослар поршенли насослардан клапан ва ҳаво қалпоқчаларининг йўқлиги билан фарқланади.

Роторли насослар ўз навбатида пластинали ва шестерняли насосларга бўлинади. Саноатда кўпинча шестерняли (тишли) насослар ишлатилади. Насос қобигида ўзаро илашган ҳолатдаги узлуксиз айланиб турувчи шестернялар жуфти жойлашган (8.2 - расм).

Шестерялар айланганда бир шестеряниң ҳар қайси тиши илашган ҳолатдан чиқиб, иккинчи шестеряниң чуқурчасидаги тегишли ҳажмни бўшатади. Йиғгич резервуардаги атмосфера босими таъсирида суюқлик бўшаган ҳажмга сўрилади. Шестеряларнинг кейинги айланнишида тишлар орасидаги суюқлик тишлар билан биргаликда сўриш соҳасидан ҳайдаш соҳасига ўтади.

Шестеряларнинг тишлари яна қайтадан илашган пайтда иккала шестеряниң тишлари орасидаги чуқурчаларни тўлдирган суюқлик сиқиб чиқарилади ва ҳайдаш трубасига ўтади. Шестеряли насослар катта айланнишлар частотасида (3000айл/мин гача) ишлай олади, шунинг учун уларни тез айланадиган двигателнинг валига бевосита улаш мумкин. Улар конструкциясининг соддалиги, ишончли ишлаши, ўлчамларининг кичиклиги ва арzonлиги билан бошқа насослардан ажралиб туради. Шунинг учун шестеряли насослар амалда кенг ишлатилади.



9.2 – rasm. Shesternyali nasos.

1 – qobiq; 2,3 – bir biriga ilashgan tishli shesternyalar; 4 – sõruvchi potrubka;  
5 – uzatuvchi potrubka

Ҳажмий насослар - бу маълум суюқлик ҳажмини ажратиб олиб, уни куч таъсирида ҳаракатга келтириб ҳайдовчи насослардир. Бундай насосларда сарф катта бўлмайди, лекин жуда катта босим ҳосил қилинади. Ҳажмий насослар асосан поршенли ва роторли насосларга бўлинади. Поршенли насос қурилмаси схемаси ва индикатор диаграммаси.

## Назорат саволлари

1. Насослар деб қандай машиналарга айтилади?
2. Суюқликлар нима мақсадда узатилади?
3. Насосларнинг асосий параметрларини айтинг.
4. Ҳажмий насосларга қандай насослар киради?

5. Динамик насослар қандай классификаланади?
6. Насос дами- X- нима?
7. Насос унумдорлиги(сарфи) K -нима?
8. Насосда сарфланган қувват- H қандай аниланади?
9. Куракчали насосларга қайси насослар киради?
- 10.Хажмий насослар - қайси насослар?
- 11.Оқимчавий насосларга қайси насослар киради?

## **7-мавзу Иссиклик алмашиниш жараёнлари**

### **Р Е Ж А**

#### **1. Технологик жараёнларда иссиқлик утказиш. Иссиқлик баланси.**

**Иссиқлик утказувчанлик, уни коэффициенти ва дифференциал тенгламаси. Фурье конуни. Иссиқлик бериш ва утказиш коэффициентлари. Иссиқликнинг нурланиши.**

**2. Конвектив иссиқлик бериш. Ньютон формуласи. Иссиқлик бериш буйича тажрибавий маълумотлар. Иссиқлик ташувчи элткичнинг агрегат холата узгарган даврда иссиқлик бериши. Буг конденсациясидаги иссиқлик бериш. Пленкали конденсацияланиш. Иссиқлик утказиш коэффициента. Уртacha температурлар фарки.**

**3.Иссиқлик алмашинишда ухшашик критерийлари. Иссиқлик алмашиниш курилмаларининг конструкциялари. Курилмаларнинг асосий улчамларини хисоблаш. Курилма ва труба қувурларининг иссиқлик изоляцияси.**

**4.Буглатиш. Буглатиш усуллари ва жараённинг урни. Бир корпусли буглаташ курилмаси. Температура йўқотилишнинг турлари. Моддий ва иссиқлик баланслари. Буглатиш курилмаларининг асосий конструкциялари.**

Таянч атама ва иборалар: *Температура майдони, температура градиенти, иссиқлик баланси, изотермик юза, утказувчанлик коэффициенти, иссиқлик оқими зичлиги, Лаплас оператори, қўзгалмас муҳит, иссиқлик режими, абсолют қора жисм, абсолют оқ жисм, диатермик жисм, кулранг жисм, нурланиш интенсивлиги, тўлқин узунлиги, нурланиш интенсивлиги, нур чиқарии қобилияти, иссиқлик мувозанати*

#### **1. Технологик жараёнларда иссиқлик утказиш. Иссиқлик баланси.**

**Иссиқлик утказувчанлик, уни коэффициенти ва дифференциал тенгламаси. Фурье конуни. Иссиқлик бериш ва утказиш коэффициентлари. Иссиқликнинг нурланиши.**

Ҳар хил температурага эга бўлган жисмларда иссиқлик энергиясининг биридан иккинчисига ўтиши иссиқлик алмашиниш жараёни деб аталади. Иссиқ ва совук жисмларнинг температуралари ўртасидаги фарқ иссиқлик алмашинишнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Температуралар фарқи бўлганда,

термодинамиканинг иккинчи қонунига кўра иссиқлик энергияси температураси юқори бўлган жисмдан температураси паст бўлган жисмга ўз-ўзидан ўтади. Жисмлар ўртасидаги иссиқлик алмашиниши эркин электрон, атом ва молекулаларнинг ўзаро энергия алмашиниши ҳисобига содир бўлади. Иссиқлик алмашиниш жараёнида қатнашадиган жисмлар иссиқлик ташувчилар деб аталади.

Иссиқлик ўтказиш жараёнлари (иситиш, совутиш, буғларни конденсациялаш, буғлатиш) кимё саноатида кенг тарқалган. Иссиқлик уч хил йўл билан тарқалиши мумкин: иссиқлик ўтказувчанлик, конвексия ва иссиқликнинг нурланиши.

Ўзаро тегиб турган заррачаларнинг тартибсиз ҳаракати натижасида иссиқликнинг тарқалиш ходисасига иссиқлик ўтказувчанлик дейилади. Қаттиқ жисмларда ва газ ёки суюқликларнинг юпқа қатламларида иссиқлик асосан ушбу усулда тарқалади.

Газ ва суюқликлар макроскопик ҳажмларининг ҳаракати ва уларни аралаштириш натижасида юз берадиган иссиқликнинг тарқалиши конвексия дейилади. Конвексия эркин ва мажбурий бўлиши мумкин. Газ ёки суюқликларнинг айрим қисмларида зичликлар фарқи ҳисобига рўй берадиган иссиқликнинг алмашиниши эркин конвексия дейилади. Ташқи кучлар аралаштириш, суюқликларни насослар ёрдамида узатиш таъсирида мажбурий конвексия юз беради.

Иссиқликнинг электромагнит тўлқинлар ёрдамида тарқалишига **иссиқликнинг нурланиши** дейилади.

Реал шароитларда иссиқлик алмашиниш алоҳида олинган бирор усул билан эмас, балки бир неча усуллар ёрдамида юзага келади, яъни мураккаб иссиқлик ўтказиш жараёнлари амалга оширилади.

**Иссиқлик ўтказувчанлик** Газ ва томчили суюқликларда молекулаларнинг ҳаракати, ёки қаттиқ жисмларда кристалл панжарадаги атомларнинг тебраниши металларда эркин электронларнинг диффузияси натижасида иссиқлик ўтказувчанлик жараёни содир бўлади.

Иссиқлик ўтказувчанлик орқали **тарқалган иссиқлик миқдори Фуре қонуни** асосида аниқланади. Бу қонунга кўра, иссиқлик ўтказувчанлик орқали ўтган иссиқлик миқдори  $dQ$  температура градиентига  $\left( \frac{\partial t}{\partial n} \right)$ , вақтга ( $d\tau$ ) ва

иссиқлик оқими йүналишига перпендикуляр бўлган текислик юзасига ( $dF$ ) пропорционалдир, яъни:

$$dQ = -\lambda \frac{dt}{dn} \cdot dF \cdot d\tau \quad (16.1)$$

бу ерда:

$\lambda$  - иссиқлик ўтказувчанлик коеффициенти, (Вт/м.град);

$dt/dn$  - температура градиенти, ( $^{\circ}\text{C}/\text{м}$ );


$d\tau$  - жараён давомийлиги, (С);

$dF$  - иссиқлик алмашиниш юзаси, ( $\text{м}^2$ ).

**Иссиқлик ўтказувчанлик коеффициенти** иссиқлик алмашиниш юзаси бирлигидан вақт бирлиги давомида изотермик юзага нормал бўлган узунлик бирлигига температуранинг  $1^{\circ}\text{C}$  га пасайишида иссиқлик ўтказувчанлик йўли билан берилган иссиқлик миқдорини ифодалайди.

**Иссиқлик ўтказувчанлик коеффициентининг қиймати модданинг тузилиши ва унинг физик-кимёвий хоссаларига, температура ва бошқа бир қатор катталикларга боғлик.** Нормал температура ва босимда металлар иссиқликни жуда яхши, газлар эса жуда ёмон ўтказади. Масалан, айрим моддаларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коеффициенти (Вт/м.град бирлигига) қуйидагича: тоза мис учун - 394, СТ3 маркали пўлат учун- 52, ҳаво учун - 0,027, томчили суюқликлар учун - 0,1 - 0,7, газлар учун- 0,006 - 0,165, иссиқликдан химояловчи материаллар учун - 0,006 - 0,175 га тенг.

Қалинлиги  $\delta$  ва иссиқлик ўтказувчанлик коеффициенти  $\lambda$  бўлган, бир жинсли материалдан тайёрланган текис деворнинг иссиқлик ўтказиш жараёнини кўриб чиқайлик. Деворнинг қарама-қарши томонларидағи температуралар  $t_1$  ва  $t_2$  га teng бўлиб,  $t_1 > t_2$  бўулсин (16.1-расм).



16.1 - расм. Текис девор орқали иссиқлик ўтказувчанлик йўли билан иссиқлик ўтказиш схемаси

Агар иссиқлик ўтказиш турғун режимда борса ва фақат бир йўналишда тарқалса, иссиқлик ўтказувчанликнинг дифференсиал тенгламаси қўйидаги кўринишга эга бўлади.

$$\partial^2 t / \partial x^2 = 0 \quad (16.2)$$

Бу тенгламани интегралласак:

$$t = c_1 \cdot x + c_2 \quad (16.3)$$

бу ерда:  $c_1$   $c_2$  - доимий коеффициентлар;  $x$ -иссиқликнинг тарқалиш йўналишига мос келувчи координата.

Интеграллаш доимийси  $c_1 = dt / dn$  бўлиб, чегара шартлари ( $x=0$ ,  $x=\delta$ ) бўлган ҳолда  $c_1 = (t_1 - t_2) / \delta$  бўлади ва буни хисобга олганда (16.1) тенглама қўйидаги кўринишга келади:

$$dQ = \lambda [(t_1 - t_2) / \delta] \cdot dF \cdot d\tau \quad (16.4)$$

ёки


$$Q = \frac{\lambda}{\delta} (t_1 - t_2) F \cdot \tau \quad (16.5)$$

Демак, юқоридаги шартларни қаноатлантирувчи текис деворда температура туғри чизик бўйича ўзгаради ва шунга мос ҳолда бир неча бир жинсли қатламлардан ташқил топган деворда температура синиқ тўғри чизик бўйича ўзгаради.

Цилиндрсімөн девор (16.2-расм) учун иссиқлик үтказувчанлық тенгламаси қуидаги күринишда ёзилади:

$$Q = \frac{2 \cdot \pi \cdot L \cdot \tau \cdot (t_1 - t_2)}{\frac{1}{\lambda} \cdot 2,3 \cdot \lg(d_t / d_i)} \quad (16.6)$$

бу йерда:  $L$  - цилиндрсімөн девор баландлиги;  $\tau$  - жараён давомийлиги;  $t_1, t_2$  - силиндрсімөн деворнинг ички ва ташқи сиртининг температураси;  $\lambda$  - девор материалынинг иссиқлик үтказувчанлық коеффициенти;  $d_t, d_i$  - шилиндрсімөн деворнинг ташқи ва ички диаметрлари.



16.2 - расм. шилиндрсімөн деворнинг иссиқлик үтказувчанлық тенгламасини аниқлаш схемаси

Ушбу тенгламадан күриниб турибиди, силиндрсімөн деворда температуранинг ўзгариши эгри чизик бўйича боради.

Агар силиндрсімөн девор бир неча бир жинсли қатламлардан ташқил топган бўлса, (14.6) тенглама қуидагича ёзилади:

$$Q = \frac{2\pi \cdot L \cdot \tau \cdot (t_1 - t_n)}{\sum_{i=1}^{n-1} \frac{l}{\lambda_i} \cdot 2,3 \cdot \lg(d_{i+1} / d_i)} \quad (16.7)$$

$i$  -қатламнинг тартиб рақами;  $n$  -қатламлар сони.

Кимё саноатида қўлланиладиган силиндрсімөн деворли қўпчилик иссиқлик алмашиниш қурилмаларининг диаметри катта (500-2500 мм), девор қалинлиги эса жуда кичик (5-20мм). Бундай қурилмалар учун иссиқлик үтказувчанлық жараёни таҳлил қилинганда 14.4 ёки 14.5 - тенгламалардан фойдаланиш мумкин.

**2. Конвектив иссиқлик бериш. Ньютон формуласи. Иссиқлик бериш буйича тажрибавий маълумотлар. Иссиқлик ташувчи элткичнинг агрегат холати узгарган даврда иссиқлик бериши. Буг конденсациясидаги иссиқлик бериш. Пленкали конденсацияланиш. Иссиқлик утказиш коэффициенти. Уртacha температуралар фарки.**

Суюқлик ёки газларнинг харакати пайтидаги иссиқлик тарқалиши жараёни **конвекция** дейилади. Шунинг учун зарралари осон силжийдиган мухитдагина конвекция содир бўлиши мумкин. Харакатланувчи мухит оқими ва уларга тегиб турган жисм юзаси оралиғида иссиқликнинг тарқалиши конвектив **иссиқлик алмашиниши ёки иссиқлик бериш** деб аталади.

Конвекция икки турга бўлинади, яъни табий ва мажбурий конвекцияларга. Табий конвекция суюқликнинг “иссиқ” ва “совуқ” кисмларидаги зичниклар фарқи таъсирида юзага келади.

Мажбурий конвекция ташки кучлар таъсирида, яъни насос, вентилятор ва аралаштирилади ёрдамида юзага келади.

Мухитлар турбулент режим билан харакатланадиган иссиқлик алмашишнинг жараёни анча тез беради.

**Конвексия йўли билан алмашинилган иссиқлик миқдори Ньютоннинг совитиши қонуни орқали аниқланади.** Бу қонунга кўра, қаттиқ жисм юзасидан суюқлик ва газ мухитига (ёки, аксинча суюқ ёки газсимон мухитдан қаттиқ жисм юзасига) берилган иссиқлик миқдори  $dQ$  иссиқлик алмашиниш юзасига ( $dF$ ), юза ва мухит температураларининг фарқига ( $t_a - t_m$ ) хамда жараённинг давомийлигига ( $d\tau$ ) тўғри пропорионалдир, яъни:

$$dQ = \alpha \cdot (t_a - t_m) \cdot dF \cdot d\tau \quad (17.1)$$

бу ерда:  $\alpha$  - иссиқлик бериш коеффициенти, Вт/(м<sup>2</sup> град).

Иссиқлик бериш коеффициенти қуидаги ўлчов бирлигига эга:

$$[\alpha] = \left[ \frac{dQ}{dF \cdot d\tau (t_a - t_f)} \right] = \left[ \frac{\text{Ж}}{m^2 \cdot c \cdot \text{град}} \right] = \left[ \frac{B_T}{m^2 \cdot K} \right] = \left[ \frac{B_T}{m^2 \cdot {}^\circ C} \right]$$

Узлуксиз иссиқлик алмашиниш жараёни учун (17.1) тенглама қуидаги куринишда булади:

$$Q = \alpha \cdot F(t_{\omega} - t_f) \quad (17.2)$$

**Иссиқлик бериш коэффициенти  $\alpha$**  деворнинг  $1 \text{ м}^2$  юзасидан суюқликка (ёки муҳитдан  $1 \text{ м}^2$  юзали деворга)  $1 \text{ с}$  вақт давомида, девор ва суюқлик температуранинг фарқи  $1^\circ\text{C}$  бўлганда берилган иссиқликнинг миқдорини билдиради. Бу коэффициентнинг миқдори бир қатор катталикларга боғлиқ: суюқликнинг тезлиги  $\omega$ , унинг зичлиги  $\rho$ , қовушқоқлиги  $\mu$ , муҳитнинг иссиқлик-физик хоссалари (солиширма иссиқлик сифими  $C$ , иссиқлик ўтказувчаник коэффициенти  $\lambda$ , суюқликнинг ҳажмий кенгайиш коэффициенти  $\beta$ ) деворнинг шакли, ўлчами (труба учун  $d$  – диаметри,  $L$  – узунлик) ва унинг ғадир-будирлиги  $\xi_0$ .

Шундай қилиб иссиқлик бериш коэффициентининг қиймати қўйидаги катталикларга боғлиқ экан:

$$\alpha = f(\omega, \rho, \mu, C, \lambda, \beta, d, L, \xi_0) . \quad (17.3)$$

Иссиқлик бериш коэффициенти бу катталикларга боғлиқ бўлганлигидан, иссиқлик ўтказиш процесслирининг ҳамма кўринишлари учун а нинг қийматини хисоблаб чиқарадиган умумий тенгламани олишнинг имкони йўқ.

**3.Иссиқлик алмашинишда ухшашлиқ критерийлари. Иссиқлик алмашиниш курилмаларининг конструкциялари. Курилмаларнинг асосий улчамларини хисоблаш. Курилма ва труба қувурларининг иссиқлик изоляцияси.**

Конвектив иссиқлик алмашинишнинг критериал тенгламаси умумий ҳолда қўйидаги кўринишга эга:

$$Nu = f(Re, Gr, Pr, F_0); \quad (17.4)$$

$Nu = \frac{\alpha \cdot l}{\lambda}$  - Нусельт критерийси:  $\alpha$ -иссиқлик бериш коэффициенти;  $l$ -аниқловчи геометрик ўлчам;  $\lambda$ -муҳитнинг иссиқлик ўтказувчаник коэффициенти. Нусельт критерийси асосий аниқловчи критерий бўлиб, девор ва оқим чегарасидаги иссиқликнинг ўтиш тезлигини ифодалайди.

$Re = \frac{\omega \cdot l \cdot \rho}{\mu} = \frac{\omega \cdot l}{v}$  - Рейнольдс критерийси:  $\omega$ -оқимнинг тезлиги;  $\rho$ -муҳитнинг зичлиги;  $\mu, v$  – муҳитнинг динамик ва кинематик қовушқоқлик коэффициентлари. Рейнольдс критерийси оқимдаги инерция ва ишқаланиш кучларининг нисбатини аниқлайди.

$Gr = \frac{g l^3}{\nu^2} \cdot \beta \cdot \Delta t$  - Грасгоф критерийси;  $g$ - эркин тушиш тезланиши;  $\beta$  – ҳажмий кенгайиш коэффициенти;  $\Delta t$  – “иссиқ” ва “совук” суюқлик температуралари фарқи. Грасгоф критерийси эркин конвекция пайтида “иссиқ” ва “совук” суюқлик зичликларининг фарқи таъсирида ҳосил бўлган оқимнинг гидродинамик режимини ифодалайди.

$Pr = \frac{c\mu}{\lambda} = \frac{\nu}{a}$  - Прандтл критерийси:  $c$ - солиштирма иссиқлик сифими;  $a$ - температура ўтказувчанлик коэффициенти. Прандтл критерийси суюқликнинг қовушоқлик ва температура ўтказувчанлик хоссаларининг нисбатини ифода қиласади.

$F_0 = \frac{a \cdot \tau}{l^2}$  - Фурье критерийси:  $\tau$ - процесснинг давомлилиги. Фурье критерийси нотурғун иссиқлик процессларида температура майдонининг ўзгариш тезлиги, муҳитнинг ўлчами ва физик катталиклари ўртасидаги боғлиқликларни белгилайди.

Иссиқлик алмашинишнинг аниқ ҳоллари кўрилганда (18.7) критериал тенглама анча соддалашади. Масалан, турғун процесслар учун (18.7) тенгламадан Фурье критерийси қисқартирилади. У ҳолда:

$$Nu = f(Re, Gr, Pr). \quad (17.5)$$

Суюқлик оқими мажбурий ҳаракат қилган пайтда критериал тенгламадаги Грасгоф критерийси ҳисобга олинмай. Бунда конвектив иссиқлик алмашинишнинг критериал тенгламаси қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Nu = f(Re, Pr). \quad (17.6)$$

Суюқликнинг эркин ҳаракати пайтида Рейнольдс критерийси қисқартирилади. У ҳолда критериал тенглама қўйидаги кўринишни олади:


$$Nu = f(Gr, Pr) \quad (17.7)$$

Иссиқлик алмашиниш процессининг аниқ ҳоллари ҳал қилингандан тегишли критериал тенгламалар ёрдамида Нусельт критерийсининг қиймати топилади. Сүнгра Нусельт критерийсининг тенгламаси орқали иссиқлик бериш коэффициенти  $\alpha$  аниқланади:

$$\alpha = \frac{Nu \cdot \lambda}{l}. \quad (17.8)$$

**Кожух-трубали иссиқлик алмашиниш аппаратлари** (кожух ичига олинган трубали аппарат, қисқача кожух-трубали аппарат). Бу типдаги аппаратлар жуда кенг тарқалган. Бундай иситкичлар қобик (кожух) ичига жойлашган трубалар тўпламидан иборат бўлиб, трубаларнинг учлари тўрларга маҳкамланган бўлади (20.1-расм). Аппаратнинг юқориги ва пастки қисмларида қопқоқ фланец ёрдамида труба тўрига бириттирилади. Юқориги ва пастки қопқоқларга иситилаётган ёки совитилаётган агентларни бериш учун штуцер мўлжалланган. Трубалар тўрларга развалъцовка, пайвандлаш, кавшарлаш ва сальниклар ёрдамида бириттирилиши мумкин.

20.1-расмда бир йўналишили кожух-трубали иссиқлик алмашиниш аппарати кўрсатилган. Бунда иситилувчи газ ёки суюқлик қопқоқдаги патрубка орқали битта трубадан кириб, ўша трубадан чиқиб кетади. Кўпинча, бу типдаги иситкичларда иситилаётган ва иссиқлик бераётган муҳитлар бир-бирига қарама-қарши йўналишда ҳаракат қиласди.



20.1-расм. Бир йўлли кожух-трубали иссиқлик алмашиниш аппарати:

1-қобик; 2-труба тўрлари; 3-трубалар; 4-қопқоқ; 5,6-иссиқлик агентлари кирадиган ва чиқадиган штуцерлар; 7-болт; 8-қистирма.

Иситувчи агент доим иситкичнинг юқориги қисмидан ва иситилаётган мухит эса аппаратнинг пастки қисмидан трубалар ичига берилади. Бу мұхитларнинг йўналиши иситкичдаги йўналишга мос келади, чунки иситилаётган вактда температура ортиши ва камайиши билан уларнинг зичликлари ўзгаради. Масалан, буғ ўз иссиқлигини бериб совиши натижасида унинг зичлиги ошиб, пастки қараб ҳаракат қиласади. Бундан ташқари, мұхитларнинг бу йўналишида уларнинг тезликлари бир хил тақсимланиб, аппаратнинг кўндаланг кесимида иссиқлик алмашиниш ўзгармас бўлади.

#### **4.Буглатиш. Буглатиш усуллари ва жараённинг урни. Бир корпусли буглатиш қурилмаси. Температура йўқотилишининг турлари. Моддий ва иссиқлик баланслари. Буглатиш қурилмаларининг асосий конструкциялари.**

Учувчан бўлмаган моддалар эритмаларини унинг таркибидаги эритувчини қайнатиш пайтида чиқариб юбориш йўли билан қуюқлаштириш жараёни **буғлатиш** деб юритилади.

Буғлатиш жараёнидан ёки буғлатишдан асосий мақсад, қуюқлаштирилшаг эритмаларни ва қуюқлаштириш натижасида хосил бўлган қаттиқ моддаларнинг осон ва арzon қайта ишлаш, сақлаш, бошқа жойга кўчириш ва кам жойни эгаллашдир.

Жараён буғлатиш қурилмаларида амалга оширилади. эритманинг қайнаш температураси паст бўлишини таъминлаш мақсадида эритма устидаги буғ конденсатор ва вакуум- насос ёрдамида суриб олиб турилади. Бунда эритма устидаги босим атмосфера босимидан паст бўлиб, сийракланиш шароитида буғлатиш дейилади.

Атмосфера босими шароитида ишлайдиган буғлатиш қурилмасида буғ тўғридан - тўғри атмосферага чиқарилади. Бу усул энг оддий, иқтисодий жиҳатдан эса серҳаражат ҳисобланади.

Булардан ташқари, юқори босимда буғлатиш ҳам мавжуд бўлиб, бу асосан иккиласми буғни бошқа технологик жараёнларда қўллаш мақсадида амалга оширилади. Лекин бу усулда эритманинг қайнаш температураси юқори бўлади. Бу ҳолатда эса озиқ- саноатидаги эритмаларнинг сифат кўрсаткичи бузилиши мумкин, шу сабабли ушбу усулдан бу тармоқда кам фойдаланилади.


Буғлатиш қурилмасига берилаётган иситувчи буғ бирламчи буғ дейилади. Эритманинг қайнаши натижасида ажралиб чиқаётган буғ эса иккиламчи буғ дейилади. Жараёнга сарфланадиган бирламчи буғнинг солиштирма сарфини камайтириш мақсадида иккиламчи буғдан ҳам фойдаланиш мумкин. Шу мақсадда буғлатиш қурилмалари қўп корпусли қилиб тайёрланади. Қўп корпусли буғлатиш қурилмаларининг фақат биринчи корпусига бирламчи буғ берилиб, қолганларига иккиламчи буғ берилади.

### **Бир корпусли буғлатиш аппарати**

Бир корпусли буғлатиш қурилмаларининг энг оддий тури, бу ички марказий циркулясия трубали буғлатиш қурилмасидир.

Бу қурилма асосан иситиш камераси ва сепаратордан иборат. Иситиш камераси иситиш трубаларидан ва катта диаметрли марказий сиркулясия трубасидан ташкил топган. Иситиш камераси тўйинган сув буғи билан киздирилади. Буғлатилаётган эритма иситиш трубаларида қайнаб, пастдан юқорига ҳаракатланади. Сепараторда эритмадан иккиламчи буғ ажратилади. Иккиламчи буғ томчи ушлагич орқали ўтиб, ташқарига чиқарилади. Суюқлик эса марказий сиркулясия трубаси орқали қайтиб пастга тушади. Марказий сиркулясия трубали буғлатиш қурилмаининг умумий кўриниши 19.1 - расмда кўрсатилган бўлиб, қурилма қобиқ 1, иситувчи камера 2, марказий сиркулясия трубаси 3, сепаратор 4 ва томчи ушлагич 5 дан иборат.

Бунда сиркулясия жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи суюқлик- буғ аралашмаси ва суюқлик зичликлари орасидаги фарқ ҳисобланади. Куюқлаштирилган эритма қурилманинг пастки қисмида жойлашган патрубка орқали чиқарип олинади. Жараённи паст температурада амалга ошириш талаб қилинса, иккиламчи буғ конденсаторга юборилиб конденсатга айлантирилади. Буғ таркибидаги конденсацияланмайдиган газлар эса вакуум-насос орқали суріб олинади. Натижада буғлатиш қурилмасидаги иккиламчи буғ босими атмосфера босимидан паст бўлиб, буғлатиш жараёнини паст температурада, интенсив бориши таъминланади.



19.1- расм. Марказий циркулясия трубали буғлатиш қурилмаси:

1- иситиш камераси; 2 - сепаратор; 3 - иситиш трубалари; 4 - сиркулясия трубаси.

### **Буғлатишни моддий ва иссиқлик баланси**

Бир корпусли буғлатиш қурилмасининг моддий баланси қуйидагича ёзилади:

$$\Gamma_{\delta} = \Gamma_o + W \quad (19.1)$$

Эритма таркибидаги қуруқ моддага нисбатан:

$$\Gamma_{\delta} \delta_{\delta} = \Gamma_o \delta_o + W \quad (19.2)$$

бу ерда:  $\Gamma_{\delta}$ ,  $\Gamma_o$ ,  $W$ - бошланғич ва қуюқлашган эритманинг ҳамда иккиламчи буғнинг сарфлари;  $\delta_{\delta}$ ,  $\delta_o$ -эритманинг бошланғич ва охирги концентрациялари.

Жараёнда ажралиб чиқадиган иккиламчи буғ микдори қуйидагича аниқланади:

$$W = G_{\delta} - G_o = G_{\delta} \cdot \left( 1 - \frac{b_{\delta}}{b_o} \right) \quad (19.3)$$

Жараёнинг иссиқлик баланси қуйидагича ёзилади:

$$G_{\delta} \cdot i_{\delta} + D \cdot I_u = G_0 \cdot i_0 + W \cdot I + D \cdot i' + Q_{конu} + Q_{u} \quad (19.4)$$

бу йерда:  $i_0, i_o, I_u, I, i'$  - мос ҳолда, бошланғич ва қуюқлашган эритманинг, иситувчи (бирламчи) ва иккиламчи буғнинг ҳамда иситувчи буғ конденсатининг энтальпиялари;

Д - иситувчи буғ сарфи;

К<sub>конс</sub> - қуюқлаштириш иссиқлиги;

К<sub>й</sub>- атроф мухитга йўқотилган иссиқлик миқдори.

### **НАЗОРАТ ҚИЛИШ ОИД САВОЛЛАРИ:**

1. Буғлатиш жараёнининг мохияти нимадан иборат?
2. Буғлатиш йўли билан қандай эритмалар қуюқлаштирилади?
3. Температура депрессияси нималарга боғлик ва у қандай ҳисобланади?
4. Буғлатишнинг қандай усуслари мавжуд?
5. Буғлатилган сув миқдори нималарга боғлик?
6. Буғлатиша иситувчи буғнинг сарфи қандай аниқланади ва у нималарга сарф бўлади?
7. Фойдали температуралар фарқи ва умумий температуралар фарқи орасида қандай фарқ бор?
8. Буғлатишига сарфланадиган буғни тежашнинг қандай йўллари мавжуд?
9. Бир корпусли буғлатиш қурилмаларининг тузилиши ва ишлаш принципини тушинтириб беринг.

## **8-мавзу Масса алмашиниш асослари**

### **P E Ж A**

1.Модда алмашиниш жараёнлари ва турлари. Фазалар коидаси. Мувозанат чизиги. Ишчи ва мувозанат чизигини у-х диаграммада ифодалаш. Харакатга келтирувчи куч ва уни ифодалаш усуллари. Молекуляр ва конвектив диффузия. Диффузион чегаравий катлам. Диффузион жараёнларнинг ўхшашлиги ва критерийлари.

2.Масса беришнинг. умумлаштирилган тенгламалари. Масса утказиш ва асосий тенгламаси. Масса утишининг замонавий назариялари. Масса бериш ва утказиш коэффициентлари орасидаги бөгликлөр. Абсорбция. Абсорбция жараёнининг моҳияти. Физик абсорбция ва хемосорбция.

3.Моддий ва иссикдик баланслари. Ишчи чизик тенгламаси. Абсорбция жараёнини харакатга келтирувчи кучи. Абсорбция жараёнининг тезлиги. Абсорберлар классификацияси. Насадкалар турлари, характеристикалари ва уларни танлаш критерийлари. Ректификация ва дистилляция. Оддий хайдаш Бинар аралашмаларни хайдаш

Таянч атама ва иборалар: *модда ўтказиши, абсорбция, экстракция, ҳайдаш, адсорбция, қуритиши, кристалланиши, динамик мувозанат, марқалиши коэффиценти, концентрация, диффузия, диффузия коэффиценти, уюрма диффузия, концентрация фарқи, конвектив диффузия, термодиффузия*

**1.Модда алмашиниш жараёнлари ва турлари. Фазалар коидаси.**  
**Мувозанат чизиги. Ишчи ва мувозанат чизигини у-х диаграммада ифодалаш. Харакатга келтирувчи куч ва уни ифодалаш усуллари.**  
**Молекуляр ва конвектив диффузия. Диффузион чегаравий катлам.**  
**Диффузион жараёнларнинг ўхшашлиги ва критерийлари.**

Кимёвий технологияда бир ёки бир нечта модданинг бир фазадан бошқа фазага ўтиш билан характерланувчи масса узатиш жараёнлари муҳим аҳамиятга эга. Бир ёки бир неча компонентни бир фазадан бошқа фазага кўчиришни гомоген ва гетереоген системаларида амалга ошириш мумкин. Саноатда масса узатишнинг қуидаги турларидан кўпроқ фойдаланилади.

Модда алмашиниш жараёнлари ва турлари қуидагилардан иборат:

**1. Абсорбция** – газнинг суюқликка ютилиши бўлиб, бунда модда газ фазадан суюқликка ўтади. Бунга тескари бўлган жараён десорбция дейилади.

**2. Экстракция** – суюлиқликда эриган моддани биринчи суюқлик билан амалда аралашмайдиган ёки қисман аралашадиган бошқа суюқлик ёрдамида ажаратиб олишдир. Бунда ажаратиб олинаётган компонент бир суюқ фазадан иккинчисига ўтади.

**3. Ректификация** – бир-бирига қарама – қарши оқимларга айланувчи суюқлик ва буг фазаларнинг бир неча марата ўзаро алмашиниши туфайли гомоген суюқлик сиситемаларини ажратиш усули ҳисобланади.

**4. Адсорбция** - газ, буг ёки эритмани қаттиқ ғовак ютгичга ютиш жараёни бўлиб бунда модда газ ёки суюқ фазадан қаттиқ фазага ўтади. Адсорбциянинг яна бир кўриниши. Айрим қаттиқ моддаларнинг силжувчан ионларини электролит эритмалари ионларига алмашиниши ҳисобланади.

**5. Куритиш** – қаттиқ материаллар таркибидан намликни буғлатиш йўли билан йўқотиш учули бўлиб, бунда намлик қаттиқ фазадан буг ёки газ фазага ўтади.

**6. Кристалланиш.** Қаттиқ фазани кристаллар кўринишида эритмалар ёки суюқланмалардан ажаратиб олиш ҳисобланади. Кристалланиш жараёни модданинг суюқ фазадан қаттиқ фазага унинг эрувчанлиги ўзгариши туфайли ўтишига асосланган.

**7. Эриш** ва экстракция эриши жарёни қаттиқ фазанинг суюқликка ўтиши бўлиб, у кристалланишга тескари ҳисобланиди. Иссиқлик узатиш каби масса узатиш ҳам мураккаб жараён бўлиб, бунда модда маълум чегара фазасида чегара сирт орқали бошқа фазага кўчирилади. Модданинг фазадан ажратувчи фазалар сиртига кўчирилиши масса бериш дейилади. Қаттиқ фаза иштирокида масса узатиш жараёни тақсимлаётган модданинг қаттиқ фаза ичида ўзига хос тарқалиш хусусиятлари билан характерланади.

**Фазалар қоидаси.** Бу қоида модда алмашиниши жараёнларидаги мувозанат қоидаларининг асосини ташкил этади. Фазалар қоидаси қўйидагича ифодаланади.

$$\Phi + C = K + 2 \quad (21.1)$$

бу эрда  $\Phi$  – фазалар сони;  $C$  – системанинг эркинлик даражаси ёки унинг мувозанат ҳолатини ҳисоблашда ўзгартириш мумкин бўлган параметрлар сони;  $K$  – системадаги компонентлар сони.

Фазалар қоидаси модда алмашиниши жараёнларининг мувозанат ҳолатини ҳисоблашда параметрларнинг қанчасини ўзгартириш мумкинлигини белгилаб беради. Бу қоидадан модда алмашиниши жараёнларининг икки хил турида ҳам фойдаланиш мумкин: 1) ўзаро та’сир қилувчи иккала фаза таркибида

тарқалувчи моддадан ташқари инерт компонент – ташувчи бўлади (масалан абсорбция, суюқликларни экстракциялаш); 2) иккала фазада ҳам инерт компонент қатнашмайди (ректификация).

Модда алмашиниш жараёнларининг биринчи турига мисол: икки фазали ( $\Phi=2$ ) ва уч компонентли, иккала фаза бўйича тарқалувчи модда ва иккала фазадаги ташувчи инерт компонентлардан иборат система учта эркинлик даражасига эга бўлади:

$$C = K + 2 - \Phi = 3 + 2 - 2 = 3 \quad (21.2)$$

Бундай шароитда исталган учта параметрни, я`ни умумий босим ( $P$ ), температура ( $t$ ) ва фазалардан бирининг тарқалувчи модда бўйича концентрацияси  $x_A$  ва уа ни ўзгартериш мумкин. Демак, берилган температура ва босим қийматида ( $t = \text{сонст}$ ,  $P=\text{сонст}$ ) битта фазанинг айrim концентрациясига иккинчи фазанинг тегишли аниқ концентрацияси тўғри келади.

Модда алмашиниш жараённининг иккинчи турига мисол: иккита фазадан ( $\Phi=2$ ) ва иккита тарқалувчи компонентдан ( $K=2$ ) иборат система иккита эркинлик даражасига эга бўлади:

$$C = K + 2 - \Phi = 2 + 2 - 2 = 2 \quad (21.3)$$

Агар, модда алмашиниш жараёнлари, одатда, бир ҳил босимда ўтказилиши ҳисобга олинса, у ҳолда фазанинг концентрацияси ўзгариши билан температура  $m$  ўзгаради. Агар бундай жараён ўзгармас температурада ( $m=\text{сонст}$ ) олиб борилса, фазанинг турли концентрацияларига турли босим қийматлари тўғри келади.

Ўзгарувчан параметрлар ўртасидаги боғлиқликлар фазавий диаграмма ёрдамида ифодаланади. Модда алмашиниш жараёнларини ҳисоблашда қуйидаги диаграммалардан фойдаланилади:

- 1) босимнинг концентрацияга боғлиқлиги ( $m=\text{сонст}$ );
- 2) температуранинг концентрацияга боғлиқлиги ( $P=\text{сонст}$ );
- 3) фазаларнинг мувозанат концентрациялари орасидаги боғлиқлик.

Масса алмашиниш жараённининг мувозанат чизиги иш чизиги Иссиқлик узатишдаги каби, масса аламшиниш жараёнларида оқимлар харакати қарама-қарши, тўғри ва кесувчан оқимларда содир бўлади. Фазалар харакатланишининг ўзаро йўналишига боғлиқ ҳолда ва уларни узлуксиз ва босқичма-босқич амалага ошириш мумкин. Узлуксиз режимда ишловчи

аппаратларга насадкали калонналарни мисол келтириш мумкин. Босқичли контактли аппаратлар бир нечта сексиялардан иборат бўлиб, ҳар қайси сексияда фазада ўзаро боғлик равища харакатланиши кузатиш мумкин. Босқичли контактли аппаратларга тарелкали калонналарни мисол келтириш мумкин. Фазаларнинг ўзаро боғлик равища харакатланиши ва уларнинг контактлашиш турига қараб масса ўтказиш жараёнларининг харакатлантирувчи кучлари ҳам ўзгариб туради. Оддатда фазалар концентрацияси уларнинг чегара сирт бўйлаб харакатланишида ўзгариб туради. Шунга мос равища харакатлантирувчи куч қиймати ўзгаради. Шунинг учун масса узатишнинг умумий тенгламасига ўртacha харакатлантирувчи кучни киритиш мумкин. Фараз қилайлик, масса узатиш қарама-қарши оқимли каллонали аппаратда қуидаги шартлар бўйича содир бўлаётган бўлсин:

1. Мувозанат чизиги -  $\dot{y} = \phi(x)$ ;
2. Фазалар сарфи ўзгармас.
3. Масса узатиш коеффиценти аппарат баландлиги бўйлаб ўзгармайди.

Елементда масса узатиш натижасида фаза концентрацияси  $\dot{y}$  катталикка ва тарқалаётган модда миқдори  $\partial M$  миқдорига камаяди. Бунда у бошқа фазага ўтади.

$$\partial M = -\Gamma \partial y$$

“-“ ишораси фаза концентрациясини кўрсатади.

Моддий тенгламасига кўра тақсимланаётган модда бир фазадан иккинчи фазага ўтганда бутун аппарат учун унинг миқдори  $M = \Gamma(y_H - y_k)$

Бу тенгламадаги  $\Gamma$  нинг қийматини қўйсак қуидаги кўринишга эга бўлади.

$$\int_{y_k}^{y_H} \frac{dy}{y - y^*} = \frac{KyF}{M} (y_H - y_k)$$

У ҳолда

$$M = K_y F \frac{y_H - y_k}{\int_{y_k}^{y_H} \frac{dy}{y - y^*}}$$

Бу тенгламаларни солиштириш билан масса узатиш жараёнининг ўртacha харакатлантирувчи кучини топиш мумкин.

$$\Delta y_{\bar{y}_p} = K_y F \frac{y_H - y_k}{\int_{y_k}^{y_H} \frac{dy}{y - y^*}}$$

Шундай қилиб масса узатишнинг ўртача харакатлантирувчи кучини қўйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин.

$$\Delta y_{\bar{y}_p} = \frac{(y_\delta - y_\delta^*) - (y_o - y_o^*)}{\ln \frac{y_\delta - y_\delta^*}{y_o - y_o^*}} = \frac{y_\delta - \Delta y_m}{2,31g \frac{\Delta y_\delta}{\Delta y_m}}$$

Фаза ичидаги модданинг тарқалиши умуман олганда, молекуляр диффузия йўли билан (агар муҳит кўзғалмас бўлса) ёки бирданига молекуляр ва турбулент диффузиялар ёрдамида (агар муҳит ҳаракатчан бўлса) юз беради.

**Молекуляр диффузия.** Молекула, атом, ион ва коллоид заррачаларнинг тартибсиз иссиқлик ҳаракати таъсирида модданинг тарқалиши молекуляр диффузия деб аталади. Кўзғалмас муҳитда, ламинар оқимда ва турбулент, оқимнинг фазаларни ажратувчи юза яқинидаги чегара қатламида модда молекуляр диффузия ёрдамида тарқалади. Молекуляр диффузия Фикнинг биринчи қонуни билан ифодаланади. Бу қонунга кўра, элементар юза  $\partial\Phi$  дан маълум вақт  $\partial t$  давомида тарқалган модданинг массаси  $dM$ , унинг концентрацияси градиенти  $dc/dn$  га тўғри пропорционалdir:

$$dM = -D dF d\tau \frac{dc}{dn} \quad (21.6)$$

ёки

$$M = -DF \tau \frac{dc}{dn} \quad (21.7)$$

(1.7) ифодага асосан, юза бирлигидан ( $\Phi=1$ ) вақт бирлиги ичидаги ( $\tau=1$ ) модданинг молекуляр диффузия юли билан тарқалган модда микдорига модданинг солишишторма оқими (ёки молекуляр диффузиянинг) тезлиги деб аталади.

$$q_M = \frac{M}{F \cdot \tau} = -D \frac{dc}{dn} \quad (21.8)$$

Тенгламанинг ўнг томонидаги минус ишора молекуляр диффузиянинг тарқалувчи компонент концентрациясининг камайиши томонга қараб боришини кўрсатади. 1.8 - тенгламадаги  $D$  пропорционаллик коефициенти ёки

диффузия коефициенти деб аталади. (1.7) тенгламага асосан диффузия коефициентининг ўлчов бирлигини аниқлаймиз:

$$[D] = \left[ \frac{Mdn}{dcF\tau} \right] = \left[ \frac{\kappa g \cdot m}{\kappa g / m^3 m^2 c} \right] = \left[ \frac{m^2}{c} \right] \quad (21.9)$$

Диффузия коефициенти юза бирлигидан вақт бирлиги ичида, концентрация градиенти бирга тенг бўлганда тарқалган модданинг массасини билдиради. Молекуляр диффузия коефициенти физик ўзгармас катталик бўлиб, модданинг диффузия йўли билан қўзғалмас муҳитга кириш қобилиятини белгилайди. Диффузия коефициентининг қиймати жараённинг гидродинамик шарт шароитларга боғлиқ эмас.

Диффузия коефициенти тарқалувчи модда ва муҳитнинг хоссаларига, температура ва босимига боғлиқ. Одатда диффузия коефициент температуранинг ортиши ва босимнинг камайиши (газлар учун) билан ортади. Ҳар бир аниқ шароит учун  $D$  нинг қиймати тажриба ўтказиш йўли билан ёки тегишли тенгламалар ёрдамида аниқланади. Кўпчилик моддалар учун  $D$  нинг қиймати ма`лумотномаларда берилган бўлади.

**Конвектив диффузия.** Ҳаракатланувчи суюқлик ёки газларда модда бир вақтда молекуляр ва турбулент диффузиялар ёрдамида тарқалади, бу жараёнларнинг йиғиндиси конвектив диффузия деб аталади.

Конвектив диффузия концентрация градиенти, муҳитнинг тезлиги ва физик хоссаларига боғлиқ. Конвектив диффузия икки хил бўлади: табиий (ёки эркин) ва мажбурий. Концентрациялар ёки температуralар та`сирида суюқлик муҳитининг ҳар хил қисмларида зичликлар фарқи пайдо бўлади. Бу зичликлар фарқи та`сирида модданинг тарқалиши эркин конвекция дейилади. Ташки кучлар (насос, аралаштиргич ва бошқалар) та`сирида модданинг суюқ ёки газ муҳитларида тарқалиши мажбурий конвекция деб аталади.

Агар тарқалувчи модда  $\Phi_y$  фазадан  $\Phi_x$  фазага ўтади деб олинса, ҳар бир фазада вақт бирлиги ичида тарқалган модданинг миқдори  $M$  модда бериш жараёнининг асосий тенгламаси орқали топилади:

$$\Phi_y \text{ фазада } M = \beta_y F \left( \bar{y} = \bar{y}_u \right), \quad (21.12)$$


$$\Phi_x \text{ фазада } M - \beta_x F \left( \bar{x}_u - \bar{x} \right) \quad (21.13)$$

Бу эрда  $(\bar{y} = \bar{y}_u)$  – модда беришнинг  $\Phi_y$  фазадаги ҳаракатлантирувчи кучи;  $(\bar{x}_u - \bar{x})$  – модда беришнинг  $\Phi_x$  фазадаги ҳаракатлантирувчи кучи;  $\bar{y}$  ва  $\bar{x}$  – ҳар бир фазанинг марказидаги ўртача концентрациялар ёки иш концентрациялари;  $\bar{y}_x$  ва  $\bar{x}_u$  – тегишли фазалар чегарасидаги концентрациялар;  $\Phi$  – фазаларни ажратувчи юза;  $\beta_y$ ,  $\beta_x$  –  $\Phi_y$  ва  $\Phi_x$  фазалардаги модда бериш коефициентлари.

Модда бериш коефициентлари ( $\beta_y$  ва  $\beta_x$ ) вакт бирлиги ичida жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи бирга тенг бўлганда юза бирлигидан фазаларни ажратувчи юздан фазанинг марказига (ёки тескари йўналишда – фазанинг марказидан ажратувчи юзага томон) ўтган модданинг массасини билдиради

**2.Масса беришнинг умумлаштирилган тенгламалари. Масса утказиш ва асосий тенгламаси. Масса утишининг замонавий назариялари. Масса бериш ва утказиш коэффициентлари орасидаги боғликлик. Абсорбция. Абсорбция жараённинг мохияти.**

Масса узатишнинг ҳисоблашнинг назарий жиҳатдан мураккаблиги уни фазалар чегара сиртида ташишнинг мураккаблиги биан тушунтирилади. Фараза қилайлик  $M$  тартибли моддани қўчириш фазаларнинг турбулент фазали шароитида амалга оширилаётган бўлсин. Масса узатиш жараёни ҳар қайси фазадаги турбулент оқимнинг структураси билан узвий боғланган. Гидродинамикадан маълумки оқимнинг қаттиқ девор олдидаги турбулент ҳаракатланишида ламинар чегара қатлами ҳосил бўлади. Ҳар қайси фазада ядро ёки фазанинг асосий массаси, фазада чегарасида эса чегара қатлами ҳосил бўлади. Концентрациянинг бундай ўзгариш ҳарактери фазалар орасидаги ишқаланиш кучи ва суюқ фаза чегарасидаги сирт таранглик кучлари билан ҳарактерланади. Шундай қилиб, турбулент ҳаракатланишда оқим ядросида фазалар чегарасига масса ўтказиш параллел равишда молекуляр ва турбулент диффузия туфайли амалга оширилади. Чегара қатламида қўчириш тезлиги факатгина молекуляр диффузия туфайлигина амалга ошади. Масса ўтказиш жараёнини жадаллаштириш учун чегара қатлам қалинлигини камайтириш, оқимнинг турбулентли даражасини ошириш талаб этилади.



Агар тарқалаётган модда  $\Phi_y$  фазадан  $\Phi_x$  фазага ўза, ҳар битта фазадан бир бирлик вақт давомида ўтаётган модданинг  $M$  миқдорини аниқловчи модда беришнинг асосий тенгламаси қуидагида берилган:

Фаза  $\Phi_y$

$$M = \beta_y \Phi (\bar{y} - \bar{y}_{ch}) \quad (22.1)$$

Фаза  $\Phi_x$

$$M = \beta_x \Phi (\bar{x} - \bar{x}_{ch}) \quad (22.2)$$

Бу тенгламалардаги  $\bar{y} - \bar{y}_{ch}$  ва  $\bar{x} - \bar{x}_{ch}$  концентрация фарқлари  $\Phi_y$  ва  $\Phi_x$  фазаларида масса бериш жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучини кўрсатади,  $\bar{x}$  ва  $\bar{y}$  – фазаларнинг асосий массасидаги ўртача концентрацияси,  $\bar{x}_{ch}$  ва  $\bar{y}_{ch}$  фазалар чегаралари атрофидаги концентрациялари.

Модда бериш коэффициенти 52 ва 53 тенгламалардаги пропорционаллик коеффициентлари масса бериш коеффицентлари дейилади.

$\Phi_x$  фазасидаги  $\beta_x$  ва  $\Phi_y$  фазасидаги  $\beta_y$  масса бериш коеффицентлари ҳаракатлантирувчи куч бирга тенг бўлганда, бир бирлик вақт давомида фазалар чегарасининг бир бирлик юза сатҳидан фаза марказига (ёки қарши йўналишда) қанча модда миқдори ўтишини кўрсатади.

Масса бериш коеффициенти фазанинг физикавий хоссаларига (зичлик, қовушқоқлик) ва масса алмашиниш аппаратларининг ўлчамлари, конструкциясига, фазадаги гидродинамик шароитларга (оқимнинг ламинар ёки турбулент режимларига) боғлиқ бўлади.

$$[\beta] = \frac{kg}{m^2 * sek * (\text{harakatlanuvchi kuch birligi})}$$

1) ҳаракатланувчи куч мол улушлари фарқи билан аниқланаётганда:

$$\beta_M = \frac{M_t \rho}{M_{ar}} \beta_c = P \beta_p$$

2) ҳаракатланувчи куч тарқалаётган компонентнинг нисбий концентрациялари фарқи билан аниқланаётганда:

$$\beta_c \approx \rho \beta_c = \frac{M_b}{M_{ox}} P \beta_p$$

3) ҳаракатланувчи куч парциал босимлар фарқи билан аниқланаётганда:

$$\beta_p = \frac{M_{ox}}{RT} \beta_c$$

$M_t$  ва  $M_{ap}$  – 1 кмоль тарқатувчи ва фазанинг ўртача массаси, кг/кмоль;  $\rho$  – фазанинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $P$  – умумий босим, н/м<sup>2</sup>;  $R$  – универсиал газ доимийси, [8314 ж/(кмоль\*град)];  $T$  – абсолют температуре, К.

Масса бериш коефициенти бошқа бирлик системасига қуидагича ўтказилади:

$$\text{м/сек} * 3600 = \text{м/соат}$$

$$\text{сек/м} * 3,53 * 10^8 = \text{кг}/(\text{м}^2 * \text{соат} * \text{ат})$$

$$\text{сек/м} * 4,8 * 10^5 = \text{кг}/(\text{м}^2 * \text{соат} * \text{мм.сим.уст.})$$

$$\text{кг}/(\text{м}^2 * \text{соат} * \text{мм.сим.уст.}) * 735 = \text{кг}/(\text{м}^2 * \text{соат} * \text{ат})$$

Модда ўтказиш жараёнларини ифодаловчи критерийлар

Модда бериш коефициенти  $\beta$  нинг қийматини аниқ ҳисоблаш учун ҳаракатланувчи муҳитдаги конвектив диффузиянинг дифференциал тенгламасини гидродинамиканинг Навье — Стокс ва оқимнинг узлуксизлиги тенгламалари билан биргалиқда тегишлича бошланғич ва чегара шартлари асосида интеграллаш лозим. Бироқ бу тенгламалар системаси амалий Жиҳатдан умумий ечимга эга эмас. Шу сабабли асосий тенгламалар системасини ечмасдан туриб ўхшашик назариясининг методлари ёрдамида модда ўтказиш Жараёнини ифодаловчи ўзгарувчан катталиклари ўртасидаги боғлиқликни

ҳосил қилиш мумкин. Бундай боғлиқликни ифодаловчи тенгламалар модда беришнинг умумий ёки критериал тенгламалари деб аталади.

Ўхашлик назарияси усуллари ёрдамида бир нечта диффузион ўхашлик критерийлари ҳосил қилинган. Булар Жумласига Нусセルт ( $Nu'$ ), Фурье ( $F'$ ), Пекле ( $Pe'$ ), Прандтл ( $Pr'$ ) диффузион ўхашлик критерийлари киради:

Нусセルт диффузия критерийси қўйидаги куринишга эга:

$$Nu' = \frac{\beta l}{D} \quad (22.3)$$

бу ерда  $\beta$  — модда бериш коефициенти;  $l$  — системанинг аниқловчи ўлчами;  $D$  — молекуляр диффузия коефициенти.

Ўхаш системаларнинг ўхаш нуқталарида  $Nu'$  критерийси бир хил қийматга эга бўлади. Бу ўхашлик критерийси фазалар чегарасидаги модда ўтказиш интенсивлигини ифодалайди.

Фурье диффузия критерийси қўйидаги катталиклар орқали белгиланади:

$$F' o = \frac{\tau D}{l^2}, \quad (22.4)$$

бу ерда  $\tau$  — Жараённинг давомлилиги.

Фурье критерийси нотурғун ҳолдаги модда бериш Жараёнларини ифодалайди. Нотурғун ўхаш системаларнинг ўхаш нуқталарида Фурье критерийси бир хил қийматга эга.

Пекле диффузия критерийси қўйидаги кўринишга эга:

$$Pe' = \frac{\omega l}{D} \quad (22.5)$$

бу ерда  $w$  — оқимнинг тезлиги.

Пекле критерийси ўхаш системаларнинг ўхаш нуқталарида конвектив ва молекуляр диффузиялар орқали ўтаётган модда массаларининг нисбати даражасини ифодалайди.

Кўп ҳолларда  $Pe'$  критерийси ўрнига Прандтл диффузия критерийси ишлатилади:

$$Pr' = \frac{Pe'}{Re} = \frac{\frac{\omega l}{D}}{\frac{\omega l}{v}} = \frac{v}{D} = \frac{\mu}{\rho D} \quad (22.6)$$

Прандтл критерийси ўхаш оқимларнинг ўхаш нуқталарида суюқлик (газ) нинг физик хоссалари нисбатининг ўзгармаслигини ифодалайди. Газлар учун  $Pr'$  нинг қиймати бирга яқин, суюқликлар учун эса:

$$Pr \approx 10^3$$

Модда бериш жараёнларининг ўхашлигини ҳосил қилиш учун гидродинамик ўхашлик шартлари ҳам бажарилиши керак. Ўхаш оқимларнинг ўхаш нуқталарида гидродинамик ўхашлик критерийлари ҳам бир хил қийматларга эга бўлиши шарт. Гидродинамик ўхашлик критерийлари қаторига Рейнольдс ( $Re$ ), Фруд ( $F_r$ ) ва Галилей ( $G$ ) критерийлари киради

Модда алмашини Жараёнлари ўхаш бўлиши учун геометрик ўхашлик шартлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Геометрик ўхашлик симплекслар орқали ифода қилинади. Симплекслар (масалан,  $\Gamma_1, \Gamma_2$ ) системанинг геометрик ўлчамларининг ( $l_1, l_2$ ) бирор белгиланган ўлчамга (масалан,  $l_o$ ) нисбатлари билан аниқланади.

Нусселт диффузия критерийси асосий аниқланиши лозим бўлган критерий бўлиб, унинг бошқа критерийлар ва симплекслар билан боғлиқлиги куйидаги умумий кўринишга эга:

$$Nu = \phi(Pr, Re, Fr, \Gamma_1, \Gamma_2) \quad (22.7)$$

ёки

$$Nu = \phi(Pr, Re, Ga, \Gamma_1, \Gamma_2) \quad (22.8)$$

Турғун модда бериш жараёнлари учун Фурье критерийсини тушириб қолдирса бўлади, бунда юқоридаги ифодалар қўйидаги кўринишни олади:

$$Nu = \phi(Re, Fr, \Gamma_1, \Gamma_2) \quad (22.9)$$

ёки

$$Nu = \phi(Pr, Re, Ga, \Gamma_1, \Gamma_2) \quad (22.10)$$

Агар модда бериш Жараёнига оғирлик кучларининг таъсири жуда кам бўлса, бунда (13.52) ифодадан Галилей критерийси ҳам чикариб ташланади:

$$Nu = \phi(Pr, Re, \Gamma_1, \Gamma_2) \quad (22.11)$$

(13.49) — (13.53) ифодалар модда бериш жараёнининг умумий ёки критериал тенгламалари деб аталади. Бу критериал тенгламалар даража кўрсаткичлари билан ҳам ифодаланиши мумкин:

$$Nu' = A \left( \frac{\mu}{\rho D} \right)^m \left( \frac{\omega l \rho}{\mu} \right)^n \left( \frac{l_1}{l_0} \right)^p \left( \frac{l_2}{l_0} \right)^q \quad (22.12)$$

Охирги тенгламага кирган коефициент  $A$  ва даража кўрсаткичлари  $m, n, p$  ва  $q$  нинг қийматлари тажриба натижаларини қайта ишлаш орқали топилади.

Критериал тенгламалардан топилган  $Nu'$  критерийсининг қиймати орқали модда бериш коефициенти  $\beta$  ни аниқлаш мумкин:

$$\beta = \frac{Nu'D}{l} \quad (22.13)$$

Модда бериш коефициентларининг қийматлари орқали модда ўтказиш коефициенти к топилади.

**Модда ўтказиш жараёнларининг асосий тенгламаси.** Модда ўтказиш коефициенти

Модда ўтказиш жараёнларини тезлатиш тегишли қурилмаларнинг иш ҳажми бирлигига нисбатан олинган бир қатор катталикларга боғлик, я`ни тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши, ёқилғи, буғ, хом ашё ва энергия сарфларининг камайиши, қурилмани тайёрлаш учун сарфланадиган металлнинг миқдори ва ҳоказо. Бундан ташқари, тезлатиш самарадорлигини аниқлашда назорат ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш учун кетган сарфлар, қурилманинг мураккаблиги ва унинг қисмларини тайёрлаш имкониятлари, қурилмани ишлатиш ва уни бошқариш учун зарур ишчи кучига сарфлар ҳисобга олинади.

Модда алмашиниш қурилмаларининг ишини тезлатиш учун уларда кечадиган физик жараёнларнинг физик моҳиятини чукур ўрганиш керак. Модда ўтказишнинг асосий тенгламаси қўйидаги қўринишга эга:

$$M = K \cdot F \cdot \Delta C \cdot \tau \quad (22.14)$$

Ушбу тенгламага кўра, бир фазадан иккинчи фазага ўтган модданинг миқдори  $M$  фазаларнинг контакт юзаси  $\Phi$  га, модда ўтказиш коефициент  $K$  га ва ҳаракатлантирувчи куч  $\Delta c$  га тўғри пропорционал боғланган. Шу сабабли ҳар бир конкрет шароит учун жараённи тезлатишнинг тегишли усулини ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Модда алмашиниш жараёнларини тезлатишида фазаларнинг контакт юзасини кўпайтириш катта аҳамиятга эга. Қаттиқ фазали системалар (адсорбция, кристалланиш, қуритиш, экстракциялаш, эритиши) даги фазаларнинг контакт юзасини кўпайтириш учун қаттиқ заррачаларни майдалаш керак. Қаттиқ заррачаларнинг ўлчами кичрайиши билан жараённинг тезлиги кўпаяди. Бироқ, заррачанинг ўлчамини жуда ҳам кичрайтириб юбориш ярамайди, чунки бунда қурилма ичида гидравлик қаршилик ортиб кетиб, суюқлик фазада қаттиқ модда заррачаларининг концентрацияси кўпаяди (натижада суюқ фазани фильтрлаш қийинлашади). Муайян технологик жараён учун қаттиқ заррачанинг оптимал ўлчамлари тажриба йўли билан топилади.

Суюқлик – суюқлик системаси учун жараёнлар (масалан, суюқликларни экстракциялаш) нинг контакт юзасини кўпайтиришида фазаларнинг биртаси майда заррачаларга ажратилади. Суюқлик – газ (буғ) системаларидаги жараёнлар (адсорбция, ректификация) нинг контакт юзасини кўпайтириш учун

суюқлик қурилмага сочилиб берилади, яни кўпикли ва эмульсия режимлари ҳосил қилинади; бунда кўзгалувчан насадкадан фойдаланилади.

Ҳаракатлантирувчи кучни кўпайтириш учун оқимларнинг ҳаракат йўналишини тўғри танлаш керак. Модда алмашиниш жараёнининг тезлигини қўйидаги ифода билан топиш мумкин:

$$I = K\Delta c$$

Бу тенгламадан кўриниб турибдики, жараённинг тезлиги ўртача ҳаракатлантирувчи кучга тўғри пропорционал боғланган. Ҳаракатлантирувчи кучнинг қиймати қурилмадаги моддий оқимларнинг характеристига, уларнинг йўналиши ва фазаларни аралаштириш усулига боғлиқ.

Моддий оқимлар бир - бирига нисбатан идеал равища қарама - қарши йўналган бўлса (бундай ҳолат идеал сиқиб чиқариш режимига мансуб), қурилмада бораётган жараён оқимнинг йўналиши (ёки қурилманинг баландлиги) бўйича концентрацияларнинг энг катта градиентига эга бўлади. Бунда модда алмашиниш жараёни ҳаракатлантирувчи кучнинг максимал қиймати билан давом этади. Аммо реал қурилмаларда қарама - қарши оқимларнинг ҳаракати идеал сиқиб чиқариш режимидан маълум даражада четлашган бўлади, натижада қурилманинг баландлиги бўйича иккала фазанинг концентрациялар градиенти камаяди. Бунда модда алмашиниш жараёнининг ўртача ҳаракатлантирувчи кучи ҳам камаяди. Демак ҳаракатлантирувчи кучни максимал қийматгача кўпайтириш учун жараённи идеал сиқиб чиқариш ҳолатига яқин режимда олиб бориш мақсадга мувофиқ экан.

Модда ўтказиш коеффициенти асосан қўйидаги катталикларга боғлиқ:

$$K = f(\beta_1, \delta_1, \delta_2, \beta_2 \dots)$$

бу эрда  $\beta_1, \beta_2$  - фазалардаги модда бориш коеффицентлари;  $\delta_1, \delta_2$  - ҳар бир фаза томонидаги чегара қатламининг қалинлиги.

Жараённи тезлатиш учун  $\beta_1$  ва  $\beta_2$  қийматларини кўпайтириш,  $\delta_1$  ва  $\delta_2$  нинг қийматларини эса камайтириш зарур.

Модда бориш коеффицентларини ошириш учун жараённи турбулент режимда олиб бориш керак. Турбулентликни кўпайтириш учун моддий оқимлар тезлигини ошириш ва температурани кўтариш лозим. Температура оширилганда қовушқоқлик ва сирт таранглик кучи камаяди. Системанинг турбулентлиги ошганда уюрма оқимлар ҳосил бўлади, бу ҳол чегара қатламлар

қалинлигининг камайишига ва фазалар контакт юзаларининг янгиланишига олиб келади.

Шундай қилиб, турбулентлик режими ортиши ва фазалар контакт юзаларининг янгиланиши сабабли модда ўтказиш коеффициентининг қиймати орта боради. Бундан ташқари, модда ўтказиш коеффициентининг ортишига қўшимча импульслар ҳам таъсир қиласди.

Модда алмашиниш жараёнигин тезлигини оширишга сабаб бўладиган қўшимча импульсларга қўйидагилар киради: гетероген системаларда мавхум қайнаш қатламини қўллаш, электромагнит ва ультратовуш майдон таъсиридан фойдаланиш, механик тебранишлар (пульсация ва вибрация тебранишлари) ни ишлатиш, ўзгарувчан температура майдонини ҳосил қилиш ва хоказо.

### **3. Физик абсорбция ва хемосорбция. Моддий ва иссиқдик баланслари.**

**Ишчи чизик тенгламаси. Абсорбция жараёнини харакатга келтирувчи**

**кучи. Абсорбция жараёнигин тезлиги. Абсорберлар классификацияси.**

**Насадкалар турлари, характеристикалари ва уларни танлаш**

**критерийлари. Ректификация ва дистилляция. Оддий хайдаш Бинар**

**аралашмаларни хайдаш**

Абсорбция жараёни Газ ҳамда буғ аралашмалардаги бир ёки бир неча компонентларнинг суюқликда танлаб ютилиш жараёни абсорбция деб аталади. Ютилаётган газ абсорбтив, ютувчи суюқлик абсорбент дейилади. Абсорбтив билан абсорбентнинг ўзаро та`сирига кўра абсорбция жараёни икки хил бўлади: физик абсорбция ва кимёвий абсорбция (хемосорбция). Физик абсорбцияда ютилаётган газ билан абсорбент бир - бири билан кимёвий бирикмайди. Агар ютилаётган газ абсорбент билан ўзаро бирикиб, кимёвий бирикма ҳосил қиласа, хемосорбция дейилади.

Физик абсорбция кўпинча қайтар жараёндир, я'ни суюқликка ютилган газни ажратиб олиш мумкин бўлади, бу ҳол десорбция дейилади. Абсорбция ва десорбция жараёнларини узлуксиз олиб бориш натижасида ютилган газни тоза ҳолда ажратиб олиш ва ютувчи абсорбентни бир неча марта қайта ишлатиш имкони туғилади. Абсорбтив ва абсорбент арzon ва иккиламчи маҳсулот бўлгани учун, улар абсорбция жараёнидан кейин кўпинча қайта ишлатилмайди (масалан, газларни тозалаганда).

Саноатда абсорбция жараёни турли мақсадларда қўлланилади: 1) газ аралашмаларидан қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишда; 2) компонентларни ҳар хил заҳарли моддалардан тозалашда.

Ҳар бир конкрет шароит учун тегишли абсорбент танлаб олинади; бунда ютилиши лозим бўлган компонентнинг абсорбентдаги эрувчанлиги ҳисобга олинади.

Тажриба йўли билан аниқланганки, абсорбция жараёнида ҳар доим иссиқликнинг ажралиб чиқиши юз беради.

Газларнинг суюқ ҳолатдаги абсорбентлардаги эрувчанлиги қуидаги омилларга боғлиқ бўлади: 1) газ ва суюқ фазаларнинг физикавий ва кимёвий хоссалари; 2) температура; 3) газнинг аралашмадаги босими.

Абсорбция жараёнинг моддий баланси ва тезлиги Абсорбция коэффициенти

Фазалар сарфини аппаратнинг баландлиги бўйича ўзгармас деб ва ютилаётган газнинг миқдорини нисбий мол концентрацияда қабул қиласиз. Моддий баланс тенгламасини чиқариш учун абсорбция жараёнидаги физик катталикларни қуидагича белгилаймиз:  $\Gamma$  — инерт газнинг сарфи, кмоль/с;  $\dot{Y}_b$  ва  $\dot{E}$  — газ аралашмасидаги абсорбтивнинг дастлабки ва охирги концентрацияси, кмоль/кмоль инерт газга нисбатан;  $L$  — абсорбентнинг сарфи;  $X_b$ , ва  $X_0$  — абсорбентнинг концентрацияси, кмоль/кмоль. Бу холда моддий баланснинг тенгламаси қуидагича бўлади:

$$\Gamma(\dot{Y}_b - \dot{Y}_0) = L(X_0 - X_b) \quad (26.1)$$

Бу тенгламадан абсорбентнинг сарфи:

$$L = G \frac{Y_b - Y_o}{X_o - X_b} \quad (26.2)$$

Унинг солиштирма сарфи эса кмоль инерт газга нисбатан:

$$L = \Gamma / \Gamma = \frac{Y_b - Y_o}{X_o - X_b} \quad (26.3)$$

Бу тенгламани қуидагича ёзиш мумкин:

$$\dot{Y}_b - \dot{Y}_0 = L(X_0 - X_b). \quad (26.4)$$

(26.2) тенгламага асосан абсорбция аппаратидаги концентрация түгри чизик бүйича ўзгаради, шунинг учун абсорбция процессининг графикдаги иш чизиги Й-Х координата түгри чизик бўлиб, оғиш бурчагининг тангенси  $l = L/G$  га тенг бўлади.

Абсорбция жараёнининг тезлиги қуйидаги модда ўтказиш тенгламалари орқали ифодаланади:

$$M = K_y \Phi \Delta \bar{y} \tau \quad (26.5)$$

$$M = K_x \Phi \Delta x \tau \quad (26.6)$$

бу эрда  $M$ - газ фазасидан суюқлик фазасига ўтган модданинг миқдори, кг;  $\Phi$ - фазаларнинг контакт юзаси,  $m^2$ ;  $\tau$ -жараённинг давомийлиги,  $c$ ;  $\Delta \bar{y}$ ,  $\Delta x$  – жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи, концентрациялар ёки босимлар фарқи орқали ифодаланади,  $kg/m^3$ ,  $Pa$ ;  $K_y$ ,  $K_x$  – модда ўтказишёки абсорбция коефициентлари, уларнинг ўлчами  $\Delta \bar{y}$  ва  $\Delta x$  нинг ўлчамига боғлиқ бўлади:

$$[K] = \frac{\text{кмоль}}{m^2 \cdot c \frac{\text{кмоль}}{\text{кмоль}}} = \frac{\text{кмоль}}{m^2 \cdot c}$$

$$[K] = \frac{\kappa \sigma}{m^2 \cdot c \cdot \kappa \sigma / m^3} = \frac{m}{c}$$

$$[K] = \frac{\kappa \sigma}{m^2 \cdot c \cdot Pa}$$

Абсорбция коефициенти модда ўтказишқаршилигининг тескари қиймати ҳисобланади. Иккита чегара қатламли назарияга асосан абсорбция жараёнининг назариясини қўйидагича тушунтириш мумкин. Суюқ фаза  $A$  оқимнинг асосий массаси (ёки маркази) ва юпқа чегара қатламдан иборат бўлади. Газ фазаси  $B$  эса суюқ чегара қатламга тегиб турган юпқа чегара қатламига эга. Ушбу чегара қатламларда ютилаётган компонент фақат молекуяр диффузия та'сирида тарқалади. Шундай қилиб, модда ўтказишга

тўсқинлик қиласидаги ҳамма қаршиликлар юпқа чегара қатламларда йиғилган бўлади.

Суюқ чегара қатламидаги модда ўтказишга бўлган қаршиликни  $1/\beta_c$ , газ чегара қатламидаги қаршиликни эса  $1/\beta_p$  билан белгилаб, қуйидаги тенгламаларга эришамиз:

$$K_y = \frac{1}{\frac{1}{\beta_r} + \frac{m}{\beta_c}} \quad (26.7)$$

$$K_x = \frac{1}{\frac{1}{\beta_c} + \frac{1}{m\beta_r}} \quad (26.8)$$

бу эрда  $\beta_p$  - газ фазасидаги модда бериш коеффициенти;  $\beta_c$  - суюқ фазадаги модда бериш коффициенти;  $m$  – мувозанат чизиги қиялик бурчагининг тангенси (ёки пропорционаллик коеффициенти)

Модда бериш коеффициентларининг қийматлари суюқлик ва газ фазалари ўртасида контакт ҳосил қилиш усулига, газ ва суюқликнинг физик хоссаларига ва уларнинг ҳаракат тезликларига боғлиқ. Модда бериш коеффициентларининг миқдори критериал ва эмпирик тенгламалар ёрдамида топилади.

Агар газ суюқликда жуда яхши эрувчи бўлса, пропорционаллик коеффициенти  $m$  нинг қиймати жуда кичик бўлади. Худди шунингдек, суюқ фазадаги диффузион қаршилик ҳам жуда кам бўлади. Бунда  $(1/\beta_p) \gg (1/\beta_c)$  бўлгани учун  $K_y = \beta_p$  бўлади.

Суюқликда ёмон эрувчан газларда эса, газ фазасидаги диффузион қаршиликни ҳисобга олмаса ҳам бўлади (чунки  $m$  ва  $\beta_p$  нинг қиймати жуда катта). Шунинг учун  $(1/\beta_c) \gg (1/\beta_p m)$  бўлгани сабабли  $K_x = \beta_c$  бўлади.

(1.23) тенгламадаги газ фазанинг моль концентрацияларини газнинг парциал босими билан алмаштириб, уни умумий босим улушларида ифодаласак, модда ўтказишнинг асосий тенгламаси қуйидаги қўринишни эгаллади:

$$M = K_p \Phi \Delta P_y \tau \quad (26.9)$$


Бу эрда  $\Delta P_y$  - босим бирликларида ифодаланган жараённинг ўртача ҳаракатлантирувчи кучи;  $K_p$  – ҳаракатлантирувчи кучга нисбатан олинган ютиловчи газнинг парциал босими билан ифодаланган модда ўтказиш коеффициенти.

Абсорберлар конструкциялари. Абсорбция қурилмалари ишлаш режимиға күра даврий ва узлуксиз бўлади. Кичик ҳажмли ишлаб чиқаришларда факат даврий ишлайдиган абсорбция қурилмаларидан фойдаланилади. Замонавий саноат корхоналарида кўпинча узлуксиз ишлайдиган қурилмалар ишлатилади. Газ ва суюқ фазаларнинг йўналишига кўра, қарама - қарши ва тўғри йўналишли абсорбция қурилмалари мавжуд. Абсорбция қурилмалари иш принципига асосан бир ва қўп погонали, рециркуляцияли ва регенерацияли бўлади.


26.1 - расмда учта абсорбер кетма - кет уланган қарама - қарши йўналишли қурилманинг схемаси кўрсатилган. Қурилма таркибиға абсорберлар 2 дан ташқари эритма йиғгичлар 1, эритмани узатиш учун марказдан қочма насослар ва эритмани совитиш учун иссиқлик алмашиниши қурилмалари 3 киради. Ютувчи суюқлик газнинг йўналиши бўйича охирги абсорберга берилади, юқоридан пастга оқиб, қабул қилувчи йиғгичга тушади ва насос ёрдамида совитгич орқали олдинги абсорберга юборилади. Шундай қилиб газ ва суюқликнинг қарама - қарши йўналишдаги ўзаро таъсири юз беради.

Суюқликнинг тўла даражадаги тўйинишини амалга ошириш учун ҳамда эритмадан ютилган компонентни тоза ҳолда ажратиб олиш мақсадида рециркуляцияли абсорбция – десорбция қурилмаси ишлатилади (26.2- расм). Бундай қурилма газ йўналиши бўйича кетма - кет жойлашган иккита абсорбер 1, эритмалар учун йиғгичлар 2, насослар 3, совитгичлар 4, иссиқлик алмашгич 5 ва десорбция колоннаси 6 дан ташкил топган. Ифлосланган газ газнинг йўналиши бўйича биринчи колоннага берилади, суюқлик абсорбернинг тепа қисмидан берилади, бу эрда газ билан суюқлик узлуксиз контактга учрайди. Ушбу қурилмада суюқлик чегараланган цикл бўйича ҳаракат қиласи. Биринчи колоннада қисман тозаланган газ иккинчи колоннага йўналтирилади. Иккинчи колонна ҳам суюқлик билан чегараланган цикл бўйича таъминлаб турилади. Иккинчи колоннага берилаётган эритманинг концентрацияси маълум

қийматга этганда биринчи колоннанинг циклига юборилади.



**26.1-расм.** Қарама - қарши йўналиши абсорбция қурилмасининг схемаси:  
1 – эритма йиғич; 2 – абсорберлар; 3 – совитгичлар; 4 – насослар



**26.2-расм** Рециркуляцияли абсорбция – десорбция қурилмасининг схемаси:

1-абсорберлар; 2-йиғичлар; 3-насослар; 4-совитгичлар;  
5-иссиқлик алмашгич; 6-десорбер


Шундай қилиб, эритманинг концентрацияси биринчи колоннадан иккинчи колоннага ўтганда ортади ва биринчи колоннанинг циклида концентрацияси

анча юқори бўлган эритма ҳосил бўлади. Ушбу эритма иссиқлик алмашгич 5 да иситилиб десорбция колоннаси 6 га юборилади. Десорберда суюқликда ютилган компонент иссиқлик та'сирида буғлатилади. Тоза иссиқ эритувчи йифгич 2 га тушади. Насос 3 ёрдамида иссиқлик алмашгич 5 ва совитгич 4 орқали иккинчи колоннанинг циклига қайтарилади. Десорбция қилинган газ эса қурилманинг юқори қисмидан чиқарилади. Ушбу қурилмада суюқлик рицеркуляция қилинади ва фақат айрим йўқотишларни қоплаш учун кам миқдордаги тоза эритувчи қўшиб турилади, эриган компонент эса тоза ҳолда ажратиб олинади.

**Насадкали абсорберлар.** Бундай колонналар энг кўп тарқалган юзали абсорберлар қаторига киради. Ҳар хил шаклли ва ўлчами 12 - 150 мм бўлган қаттиқ жисмлар, я'ни насадкалар билан тўлдирилган вертикал колонналарнинг тузилиши содда ва юқори самарадорликка эга бўлгани учун улар саноатда кенг ишлатилади. Насадкали колонналарда насадкалар газ ва суюқлик ўтадиган таянч тўрларга ўрнатилади. Қурилманинг ички бўшлиғи насадка билан тўлдирилган бўлади ёки ҳар бирининг баландлиги 1,5 - 3 м бўлган қатламлар ҳолатида жойлаштирилади. Газ турнинг тагига берилади, сўнгра насадка қатламидан ўтади. Суюқлик эса колоннанинг юқори қисмидан маҳсус тақсимлагичлар орқали сочиб берилади, у насадка қатламидан ўтаётганда пастдан берилаётган газ оқими билан учрашади. Колонна самаравали ишлаши учун суюқлик бир текисда, қурилманинг бутун кўндаланг кесими бўйлаб бир хил сочиб берилиши керак. Бу қурилмаларда контакт юзаси насадкалар ёрдамида ҳосил қилинади.

Одатда насадкали абсорберларнинг диаметри 4 м дан ортмайди. Катта диаметрли колонналарда газ ва суюқликни қурилманинг кўндаланг кесими бўйича бир ме'ёрда тақсимлаш жуда қийин, шу сабабдан катта диаметрли абсорберлар самарадорлиги анча кам бўлади. Бироқ саноатда диаметри 12 м гача бўлган қурилмалар ҳам ишлатилади.

Штуцер **B** орқали юборилади ва паски штуцер **Г** ёки **Д** ёрдамида ташқарига чиқарилади.



26.3-расм. Насадкали абсорбер:

1- қобиқ; 2- тарқатувчи тарелка; 3-насадка қатлами; 4-таянч түрлари; 5-қайта тақсимловчи тарелкалар; 6,8-люклар; 7- қайтарувчи қурилма; А-газ кирадиган штуцер; Б-газ чиқадиган штуцер; В-суюқлик берадиган штуцер; Г ва Д – суюқлик чиқадиган штуцерлар.

26.3 – расмда насадкали абсорбер тасвирланган. Қурилманинг қобиғи 1 кавшарлаш йўли билан яхлит қилиб таёrlанади ёки бир неча алоҳида олинган қисмлардан тузилган бўлади. Насадкаларни намлаш учун суюқлик тарқатувчи тарелка 2 орқали берилади. Насадка 3 қурилманинг баландлиги бўйича бир неча қатламларга ажратилган ҳолатда таянч түрлари 4 нинг устига жойлаштирилади. Насадкани қурилмага юклаш ёки ундан тушириш учун л юклар 6 ва 8 хизмат қиласи. Колоннанинг юкори қисмида суюқлик томчиларини қайтарувчи қурилма 7 жойлаштирилган. Насадкали колоннада газ ва суюқлик қарама - қарши йўналган бўлади. Бунда газ колоннага пастки Штуцер А орқали берилади ва штуцер В ёрдамида ташқарига чиқарилади. Намлаш учун суюқлик колоннага юкориги

Хозирги кунда саноат колонналарини тўлдириш учун турли насадкалар ишлатилади. Насадкалар максимал солиштирма юзага, минимал массага ва катта эркин ҳажмга эга бўлиши керак Улар қўйидаги кўрсатгичлар билан характерланади:


1. Солиштирма юза  $m^2/m^3$ ; бу катталиқ абсорбернинг  $1m^3$  ҳажмига тўлдирилган насадканинг юзасини билдиради.

2. Эркин ҳажм,  $m^3/m^3$ ; бу катталиқ  $1m^3$  ҳажмдаги насадкаларнинг ичида қанча эркин ҳажм борлигини кўрсатади.

3. Суюқликнинг ушлаб қолиш қобилияти,  $m^2/m^3$ ; бу катталиқ насадка қатламининг ҳажм бирлигига ушлаб қолинадиган суюқликнинг миқдорини билдиради.

4.  $1m^3$  насадканинг массаси, кг.

Насадкалар сифатида рашиг ҳалқалари, керамик буюмлар, кокс, майдаланган кварц, полимер ҳалқалар, металлдан тайёрланган түрлар, Шарлар, пропеллерлар, эгарсимон элементлар ва бошқалар ишлатилади (26.4-расм).




26.4- расм. Насадкаларнинг турлари:

*a- рашиг ҳалқаси; б-Лессинг ҳалқаси; в-крестга ўхшаши тўсиқли ҳалқа; г- битта спиралли ҳалқа; д- иккита спиралли ҳалқа; ж- Берл эгари; з – Инталокс эгари.*

**Суюқликни сочиб берувчи абсорберлар.** Бу абсорберларда фазаларни ўзаро жипс контакти суюқликни газ оқимиға сочиб ёки ёйиб бериш усули орқали амалга оширилади. Газ билан суюқлик бир-бирига нисбаттан қарама - қарши йўналган бўлади. Ичи бўш сочиб берувчи абсорберлар вертикал колоннадан иборат бўлиб, юқори қисмига суюқликни сочиб берувчи маҳсус форсункалар ўрнатилади (1.6 - расм). Сочиб берувчи абсорберларда форсункалардан суюқлик узоқлашиб, томчиларга айланиши натижасида ҳажмий модда ўтказишкоефициентининг қиймати бирдан камаяди. Шу сабабли бу қурилмаларда форсункалар ма`лум масофада қурилманинг баландлиги бўйича бир неча қатор қилиб ўрнатилади. Форсункали абсорберларда газнинг тезлиги одатда **1-1,5 м/с** га тенг бўлади.

Сочиб берувчи ичи бўш абсорберларнинг тузилиши содда, гидравлик қаршилиги кам, ифлосроқ газ аралашмаларини ҳам тозалаш мумкин, бошқариш, тузатиш ва тозалаш осон. Камчиликлари: бу қурилмаларнинг эффективлиги юқори эмас, суюқликни сочиб бериш учун кўп энергия сарфланади, лойқаланган.



26.5-расм. Суюқликни сочиб берувчи абсорберлар:  
а-ичи бўши; б-шарсимон насадкали.

Суюқликлар билан ишлаш қийин, фазаларнинг контакт юзасини ошириш учун қўпроқ суюқлик сарфланади, суюқлик томчилари колоннадан чиқиб кетмаслиги учун газ тезлигининг микдори кичик қийматга эга.

Фазаларнинг нисбий тезлиги ва катта газ оқими тўлқинсимон ҳаракатда бўлгани учун бу қурилмаларда газ фазасидаги масса алмашиниш коефициенти юқори бўлиб, бу абсорберлар яхши эрийдиган газларни суюқликка юттириш учун кенг кўлланилади

#### Назорат саволлари

1. Модда алмашиниш жараёнларининг саноатдаги аҳамияти нималардан иборат? Бундай жараёнлар неча турга бўлинади?
2. Фазаларнинг таркиби қандай усувлар билан ифода қилинади?
3. Фазалар қоидасининг мазмунини бирорта мисол асосида тушунтиринг.
4. Қарама - қарши йўналишли модда алмашиниш қурилмаси учун моддий баланс тенгламаси қандай тузилади?
5. Молекуляр диффузия ёки Фикнинг биринчи қонуни қандай ифодаланади. Диффузия коефициентининг физик мазмуни ва ўлчов бирлигини тушунтиринг.
6. Турбулент диффузия коефициентининг физик мазмуни ва ўлчов бирлигини тушунтиринг.
7. Модда бериш коефициентининг физик мазмуни ва ўлчов бирликларини тушунтиринг.
8. Модда ўтказиш жараёнларини қандай усувлар билан тезлатиш мумкин?

9. Модда алмашиниш курилмаларининг асосий ўлчамларига нималар киради ва уларни қайси усуллар билан аниqlаса бўладик

## **9-мавзу Эритиши ва эритмалар**

### **P E Ж A**

. 1.Эриш. Умумий маълумотлар. Жараённинг асосий тенгламаси. Эришнинг диффузион-кинетик назарияси. Эришнинг кинетик функцияси

2.Адсорбция. Жараённинг умумий характеристика ва кулланиш соҳалари. Саноатдаги адсорбентлар хоссалари ва структураси. Жараён тезлиги. Адсорберларнинг конструкциялари ва уларни хисоблаш. Ион алмашиниш жараёнларининг ахамияти ва унинг кулланиш соҳалари. Ажратиш коэффициента. Жараённинг кинетик асослари. Ионитларни регенерация килиш. Ион алмашиниш қурилмалари.

Таянч атама ва иборалар: *адсорбция, адсорбтив, адсобент, хемосорбция, физик адсорбция, фазалараро мувозанат, Генри коеффиценти, моддий баланс сарф, модда берииш коеффиценти, адсорбция коеффиценти, адсорбер, юзали, насадкали, барботажли, тарелкали, суюқликни сочиб берувчи, солишиштирма юза, эркин ҳажсм, суюқликнинг ушлаб қолиши қобилияти.*

1.Эриш. Умумий маълумотлар. Жараённинг асосий тенгламаси. Эришнинг диффузион-кинетик назарияси. Эришнинг кинетик функцияси

**2.Адсорбция. Жараённинг умумий характеристика ва кулланиш соҳалари. Саноатдаги адсорбентлар хоссалари ва структураси. Жараён тезлиги. Адсорберларнинг конструкциялари ва уларни хисоблаш. Ион алмашиниш жараёнларининг ахамияти ва унинг кулланиш соҳалари. Ажратиш коэффициента. Жараённинг кинетик асослари. Ионитларни регенерация килиш. Ион алмашиниш қурилмалари.**

**Газ ёки суюқ фаза таркибидаги бир ёки бир неча компонетларни ғовакли қаттиқ жисм (адсорбент) ёрдамида ютилиш жараёни адсорбция деб аталади.** Газ ёки суюқ фаза таркибидаги бўлиб, адсорбция пайтида ютилаётган модда адсорбтив деб юритилади. Адсорбент таркибига ютилган модда эса адсорбат дейилади.

Адсорбция жараёни саноатда газларни тозалаш ва қуритиш, эритмаларни тозалаш ва тиндириш ҳамда газ ва буғ аралашмаларини ажратиш учун ишлатилади. Масалан, ҳаво ва бошқа газлар аралашмаларидан учувчан эритувчиларни ажратиш, спирт ишлаб чиқариш ва ёғ - мой саноатларида адсорбция кенг ишлатилмоқда. Бу усул ёрдамида хом ашё ва маҳсулотларнинг сифатини ҳам яхшилаш мумкин.

Адсорбция жараёни одатда десорбция жараёнлари билан чамбарчас боғланган бўлади. Адсорбент таркибида ютилган моддани ажратиб чиқариш жараёни десорбция дейилади.

Қаттиқ жисмнинг юзасига та`сир қилаётган кучларнинг табиатига кўра адсорбция икки хил бўлади: физик адсорбция ва хемосорбция. Физик адсорбция молекуляр кучларнинг ўзаро та`сир этишга асосланган. Хемосорбция эса кимёвий кучларнинг ўзаро та`сирланиши орқали юз беради.

Ютилиш жараёнлари қаторига ион алмашиниш ҳам киради. Ион алмашиниш қаттиқ жисм ва суюқлик ўртасида юз берадиган мураккаб дифузион жараён ҳисобланади. Бу жараёнда қаттиқ жисм (ионит ёки ион алмаштиргич) ўз таркибидаги ионларни эритмадаги тегишли ионлар билан алмаштиради.

Саноат миқёсида ишлатиладиган адсорбентлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: 1) танловчанлик - аралашма таркибидаги тегишли компонентни ютиб олиш ва бошқа компонентларга та`сир қилмаслик; 2) максимал адсорбцион ҳажм ёки активлик – адсорбентнинг масса ёки ҳажм бирлигida ютилган адсорбтивнинг миқдори; 3) адсорбентни регенерация қилиш пайтида ютилган модданинг тўла ажralиб чиқиши; 4) адсорбент гранулаларининг керакли мустаҳкамликка эга бўлишлиги, чунки гранулаларнинг бузилиб кетиши жараённинг гидродинамик ҳолатини ёмонлаштиради; 5) ютилаётган моддаларга нисбатан кимёвий инертликка эга бўлишлик; 6) нархи арzon бўлиши.

Адсорбентнинг танловчанлиги ва уни адсорбцион ҳажми адсорбент ва адсорбтивнинг табиатига ва молекулаларининг тузилишига боғлиқ бўлади. Бунда адсорбентнинг солиштирма юзаси (масса ёки ҳажм бирлигидаги адсорбентнинг юзаси) ва адсорбент ғовакларининг ўлчамлари мухим аҳамиятга эга. Бу иккала катталик бир - бири билан узвий боғланган. Ғовакларнинг ўлчамлари канчалик кичик бўлса, адсорбентнинг солиштирма юзаси шунчалик катта бўлади. Бу ҳолат адсорбент активлигини кучайтиради.

Адсорбент активлиги адсорбция жараёнининг шарт - шароитлари (температура, босим, адсорбтивнинг мұхитдаги концентрацияси) га боғлиқ бўлади. Температуранинг камайиши, босимнинг кўпайиши (газ ва буғлар учун) ва аралашмадаги керакли компонентлар концентрациясининг ортиши билан адсорбентнинг активлиги кучаяди.

Адсорбентлар заррача ичидағи капилляр каналларнинг катталигига қараб шартли равишда макроғовакли ва микроғовакли бўлади. Макроғовакли адсорбентларнинг капилляр каналларининг эффектив радиуслари  $2 \cdot 10^{-7}$  м дан

кatta, oralik fovaklarники  $1.5 \cdot 10^{-9}$  м dan  $0.5 \cdot 10^{-7}$  м gacha, mikrofovaklarники esa  $5 \cdot 10^{-10} \div 1 \cdot 10^{-9}$  m bouldadi.

Adsorbsiya jaraeninng xususияти adsorbent fovakarin Ning kattaliigi bilan xarakterlanadi. Makrofovakli adsorbentlarning solishirma yozasi kichik boulgani учун бундай adsorbentning devorlariда жуда кам miqdorda modda ютилади. Makrofovakli adsorbentlarда ютилаётган molekulalap уларнинг kanallari orqali uzatiladi.

Oralik fovakli adsorbentlarning yozasida жараён давомида ютилаётган modda molekulalarin Ning ўлчами fovaklar ўлчамидан kichik boulgani учун ютилаётган modda qatlami хосил bouldadi.

Mikrofovakli adsorbentlarда teShiklarning ўлчами ютилаётган molekulalarning ўлчамига teng bouldib, adsorbsiya давомида mikrofovaklarning xajmlari ютилаётган molekulalap bilan touldadi.

Adsorbentning yozasida ютилаётган modda molekulalarin Ning soniga nisbatan bir ёки koup molekulalap qatlami хосил bouldadi. Bu жараён mono ёки polimolekulali adsorbsiya deyiladi.

Adsorbentlar ўз aktivligidan qat'iy nazар zichligi, ekvivalent diametri, qatlam zichligi mechanik mustakhkamligi, granulometrik tarkiби, solishirma yozasi, fovakligi qatlamning erkin xajmi va boşqa kattaliklar bilan xarakterlanadi.

**Саноатда** adsorbent sifatida aktivlanган kumir, qattiq fovaksimon moddalap silikagelъ, cellulosa, ceolitlar, tuproq jinslari, ion almasinuvchi sun'iy smolalap (ionitlar) iшlatiladi.

Aktivlanган kumirlar va xar xil organik xom - aшёлар (ёғоч, тошкумир, қипик ҳамда тери, қофоз ва гүшт iшlab чиқариш қодиклари) ni қуруқ ҳайдаш ва сўнгра buғ ёки kимёвий reagentlar ta'siriда qayta iшlaш natijasida adsorbentlar olinadi. Aktivlanган kumirning asosiy kўrsatgichlari uning turiga қараб қуйидagi chegaralarda ўзгаради: solishirma yuz 600 - 1700  $m^2/g$ , mikrofovaklarning xajmi 0,3 - 0,6  $cm^3/g$ , qatlam zichligi 380 - 600  $kg/m^3$ . Bundai kumir zarralarinig ўлчами 1 - 7 mm gacha boulgan ku Kun xolatida iшlatiladi.

Aktivlanган kumirning tarkiби bir xil, yaxshi regeneratsiya қилиниш қobiliyatiiga эга, Shu sababdan bundai adsorbentlarни koup marotaba iшlatish imkoniyati mavjud. Biror kamchiliklaridan xoli emas: narxi қimmat, ёнувchan. Aktivlanган kumir ҳavoda  $300^\circ C$  temperaturada, uning chanqlari esa  $200^\circ C$  temperaturada ёnadi va koncentrasiya 17-24  $g/cm^3$  bouldsa, ҳavodagi kislorod bilan portlovchi birkma хосил қiladi.

Кремний икки оксидини термик ва кимёвий ишлаш йўли билан силикагеллар номли адсорбентлар олиш мумкин. Силикагелларнинг ғоваклик даражаси анча катта: солиширма юзаси  **$300\text{-}750\text{ м}^2/\text{г}$** ; ғовакларнинг ҳажми  **$0,28\text{-}0,9\text{ см}^3/\text{г}$** ; қатлам зичлиги  **$500\text{-}800\text{ кг}/\text{м}^3$** . Бу адсорбент бир қатор муҳим афзалликларга эга: регенерация паст температурада ( **$100\text{-}200^\circ\text{C}$** ) да олиб борилади; ёниш қобилиятига эга эмас, мустаҳкам, таннархи арzon.

Кўп ишлатиладиган адсорбентлар қаторига алюмогель ҳам киради. Бундай адсорбент минерал хом - ашё ҳисобланган алюминий гидроксидини термик қайта ишлаш натижасида олинган алюминийнинг актив оксиdi (ёки алюмогел) деб юритилади. Алюмогел силикагелларга нисбатан кичик солиширма юзага эга ( **$180\text{-}200\text{ м}^2/\text{г}$** ), бошқа кўрсатгичлари бўйича эса силикагелларга яқин келади.

Адсорбентлар сифатида цеолитлар ҳам кўп ишлатилади. Бундай адсорбентлар таркибида ишқор ва ишқорий - эр металларининг оксидларини тутган алюмосиликатлар ҳисобланади. Цеолитлар юқори танловчиликка эга. Цеолитлар суюқликларни тозалаш учун майда кристалл кукун сифатида газларни тозалаш учун шарсимон ёки гранулалар ҳолида ишлатилади. Ба`зи цеолитларнинг ғоваклари жуда ингичка бўлиб, уларнинг ўлчами ютилаётган модда молекулалари ўлчамига teng бўлади. Бу хилдаги цеолитлар молекуляр элак сифатида, я`ни ўлчамлари ғовакларининг катталигидан кичик бўлган молекулаларни ютиш учун ишлатилади. Цеолитларнинг сувни ютиш қобилияти катта бўлгани сабабли улар газларни қуритишда ҳамда суюқлик ва газларни тозалаш учун ишлатилади. Цеолитнинг таркибига ютилган сув жуда ҳаракатчандир, бу сув қиздириш орқали йўқотилади ва адсорбент совигандан сўнг қайтадан сувни ютиш қобилиятини тиклайди. Цеолит доначаларининг катталиги  **$2\text{-}5\text{ мм}$** , қатлам зичлиги эса  **$600\text{-}800\text{ кг}/\text{м}^3$**  бўлади. Цеолитларнинг ютиш қобилияти ғовакларнинг солиширма юзаси билан эмас, балки ғовакларни адсорбент билан ҳажмий тўлдириш қиймати билан белгиланади ( **$0,2\text{-}0,25\text{ см}^3/\text{г}$** ).

Саноатда эритмаларни ҳар хил пигментлардан тозалаш учун адсорбент сифатида тупроқ жинслари ҳам ишлатилади. Тупроқ жинслари табиатда кўп тарқалган бўлиб, нархи арzon, қатлам зичлиги  **$400\text{-}450\text{ кг}/\text{м}^3$** . Тупроқ жинсларининг солиширма юзаси саноатда ишлатиладиган бошқа адсорбентларга нисбатан анча кичик ( **$35\text{-}150\text{ м}^2/\text{г}$** ).

### **Адсорбция жараёни мувозанати ва тезлиги**

Адсорция пайтидаги мувозанат адсорбентнинг масса ёки ҳажм бирлигida ютилган модда миқдорининг температуре ҳамда ютилиши лозим бўлган

модданинг буғ-газ аралашмасидаги (ёки эритмадаги концентрациясига боғлиқлиги билан характерланади.

Адсорбциядаги мувозанат концентрациялар ўртасидаги боғлиқлик күйидагича ифода қилинади:

$$\bar{X}^* = f(\bar{Y}, T) \quad (34.1)$$

Агар температуре ўзгармас бўлса

$$\bar{X}^* = \varphi(\bar{Y}) \quad (34.2)$$

бу ерда  $\bar{X}^*$  – газ ёки суюқлик фазасидаги адсорбтивнинг концентрацияси билан мувозанатда бўлган ютилаётган компонентнинг адсорбентдаги нисбий массавий улуши, кг адсорбтив кг адсорбент;  $\bar{Y}$  – газ ёки суюқлик фазасидаги адсорбтивнинг нисбий массавий улуши, кг адсорбтив/ кг газ ёки суюқлик фазасининг ташувчиси.

Адсорбтивнинг таркиби  $\bar{Y}$  ни унинг буғ-газ аралашмасидаги парциал босими орқали ифодалаш мумкин:

$$\bar{X}^* = f'(P) \quad (34.3)$$

Умуман олганда 34.2 ва 34.3 боғликлар адсорбция пайтидаги мувозанат чизикларини ёки адсорбция изотермаларини ифода қиласи. Адсорбция изотермаси ғоваксимон қаттиқ жисмларнинг адсорбцион хоссаларини белгилайдиган муҳим характеристикаси ҳисобланади. Изотерманинг конкрет шакли адсорбент ва ютилаётган модданинг хоссаларига ва улар ўртасидаги ўзаро таъсир қилиш кучларига боғлик бўлади.

$\bar{X}^*$  нинг қиймати адсорбция катталиги  $a$  ( $\text{кг}/\text{м}^3$ ) билан,  $\bar{Y}$  нинг қиймати эса буғ-газ аралашмасидаги парциал босим билан алмаштирилиши нумкин.

Адсорбция жараёнидаги модда ўтказиш икки босқичдан иборат бўлади: ташқи ва ички диффузия. Ташқи диффузиянинг тезлиги асосан жараённинг гидродинамик ҳолати билан, ички диффузиянинг тезлиги эса адсорбентнинг тузилиши ва адсорбцион системанинг физик-кимёвий хоссалари билан характерланади.

Ташқи модда ўтишнинг тезлиги күйидаги боғлиқлик билан аниқланади:

$$\frac{d\alpha}{d\tau} = \beta(C - C_{\infty}) \quad (34.3)$$

Бу ерда  $a$  – ютилган модданинг миқдори;  $\tau$  – вақт;  $C$  – ютлаётган компонентнинг буғ-газ аралашмаси ҳажмидаги концентрацияси;  $C_{\text{ю}}$  – ютилаётган компонентнинг адсорбент юзасидаги концентрацияси;  $\beta$  – адсорбентнинг ҳажм бирлигига нисбатан олинган модда бериш коеффициенти.

Ички модда ўтишининг тезлиги эса молекуляр диффузия тенгламаси билан ифодаланади:

$$\frac{dc}{d\tau} = D_e \left( \frac{d^2 c}{dx^2} + \frac{d^2 c}{dy^2} + \frac{d^2 c}{dz^2} \right) \quad (34.4)$$

Бу ерда  $D_e$  – диффузиянинг эффектив коеффициенти.

Ушбу тенгламани интеграллаш учун бошланғич ва чегара шартларини ҳисобга олиш керак. Одатда жараён давомида  $D_e$  нинг қиймати ўзгармас деб олинади.

Адсорбент донасининг ичидаги модда ўтишининг тезлиги ташқи диффузия орқали модда ўтишининг тезлигига нисбатан анчагина кам бўлади, шу сабабдан кўпинча ютилаётган модданинг адсорбент донаси юзасидаги концентрациясини адсорбтивнинг аралашма ҳажмидаги концентрацияга тенг деб олинади.

Кинетик коеффициент ҳисобланган  $\beta$  ( $s^{-1}$ ) ни аниқлаш учун адсорбциянинг кинетикасини ифодалайдиган қўйидаги критериал тенглама типидан фойдаланилади:

$$Nu = A Re^M (Pr)^n \quad (34.5)$$

Бу ерда  $Nu$  – Пръ – Нусселт Прандтл диффусион мезони;  $Re$  – Рейнолдс мезони;  $A$ ,  $M$ ,  $n$  – тажриба йўли билан аниқланиладиган доимий қийматлар.

Масалан, актив кўмир ёрдамида буғларни адсорбциялаш учун ( $d_z = 1,7-2,2 \text{мм}$ ,  $\omega_p = 0,3-2 \text{м/с}$ ) критериал тенглама қўйидаги аниқ кўринишни эгаллайди:

$$Nu = 1,6 Re^{0,54} \quad (34.6)$$

Бу ерда  $Nu' = \frac{\beta d_z^2}{D}$ ;  $Re = \frac{\omega_r d_z}{v_p}$ ,  $D$  – жараённинг температураси бўйича адсорбтивнинг газдаги диффузия коеффициенти,  $\text{м}^2/\text{с}$ ;  $d_z$  – адсорбент заррачаларининг ўртача диаметри,  $\text{м}$ ;  $\omega_p$  – аппаратнинг бўш кесимига нисбатан ҳисобланган буғ-газ аралашмасининг тезлиги,  $\text{м/с}$ ;  $v_p$  – газнинг кинематик қовушқоқлиги,  $\text{м}^2/\text{с}$ .

(34.6) тенгламадан адсорбциянинг кинетик коеффициенти  $\beta$  топилади:

$$\beta = \frac{1.6D\omega_r^{0.54}}{\nu^{0.54}d_z^{0.46}} \quad (34,7)$$

Хоҳлаган температуре ва босим қийматларида диффузия коеффициенти  $D$  күйидаги тенглама бўйича хисобланади:

$$D = D_0 \left( \frac{P_0}{P} \right) \left( \frac{T}{T_0} \right)^{3/2} \quad (34,8)$$

Нормал шаройитлар ( $P_0=1*10^5$  Па,  $T_0=273$  К) даги газлар ва буғларнинг ҳаводаги диффузия коеффициенти  $D_0$ нинг қийматлари (34,1) жадвалда берилган

Газ	$D_0 * 10^6$ , м <sup>2</sup> /с	Газ	$D_0 * 10^6$ , м <sup>2</sup> /с
Азот	13,2	Метил спирти	13,3
Аммияк	17,0	Сув буғи	21,9
Бензол	7,7	Олтингугурт ангириди	9,4
Водород	61,1	Олтингугурт диоксиди	10,3
Кислород	17,8	этил спирти	10,2

## Назорат саволлар

1. Абсорбция жараёнининг мазмуни. Унинг турлари.
2. Абсорбция жараёнининг тезлиги қандай тенглама орқали ифодаланади.
3. Абсорбция коефициентлари қандай ўлчов бирликларига эга.
4. Десорбция жараёни қандай мақсадлар учун қўлланилади. Абсорбция – десорбция қурилмасининг тузилиши ва ишлаш принципини тушунтиринг.
5. Насадкаларнинг асосий турлари. Насадкалар қандай кўрсаткичлар билан характерланади.
6. Насадкали абсорберларнинг ишлаш принципи. Нима сабабдан бундай қурилмалар саноатда энг қўп ишлатиладиқ
7. Суюқликни сочиб берувчи абсорберлар қандай афзалликларга эга.

## **10-мавзу Қуришиш ва намликини йўқотиши**

### **РЕЖА**

1.Куришиш. Жараённинг характеристикаси. Нам материал классификацияси. Куришиш жараёни статикаси. Нам хавонинг хоссалари. 1-х диаграмма. Конвектив куритгичларнинг моддий ва иссикдик баланси. Назарий ва хакикий куритгич.

2.Куришиш кинетикаси. Жараённи харакатга келтирувчи кучи. Куришишнинг 1- ва 2- даврлари. Узгармас ва камаювчи куришиш тезликлари. Кинетик эгри чизиклар. Ностационар масса утказиш асосида 2-давр давомийлигини аниклаш. Конвектив куритгич конструкциялари ва классификацияси. Контактли куритгичлар. Куришишнинг маҳсус турлари.

3.Турли хилдаги куритгичларни қўллаш соҳалари ва иктисадий самараси. Мембрана усули би-лан ажратиш жараёнлари. Жараёнга турли факторларнинг таъсири. Ультрафильтрация ва кайтма осмос жараёнини саноатда куллаш. Мембрана турлари ва уларнинг говаклиги ва иш унумдорлигини хисоблаш. Жараён учун курилмани лойихалаш

Таянч атама ва иборалар: *табиий ва сунъий, конвектив қуритиши, сублимацияли қуритиши, диелектрик, контактли, ва радиацияли қуритишилар, абсолют намлик, нисбий намлик, нам сақлаши, энталпия, солиширима иссиқлик сизими, бугнинг энталпияси, мувозанат намлик, сорбцияланиш изотермаси ҳўлланиши намлиги, эркин намлик, гигроскопик намлик, термодиффузия, намлик ўтказувчанлик, диффузия, қуритиши эгри чизиги, моддий ва иссиқлик баланси*

**1.Куришиш. Жараённинг характеристикаси. Нам материал классификацияси. Куришиш жараёни статикаси. Нам хавонинг хоссалари. 1-х диаграмма. Конвектив куритгичларнинг моддий ва иссикдик баланси. Назарий ва хакикий куритгич.**

Нам материалларни қуритувчи агент ёрдамида сувсизлантириш жараёни **қуритиши** деб аталади. Бу жараёнда намлик буғланиш йўли билан қаттиқ фаза таркибидан газ (ёки буғ) фазасига ўтади.

Нам материалларни қуритиши жараёнини саноатда ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Қуритилган материалларни транспорт воситасида узатиш арzonлашади, уларнинг сақланиш муддати узаяди. Тегишли хоссалари яхшиланади, курилма ва трубаларнинг каррозияга учраши камаяди.

**Материаларни уч ҳил усулда:** механик, физик - кимёвий ва иссиқлик ёрдамида **сувсизлантириши** мумкин. Механик усул билан сувсизлантириш – таркибида кўп микдорда сув тутган материалларни қуритиш учун ишлатилади. Бу усул билан сувсизлантиришда намлик сиқиш ёки центрифугаларда марказдан қочма куч ёрдамида ажратиб олинади. Одатда механик йўл билан намликни ажратиши – материалларни сувсизлантиришда биринчи босқич ҳисобланади. Механик сувсизлантиришдан сўнг яна бир қисм намлик қолади, бу қолган намликни иссиқлик ёрдамида, я’ни қуритиш йўли билан ажратиб чиқарилади.

Физик - кимёвий усул билан материалларни сувсизлантириш лаборатория шароитларида ишлатилади. Бу усул сувни ўзига тортувчи моддалар (масалан, сульфат кислота, кальций хлорид) дан фойдаланишга асосланган. Ёпиқ идиш ичида сувни тортувчи модда устига нам материал жойлаштириш йўли билан уни сувсизлантириш мумкин.

Иссиқлик та’сирида сувсизлантириш (қуритиш) саноатда кенг ишлатилади. Қуритиш кўпгина ишлаб чиқаришларнинг охирги, я’ни тайёр маҳсулот олишдан олдинги жараён ҳисобланади. Айрим ишлаб чиқаришларда материалларни сувсизлантириш икки босқичдан иборат бўлиб, намлик аввал бошланғич жараён ҳисобланган механик усул билан, сўнгра қолган намлик қуритиш йўли билан ажратилади. Материал таркибидан намликни бундай мураккаб йўл билан ажратиши усули жараённинг самарадорлигини оширади.

Қуритиш икки хил (табиий ва сун’ий) йўл билан олиб борилади. Материалларни очиқ ҳавода сувсизлантириш табиий қуритиш дейилади, бу жараён узок вақт давом этади. Саноатда материалларни сувсизлантириш учун сун’ий қуритиш усули ишлатилади, бу жараён маҳсус қуритгич қурилмаларида олиб борилади.

Қуритилиши лозим бўлган материаллар уч турга бўлинади: қаттиқ (донали, бўлак-бўлакли, заррачали); пастасимон; суюқ (еритмалар, суспензиялар).

Иссиқлик ташувчи агентнинг қуритилаётган материал билан ўзаро та’сирлашув усулига кўра қуритиш қўйидаги турларга бўлинади:

- 1) Конвектив қуритиш – нам материал билан қуритувчи агент тўғридан тўғри ўзаро аралашади;
- 2) Контактли қуритиш-иссиқлик ташувчи агент ва нам материал ўртасида уларни ажратиб турувчи девор бўлади;
- 3) Радиацияли қуритиш – иссиқлик инфрақизил нурлар орқали тарқалади;
- 4) Диелектрик қуритиш – материал юқори частотали ток майдонида қиздирилади;

5) Сублимацияли қуритиш – материал музлаган ҳолда, чуқур вакуум остида сувсизлантирилади.

Охирги учта усул саноатда нисбатан кам ишлатилади ва одатда қуритишнинг маҳсус усуслари деб юритилади.

Қуритишнинг турларидан қатъий назар, жараён давомида материал нам газ (кўпинча ҳаво) билан ўзаро та`сирлашиб туради. Конвектив қуритиш усули саноатда кенг ишлатилади, бу жараённи амалга ошириш учун материалга нам ҳаво та`сирининг аҳамияти катта. Шу сабабли нам ҳавонинг асосий параметрларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Нам ҳаво қуруқ ҳаво ва сув буғларининг аралашмасидан иборат. Қуритишда нам ҳаво намлик ва иссиқлик ташувчи агент вазифасини бажаради. Баъзан тутунли газлар ёки уларнинг ҳаво билан аралашмаси ишлатилади, бироқ нам ҳаво ва тутунли газларнинг физик хоссалари бир - биридан факат сон қиймати бўйича фарқ қиласди.

Нам ҳавонинг асосий хоссалари қуйидаги тушунчалар билан белгиланади: абсолют намлик, нисбий намлик, нам сақлаш, энтальпия.

**Абсолют намлик.** Нам ҳавонинг ҳажм бирлигига тўғри келган сув буғларининг миқдори **абсолют намлик** деб аталади ва  $\rho_{cb}$  ( $\text{кг}/\text{м}^3$ ) билан белгиланади. Агар нам ҳаво совитилиб борилса, ма`лум температурага этгач, намлик шудринг сифатида ажрала бошлайди. Намликнинг бундай ҳолатда ажралишига тўғри келган температурага **шудринг нуқтаси** деб аталади. Бундай шароитда ҳаво таркибида максимал миқдорда сув буғи бўлади. ҳавонинг тўйиниш пайтидаги абсолют намлиги  $\rho_t$  ( $\text{кг}/\text{м}^3$ ) орқали ифодаланади.

**Нисбий намлик.** Ҳаво абсолют намлигининг тўйиниш пайтидаги абсолют намликка нисбати **нисбий намлик** деб аталади. Ҳавонинг нисбий намлиги (тўйиниш даражаси) процент ҳисобида қуйидаги ифода бўйича топилади:

$$\varphi = \frac{\rho_{cb}}{\rho_t} \cdot 100\% = \frac{P_{cb}}{P_t} \cdot 100\% \quad (23.1)$$

бу эрда,  $P_{cb}$  – текширилаётган нам ҳаводаги сув буғининг парциал босими, Па;  $P_t$  – берилган температура ва умумий барометрик босимда тўйинган сув буғининг босими, Па.

Нисбий намлик ҳавонинг муҳим хоссаси ҳисобланади. Ҳаво таркибида намлик қанча кам бўлса, бундай ҳаво қуритиш жараёнида шунча самарали ишлатилади. Намлик билан тўйинган ҳаводан қуритувчи агент сифатида фойдаланиб булмайди.

Нисбий намликни аниқлаш учун психрометрдан фойдаланилади. Психрометр иккита термометрдан иборат бўлиб, битта термометрнинг шарчаси доим хўллаб турилади ва у **хўл термометр** деб аталади.

Куруқ ва хўл термометрлар кўрсатишларининг айрмаси  $\Delta t = t_k - t_x$  температураларнинг психрометрик айрмаси дейилади. Нисбий намлик қанча кам бўлса, хўл термометр шарчаси юзасида сувнинг буғланиши шунча тез боради, натижада шарча тезлик билан совийди. Шу сабабли ҳавонинг нисбий намлиги камайиши билан температураларнинг психрометрик айрмаси кўпаяди. Бу айирма  $\Delta t$  асосида психрометрик жадваллар ёки диаграммалар ёрдамида ҳавонинг нисбий намлиги топилади.

**Нам сақлаши.** 1 кг абсолют қуруқ ҳавога тўғри келган сув буғларининг миқдори ҳавонинг нам сақлаши деб юритилади. Бу параметр  $x$  ( $\text{кг}/\text{кг}$ ) ёки  $\delta$  ( $\text{г}/\text{кг}$ ) билан белгиланади. Ҳавонинг нам сақлаши қуйидаги нисбат орқали топилади:

$$x = \frac{m_{c\delta}}{m_{\kappa x}} = \frac{\rho_{c\delta}}{\rho_{\kappa x}} \quad (23.2)$$

бу эрда  $m_{c\delta}$  - нам ҳавонинг берилган ҳажмидаги сув буғлари массаси,  $\text{кг}$ ;  $m_{\kappa x}$  - нам ҳавонинг берилган ҳажмидаги абсолют қуруқ ҳавонинг массаси;  $\text{кг}$ ;  $\rho_{c\delta}$  - абсолют қуруқ ҳавонинг зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$

**Нам ҳавонинг энталъпияси.** Нам ҳавонинг энталъпияси И ( $\text{Ж}/\text{кг}$  қуруқ ҳаво) қуруқ ҳаво энталъпияси билан шу нам ҳавода бўлган сув буғининг энталъпияси йиғиндисига тенг:

$$I = C_{\kappa x} \cdot t + \cdot i_{y_3} \quad (23.4)$$

бу эрда  $C_{\kappa x}$  - қуруқ ҳавонинг солиштирма иссиқлик сифими, ( $\text{Ж}/(\text{кг} \cdot \text{К})$ );  $t$  - ҳаво температураси;  ${}^{\circ}\text{C}$ ;  $i_{y_3}$  - ўта қиздирилган буғнинг энталъпияси,  $\text{Ж}/\text{кг}$ .

Ўта қиздирилган буғнинг энталъпияси  $i_{y_3}$  термодинамикада қуйидаги тенглама орқали топилади:

$$i_{y_3} = r + c_{\delta} \cdot t \quad (23.5)$$

бу эрда  $r = 0 {}^{\circ}\text{C}$  даги буғнинг энталъпияси,  $p = 2493 \cdot 10^3 \text{ Ж}/\text{кг}$ ;


$c_{\delta}$  - буғнинг солиштирма иссиқлик сифими,  $c_{\delta} = 1,97 \cdot 10^3 \text{ Ж}/(\text{кг} \cdot \text{К})$

Агар қуруқ ҳавонинг солиштирма иссиқлик сифими **1000 Ж/(кг К)** деб олинса, юқоридаги тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$I = 1000m + x(2493 + 1,97m)10^3 \quad \text{Ж/(кг құруқ ҳаво)} \quad (23.6)$$

Демақ, нам ҳавонинг энталъпияси нам сақлаш  $x$  ва температура  $m$  га боғлиқ бўлиб, нам ҳаво таркибида бўлган қуруқ ҳавонинг  $1 \text{ кг}$  миқдорига нисбатан олинади.

### 1.3. РАМЗИННИНГ И-Х ДИАГРАММАСИ



### 23.1. И-х диаграммаси.

Нам ҳавонинг асосий хоссалари техник ҳисоблашлар учун зарур бўлган аниқлик билан  $I - x$  диаграммаси ёрдамида топилиши мумкин. Бу диаграмма Л.К.Рамзин томонидан 1917 йили таклиф қилинган.  $I - x$  диаграммани тузишда босимнинг қийматини ўзгармас деб олинган, яъни  $P=745$  мм симоб устуни (99 кПа га яқин).


Диаграмманинг асосий ўқлари оралиғидаги бурчак  $135^\circ$  га teng Асосий ўқларга нам ҳавонинг иккита асосий хоссалари — энталпия  $I$  ( $I$  кг қуруқ ҳаво) жойлаштирилган. Нам сақлашнинг қийматлари диаграммадан фойдаланиш қулай бўлиши учун ёрдамчи горизонтал ўққа жойлаштирилган. Бунда  $I = \text{сонст}$  чизиқлар ордината ўқига нисбатан  $135^\circ$  бурчак билан маълум масштабда жойлаштирилган.  $x = \text{сонст}$  чизиқлар эса ёрдамчи абсцисса ўқига перпендикуляр қилиб жойлаштирилган.

$I - x$  диаграммасига асосий чизиқлардан ташқари қуйидаги чизиқлар ҳам жойлаштирилган: ўзгармас температура чизиқлари ёки изотермалар ( $t = \text{сонст}$ ), ўзгармас нисбий намлик чизиқлари  $\varphi = \text{сонст}$  нам ҳаводаги сув буғининг парциал босими чизиги.

$\varphi = 100\%$  чизиги диаграммани икки қисмга бўлади. Бу чизиқнинг тела қисми диаграмманинг иш юзаси деб аталади ва у тўйинмаган нам ҳавога тўғри келади. Тўйинмаган нам ҳаво қуритувчи агент сифатида ишлатилади.  $\varphi = 100\%$  чизигининг пастки қисмида жойлашган юза сув буғи билан тўйинган ҳавога тўғри келади ва қуриткичларни ҳисоблашда ишлатилмайди.

Температура  $99,4^\circ\text{C}$  га этганда тўйинган буғининг босими ўзгармас барометрик босим қиймати ( $P=745$  мм симоб устуни) га teng бўлиб қолади, натижада нисбий намлик  $\varphi$  температурага боғлиқ бўлмайди

**Ҳақиқий қуриткичлардаги жараён назарий қуритишдаги жараёндан шу билан фарқ қиласди, бунда  $\dot{J}_2 \neq \dot{J}_1$  бўлади.** Бунга сабаб шуки, ҳақиқий қуриткичларда иссиликнинг бир қисми атроф муҳитга йўқалади. Айрим пайтларда қуритиш камерасига қўшимча иссиқлик киритилади (23.2-расм).



Расм23.2 Ҳаққий қуритгични ҳисоблашга доир.

Узлуксиз ишлайдиган қуриткичнинг моддий балансини тузиш учун қуйидаги белгиларни қабул қиласиз:  $\Gamma_1$  — нам материалнинг массаси, кг/соат;  $W_1$  — унинг намлиги, %;  $\Gamma_2$  — қуруқ материалнинг массаси, кг/соат;  $W_2$  — унинг намлиги, %;  $W$  — буғланган намлик микдори кг /соат;  $L$  — хавонинг сарфи (қуруқ ҳаво ҳисобида), кг соат;

Модданинг кириши (кг/соат): 1) ҳаво  $L$ ; 2) ҳаво таркибидаги намлик  $Lx_0$ ; 3) нам материал  $\Gamma_1$ .

Модданинг чикиши (кг/соат): 1) ҳаво  $L$ ; 2) ҳаво таркибидаги намлик  $Lx_2$ ; 3) куриган материал  $\Gamma_2$ .

Моддий баланс тенгламасини тузамиз:

$$L + Lx_0 + \Gamma_1 = L + Lx_2 + \Gamma_2.$$

Бундан

$$\Gamma_1 - \Gamma_2 = Lx_2 - Lx_0 = L(x_2 - x_0),$$

Ёки

$$W = L(x_2 - x_0).$$

Бу ерда

$$L = \frac{W}{x_2 - x_0} = \frac{W}{x_2 - x_1}$$

**Қуритиши** Жараёни учун қуруқ моддалар бўйича ушбу баланс тенгламасини тузиш мумкин:

$$\frac{\Gamma_1(100 - W_1)}{100} = \frac{\Gamma_2(100 - W_2)}{100}$$

Бу сўнгги ифодадан қуритиш охиридаги материалнинг массасини аниқлаймиз:

$$G_2 = G_1 \left( \frac{100 - W_1}{100 - W_2} \right)$$

Буғланган намликтининг (ёки материалдан чиқарилган сувнинг) **миқдорини** қўйидаги тенглама орқали ҳам топиш мумкин:

$$W = G_1 - G_2 = G_1 - G_1 \left( \frac{100 - W_1}{100 - W_2} \right)$$

Ёки

$$W = G_1 \left[ 1 - \frac{100 - W_1}{100 - W_2} \right] = G_1 \left( \frac{W_1 - W_2}{100 - W_2} \right)$$

Моддий баланс асосида реал қуриткичнинг иссиқлик балансини тузамиз.

**Иссиқликниң кириши** (кЖ/соат): 1) хаво билан  $\mathcal{L}\mathcal{J}_1 = \mathcal{L}\mathcal{J}_{\text{ж}} + K_{\text{ж}}$  (бу ерда:  $\mathcal{L}\mathcal{J}$ —иситкичга кирган ҳавонинг иссиқлиги,  $K_{\text{ж}}$ — иситкичда ҳавонинг берган иссиқлиги); 2) материал билан  $\Gamma_n c_n \theta_1$  (бу ерда:  $c_1$  — нам материалнинг иссиқлик сифими,  $\theta_1$  — материалнинг дастлабки температураси); 3) транспорт қурилмалари билан  $\Gamma_{\text{тп}} c_{\text{тп}} \theta_{\text{тр}}$  (бу ерда  $\Gamma_{\text{тп}}$ — транспорт қурилмаларининг массаси,  $c_{\text{тп}}$  — транспорт қурилмалари магериалининг иссиқлик сифими,  $\theta_{\text{тр}}$  — транспорт қурилмаларининг дастлабки температураси); 4) қуритиш камерасига кирилган кушимча иссиқлик  $\kappa_{\text{ж}}$ .

**Иссиқликниң сарфланиши** (кЖ/соат): 1) қуриткичдан чиқаётган ҳаво билан  $\mathcal{L}\mathcal{J}_2$ ) қуритилган материал билан  $\Gamma_2 c_2 \theta_2$ ; 3) транспорт қурилмалари билан  $\Gamma_{\text{тп}} c_{\text{тп}} \theta''_{\text{тр}}$  4) иссиқликниң атроф-мухитга юколиши  $K_{\text{ж}}$ .

**Иссиқлик балансини тузамиз:**

$$\mathcal{L}\mathcal{J}_1 + \Gamma_1 c_1 \theta_1 + \Gamma_{\text{тп}} c_{\text{тп}} \theta_{\text{тр}} + \kappa_{\text{ж}} = \mathcal{L}\mathcal{J}_2 + \Gamma_2 c_2 \theta_2 + \Gamma_{\text{тп}} c_{\text{тп}} \theta''_{\text{тр}} + K_{\text{ж}};$$

Бундан

$$\mathcal{L}(\mathcal{J}_2 - \mathcal{J}_1) = \Gamma_1 c_1 \theta_1 + \Gamma_{\text{тп}} c_{\text{тп}} \theta_{\text{тр}} + \kappa_{\text{ж}} - \Gamma_2 c_2 \theta_2 - \Gamma_{\text{тп}} c_{\text{тп}} \theta''_{\text{тр}} - K_{\text{ж}},$$

ёки

$$\mathcal{L}(\mathcal{J}_2 - \mathcal{J}_1) = \sum K_i \quad (23.7)$$

Охирги тенгламанинг ўнг ва чап томонларини  $W$  га бўлиб, қўйидаги ифодани оламиз:

$$\frac{\mathcal{L}}{W} (J_2 - J_1) = \frac{\sum Q}{W}$$

$$\frac{\sum Q}{W} = \Delta \quad \text{деб белгилаймиз, } \Delta/W = \Delta \text{ бўлгани учун}$$

$$\Delta = (\dot{J}_2 - \dot{J}_1) / W \quad (23.8)$$

ёки

$$\dot{J}_2 = \dot{J}_1 + \Delta / W \quad (23.9)$$

Тенглама киритилган  $\Delta$  катталик қуритиш камераси ичидаги киритилган ва сарфланган иссиқликлар айирмасининг 1 кг буғланган намлика нисбатини белгилайди. Бу ерда асосий калориферда иситилган ҳаво билан кирган ва чиққан иссиқликлар ҳисобга олинмайди. Кўпинча  $\Delta$  қуритиш камерасининг **ички баланси** деб аталади.

(18.25) тенгламадан кўриниб турибдики,  $\Delta$  нинг ишорасига кўра  $\dot{J}_2$  нинг киймати  $\dot{J}_1$  нинг қийматидан катта ёки кичик бўлиши мумкин. Агар  $\Delta = 0$  булса, у холда  $\dot{J}_2 = \dot{J}_1$ .

## **2.Куритиш кинетикаси. Жараённи харакатга келтирувчи кучи.**

**Куритишнинг 1- ва 2- даврлари. Узгармас ва камаювчи қуритиш тезликлари. Кинетик эгри чизиклар. Ностационар масса утказиш асосида 2-давр давомийлигини аниклаш. Конвектив қуритиш геометриялари ва классификацияси. Контактли қуритишлар. Қуритишнинг маҳсус турлари.**

**Қуритиш кинетикаси. Намликтин материал ичидаги силжиши.** Материалнинг ташқи юзасидан намликтин бугланиши натижасида материал ичидаги намлик градиенти пайдо бўлади, бу градиент таъсирида материалнинг ички қатламларидан унинг юзасига қараб намликтин бундай харакати ички диффузия деб аталади. Қуритишнинг биринчи даврида (қуритиш тезлиги ўзгармас бўлганда) материал ичидаги намликтин ўзгариши катта бўлади, бунда қуритиш тезлигига асосан материал юзасидан намликтин бугланиш тезлиги (яъни ташқи диффузия) таъсири қиласи. Бироқ материал юзасидаги намлик камайиб бориб гигроскопик намликка этганда ва ундан кейин ҳам камайиши давом эца, яъни қуритишнинг иккинчи даврида жараённинг тезлигига асосан ички диффузия таъсири қиласи. Қуритишнинг иккинчи даврида жараённинг тезлиги доим камайиб боради.

**Қуритишнинг биринчи даврида материал ичидаги намлик (капиллярлардаги намлик ва осмотик бириккан намлик) суюқлик ҳолатида тарқалади. Иккинчи даврнинг бошланиши, яъни қуритиш**

тезлигининг бир меъёрда камайишида материал юзаси-нинг айрим жойларида ҳар хил шаклдаги чуқур зоналар пайдо бўлади ва материалнинг ичидаги буғланиш юз беради. Бунда капиллярлардаги намлик ва адсорбцион бириккан намликнинг бир қисми материалнинг ичидаги буғ ҳолида силжийди.

Кейинчалик материалнинг юза қатлами тўла қуриб бўлгандан сўнг, буғланишнинг ташқи юзаси борган сари материалнинг геометрик юзасидан камайиб кетади. Бундай шароитда намликнинг ички диффузия ёрдамида снлжмшининг аҳамияти ортади. Иккинчи даврнинг қуритиш тезлиги турлича камаядиган босқичи-да материал билан мустаҳкам боғланган адсорбцион намлик қаттиқ фаза ичидаги факат буғ ҳолида тарқалади.

Намликнинг қаттиқ материал ичидаги тарқалиш ҳодисаси *намлик ўтказувчанлик* деб аталади. Намлик ўтказувчанликнинг тезлиги ёки намлик оқимининг зичлиги намлик концентрацияси градиентига пропорционалдир:

$$m = -D_m \frac{dc}{dn}$$

бу эрда  $D_m$  – намлик ўтказувчанлик коефициенти.

Бу ифоданинг ўнг томонидаги минус ишора намликнинг концентрацияси катта бўлган қатламдан концентрацияси кичик бўлган қатламга қараб силжишини кўрсатади.

Намлик ўтказувчанлик коефициенти  $D_m$  нинг ( $\text{м}^2/\text{с}$ ) физик маъноси намликнинг материалдаги ички диффузия коефициентини ифодалайди ва иссиқлик ўтказиш жараёнларидаги температура ўтказувчанлик коефициентига ўхшайди. Намлик ўтказувчанлик коефициентининг қиймати намликнинг материал билан бирикеш турига, қуритиш температурасига, материалнинг намлигига боғлиқ бўлиб, факат тажриба йўли билан аниқланади.

Қуритишнинг айрим турларида (масалан, контакт, радиацияли ёки диелектрик усуллар ишлатилганда) материал қатламида намлик градиентидан ташқари темпера тураси градиенти ҳам пайдо бўлади. Температура градиенти таъсирида материал ичидаги иссиқлик оқими параллел бўлган намлик оқими ҳосил бўлади. Бу ҳодиса иссиқлик таъсирида намлик ўтказувчанлик деб аталади. Ушбу ҳодисанинг тезлиги иссиқлик таъсирида намлик ўтказувчанлик коефициенти орқали белгиланади. Намлик ва температура градиентлари таъсирида материалнинг ичидан ўтаётган намлик оқимлари бир-бирига қарама-

қарши йўналган бўлади. Конвектив қуритиш жараёнига иссиқлик таъсирида намлик ўтказувчанлик ҳодисасининг аҳамияти сезиларли эмас.


**Қуритишнинг тезлиги ва даврлари.** Қуритиш аппаратларини хисоблаш ва лойиҳалаш учун қуритиш тезлигини билиш зарур. Қуритиш тезлиги  $i$  чексиз қисқа вақт  $d\tau$  давомида материал намлигининг камайиши  $d\omega$  орқали аниқланади:

$$u = \frac{d\omega}{d\tau}$$

Олинган тажриба натижалари асосида куритиш эгри чизиги чизилади. Куриткичдан курук ва хул термометрлар ёрдамида хавонинг нисбий намлиги аникланади.

## Куритиш эгри чизиги

Материал намлиги  $w$  нинг вақт давоми  $\tau$  ва хаво параметрлари ўзгармас бўлганда ( $t = \text{сонст}$ ,  $\varphi = \text{сонст}$ ,  $w = \text{сонст}$ ) олинган график боғлиқлиги қуритиш эгри чизиги деб юритилади (25.1-расм).



### **Расм 25.1** Материал намлигининг вақт давомида ўзгариши.

Қуриши жараёнининг бошланишида намлиқ ажралиб чиқиши билан бирга материал қизийди. Бу давр қисқа вақтни ташкил этади, қуриши жараёни эгри чизик բуйича ўзгаради. Материалнинг қизиши тамом бўлганидан сўнг қуриши

Жараёни тўғри чизик буйича кетади. Бу даврда қуритиш жараёни ўзгармас тезликка эга бўлади. Бу давр  $K_1$  нуқтада тамом бўлади, бу нуқтага материалнинг критик намлиги  $W_{kp}$  тўғри келади.

Биринчи даврда эркин намлик ажралиб чиқади.  $K_1$  нуқтадан сўнг қуритишнинг иккинчи даври бошланади, бу даврда материал таркибидан бириккан намлик ажралиб чиқади. Бу даврда қуритиш тезлиги доим камайиб боради, материалнинг намлиги эса мувозанат намлика якинлашади. Қуритиш Жараёнини мувозанат намлика қадар давом эттириш мумкин.

Қуритиш эгри чизигининг исталган нуқтасига ўтказилган уринма оғиш бурчагининг тангенси қуритиш тезлигини ( $\partial w / \partial t$ ) ташкил қиласди (18.8-расм). Горизонтал ўққа материал намлигининг қиймати (% хисобида), вертикал ўққа эса қуритиш тезлигининг қиймати (масалан, % мин) қўйилади.

I даврда қуритиш тезлиги горизонтал тўғри чизик бўлади, чунки бу даврда қуритиш тезлиги ўзгармас қийматга эга. II даврда қуритиш тезлигининг чизиги материалнинг турига ва намлиknинг материал билан бирикиш турига кўра хар хил кўринишга эга бўлади. Бу даврда қуритиш тезлиги доим камайиб боради.


### Қуритиш тезлигининг эгри чизиги

25.2-расмда турли материаллар учун қуритиш тезлигининг эгри чизиклари келтирилган. Хамма эгри чизиклар мувозанат намлика тўғри келган нуқтага келганда тугайди. Қуритиш тезлиги эгри чизикларининг айримларида иккинчи критик нуқта ( $K_2$ ) мавжуд бўлади. Бу критик нуқта материалнинг шундай намлигига тўғри келадики, бунда материалдан намлиknинг силжиш характеристи ўзгаради. Кўпинча бу нуқта ( $K_2$ ) адсорбцион намлик ажралиб чиқишининг бошланишига тўғри келади.

Камаювчи

Ўзгармас тезлик даври

тезлик даври



25.2-расм. Қуритиш тезлигининг эгри чизиги:

1 — қоғоз, юпқа картон; 2 — газлама, юпқа чарм, макарон хамири; 3 — фалвирсимон керамик материаллар; 4—лой; 5 — түғраб (қотирилган нон).

Қуритиш ва қуритиш тезлиги эгри чизиқларидан шу нарса кўриниб турибдики, қуритиш жараёни икки даврга бўлинар экан. Тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, биринчи даврда қуритиш тезлиги ўзгармас бўлса, иккинчи даврда эса қуритиш тезлиги доим камайиб боради.

Биринчи даврда қуритиш тезлиги асосан ташқи диффузияга боғлик бўлади. Бу даврда қуритувчи агентнинг тезлиги ва унинг параметрлари (нисбий намлик, температура) ҳисоблаш ишларида катта аҳамиятга эга. Материалнинг ичидаги намликнинг диффузияланиш тезлиги катта қийматга эга бўлади, бироқ бу ҳолат намликнинг материал юзасидан берилиш тезлигини белгиламайди.

Иккинчи даврда анча мураккаб жараён содир бўлади. Бу Даврда боғланган намлик ажрала бошлайди. Қуритиш тезлиги асосан материал ичидаги намликнинг таркалиш тезлигига боғлик. Шу сабабли иккинчи даврда қуритиш тезлигига материал таркиби билан боғлик бўлган параметрлар (қуритилаётган материалнинг шакли ва ўлчамлари, материалнинг намлиги, материалнинг намлик ўтказувчанлиги) таъсир кўрсатади. Қуритиш тезлигига ҳаво оқимининг тезлиги ва унинг параметрлари ҳам бир оз таъсир қилиши мумкин.


**Саноатда турли типдаги қуриткичлар ишлатилади.** Қуритгичлар бир - биридан турли белгилар билан фарқ қиласиди. Нам материалга иссиқлик бериш усулига кўра қуриткичлар конвектив, контактли ва бошқа турдаги қуритгичларга бўлинади. Иссиқлик ташувчи сифатида ҳаво, газ ёки буғ ишлатилиши мумкин. Қуритиш камерасидаги босимнинг қийматига кўра атмосферали ва вакуумли қуритгичлар бўлади. Жараённи ташкил қилиш бўйича даврий ва узлуксиз ишлайдиган қуриткичлар мавжуд. Конвектив қуритгичларда материал ва қуритувчи агент бир - бирига нисбатан тўғри, қарама - карши ёки перпендикуляр ҳаракат қилиши мумкин. Қуритилиши лозим бўлган материал донасимон, кукунсимон, пастасимон ёки суюқ ҳолатда бўлади. Қуритувчи агентнинг босимини ҳосил қилиш учун табиий ёки мажбурий циркуляция ишлатилади. Донасимон материаллар ишлатилганда қатлам зич, кенгайтирилган, мавхум қайнаш ва фонтансимон ҳолатларда бўлади. Қуритувчи агент буғ, иссиқ сув, олов билан ишлайдиган калориферларда ёки электр токи ёрдамида иситилади. Қуритиш жараёнининг ҳар хил варианларидан кенг фойдаланилади: ишлатилган қуритувчи агентни қуриткичдан чиқариб юбориш, қуритувчи агентдан такрор фойдаланиш, қуритувчи агентни қуритиш камералари оралиғида қиздириш, қуритувчи агентни қуритиш камераларига бўлиб бериш, қуритувчи агентни қуритиш камерасида қўшимча равишда қиздириш, ўзгарувчан иссиқлик майдонидан

фойдаланиш (иссиқ ва совуқ ҳавони материал қатламига кетма - кет алмаштириб бериш) ва ҳоказо.

Конструктив тузилишига кўра қуритиш қурилмалари ҳар хил бўлади. Саноатда **шкафли, камерали, коридорли (тунелли), шахтали, барабанли, трубали, шнекли, цилиндрический, турбинали, каскадли, каруселли, конвеерли, пневматик, сочиб берувчи ва шу каби қуитгичлар ишлатилади.**

Саноатда конвектив усул билан ишлайдиган қуритиш қурилмалари кенг тарқалган. Бундай қурилмаларда қуритиш жараёни нам материал билан қуритувчи агентнинг тўғридан - тўғри контакти орқали боради. Саноатда камерали, тунелли, лентали, сиртмоқли, барабанли, мавхум қайнаш қатламли, сочиб берувчи, пневматик ва бошқа конвектив қуитгичлар ишлатилади, конвектив қуитгичлар ишлаб чиқаришда қўлланилаётган ҳамма қуритиш қурилмаларининг тахминан 80 % ини ташкил этади.

**Тунелли қуитгичлар.** Бундай типдаги қуитгичлар тўғри тўртбурчак кесимида эга бўлган узун камерадан (коридордан) иборат бўлади (25.3-расм). Камера ичидаги вагонеткаларнинг секин ҳаракатланиши учун темир йўл излари ўрнатилган. Коридорга кирувчи ва ундан чиқадиган эшиклар зич ёпилади.



25.3- расм. Тунелли қуитгич:

1-камера; 2- вагонеткалар; 3-вентилятор; 4-калорифер.


Вагонеткаларга нам материал жойлаштирилади. Қуритувчи агент (ҳаво) калориферларда иситилиб берилади. Ҳаво оқими вентиляторлар ёрдамида нам материалга нисбатан тўғри ёки қарама – қарши йўналишда ҳаракатга келтирилади. Вагонеткалар эса механик чиғирлар ёрдамида ҳаракатланади. Тунелнинг баландлиги **2,0 - 2,5 м** бўлиб, узунлиги **25 - 60 м** гача этади.

Тунелли қуитгичларда қуритувчи агент қисман рециркулляция қилинади. Бундай қурилмалар катта ўлчамли донасимон материалларни қуритиш учун ишлатилади.

**Камчиликлари:** қуритиш тезлиги кичик, жараён узоқ вақт давом этади, қуритиш бир меърда бормайди, қўл кучидан фойдаланилади.

**Барабанли қурилгичлар.** Бундай қурилмалар атмосфера босими билан узлуксиз равишида турли сочилувчан материалларни қуритиш учун ишлатилади. Барабанли қуригич цилиндросимон барабандан иборат бўлиб, горизонтга нисбатан кичик оғиш бурчаги ( $3-6^\circ$ ) билан жойлаштирилган бўлади (25.4-расм). Барабан бандажлари ва роликлар ёрдамида ушлаб турилиб, электромотор ва редуктор ёрдамида айлантирилади. Қурилма узунлигининг диаметрига нисбати  $L/D=5 - 6$ . Барабаннинг айланишлар сони **5-6 мин<sup>-1</sup>** Нам материал таъминлагич орқали винтли қабул қилувчи насадкага берилади, бу эрда материал аралаштириш та`сирида бир оз қурийди. Сўнгра материал барабаннинг ички қисмига ўтади. Барабаннинг материал билан тўлиш даражаси **25 %** дан ортмайди. Барабаннинг бутун узунлиги бўйича насадкалар жойлаштирилади. Насадкалар барабаннинг кесими бўйича материални бир ме`ёрда тарқатиш ва аралаштиришни та`минлайди. Бундай шароитда материал билан қуритувчи агентнинг ўзаро та`сири самарали бўлади.

Барабан ичида материалнинг ўта қизиб кетишини олдини олиш учун материал ва қуритувчи агент (тутунли газлар ёки қиздирилган ҳаво) бир бирига нисбатан тўғри йўналишда бўлади, чунки бундай шароитда юқори температурали иссиқ газлар катта намликка эга бўлган материал билан контактлашибади. Майда сочилувчан материаллар учун ҳавонинг барабан ичидаги тезлиги **0,5–1,0 м/с**, катта бўлакли материаллар учун **3,5–4,5 м/с** дан ортмаслиги керак. Ишлатилган газлар атмосферага чиқарилишидан олдин майда чанглардан циклонда тозаланади. Қурилилган материал барабандан ташқарига туширувчи қурилма орқали чиқарилади.




**25.4-расм.** Барабанли қуригич.

1-юқлаш бункери; 2-тарқатувчи куракчалар; 3-бандажлар;  
4-қуригичнинг қобиги; 5- циклон; 6-вентилятор; 7- бункер; 8-шнек; 9-тирговчи ролик; 10- редуктор; 11-таянч роликлари.

Қуритилган материал доналарининг ўлчамлари ва хоссаларига кўра курилмаларда хар хил насадкалардан фойдаланилади (25.5-расм). Катта бўлакли ва қовушқоқ хусусиятга эга материалларни қуритиш учун қуритувчи-парракли насадкалар, ёмон сочилувчан ва катта зичликка эга бўлган катта бўлакли материалларни қуритиш учун эса секторли насадкалар ишлатилади. Кичик бўлакли, тез сочилувчан материаларни қуритишда тарқатувчи насадкалар кенг ишлатилади. Майда қилиб эзилган кукунсимон материалларни берк ячейкали довонсимон насадкалари бўлган барабанларда қуритиш мақсадга мувофиқдир. Айрим шароитларда мураккаб насадкалардан фойдаланилади.

Барабанли қуритгичларда материалларнинг яхши арадашишига эришилади, натижада қаттиқ ва газ фазалари оралиғида узлуксиз контакт юз беради. Бундай қуритгичларда барабаннинг диаметри **1200 дан 2800 мм** гача боради ва улар кўп миқдордаги махсулотларни қуритиш учун ишлатилади.

**Сочиб берувчи қуритгичлар.** Бундай курилмалар сут, мева шарбатлари каби суюқ озиқ - овқат махсулотларини сувсизлантириш учун ишлатилади. Ушбу типдаги қуритгичлар ичи бўш цилиндрисимон диаметри **5 м** ва баландлиги **8 м** гача бўлган курилмалардан иборат бўлиб, унинг юқориги қисмида қуритилиши лозим бўлган материал сочиб берилади ва параллел оқимда ҳаракат қилаётган қуритувчи агент (иссиқ ҳаво) билан тўқнашади, натижада намлик катта тезлик билан буғланади.



25.5-расм. Насадкаларнинг турлари:


*а-кўтарилиувчи – қуракчали; б-секторли; в, г –тарқатувчи; д-берк ячейкали.*

Сочиб берувчи қуритгичларда буғланишининг солиштирма юзаси катта бўлади, шу сабабли қуритиш жараёни қисқа вақт (таксминан **15 – 30 с**) давом этади.

Қуритиш қисқа вақт давом этганлиги сабабли жараён паст температураларда олиб борилади, натижада сифатли кукунсимон махсулот олинади. Агар нам материал олдин қиздириб олинса, совук холдаги қуритувчи агентдан ҳам фойдаланса бўлади.

Материалларни сочиб бериш учун механик ва пневматик форсункалар ҳамда марказдан қочма дисклар (айланишлар сони минутига **4000 - 20000**) ишлатилади.

Сочиб берувчи қуритгичда (25.6 - расм) нам материал қуритиш камерасига форсунка ёрдамида сочиб берилади. Қуритувчи агент вентилятор ёрдамида калорифер орқали қурилмага берилади, у камера ичидаги материал билан паралел ҳаракат қиласи. Қуриган материалларнинг майда заррачалари камеранинг пастки қисмига чўкади ва шнек ёрдамида керакли жойга юборилади. Ишлатилган қуритувчи агент циклон ва энгли филтрда майда чанг заррачаларидан тозаланади, сўнг атмосферага чиқарилиб юборилади.



25.6-расм. Сочиб берувчи қуритгич:

1-қуритиш камераси; 2-форсунка; 3-Шнек; 4-циклон; 5-енгли филътр; 6-вентилятор; 7-калорифер.

Сочиб берувчи қуритгичларда материал ва қуритувчи агент оқимлари тўғри, қарама - қарши ва аралаш йўналишда бўлиши мумкин, бироқ кўпинча тўғри (ёки параллел) йўналишли оқим ишлатилади.

Сочиб берувчи қуритгичлар юқорида айтиб ўтилган афзаликлардан ташқари бир қатор камчиликларга ҳам эга: 1) нам материалнинг қурилма деворларига ёпишиб қолмаслиги учун камеранинг диаметри анча катта бўлади; 2) камерада солиштирма буғланиш қиймати жуда кичик ( $1 \text{ m}^3$  камерадан соатига **10-25 кг** сув ажралади); 3) ҳаво оқимининг тезлиги нисбатан кичик (**0,2-0,4 м/с**), агар ҳаво тезлиги катта бўлса майда заррачаларнинг чўкиши қийинлашади ва уларнинг ҳаво оқими билан кетиб қолиши кўпаяди

## **Назорат саволлари**

- 1.Куритиш жараёни нимага айтилади?
2. Куритиш жараёни неча хил усулда олиб борилади?
3. Куритилиши лозим бўлган материаллар неча турга бўлинади?
4. Иссиклик ташувчи агентнинг қуритилаётган материал билан ўзаро та'сирлашув усулига кўра қуритиш турлари нечтага бўлинади?
5. Нам ҳаво нимадан ташкил топган?
6. Абсолют намлик ва нисбий намлик деб нимага айтилади?

## **11-мавзу Механик жараёнлар**

### **P E Ж A**

1.Каттик жисмларни майдалаш. Майдалаш жараёнининг назарияси.  
Майдалаш курилмаларига куйиладиган умумий талабалар, ишлаш принципи ва тузилиши. Майдаланиш даражаси.

2.Майдалаш машиналари классификацияси. Кесиши курилмаларини тузилиши, ишлаш принципи. Кесувчи курилмаларнинг классификацияси. Кесиши жараёнининг назарияси.

3.Классификация, дозалаш ва аралаштириш. Классификация усуллари. Хавода классификациялаш.

Таянч атама ва иборалар: *механик жараёнлар, майдалаш, синфларга ажратиш, саралаш, аралаштириш, эзиш, донадорлаш, узатиш, янчиш, майдаланиш даражаси, бўлакнинг характерли ўлчами, майдалаш машиналари, тегирмон, барабанли тегирмон, шарли тегирмон, пурковчи тегирмон, солиштирма иш унумдорлиги, қувват, фойдали иш коефиценти, стандарт диаметр.*

**1.Каттик жисмларни майдалаш. Майдалаш жараёнининг назарияси.**  
**Майдалаш курилмаларига куйиладиган умумий талаблар, ишлаш принципи ва тузилиши. Майдаланиш даражаси.**

Кимёвий технологияда механик жараёнлар алоҳида аҳамиятга эга. Механик жараёнларнинг тезлиги қаттиқ жисм механикаси қонунлари билан ифодаланади. Бундай жараёнлар материалларга механик куч таъсир қилишига асосланади. Механик жараёнлар (майдалаш, синфларга ажратиш, саралаш,

аралаштириш, эзиш, донадорлаш, узатиш ва ҳоказо) кимё ва бошқа саноат корхоналарида кўп ишлатилади.

Қаттиқ фазанинг юзасини кўпайтиришга ташқи куч тасирида заррачаларни майдалаш йўли билан эришилади. Майдалаш пайтида материал бўлакларининг ўлчами анча камаяди.

Қаттиқ материалларни майдалаш жараёни шартли равища икки турга бўлинади: а) янчиш, яъни материални майда бўлакларга бўлиш (йирик, ўртача ва майда); б) майдалаш (юпқа ва ўта юпқа). Умуман олганда материалларни майдалаш жараёни эзиш, ёриш, эйилиш ва зарба бериш усуллари ёрдамида олиб борилади. Материалнинг физик-механик хоссалари ва бўлакларининг ўлчамига кўра у ёки бу усул танлаб олинади. Масалан, қаттиқ ва мўрт материал эзиш, ёриш ва зарба бериш усули билан, қаттиқ ва қовушоқли материал эса эзиш ва эйилиш усули ёрдамида майдаланади.

Материалларни янчиш одатда қурук (сув ишлатмасдан) усул билан, юпқа майдалаш эса кўпинча хўл усул билан (яъни сув ёрдамида) олибборилади. Сув ишлатилганда чанг ҳосил бўлмайди ва майдаланган маҳсулотни ташиш осонлашади.

Дастлабки ва майдаланган материал бўлакларининг ўлчамларига кўра майдалаш жараёнининг синфларга бўлиниши 1- жадвалда берилган.

### **36.1- жадвал. Майдалаш жараёнининг синфларга бўлиниши**


Майдалаш тури	Бўлакнинг ўртача ўлчами, мм		Майдаланиш даражаси
	майдаланишгача	майдалангандан сўнг	
Йирик янчиш	1500 - 300	300 – 100	2 – 6
Ўртача янчиш	300 – 100	50 – 10	5 – 10
Майда янчиш	50 – 10	10 – 2	10 – 50
Юпқа майдалаш	10 – 2	2 – 0,75	100
Ўта юпқа майдалаш	2 – 0,075	$7,5 \cdot 10^{-2} - 1 \cdot 10^{-4}$	-

### **1.2. МАЙДАЛАШ**

Майдалаш жараёни шартли равища иккига бўлинади: 1) Бўлаклаш; 2) Майдалаш.

Махсулотларни майдалаш 2.1-расмда кўрсатилган усуллар билан амалга оширилиши мумкин.

Қаттиқ махсулотнинг физик-механик хоссалари ва зарраларнинг ўлчамларига кўра, шу усуллардан бири танланади. Масалан, қаттиқ, мўрт махсулотлар эзиш, уриш йўли билан, қаттиқ, ёпишқоқ махсулотлар эзиш, ишқалаш йўли билан майдаланади.



36.1 - расм. Қаттиқ материалларни майдалаш усуллари.

а - эзиш; б - тилиш; в - ишқалаш; г - зарба ёрдамида майдалаш.

Махсулотларни бўлаклаш сув ишлатмасдан, қуруқ усулда амалга оширилса, майин майдалаш хўллалаш йўли билан амалга оширилади.

Майдалаш натижаси майдалаш даражаси билан характерланади. Майдалаш даражаси махсулот заррасининг майдалашгача бўлган ўртacha ўлчами  $\Delta$  нинг, майдалашдан кейинги ўртacha ўлчами  $d$ га нисбати билан аниқланадиган катталиқдир:

$$и = \Delta / d \quad (36.1)$$

Майдалаш ташқи куч та`сирида, махсулот зарраларининг тортиш кучини энгиш йўли билан амалга оширилади. Бўлаклашда қаттиқ махсулот бўлаги дастлаб ҳажмий деформацияланади, сўнгра бўлакланиб, янги сиртлар ҳосил бўлади.

Демак, бўлаклаш учун сарфланадиган фойдали иш бўлакларни деформациялашга ва янги сиртлар ҳосил бўлишга сарфланади.

Махсулот бўлагини деформациялаш учун сарфланадиган иш махсулот зарраси хажмининг ўзгаришига тўғри пропорционалдир:

$$A_D = k_1 \cdot V \quad (36.2)$$

**$k_1$**  - бирлик ҳажмдаги махсулот бўлагини деформациялаш учун зарур ишга тенг бўлган пропорционаллик коеффициенти;

**B-** зарра ҳажмининг ўзгариши.

Янги сиртлар ҳосил қилиш учун сарфланадиган иш **A<sub>c</sub>** янги ҳосил бўлган сиртлар юзаси ўзгаришига пропорционал:

$$A_c = k_2 \Phi \quad (36.3)$$

**$k_2$**  - бирлик янги сирт юзасини ҳосил қилиш учун зарур ишга тенг бўлган пропорционаллик коеффициенти;  **$\Phi$**  - янги ҳосил бўлган сирт юзаси.

Бўлаклашдаги тўлиқ иш Ребиндер формуласи билан ифодаланади:

$$A = A_d + A_c = k_1 B + k_2 \Phi \quad (36.4)$$

Майдалаш даражаси (**и**) кичик бўлганда янги сирт юзаларини ҳосил қилиш учун сарфланадиган ишни ҳисобга олмаса ҳам бўлади. У ҳолда:

$$A = k_1 B = k_1 D^3 \quad (36.5)$$

чунки ҳажм зарра ўлчамининг кубига тўғри пропорционал. Ушбу тенглама Кик-Кирпичев гипотезасини ифодалайди:

Заррани бўлаклашда бажариладиган иш бўлакланадиган махсулот ҳажмига пропорционал.

Майдалаш даражаси (**и**) катта бўлганда деформациялаш ишини ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Чунки деформациялаш иши **A<sub>d</sub>** сирт юзаларини ҳосил қилиш иши **A<sub>c</sub>** га нисбатан жуда кичик бўлади. У ҳолда:

$$A = \kappa_2 \Phi = \kappa_2 D^2 \quad (36.6)$$

Ушбу тенглама Риттингер гипотезасини ифодалайди: майдалаш иши янги ҳосил бўладиган сиртлар юзаси катталигига пропорционалдир. Агар (2.4) тенгламадаги иккала қўшилувчини ҳам ҳисобга олиш талаб қилинса, у ҳолда Бонд тенгламасидан фойдаланилади:

$$A = \kappa_3 \sqrt{D^3 D^2} = K_3 D^{2.5} \quad (36.7)$$

Майдалаш жараёнининг самарадорлигини аниқлаш учун **майдаланиши даражаси** тушунчаси ишлатилади. Бу кўрсаткич майдаланишгача бўлган материал бўлагининг ўртacha характерли ўлчами ( $d_6$ ) ни майдаланган материал бўлагининг ўртacha характерли ўлчами ( $d_m$ ) га нисбати билан белгиланади:

$$i = \frac{d_6}{d_m} \quad (36.8)$$

Шарсимон бўлакнинг характерли ўлчами сифатида диаметр, куб шаклидаги бўлак учун эса - қиррасининг узунлиги олинади. Нотўғри геометрик шаклга эга бўлган бўлакнинг ўртacha қиймати қуйидагича аниқланади:

$$d \int x = \sqrt[3]{lbh} \quad (36.9)$$

бу эрда  $l$ ,  $b$ ,  $x$  - материал бўлагининг ўзаро перпендикуляр йўналган учта томонининг максимал ўлчами. Бу ўлчамлар ичида энг каттаси ( $l$ ) - узунлик, ўртачаси ( $b$ ) - кенглик, энг кичиги ( $x$ ) - - қалинлик.

Майдаланган бўлакнинг ўртacha характерли ўлчамини аниқлаш учун сараловчи галвир ёрдамида материал бир неча фракц ажратилади. Ҳар бир фракциядаги энг катта ва энг кичик бўлакнинг ўртacha ўлчами қуйидагича аниқланади:

$$d_{\bar{y}} = \frac{d_{\max} + d_{\min}}{2} \quad (36.10)$$

Аралашмадаги бўлакнинг ўртача характерли ўлчами қуйидагича хисобланади:

$$d = \frac{d_{\bar{y}1a1} + d_{\bar{y}2a2} + \dots + d_{\bar{y}nan}}{a_1 + a_2 + \dots + a_n}$$

бу эрда  $d_{\bar{y}1}$ ,  $d_{\bar{y}2}$ ,  $d_{\bar{y}n}$ - ҳар бир фракциядаги бўлакнинг ўртача ўлчами;  $a_1$   $a_2$  ...,  $a_n$ — ҳар бир фракция таркиби, массавий % .

## **2. Майдалаш машиналари классификацияси. Кесиш курилмаларини тузилиши, ишлаш принципи. Кесувчи курилмаларнинг классификацияси. Кесиш жараёнининг назарияси.**

**Материалларни майдалашга мосланган машиналар шартли равища икки гурухга бўлинади:**

- а) материалларни йирик, ўртача ва майда бўлакларга ажратувчи янчиш машиналари;
- б) материалларни юпқа ва ўта юпқа майдалайдиган тегирмонлар.

Умуман олганда майдалаш машинаси очик ва чегараланган цикл билан ишлади. Очик цикл қўлланилганда материал майдалайдиган қурилма орқали бир маротаба ўтади. Бундай шароитда йирик ва ўртача янчиш юз беради. Чегараланган циклда эса майдалаш машинасидан чиқсан материал турларга ажратадиган қурилмага юборилади. Бу қурилмада катта ўлчамли заррачалар ажратиб олиниб, майдалаш машинасига қайтарилади. Чегараланган цикл материални юпқа майдалашда ишлатилиб, энергия сарфини камайтиришга ва майдаловчи машинанинг иш унумдорлигини оширишга олиб келади.

Саноатда қаттиқ жисмларни майдалаш мақсадида турли машина ва тегирмонлар ишлатилади.

Йирик янчиш учун яssi қисмли ва конусли машинадан фойдаланилади, бундай машиналар ёрдамида бўлакларнинг ўлчами 1500 мм дан кам бўлмаган материал майдаланиб, ҳосил бўлган бўлакларнинг ўлчами тахминан 100 - 300 мм атрофига бўлади.

Йирик янчишдан сўнг кўпинча материал қайтадан ўртача ва майда янчишга мосланган машиналарга юборилади, бундай ҳолатда доналарнинг ўртача ўлчами тахминан 100 мм дан то 10 - 12 мм гача камаяди. Ўрта ва майда янчиш учун валлари бўлган, зарба-марказдан қочма ва қия конусли янчиш машиналари ишлатилади.

Барабанли ва ҳалқа тегирмонларда материал юпқа майдалана-ди (ўртача ўлчами 10—12 мм дан 2—0,075 мм гача).

Ясси қисмли янчгичнинг ишлаш принципи қуидагида бўлади. Ясси қисмлар даврий равишда ўзаро яқинлашганда материал эзиш, ёриш ва қисман ёйилиш принципла-ри асосида майдаланади. Конусли янчиш машиналари бир-бирига нисбатан эксцентрик ҳолатда айланадиган иккита конуслар оралиғида материални синиш, эзиш ва қисман эйилиш принциплари ёрдамида майдалашга асосланган. Валли янчгичларда материал бир-бирига қарама-қарши йўналган валлар оралиғида эзилади. Агар валлар бир хил тезликка эга бўлса материалнинг эйилиши ҳам юз беради. Шнекли янчиш машиналарида материал кесиш ва қисман эйилиш жараёнида майдаланишга учрайди. Болғали янчгичда қаттиқ жисм болғаларнинг зарбаси ва эйилиш таъсирида майдаланади.


Шарли тегирмонлар материални асосан юпқа ва ўта юпқа майдалаш учун ишлатилади. Бундай машиналар айланувчи ёки вибрация қилинадиган барабандан иборат бўлиб, уларнинг ичига майдаланиши лозим бўлган материал юборилади; материал доналари ўзаро тўқнашиб, зарба ва ишқаланиш кучи асосида майдаланиб кетади. Ғилдиракли тегирмонлар майда янчиш ёки айрим материаллар (шамот, кварц, лой-тупроқ ва ҳоказо) ни дагал янчиш учун ишлатилади. Дағал янчишда майдаланишидан ташқари зичланиш, эйилиш юз беради ҳамда материалларнинг биргалиқдаги аралашмаси ҳосил бўлади. Дезинтеграторлар ва аеродастали тегирмонларнинг ишлаш принциплари материалга зарба бериш принципига асосланган. Пурковчи тегирмонлар материалларни ўта юпқа майдалаш учун мўлжалланган. Бундай машиналарнинг ишлаш принципи катта тезлик билан ҳаракат қилаётган ҳаво оқимининг таркибидаги қаттиқ заррачаларнинг бир-бирига ва камера деворларига урилиши ва ишқаланиши оқибатида майдаланиш юз беради.

## МАЙДАЛАШ МАШИНАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

**Ясси қисмли янчгич.** Ушбу майдалаш машинасининг конструктив чизмаси 36.2 – расмда берилган. Машинанинг асосий иш органлари вазифасини қўзгалмас (1) ва қўзгалувчан (2) ясси қисмлар бажаради. Бу қисмларнинг усти эмирилишга бардошли марганецли пўлатдан қилинган тарам-тарамли плиталар билан қопланган. Ушбу пўлат плиталар ясси қисмларни эйилишдан ҳимоя қиласи. Қўзгалувчан ясси қисм юқори томондан ўқ (3) га осиб қўйилган бўлиб, тебранма ҳаракат қилиши мумкин. Қўзгалувчан ясси қисм (2), вал (5), эксцентриклар шатун (9) ва тиргович плиталар ёрдамида тебранма ҳаракат қиласи, Қўзгалмас ва қўзгалувчан ясси қисмлар пастки томонидаги тор

тиркишнинғ кенглиги (яни машинадан чиқаётган майдаланган заррачаларнинг ўлчами) дастаклар (7) ёрдамида созланади.

Материал қўзғалувчан ва қўзғалмас ясси қисмлар оралигининг юқори томонидаги бўшлиқка берилади, бунда материал қўзғалувчан ясси қисмнинг тебранма харакати таъсирида ёрилиш ва эзиш ҳисобига майдаланади. Майдаланган заррачалар аста-секин пастки тор тиркиш орқали ташқарига чиқарилади. Майдалаш жараёни давом этаётганда иш режимида қўзғалмас ва қўзғалувчан ясси қисмлар ўртасидаги масофа камаяди. Машинага материал берилмаган (яни юксиз режимда) қўзғалувчан ясси қисм пружина (6) ёрдамида тортилади.




### **36.2-расм. Ясси қисмли янчиши машинаси**

Янгичнинг энергия сарфи иш режимига кўра турлича бўлади. Юксиз режимда энергия кам талаб қилинади» бу энергия механизмдаги ишқаланиш кучларини энгиш учун сарфланади. Энергия асосан иш режимда, яни юкланган материал янчила-ётганда сарфланади. Машинанинг бир меъёрда ишлаши учун вал (5) га катта массали маховик (4) ўрнатилган. Маховикнинг вазифаси юксиз режимдаги механик энергияни ўзида йигиш ва юкланган материалнинг миқдори бирдан кўпайиб кетган вақтда (яни иш режимида) йиғилган энергияни сарф қилишдан иборатdir.

Ясси қисмли янчиш машиналари тоғ кимёси, металлургия ва рангли металлар саноатида хом ашёни қайта ишлашга тайёрлаш мақсадида ишлатилади. Ушбу машиналарнинг энг қувватлиси ўлчами кўндаланг кесими бўйича 1,5 м гача бўлган қаттиқ жисм бўлакларини янчиши мумкин. Бундай ҳолатда янчиш машинаси мураккаб комплексдан юборат бўлиб, қўп энергия талаб қиласди.

**Болғали янчиш машинаси.** Бу қурилма (36.3-расм) зарба-марказдан қочма кучи асосида ишлайдиган янчиш машиналари турига киради. Бу машина ички қисми эскиришга бардошли марганецли пўлат плиталари билан қопланган қобик (/), вал (2) ва валга ўрнатилган диск (3) дан иборат. Дискда палецлар (4) ёрдамида болғалар (5) эркин жойлаштирилган. Болғалар ҳам марганецли пўлатдан тайёрланган. Қобикнинг пастки қисмида панжара (6) бор. Болғалари бўлган диск 40 м/с тезлик билан айланма ҳаракат қиласди.



**36.3-расм. Болғали янчиш машинаси**

**Пурковчи тегирмон.** трубали камерага эга бўлган пурковчи тегирмон кўрсатилган. Тегирмон чегараланган труба (/) дан иборат бўлиб, унинг пастки қисмида сиқилган ҳаво берувчи конусли найчалар (6) жойлаштирилган. Майдаланиши лозим бўлган материал тегирмонга инжектор(5)орқали берилади. Трубанинг ичидаги заррачаларнинг кўп маротаба ўзаро урилиши натижасида материалнинг майдаланиши юз беради. Оқимнинг тирсак (2) дан ўтишида марказдан қочма куч майдони ҳосил бўлади, бу майдон ёрдамида

майдаланган материал сараланади. Катта кинетик энергияга эга бўлган иирик заррачалар трубанинг ташки девори томонга интилади ва ҳаракатни давом эттириб, қайтадан майдалаш зонасига тушади. Майда заррачалар эса ҳаво оқими билан биргаликда қиясимон тўсиқли панжара (3) дан ўтиб, труба (4) орқали қурилмадан ташқарига чиқарилади. Бу оқим сўнгра циклон ва энгли филтрларга юборилади.

Пурковчи тегирмонларда юқори даражада бир жинсли бўлган майдаланган маҳсулот олинади, бироқ улар кўп миқдордаги сиқилган ҳавони ишлатиш сабабли катта энергия сарфини талаб қиласиди. Шу сабабдан пурковчи тегирмонлар фақат қимматбаҳо маҳсулотларни ўта юпқа қилиб майдалашда ишлатилади.

## МАЙДАЛАШ МАШИНАЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Майдалаш машиналарини ҳисоблашнинг асосий мақсади майдаланган заррачаларнинг ўлчамларини, иш унумдорлиги ва талаб қилинадиган қувватни топишдан иборатдир. Ҳисоблаш тартиби қурилманинг турига ва унинг асосий параметрларига bogлиқ бўлади.

**Валли, ясси юзали ва конусли янчиш машиналари.** Валларнинг юзаси текис ва тарам-тарам бўлган янчиш машиналари учун материалнинг дастлабки бўлаги ўлчамининг максимал қиймати  $D_{6\ max}$  қуйидаги tenglama орқали аниқланади:

$$d_{6\ max} = \frac{D(1-f) + a}{f} \quad (36.17)$$

бу эрда  $D$  - валнинг диаметри, м;  $a$  - валлар ўртасидаги тор тирқиш, м;  $\phi$  - валларнинг материални ушлаб олиш коеффициенти (текис юзали валлар учун  $\phi = 0,954$ , тарам-тарам юзали валлар учун эса  $\phi = 0,92$ ).

Валли янчиш машиналарининг иш унумдорлиги ( $\Gamma$ , кг/с) қуйидаги tenglama билан топилади:

$$G = aL\omega p_T \mu, \quad (36.18)$$

бу эрда  $L$  - валнинг узунлиги, м;  $\omega$  - валнинг айланма ҳаракат тезлиги, м/с;  $p_T$  - тўкилган ҳолатдаги материалнинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $\mu$  - валлар оралигини материал билан тўлиш даражасини характерлайдиган коеффициент (текис ва тарам-тарам юзали валлар бўлган янчиш машиналари учун  $\mu = 0,25$ , тишли валлари бўлган машиналар учун эса ( $\mu = 0,5 - 1,12$ ).

Ясси қисмли ва конусли янчиш машиналарининг иш унумдорлигини тўғридан-тўғри топишга имконият берадиган тенглама ҳозирча йўқ. Бундай машиналарнинг иш унумдорлигини топиш учун аввало уларни ўртача пишиқликка эга бўлган материалларни майдалашида синаб кўрилади, сўнgra олинган натижалар толқон бўлиш қобилияти коеффициентининг қийматига кўпайтирилади. Йирик ва майда янчишга мосланган машиналарнинг иш унумдорлиги ( $B$ , м<sup>3</sup>/с) ва майдаланган материал чиқадиган тирқиши кенглиги (а, мм) тегишли адабиётдаги жадвалларда берилади.

Майдаланган материал чиқадиган тирқишининг бошқа қиймат-лари учун янчиш машинасининг иш унумдорлиги ( $B_a$ , м<sup>3</sup>/с) қўйидаги тенглама ёрдамида аниқланилади:

$$V_a = VK_T \left( 1 + \frac{\Delta a}{a} \right) \quad (36.19)$$

бу эрда  $B$  - янчиш машинасининг жадвалдан олинган иш унумдорлиги, м<sup>3</sup>/с;  $\Delta a$  - майдаланган материал чиқадиган тирқиши кенглигининг ўзгариши, мм;  $K_T$  - материалнинг толқон бўлиш қобилиятини белгиловчи коеффициент.

Материалнинг толқон бўлиш қобилиятини характерловчи коеффициент майдалаш қурилмасининг тадқиқот қилинаётган материал бўйича олинган солишишима иш унумдорлиги ( $\kappa_m$ ) ни ушбу қурилманинг этalon материал бўйича эришилган солишишима иш унумдорлиги ( $\kappa_e$ ) га нисбати билан ифодаланади:

$$K_T = \frac{q_M}{q_3} \quad (36.20)$$

Майдалаш қурилмасининг солиши турли иш унумдорлиги қўйидагича топилади.

$$q_M = \frac{m}{V_c t} \quad (36.21)$$

бу эрда  $m$  - материал массаси, кг;  $B_c$  - майдалаш қурилмаси ҳажми,  $\text{м}^3$ ;  $t$  - майдаланган материал заррачаси ўлчамини маълум бир қийматга эришгунча кетган жараённинг давомлилиги, с.

$K_T$  нинг сон қиймати материалнинг турига боғлиқ бўлиб, қўйидагича ўзгаради: юмшоқ материаллар  $R_T=1,2$ ; ўртача пишиқликка эга материаллар  $K_T=1$ ; пишиқ материаллар  $K_T = 0,9$ ; жуда пишиқ материаллар  $K_T = 0,8$ .

### **Назорат саволлари**

1. Каттик жисмларни майдалаш. Майдалаш жараённинг назарияси
2. Майдаланиш даражаси
3. Майдалаш машиналари классификацияси
4. Дозалаш ва аралаштириш. Классификация усуллари

## **Кўшимча материаллар**

**Аввал айтиб ўтганимиздек** механик жараенларга қаттиқ жисмлар механикаси қониниятилари билан тавсифланадиган жараёнлар киради. Механик жараёнлар одамзот фаолиятида энг кўп учрайдиган жараён ҳисобланади (турли хил механик ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалар). Бу фанда биз бевосита қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда ва қайта ишлаш технологиясида кечадиган механик жараёнларни ўрганамиз. Бу жараёнларга материалларни йирик майдалаш ва майнин майдалаш мисол бўлади. Бу фанда майдалаш машиналарнинг тузилиши ва ҳисоблашнинг асосий қонун қоидаларинигина эмас, балки майдаланиш жараённинг моҳиятини, ва майдаланиш жараёнидаги кечадиган қонуниятларни ўрганамиз. Майдаланиш жараённинг моҳиятини яхшироқ тушингач эса қурилиш материаллари технологиясида майдалаш ва майнлаш аппаратларини оптимал ишлатиш масаласига тушунган ҳолда ёндашиш мумкин бўлади.

Майдалаш ва майнлаш деганда – материалнинг дастлабки структурасини бузиш орқали зарур ўлчамдаги материал олиш тушунилади. Яъни саноатда фойдаланиш учун зарур булган улчамгacha емириш тушунилади.

### **Материалларнинг структураси ва механик хоссалари**

Материалларнинг қуйидаги механик хоссалари майдалаш жараёни билан бевосита боғлиқ.

Қаттиқлик – материалнинг контакт куч тасиридан пластик деформасияланишга қаршилик кўрсатиш хоссаси.

Еластиқлик (упругост) - куч тасири тўхтагандан кейин дастлабки ҳолатига қайтиши.

Мустаҳкамлик – бузилишга кўрсатадиган қаршилиги.

Пластиқлик – материалнинг куч таъсиридан бузилемасдан деформасияланиши ва куч таъсири тўхтатиган олган янги шаклда қолиши.

Қовушқоқлик – динамик ёки статик куч таъсиридан бузилиш қобилияти

Урилишдаги қовушқоқлик – Маятникили копёрда уриб бузиш учун сарфланадиган энергия билан характерланади.

Эластиқлик модули – қайтиш деформасияси билан кучланиш боғланиш коеффициенти.

Тоғ жинсларини керакли ўлчамгача майдалашни қуидаги усуллар билан амалга ошириш мумкин:

**- эзиш; - бўлаклаш; - майдалаш; кесиш; - арралаш; ишқалаш; зарб ва бу курсатилган усулларнинг комбинасиси орқали.**

Эзииш – бу жараёнда дастлабки тоғ жинсининг бўлагига сиқувчи куч тасир этганда ундаги ички кучланиш чегаравий қийматга етгунча бутун ҳажми бўйича деформасияланади ва ниҳоят бўлакланади. Сиқилиш жараенида ички зўриқишлиар мураккаб тарзда ўзгаради, чўзилиш ва силжиш рўй беради. Натижада материал турли хил шаклларда ва ўлчамларда майдаланади. Яполоқ чўзинчоқ, киррали ва бошқа шакллар. Майдалашга етарли даражада кўп энергия сарф бўлади.


Ёриши материални понасимон ишчи орган билан босиши пайтида пона остида маҳаллий кучланиш концентрасияси ошиши натижасида тоғ жинси қисмларга бўлакланади. Бунда бўлаклар ўлчами ва шакли бир бирига яқин ўхшаш бўлади. Бундай бўлаклашда энергия сарфи нисбатан камроқ бўлади. Ёриш усули билан майдалаш эзиш усилига нисбатан майдаланадиган бўлаклар ўлчамини бошқариш имконини беради.

Синдириши орқали майдалашда дастлабки жинс эгувчи момент таъсиридан емирилади. Бўлак ўлчами ва шакли худи ёриш усули билан майдалангандек бўлади.

Кесиши билан майдалашда олдиндан мўлжалланган ўлчамда майдалаш мумкин бўлади. Жараён тўласинча бошқарилиши мумкин лекин бу жараённи амалга ошириш жуда мураккаб

Арралаши усулида олинадиган натижалар худди кесиш жараёнидагидек бўлади.

Ишқаланишида материал сиқувчи, чўзувчи ва кесувчи кучлар таъсирида майдаланади. Бу учун майин порашоксимон материал олишда қўлланилади.



*Бўлаклаш усуллари: а – эзиши, б – ёриши; в – эгиб синдириши; г – кесиши; д – арралаши; е – шиқалаш; ж – танг ҳолатдаги зарб; з – эркин зарб*

Зарб усилида дастлабки материал бўлаги динамик куч таъсиридан бўлакларга ажралади. Зарб бир нуқтага бериладиган бўлса бўлакланиш худди ёриш усулидаги сингари бўлади. Зарб бутун юзага таъсир этганда эса бўлакланш эзиш усули сингари рўй беради. Зарб танг ёки эркин вазиятда бўлиши мумкин. Танг ҳолатда бўлганда бўлакланиш икки бўлаклаш орган орасида содир бўлади. Бунда емирилиш кўпроқ зарб бераётган орган кнетик энергиясига боғлиқ бўлади. Зарб эркин ҳолатида эса бўлакланаётган материал бўлакланиш органига урилишидан ёки бошқа бўлакланаётган материалга урилиши туфайли содир бўлади. Бунда бўлакланиш самараси материал тўқнашиш тезлигига боғлиқ бўлади. Бунда материал ёки майдаловчи орган ҳаракатланаётганлиги унча рол ўйнамайди.

Юқорида санаб ўтилган майдалаш усулларидан ёриш, синдириш, эзиш ва зарб усуллари саноатда мадалагичларда қўлланилади.

Шуни ҳам айтиш керакки ҳозирги вақтда саноатда юқорида келтирилган майдалаш усулларга асосланган саноатда кўплаб майдалагичлар қўлланилади. Майдалаш усулига қараб уларни қўллаш соҳалари ҳам аниқланади


**Ёриб майдалашга асосланган майдалагичлар**

Ёриб ва эгиб синдириш орқали майдалашда оддий эзиз майдалашга нисбатан материалларни бўлаклашга кам куч сарф қилинади. Ундан ташқари майдалагич

муҳим деталларининг ишлаш шароитини енгиллаштиради, майда фраксияларни ҳосил бўлишини камайтиради, майдаланаётган материаллар донадорлик таркиби бўйича бир бирига яқин бўлади, материални майдалаш учун сарфланадиган энергиянинг солиштирма сарфи камаяди.

Ёриб ва эгиб синдириш усулига асосланган майдалагичлар айниқса йирик ва ўртача катталикдаги майдалашларда самарадор ҳисобланади.

Бу усулга асосланиб ишлайдиган майдалагичларга – жағли майдалагичлар, конусли ва тишли-филдиракли майдалагичлар мисол бўла олади.



Расм. Ёриш ва эгиб синдириш усулига асосланган майдалагичлар. а-жағли майдалагич; б-конусли майдалагич; в-тишли филдиракли

*Жағли майдалагичларда ишчи орган сифатида иккита жағ қўлланилади.*

Улардан бири қўзғалмас ва иккинчиси тебранувчи бўлади. Тебранувчи даврий равишда қўзғалмас жағга яқинлашиб ва узоқлашиб туради. Ҳаракатланувчи ва тебранувчи жағлар юзаси зирхланган (бронированный) тишли плиталар билан қопланган бўлади. Жағлар яқинлашаётганда жағ тишлари орасига тушуб қолган материал бўлаги зирхли тишларнинг материал бирор нуқтасига ёки чизик бўйича берган босими туфайли йирилиб майдаланади. Жағлар ҳаракати бир бирига нисбатан  $\frac{1}{2}$  тўлқин узунлигига жайлашади, шунинг учун жағлар орасига тушуб қолган материал бир вақтда эгилиш ва ёрилиш туфайли бўлакланади.

*Конусли майдалагичларда ишчи орган сифатида бир бирига киритилган иккита конус юзаси хизмат қиласи. Ички конус айланма ҳаракат қиласи.*

Ҳаракатланиш даврида ҳаракаиз турган ташқи конусдан гоҳ узоқлашади, гоҳ яқинлашади. Натижада майдаланаётган материал бўлаги эгилиш туфайли майдаланади. Чунки материал бўлаги ташқи конусга икки нуқтаси билан

таянади ва ички конус материал бўлагининг бир нуқтасига босади. Бундай эгилиб синиш схемаси қурилиш механикаси фанидан биз яхши биламиз.

*Тишили гилдиракли майдалагичларда* ишчи орган сифатида ғилдиракларга ўрнатилган мустаҳкам пўлатдан ишланган тишлар хизмат қилади. Икки вали майдалагичларда бўлакланаётган материал бир-бирига қарама қарши йўналишда айлананаётган вал тишлари орасига тушиб қолган материал эгтлиш туфайли бўлакланади. Бир валли майдалагичларда эса материал бўлаги панжарасимон (колосник) тўсиқ ва тишли вал орасида эгилиб бўлакланади.

Конструктив ечими бўйича бу майдалагичлар бир неча хил вариантда бўлиши мумкин. Конструктив ечими бўлакланаётган тиф жинси мустаҳкамлигига, ускуна унумдорлигига, бўлакланаётган материал кириш ва чиқиш катталигига ва бошқаларга боғлиқ. Бундай ечимлар «Қурилиш индустрисининг механик ускуналари» маҳсус курсларида мукаммал ўтилган.

*Эзии усули билан ишлайдиган майдалагичлар.*

Бундай машиналарда майдаланиш иккита ишчи орган орасида материалнинг қисилиши эзилиши туфайли содир бўлади.

Бундай ускуналарга сопол ва керамик буюмлар ишлаб чиқаришда тупроқни майдалаш учун ишлатиладиган икки ва тўрт **валикли майдалагичлар** мисол бўла олади. Текис сиртли валикли мадалагичларнинг тишли валикли мадалагичлардан фарқи шундаки бунда валикларлар юзасига тишлар ўрнатилмаган бўлади. Материалнинг майдаланиши валиклар бирхил частота билан айланса эзилиш туфайли, агар ҳархил частота билан айланса сирпаниб эзилиш туфайли содир бўлади.

Тўрт вали майдалагичлардарда юқоридаги валиклар орасида дағал майдалангандан материал пастда жойлашган валиклар осига тушиб янада майинроқ майдаланади. Ўз-ўзидан маълумки валикли майдалагичлар юмшоқ яъни мустаҳкам бўлмаган материалларни майдалашга мўлжалланган.

Керамика саноатида кенг қулланишаётган майдалагич *бегунлар* ҳам эзив майдалаш принсипи билан ишлайди.

**Зарб усулига асосланган майдалагичлар.**

Зарбга асосланган майдалагичларда материал зарба кучи таъсирида майдаланади. Бундай куч майдаловчи жисмнинг материал устига тушиши (урилиши), учиб бораётган материалнинг қузғалмас юзага урилиши, материал ва

майдаловчи жисмнинг тўқнашиши ёки учиб бораётган материал бўлакларининг ўзаро тўқнашиши туфайли содир бўлиши мумкин.

Зарб икки хил бўлиши мумкин.

Танг ҳолатдаги зарбда материал иккита зарб юзаси орасида майдаланиб бўлаклари икки ён томонга ажралиб кетади. Бу ҳолда майдаланиш самараси зарб бераётган жисм массаси ва тезлигига боғлиқ бўлади.

Зарб бераётган жисмнинг материалга зарб бериш пайтидаги кинетик энергияси қўйидаги формула билан топилади.

$$E_y = \frac{q_T w_y^2}{2g},$$

бу ерда  $k_t$  – зарб бераётган жисм массаси;

$w_y$  – зарб бериш пайтидаги жисм ҳаракатланиш тезлиги.

Бу энергиянинг маълум қисмигина материални бўлаклашга сарфланади.

Зарб эластик бўлганда энергиянинг бир қисми майдаланаётган материалга урилиб қайтиши туфайли зарб берган материалга қайтади. Зарбдан кейинги жисмдаги кинетик энергияни  $E_p$  деб белгласак унда майдаланган материалга берилган энергия қўйилагига teng бўлади.

$$\Delta E = E_y - E_p,$$

ва ўз навбатида

$$E_p = \frac{q_T \cdot w_p^2}{2g},$$

бу ерда  $w_p = \varepsilon w_y$  – зарбдан кейинги жисм тезлиги

$\varepsilon$  - тикланиш коеффициенти, тўқнашаётган жисмлар шакли ва физик механик хоссаларини ҳисобга олувчи коеффициент. Снаес бўлаги метал билан тўқнашса  $\varepsilon = 0,180$ ; базалт бўлаги пўлат билан тўқнашса  $\varepsilon = 0,290$ ; шарсимон базалт пўлат билан тўқнашса  $\varepsilon = 0,710$ .

Юқоридаги формулалар асосида

$$\Delta E = \left( \frac{q_T w_y^2}{2g} \right) \left( 1 - \varepsilon^2 \right).$$

Бўлакланаётган материални майдалаш учун  $\square E$  энергия миқдори материал структуравий боғланиш кучинидан катта бўлиши керак. Яъни

$$\square E \square \square A_p,$$

бу ерда  $A_p$  – материал структураси бузуш учун керак бўладиган иш миқдори.

Зарб билан мўрт ва қаттиқ материаллар майдаланади. Яъни пластик деформасияга эга бўлмаган материаллар майдаланади.

Эркин зарб ҳолатида материал майдаланиши бўлаклари учуб бораётган вақтда зарб берувчи жисм билан ёки ўзаро тўқнашиши туфайли содир бўлади.

Эркин зарб ҳолатида бўлакланган материал ҳар тарафга сачраб кетади. Агар танг ҳолатда берилган зарбда кўпинча материал куч таъсир этган жойидан майдаланса, эркин зарб ҳолатида материал структурасидаги нозик боғланган заиф жойларидан майдаланади.

## Амалий машғулот № 1

### Қурилиш материалларининг асосий хоссалари мавзусида масалалар ечиш.

#### Ишнинг мақсади

Ушбу амалий машғулотнинг мақсади талабаларда қурилиш материалларининг асосий хоссаларини ўргатиш ҳамда амалий машқлар ишлаш.

#### Ишнинг назарий асослари

Қурилиш материалларининг барча хоссалари асосан учта группага бўлинади: 1) Физикавий хоссалар. 2) Химиявий хоссалар. 3) Механик хоссалар.

Физикавий хоссаларга – материалларининг зичлиги, ўртача зичлиги, материалларни сувга нисбатан муносабати, материалларни иссиқликка нисбатан муносабати ҳамда матери-ални ташқи муҳит таъсирига чидамлилиги киради.

Химиявий хоссаларга – материалнинг кислоталар, ишқорлар, газлар ва ҳар хил тузлар эритмалари таъсирига чидамлилиги киради.

Механик хоссаларга -материалнинг сиқилиши, чўзилиши, урилиш, ишқаланиш кучлари-га бардош бера олиш қобилияти ва уларнинг қаттиқлиги, пластиклиги, эластиклиги, мўртлиги киради.

Материалнинг физикавий хоссалари

З и ч л и к – (солиширма масса) деб, материалнинг массасини абсолют зич (ғоваклар ва бўшлиқларсиз) ҳажмига бўлган нисбатига айтилади ва қўйидагича ифодаланилади:

$$\rho = \frac{m}{V_a} \text{ кг/м}^3; \text{ г/см}^3;$$

бунда  $\rho$  – зичлик;  $m$  – материалнинг массаси, г, кг;  $V_a$  – материалнинг абсолют зич ҳолатдаги ҳажми,  $\text{см}^3, \text{м}^3$ .

Ўртача зичлиги деб материалнинг массасини унинг табиий (ғоваклари ва бўшлиқларини ҳисобга олгандаги ) ҳажм бирлигига бўлган нисбатига айтилади.

$$\rho_{yr} = \frac{m}{V_t} \text{ кг/м}^3; \text{ г/см}^3;$$

бунда  $\rho_{yr}$  – ҳажмий масса (ўртача зичлиги)  
 $V_t$  – материални табиий ҳажми,  $\text{м}^3; \text{см}^3$

Ғ о в а к л и к – деб, материал ҳажмидаги жойлашган ғоваклар миқдорига айтилади.

$$F = \frac{\rho - \rho_{yr}}{\rho} \times 100\%$$

Материалнинг сувга нисбаттан муносабатини намлик гикроскопик сув шимувчанлик сув ўтказувчанлик хоссалари билан характерланади. Сув шимувчанлик сувни ҳолатига қараб (сув буғи ёки сувникига) бўлинади:

Гидроскопик сув шимуму – деб материалнинг ҳаводаги сув буғларини ўзига шимиши ва уни ўз ғовакларида сақлаш хоссасига айтилади.

$$B_T = \frac{m_1 - m}{m} \times 100\%$$

Материалнинг гигроскопик сув шимувчанлиги ҳавонинг намлиги ва температурасига, ғовакларининг ўлчамлари, микдори ва турлари ҳамда жисмларнинг (моддаларнинг) табиати-га боғлиқ.

Сув шимувчанлик деб, материалнинг сув шимиши ва уни ўзида сақлаш хоссасига айтила-ди.

Материалнинг оддий сув шимувчанлиги массаси бўйича ва ҳажми бўйича бўлади.

Массаси бўйича сув шимувчанлик қўйидагича аниқланади:

$$B_m = \frac{m_2 - m_1}{m_1} \times 100\%$$

Ҳажми бўйича сув шимувчанлик:

$$B_v = \frac{m_2 - m_1}{V} \times 100\%$$

Бунда  $m_2$  – намунанинг сувга тўла тўйинган массаси г, кг.

Сув ўтказувчанлик – материалнинг босим остида ўзидан сув ўтказиш қобилиятига айтилади. Сув ўтказувчанлик  $1 \text{ m}^2$  юзага эга бўлган материалнинг 1 соат давомида қайси бо-сим остида ўзидан сув ўтказиш билан характерланади.

Материалнинг юмашкоэфициенти қўпгина материаллар сув таъсирида ўз мустаҳкамлигини камайтиради.

Материалнинг сувга тўла тўйинган ҳолатдаги мустаҳкамлигини унинг қуруқ ҳолатдаги мустаҳкамлигини унинг қуруқ ҳолатдаги мустаҳкамлигига нисбати юмаш коэффициенти деб аталади.

$$K_{ном} = \frac{R_{ном}}{R_{кур}}$$

Иссиклик ўтказувчанлик. Материалнинг бир юза-си (сирти) иссиқ, иккинчи юзаси (сирти) совуқ бўлса, ундан иссиқ оқим ўта бошлайди.

Материалнинг бу хусусияти иссиқлик ўтказувчанлик коэф-фициенти орқали ифодаланади.

Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти температураналар фарқи  $1^\circ\text{C}$  га тенг бўлган ҳолда қалинлиги  $1 \text{ м}$  юзи  $1 \text{ m}^2$  га тенг бўлган намунанинг 1 соат да-

вомида юзаси сиртидан иккинчи юзаси (сирти) га ўтказилган иссиқлик миқдорига тенг

$$\lambda = \frac{Q \times a}{S \times (t_1 - t_2)} \text{ Вт/м·с}$$

Бунда: Q – иссиқлик миқдори, Вт; S – намунанинг юзи, м<sup>2</sup>;  
t<sub>1</sub> – t<sub>2</sub> – материал юзаси (сирти) даги температуралар фарқи;  
a – намунанинг қалилиги, м.

**Иссиқлик ўтказувчаник** – материални иситгандан у ютган иссиқлик миқдори унинг иссиқ ютувчаник хусусиятини кўрсатади.

$$Q = C : m \cdot (t_1 - t_2) \text{ Вт}$$

Бунда **C** – иссиқлик ютувчаник коэффиценти Вт/кг °С.

С бўлса у ҳолда C=0 бўлади. Демак иссиқлик ютувчаник ко-эффиценти 1 кг материални 1°Cга иситиш учун кетган иссиқлик миқдори билан ўлчанади.

**Олов гачидамлилик**. Қурилиш материаллари ўтга чидамлилигига қараб, ёнувчи, қийин ёнувчи ва ёнмайдиган бўлиши мумкин.

Олов ёки юқори температура таъсирида алангаланувчи ва ўт манбай йўқотиогандан сўнг ҳам ёнаверадиган материалларга ёнувчи материаллар деб аталади (ёғоч қамиш, жун смала битум ва бошқалар).

Олов таъсирида қийин аланга оловчи тутайдиган ёки ёнмай кўмирга айланувчи, олов манбай юқотилганда алангаланмай сўниб қоладиган материаллар қийин ёнувчи материаллар деб аталади. Масалан органик – минерал материаллардан фибролит, ксиолит шулар жумла-сидандир.

Ёнмайдиган материаллар олов таъсирида алангаланмайди, тутамайди, кўмир ҳолатига ҳам ўтмайди (масалан ғишт черепица, бетон ва бошқалар).

Ёнмайдиган материаллар ўз навбатида яна иссиқликка чидамли материалларга бўлинади.

Иссиқка чидамлилик материалларнинг қизил чўғ ҳолатига келтирувчи температурада узоқ вақт сақланганда ўз мустаҳкамлигини йўқотмаслиги ёки оз миқдорда ўзгариши унинг иссиқка чидамлилиги деб аталади.

Олов таъсирида қийин аланга оловчи, тутайдиган ёки ёнмай кўмирга айланувчи, олов манбай юқотилганда алангаланмай сўниб қоладиган материаллар қийин ёнувчи материаллар деб аталади. Масалан, органик минерал материаллардан фибролит, ксило-лит шулар жумласидандир.

Агар материал 1580 °C дан юқори, температура таъсирида узоқ вақт қолгандаэримаса ва деформацияланмаса бундай материални ўт таъсир этмайдиган материаллар деб аталади.

**Совуккачидамлилик**. Материални сувга тўла туйинган ҳолатда бир неча марта музлатиб (10 –17 °C да )ва қайтадан эриганда (15 –20 °C да)

мустаҳкамлиги 25%, оғирлиги 5% дан ортиқ камайса, шунингдек намунаданбузилиш нуқсонлари пайдо бўлмаса, бу мате-риал совукка чидамли деб ҳисобланади. Мрз=15; Мрз=25; Мрз=35; Мрз=50; Мрз=100;

Мрз=150; 200; 300;

**Об – ҳаво таъсирига чидамлилик.** Материал бир неча бор (25 ва ундан кўп марта) намланиб қуритилганда унинг шакли ва мустаҳкамлиги ўзгармаса, бундай материал об – ҳаво таъсирига чидамли деб юритилади (прибор безерометр).

**Химиявий чидамлилик** – материалларнинг кислоталар, ишқорлар ва газлар таъсирига қаршилик қўрсатиш химиявий чидамлилик деб аталади. Турли химиявий реактив-лар таъсирида материалнинг бузилиши унинг коррозияланиши деб аталади.

Материалнинг химиявий чидамлилигини аниқлаш учун уни кукун ҳолатида ёки наму-11налар тайёрлаб агресив муҳит таъсирига қуйилади ва маълум вақтдан сўнгэталонга нисба-тан таркибий оғирлиги мустаҳкамлиги ва шаклнинг ўзгаришига ўараф чидамлилик даражаси аниқланади.

### **Материалларнинг механик хоссалари.**

Материалларнинг механик хосси унинг барча ташқи кучлар таъсирига қаршилик қўрсатиш қобилияти, мустаҳкамлик чегараси билан характерланади.

**Мустаҳкамлик чегараси деб**, материалнинг максимал куч таъсиридан бузилганвақтидаги унда ҳосил бўлган ички кучланишга ( $R$ ) га айтилади.

### **Материалнинг сикилиш даги – мустаҳкамлиги**

$$R_{ck} = \frac{P_b}{S}, \text{ МПа; Па}$$

Бунда:  $P_b$  -намунанинг юзасига таъсир этаётган бузувчи куч

$S$  -намунанинг кўндаланг кесими  $\text{m}^2$

### **Чўзилиш даги мустаҳкамлиги**

$$R_{qy3} = \frac{P_b}{S}, \text{ МПа; Па}$$

### **Эгилиш дагимустаҳкамлиги**

$$R_{3T} = \frac{3P_b \times l}{2bh^2}, \text{ МПа; Па}$$

бунда:  $b$  -намунанинг эни;  $h$  -намунани баландлиги (қалинлиги);  $l$  - таянчлар орасидаги ма-софа/

**Қаттиқлик.** Материалларга ўзидан қаттиқроқ жисм ботирилганда қаршилик қўрсатувчанлик хусусиятига айтилади. Материалларнинг қаттиқлик даражаси Мооснинг таққословчи қаттиқлик шкаласи орқали аниқланади. (Тальк

–1, Гипс –2 ); Эрувчан шпат –4, Апатит –5, Ортоклаз ёкидаша шпати –6, Кварц –7, Топаз –8, корунд –9, алмаз –10.

Ишқаланиш гаражи. Материалга ишқаланиш натижасида йўқотилган масса-сини ишқаланиш юзасига нисбати ишқаланиш деб аталади.

$$U = \frac{m - m_1}{S}, \text{ кг/м}^2; \text{ г/см}^2$$

Бунда  $m$ ,  $m_1$  –намунанинг ишқаланишидан олдинги ва кейинги массаси;  $S$  –ишқаланиш юзаси

Пластиклар – материал куч таъсирида ўз шаклини ўзгартираса ва куч олинганда ўзининг аввалги шаклига жуда оз миқдорда қайтса бундай хусусиятга пластиклик деб атала-ди (қўрғошин пўлатнинг айрим турлари).

### Топшириклар

1. Қурилиш материалларининг физик хоссалари ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
2. Қурилиш материалларининг химиявий хоссалари ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
3. Қурилиш материалларининг механик хоссалари ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
4. Қурилиш материалларининг хоссаларига оид масалаларни ечинг.

### Назорат саволлари

1. Қурилиш материалларининг физик хоссалари ҳақида нималарни биласиз.
2. Қурилиш материалларининг химиявий хоссалари ҳақида нималарни биласиз.
3. Қурилиш материалларининг механик хоссалари ҳақида нималарни биласиз.

## **Амалий машғулот № 2**

### **Энергия самарадор керамик материаллар мавзусида масалалар ечиш Ишнинг мақсади**

Ушбу амалий машғулотнинг мақсади талабаларда самарадор керамик материалларининг асосий хоссаларини ўргатиш ҳамда амалий машқлар ишлаш.

#### **Ишнинг назарий асослари**

**Хом ашё таркибига кўра сопол хоссаларининг ўзгариши.** Пиширилган ашёлар ва бу-юмлар тайёрлашда лойдан ташқари диатомит, трепел, опока қум каби жинслар ҳам кўп иш-латилади. Лойдан сопол буюмлар тайёрлаш учун тупроқнинг яроқли эканлиги, унинг кимё-вий таркибига ва майда-йириклигига, пластиклик ва иссиққа чидамлилигига қараб аниқланади. Лой таркибидаги  $\text{SiO}_2$  –40–50%,  $\text{Al}_2\text{O}_3$  -40-50 %,  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  -9-15 %,  $\text{MgO}$  -0,9-4,0 %,  $\text{CaO}$  -0,5–2,5 %,  $\text{Na}_2\text{O}$  ва  $\text{K}_2\text{O}$  каби оксидлар микдорининг ўзгариши билан унинг физик-механик хусусияти, тузилиши ва ранги ҳам ўзгаради. Масалан, лой таркибида кремний ( $\text{SiO}_2$ ) микдори ортиб кетса, унинг пластиклиги камаяди; гилтупроқ ( $\text{Al}_2\text{O}_3$ ) сопол буюмларнинг рангини оқартиради ва иссиққа чидамлилигини оширади. Сопол буюмларнинг иссиққа чи-дамсизлигига ва унинг эриш ҳароратининг пасайишига сабаб ундаги темир оксида ( $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ) микдорининг кўпайишидир. Бундан ташқари, сопол буюмларда  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  микдори ўзгарса, уларнинг ранги оч бинафшадан тўқ қизилга айланиши мумкин. Лой таркибидаги магний ва кальций оксидлари ( $\text{MgO}$ ,  $\text{CaO}$ ) тез эрувчан модда бўлганлиги сабабли, улар сопол буюмлар-нинг ғоваклигини оширади, натижада уларнинг оғирлиги билан иссиқлик ўтказувчанлик ко-эффициенти камаяди. Лой таркибидаги натрий ва калий оксидлар эса ( $\text{Ka}_2\text{O}$ ,  $\text{K}_2\text{O}$ ) буюмлар-нинг зичлигини оширади ва куйдириш ҳароратини камайтиради. Маълумки, хом ашёбоп соз туттрок таркибида кварц, слюда, дала шпати каби тоғ жинсларидан ташқари, у заарли ара-лашмалар ҳам бўлиши мумкин. Бундай аралашмаларга, асосан, таркибида  $\text{CaCO}_3$  кўп бўлган бўр, доломит каби жинслар киради. Лой таркибидаги  $\text{CaO}$  буюм куйдирилгандан кейин ҳам унда эркин ҳолатда қолади ва буюмга сув таъсир этганда у тез суръатда сўнади. Кейин ҳосил бўлган  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  кристалланиб буюмнинг ҳажми кенгаяди, натижада буюмда майда дарзлар ҳосил бўлади.

**Лойнинг муҳим хусусиятларидан яна бири унинг пластиклигидир.** Бу қўрсаткич лой таркибига, шунингдек, ундаги заррачаларнинг донадорлигига боғлиқ. Қум, шамот, тўйинган тошқол, тошқўмир ёки торф кули лойнинг пластиклигини камайтиради Бундай қўшилмалар лой қоришимасининг қуриши

вақтида киришишини камайтиради. Масалан, лой пластик бўлганда, у қуригандан кейин 12 %га киришса, юқоридаги қўшилмалар билан тайёрланганда эса унинг киришиши 2–6 %га камаяди.

Қурилишда ишлатиладиган сопол ашёларни тайёрлаш учун асосан хом ашё сифатида энг қўп тарқалган тупроклар қўлланилади. Сополбоп (кулолчилик) тупроқ таркибида каоли-нит, гидрослюда ва озгина кварц, дала шпати, темир оксиди, карбонатлар бўлган майда зар-рачали чўкинди тоғ жинсидир. Тупроқ заррачаларининг диаметри 0,005 мм. дан кам бўлганда лой пластик (майнин) бўлади. Ундан тайёрланган буюм қуриганда ўз шаклини ўзгартирмайди, пиширгандан кейин мустаҳкам ва чидамли бўлади. Шунингдек, тупроқда 0,005–0,16 мм. ли чанг заррачалари ва 0,16–2 мм. ли қум доналари ҳам аралашган бўлади.

**Лой таркиби ва ундаги заррачалар майда-йириклигига қараб юқори пластик, қониқарли пластик, кам пластик ва пластик бўлмаган гурухларга бўлинади.** Юқори пластик лой таркибида 80–90 %гача тупроқ заррачалари бўлади. Бундай лойнинг пластиклики 25 %дан катта, сув шимувчанлиги 28 %дан кўп ва ҳавои киришиши 10–15 %дан ортмайди.

Қониқарли пластик лойда тупроқ заррачалари 30–60 %гача бўлади. Пластиклиги 15–25%, сув шимувчанлиги 20–28%, ҳавои киришиши эса 7–10% га teng. Кам пластик лойлар таркибини 5–30 %гача тупроқ заррачалари ташкил этади. Сув шимувчанлиги 20 %гача, пластиклиги 7–15 % ва ҳавои киришиши 5–7 %га teng. Пластик бўлмаган лойни қайта ишлаб бўлмайди, у қолипга тушмайди.

Фиштбоп тупроқ таркибида каолинит, гидрослюда, монтмо-рйлонит, озгина кварц, кар-бонат ва темир оксидлари бўлган, ҳар хил йириклидаги минерал заррачалар аралашган чўкинди тоғ жинсидир. Оддий ва эритиб олинган (клинкер) ғишт, деворбоп блоклар, томбоп черепица, пардозбоп тахтачалар, енгил сопол тўлдиргичлар (керамзит, аглопорит) қурилишда кенг ишлатилади. Шунингдек, тўғон ва йўл қурилиши иншоотларини сув таъсирдан сақлаш, ғишт тэришда ва сувоқбоп қоришималар, хом ғишт, сомонли деворбоп блоклар, пахса ва бошқа мақсадларда ҳам ғиштбоп тупроқни ишлатиш мумкин. Бентонит тупроғи монтмориллонит гуруҳига киравчи (кварц, гипс, биотит, гидрослюда ва темир оксиди ара-лашмалари) тупроқ минералларидан ташкил топган вулқон кули, туф ва лаваларнинг кимё-вий бузилиши жараёнида ҳосил бўлган чўкинди тоғ жинсидир. Бентонит тупроғи қурилишда сув таъсирдан сақловчи сифатида буюмлар чокларини тўлкизишда, ер ости иншоотлари, аэрородром ва зовур чеккаларини маҳкамлашда, керамзит ва аглопорит олишда, чинни, фаянс сопол қоришималарнинг пластиклигини яхшилашда ишлатилади.

**Үтга чидамли лой асосан каолиндан, озгина кварц, дала шпати, гидрослюда, карбонат ва бошқа аралашмалардан ташкил топган майда заррачали, сочилювчан чўкинди тоғ жинсиdir.**

Асосан конструкцион (шамотли) ва термоизоляция (енгил) ашёлари, шунингдек, юқори ҳарорат таъсирида бўладиган деворбоп ғиштларни тэришда, сувоқ қоришиналари сифатида ҳамда чинни, фаянс, сопол ва бошқа оловга чидамли ўчоклар куришда кенг ишлатилади.

Умуман, сопол буюмлар сифатини яхшилаш мақсадида хом ашё қоришинасига кварц қуми, шамот, тошқол, куйдирганда ёниб кетадиган органик қўшилмалар (қиринди, кўмир чанги ва х.к.) қўшилади.

Чинни ва фаянс (хом ашё –чанг аралашган тупроқ) қоришинасини тайёрлашда таркибида асосан каолинит минерали бўлган тоғ жинси–каолин ишлатилади. Барча нозик сопол ашёла-ри таркибини асосан дала шпати (микролин ва бошқ.) билан кварц ташкилэтади. Кўшимча хом ашёлардан кварц қуми, шамот, тошқол кабилар лойнинг пластиклигини пасайтиради. Киришишини пасайтириш ва қолиплашга қулай лой олиш учун юқори пластик тупроқ қўшилади. Сопол буюмлардан ҳар хил қоплама тахтачалар ва кислотага чидамли ашёлар олиш учун суюқ шиша ёки ишқор қумга қориширилиб асосий қоришина қўшилади. Сопол буюмларни жозибали қилиш учун уларнинг юзасига глазур бўёқ суртилади. Сопол буюмга қалинлиги 0,15–0,3 мм қилиб суртилган глазур эриш ҳароратигача ( $1100\text{--}1300^{\circ}\text{C}$ ) қиздирилади. Агар глазур осон эрувчан бўлса, у ҳолда  $900\text{--}1100^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилади. Эриган глазур сопол буюм юзасида 0,13–0,28 мм. ли шишасимон сирга айланади. Қийин эрувчан глазур кварц, каолин, тупроқ, дала шпати, табиий карбонатли темирдан ташкил топган. Осон эрувчан глазур таркибидаги кварц, дала шпати, доломит қуйқасини тайёрлаётганда унга та-накор (бура), стронций карбонати, магнезитлар қўшилади. Глазурлар ялтироқ ва жилосиз бўлади. Ялтироқ глазурни ранг берувчи оксидлар қўшиб қиздирилади. Жилосизларига эса пигментлар қўшилади. Шунингдек, глазурлар рангли ва рангсиз бўлади. Ранглигига 2–15 % темир оксидлари –кобальт (ҳаво ранг), хром (кўк), марганец (жигарранг) кабилар қўшилади.

Рангсиз глазурларга қалай, сурма, рух қўшилади. Глазурлар темир сиртига суртиб эритилса, эмал деб аталади. Сопол буюмлар янада жозибали, чиройли бўлиши учун уларнинг сиртига ангобли оқ ёки ҳар хил рангли тупроқ қуйқаси 0,25–0,44 мм. гача қалинликда суртилади.

Оқрангли ангоб қиздирилган оқтупроқдан, рангли ангоб эса тупроққа яхшилаб туйилган ми-нерал бўёқ ёки синтетик пигментлар қўшиб тайёрланади.

Сопол буюмлар ўзининг шакли, турлари, физик-механик хоссаларининг турли-туманлиги билан бошқа ашёлардан фарқ қиласи. Аммо уларни ишлаб

чиқариш технологияси бир-бирига ўхшаш. Оддий қурилиш ғиши. Сопол буюмларни ишлаб чиқарувчи заводлар одатда, хом ашё захиралари кўп бўлган жойларга қурилади. Тупроқ экскаваторлар ёрдамида қазилиб, темир йўл транспортлари, автомашиналар ёки тасмали транспортёрлар билан заводга келтирилади.


Лойни тайёрлаш. Қазилма кондан келтирилган тупроқ бегун ва валец деб аталувчи мах-сус машиналарда майдаланиб, бир вақтнинг ўзида унинг тагидаги ғалвирдан ўтказилади, ғалвирдан ўтмаган йирик тошлар ажратиб олинади. Унча қаттиқ бўлмаган тошлар эса майда-ланиб, лой билан аралаштирилади. Горизонтал ўққа ўрнатилган парракли ускунада тупроқ намланади. Агар лой яхши пишитшаган бўлса, увдан ишланган сопол буюм техник шарт-ларга жавоб бермайди. Айниқса, юпқа сопол буюмлар тайёрлашда лой қоришмаси ниҳоятда пухта ишланиши керак.

Қолиплаш. Сопол буюмларни қолиплаш усули унинг шаклига; лойнинг хилига, намлиги-га ва қаттиқлигига боғлиқ. Сопол буюмларни ишлаб чиқариш технологияси уч усулга бўлинади:

- 1) пластик усул (қолиплаш);
- 2) зичлаш усули;
- 3) қуйма (шликер) усул.

Пластик усул. Тасмали зичлагич (шнеклар) ёрдамида лой қоришмасини пластик ҳолатда қолиплаш амалда жуда кенг тарқалган (1-расм). Қоришма тайёрлаш учун келтирилган тупроқ лой қорувчи машинада 18–28 %гача намланади ва бир жинсли пластик қоришма ҳосил бўлгунга қадар аралаштирилади. Тайёр лой қоришмаси буюм шаклини берувчимундштук ўрнатилган тасмали зичлаш ускунасига тушади.

Ғишт учун техник шартлар. Оддий лой ғишт параллелепипед шаклида, ўлчамлари 250x120x65 ёки 250x120x88 мм бўлиши керак. Амалда аниқ ўлчамли ғишт олиш мумкин эмас. Шу сабабли, Давлат стандартларига мувофиқ ғиштнинг ўлчамлари қуидагича ўзгариш билан ишланади. Пластик усулдаги ғишт учун узунлиги бўйича +3, -2 мм; ним қуруқ усул-даги ғиштларда эса: узунлиги бўйича ±3 мм, эни ±3 мм, қалинлиги ±2 мм.



1-расм. Пластик усулда ғишт ишлаб чиқариш схемаси:  
1 – хом ашё; 2 – транспортёр; 3 – кирра тишли тупрок, майдалагич; 4 – қүшилмалар; 5 – бегун; 6 – валец; 7 – бурама узун зичлагич ва кескич.

Ғиштнинг маркаси унинг мустаҳкамлигига қараб аникланади. Терилган ғиштнинг мустаҳкамлиги, асосан, қоришманинг мустаҳкамлигига эмас, балки ғиштнинг маркасига боғлиқ эканлиги аникланди. Ғиштнинг маркаси 5 та ғиштни сиқилишга ва эгилишга синаб (ўртача кўрсаткич) топилади. Давлат стандартларига мувофиқ оддий ғишт қўйидаги марка-ларга бўлинади: 30; 25; 20; 15; 12,5; 10 ва 7,5. Лойнинг яхши пишитилмаслиги, қолипловчи зичлагич машиналарининг қониқарсиз ишлаши ёки ғиштни нотўғри қуритиш ва пишириш натижасида ғиштда қўпгина дарзлар ҳосил бўлади. Ўта пишган ғишт хумдондаги ҳароратнинг бир текисда бўлмаслигидан ҳосил бўлади. Бундай ғишт ҳажмий оғирлиги, мустаҳкамлиги, зичлиги ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг катталиги билан фарқ қиласи.

Одатда, нам усулда қолипланган ғиштнинг ҳажмий массаси 1700–1900 кг/м дан ошмайди.

Ғишт учун сув шимувчанлик кўрсаткичи 8–30 % орасида ўзгаради. Сувга тўла тўйинган од-дий лой ғиштини 15 марта музлатиб эритилгандан сўнг, унда бузилиш нуқсонлари бўлмаса, совуққа чидамлилиги бўйича маркаси 15 (қониқарли) деб топилади.

**Сопол ашёлари ва буюмларининг хоссалари**

Сопол ашёларнинг ички тузилиши чуқур ўрганилса, унинг ҳақиқатан хам композит ашё эканлигини кўрамиз. Маълумки, сопол ашёларни пишириш жараёнида осон эрувчан мине-раллар эриб, қийин эрийдиганлари ўзаро боғланиб, ёриқ, ғовакларни тўлғазади ва буюм

ҳажми бўйлаб узлуксиз қотган эритма, яъни композитга хос матрица ҳосил бўлади. Совиган-да кристалл ҳолатга айланадиган микротузилишга эга бўлган матрица шишасимон кўринишда бўлиб, сопол мустаҳкамлигини таъминлайди. Сопол ашёларнинг назарий зичлиги 2500–2700 кг/мбўлгандан, ишлатиладиган ҳолатидаги зичлиги 2000–2300 кг/. га тенгdir.

Сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 0,05 дан 1000 МТта гача ўзгаради. Сопол ашёларнинг ғоваклигига кўра сув шимувчанлиги 0 дан 70 %гача бўлиши


мумкин. Музлашга чидамлили-гига кўра сопол ашёлар 15; 25; 35; 50; 75 ва 100 маркаларга бўлинади.

Деворбоп сопол ашёларга –оддий сопол ғишт, самарали сопол ашёлар (бўшлиқли ғишт, ғовак-бўшлиқли, енгил бўшлиқли тош, блок ва плиталар), шунингдек, ғишт ва сопол тош-лардан ишланган катта ўлчамли блоклар ва панеллар киради. Деворбоп сопол буюмлар иш-лаб чиқариш ҳажми 50 %дан кўп микдорни ташкил этади. Шулардан энг кенг тарқалган де-ворбоп буюмларнинг турлари 2-расмда кўрсатилган.

**Қурилиш ғишти.** Қурилишда энг кўп ишлатиладиган оддий ва қўп тешикли деворбоп ғиштлар осон эрувчан тупроққа қўшилмалар қўшиб ёки қўшилмасиз лойдан тайёрланади.

Бундай ғиштлар асосан биноларнинг ташқи, ички деворларини, ғиштли блоклар ва панеллар қуришда ишлатилади.


Оддий лой ғишт  $250 \times 120 \times 65$  мм ва  $250 \times 120 \times 88$  мм.ли ўлчамларда ишлаб чиқарилади. Де-вор қураётганда ғиштлараро чок ўлчами 12 мм. дан ортмаслиги лозим. Заводларнинг иш унумини режалаштирилганда ғишт ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда хисобланади, ҳажми  $1 \text{ m}^3$ . га тенг девор қуриш учун 400 та ғишт ишлатилади. Гиштнинг оғирлиги 4 кг. дан ош-маслиги лозим. Оддий ғиштнинг хоссалари қуйидагича: ўртача зичлиги  $1600\text{--}1800 \text{ кг/m}^3$ ; сув шимувчанлиги камида 6 %; иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $0,7\text{--}0,85 \text{ Вт/ (м}^2\text{°C)}$ ; сиқилишга мустаҳкамлиги 7,5–30 МПа; эгилишга эса 1,8– 4,5 МПа; айrim ҳолларда мустаҳкамлиги 20–50 % гача кичик бўлади.




2-расм. Деворбоп сопол ашёларнинг асосий турлари:  
а, б – оддий ва самарали гиштлар; в – фасадбоп калибрланган гишт; г – бўшлиқли сопол  
гишт ва тош; д – икки катламли ташки деворбоп панел.

Сиқилишдаги мустаҳкамлигига қараб гиштлар 7 маркада ишлаб чиқарилади: 75, 100, 125, 150, 200, 250 ва 300. Музлашга чидамлилиги 15, 25, 35 ва 50. Ним қуруқ усул билан тайёр-ланган гиштларни пойдевор ёки нам, сув таъсирида бўладиган бино қисмларини қуришда ишлатиш тавсия этилмайди.

**Кўп тешикли гишт.** Бундай гиштлар учун хом ашё сифатида тупроқ ёки трепел тоғ жинсли тупроқ ишлатилади. Кўп тешикли гиштлар ҳар хил шаклда бўлади. Кўпинча тўғри бурчакли параллелепипед шаклидаги, қалинлиги бўйлаб кўп тешикли (31 тадан 105 тагача) деворбоп гиштлар ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқаришда кўп тешикли гиштлар нам ва ним қуруқ усулда қолипланади. Томонларининг ўлчами оддий гиштга нисбатан катта бўлади. 3-расмда томонларининг ўлчами 250x120x65, 250x120x88 ва 250x120x103 мм. га teng бўлган нам усулда қолипланган кўп тешикли гаштлар тасвирланган. Уларнинг зичлиги 1300 кг/м<sup>3</sup>, сув шимувчанлиги эса масса бўйича 18% дан ошмайди.



3-расм. Инерик кавакли тошлар ва улардан девор териш:  
а – Г-симон; б – каваклари түрліча бұлған деворбөл тош; в – каваклари тик йұналған тош билан девор териш; г – горизонтал кавакли тош билан териш; д – шамоллатыш ва газ узатынша мұлжалланған тош.



4-расм. Күп тишиккеси ғиштлар.

**Енгил вазнили қурилиш ғишти.** Бундай ғиштларни ёнувчан қүшилмалар аралаштириб қолипланади. Ёнувчан қүшилмалар сифатида ёғоч қириндиси, туйилған тошқұмир майдаси ва туйилған тош ишлатилади. Юқори ҳароратда лойдаги ёнувчан қүшилмалар (майдаланған ғүзапоя) ёниб, ўрнида ғоваклар ҳосил бўлади ва ғишт вазни енгиллашади. Ҳажм оғирлиги бўйича енгил вазнили ғишт уч синфга бўлинади, яъни А синф – 700 дан 1000 кг/м<sup>3</sup>. гача, Б–1000 дан 1300 кг/м<sup>3</sup>гача, В–1300 дан 1450 кг/м<sup>3</sup>гача. Сиқилишдаги мустаҳкамлиги бўйича А синфи – 75, 50, 35, Б синфи - 75, 50 ва В синфдаги ғиштлар эса 100, 75, 50 маркаларга бўлинади

## **Топшириқлар**

- 1.Керамик маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган лой ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
2. Деворбоп сопол ашёлар ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
- 3.Курилиш ғишти ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
- 4.Сопол буюмларни ишлаб чиқариш технологияси маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.

## **Назорат саволлари**

1. Тузилиши ва ишлатилишига караб керамик ашеларни синфланиши (зич,.govak, де-ворбоп, томбоп, пардозбоп ва бошкалар)
2. Деворбоп керамик буюмлар. Керамик гишт (хом аше, кушимча, ишлаб чиқариш технологияси, гишт маркалари.

## **Амалий машғулот № 3**

### **Бетон учун оғир, енгил ва ўта енгил тўлдиргичлар мавзусида масалалар ечиш.**

#### **Ишнинг мақсади**

Ушбу амалий машғулотнинг мақсади талабаларда бетонлар синфланиши, бетон учун хомашёлар ҳақида тушунча бериш ҳамда амалий машқлар ишлаш.

#### **Ишнинг назарий асослари**

Бетонлар қурилишда ишлатиладиган асосий ашёдир. Саноат, тураг жой бинолари, қишлоқ хўжалиги иншоотларининг конструкциялари бетондан тайёрланади. Шунингдек, бетонлар тўғон, шлюз, каналлар қуришда, қирғоқларни мустаҳкамлашда, автомобил, темир йўл ва кўприк йўлларини қуришда ишлатилади. Кимё саноати аппаратларининг ички ва сиртқи юзаларини қоплаш учун бетоннинг маҳсус турларидан фойдаланилади.

Боғловчи модда, майда ва йирик тўлдиргичларни сув билан қориштириб олинган қоришманинг аста-секин қотиши натижасида ҳосил бўлган сунъий тош бетон деб аталади.

Зичлигига кўра бетонлар куйидагича таснифланади.

Жуда оғир бетонларнинг зичлиги 2500 кг/м<sup>3</sup> дан юқори, бунда тўлдиргич сифатида пўлат қипиғи (пўлат-бетон), барийли бетон, магнезит, чўян чиқиндиси ва бошқалар ишлати-лади.

Оғир (оддий) бетоннинг зичлиги 1800–2500 кг/м<sup>3</sup>

. Тўлдиргич сифатида қум, шағал ёки чақиқ тош ва бошқалар ишлатилади.

Енгил бетоннинг зичлиги 500–1800 кг/м<sup>3</sup>, тўлдиргич сифатида тошқол, керамзит, аглопорит, перлит, пемза, туф ва бошқа енгил табиий ва сунъий тошлар ишлатилади.

Жуда енгил бетон. Зичлиги 500 кг/м<sup>3</sup>дан кам бўлган конструктив ва иссиқликни кам ўтказадиган қўпикбетон, газбетон ёки йирик ғовакли бетонлар шулар жумласидандир.

Кўриниб турибдики, бетонларнинг зичлиги 300 кг/м<sup>3</sup> дан 3600 кг/м<sup>3</sup> гача ўзгарап экан. Бу эса, бетон буюмларини ёки конструкцияларни керакли зичлиқда тайёрлашга имкон беради.

Бетонбоп ашёлар

Бетон тайёрлаш учун ишлатиладиган ашёлар давлат стандартларида кўрсатилган та-лаблар асосида тўла синалган бўлиши керак. Конструкция ва иншоотнинг тузилишига, ишлаб чиқариш ишларидаги шароитга қараб цемент

хили танланади. Бетоннинг сиқилишидаги мустаҳкамлик чегарасига кўра цемент маркасини танланади

**Тўлдиргичлар.** Қум майда тўлдиргичdir. Бетон тайёрлашда Ўрта Осиёда асосан дарё, тоғ ёки бархан қумлари ишлатилади. Бетон учун ишлатиладиган қумнинг таркиби тоза

бўлиши керак. Қум таркибida кўп учрайдиган заарли аралашмалар (гипс, слюда, пирит, чанг валой заррачалари, органик моддалар) бетоннинг сифатини пасайтиради.

Қумдаги слюда микдори 0,5 % дан, сульфатли бирикмалардан – пирит ( $\text{FeS}_2$ ) билан гипс қумда 1 % дан ортмаслиги лозим. Улар цемент тошини емиради, яъни бетон чидамли-лиги камаяди.

Гил заррачалари билан чанглар қум донасининг сиртини қоплаб цемент тоши билан ўзаро бирикишига тўскинлик қиласи ва бетоннинг мустаҳкамлигини камайтиради. Табиий қумлардаги гил ва чанглар 3 %дан, майдалаб туйилган қумларда эса 5 % ортмаслиги лозим.

Қумдаги органик аралашмалар жуда заарлиdir. Чунки улар, айниқса, органик ки-слоталар бетон мустаҳкамлигини камайтиради (1-расм) ва ҳатто цемент тошини аста-секин бузади.

Қумнинг майда-йириклиги сифатли бетон олишда катта аҳамиятга эга. Ҳар хил йирик-ликдаги қумлар (0,15 мм. дан 5 мм. гача) ўзаро ғовак ва бўшликларни тўлғизиш ҳисобига зичлиги катга бўлади. Бу ҳолда бетон учун сарфланадиган цемент тежалади. Агар қумда бўшлиқ кўп бўлса, бетон учун цемент харажати ортади, зичлиги эса камаяди. Қумнинг май-да-йириклиги стандарт ғалвирда аниқланади. Ғалвир катталикларининг ўлчами одатда, 5; 2,5; 1,25; 0,63; 0,31 ва 0,14 мм бўлади.




1-расм. Күмдеги органик аралашмаларнинг бетон мустаҳкамлигига таъсири: 1—тоза күм; 2—органик аралашмали күм.

ёпишишига имкон беради. Шу сабабли, маркаси 400 дан катта бўлган, юқори мустаҳкам, зич бетон тайёрлашда, асосан, чакиқ тош ишлатилади. Маркаси 150–300 ва ундан кичик маркали бетонлар учун чакиқ тош йирнига шағал ишлатса ҳам бўлади.



2-расм. Кумнинг майдо-йириклигини ифодаловчи график.



3-расм. Шагалнинг майдо-йириклигини ифодаловчи график.

Сув. Бетон қоришимини тайёрлашда сув ишлатилади. Сувнинг водород кўрсаткичи ( $\text{pH}$ ) 4 дан кичик бўлмаслиги, сувдаги сульфат ионлар ( $\text{SO}_4^{2-}$ ) миқдори 2700 мг/л. дан ортмас-лиги ҳамда заарли аралашмалар (ёғлар, шакар, кислоталар ва ҳ.к.) бўлмаслиги керак. Тар-кибида 2 %гача тузлар бўлган денгиз сувини йирик арматурасиз бетон иншоатларини қуришда ишлатиш мумкин.

Махсус қушилмалар. Бетон буюмларини тез қотириш учун (айниқса, совук муҳитда) қоришимага махсус қўшилмалар қўшилади. Кальций хлорид ( $\text{CaCl}_2$ ) ёки хлорид кислотаси ( $\text{HCl}$ ) шулар жумласидандир. Қотиши жараёнини теззатувчи қўшилмалар бетон қоришимининг пластиклигини оширади, кальций хлорид миқдори арматурали бетон учун 2 % (цементнинг ошрлигига нисбатан), арматурасиз бўлса 3 %дан ортмаслиги керак. Хлорид кислотаси эса бетонда 2 %дан ортмаслиги зарур.

**Бетон қоришина** деб, таркибидаги ашёлар миқдорининг қаерда ишлатилишига қараб, самарали усулда хисоблаб ва қоришириболинган бўтқасимон аралашмага айтилади. Бетон қоришина, асосан, икки талабга жавоб бериши керак: биринчиси –у осон ва қулай жойланув-чан бўлиши ва иккинчиси

йирик тўлдиргичларга шағал, чакиқ тош, тошқол ва шунга ўхшаш ашёлар киради. Келиб чикишига кўра йирик тўлдиргичлар – тог, дарё ва денгиз шағали хилларига бўлинади. Денгиз ва дарё шағали сувда кўп ишқалангани сабабли юмалоқ, сирти текис бўлади. Пластишка, япалоқ ва игнасимон чўзинчоқ шаклдаги шағал бетон мустаҳкамлигини камайтиради. Шунинг учун бундай яроқсиз шағал доналари бетон таркибида 15 % (япалоқ) ва 35 % (чўзинчоқ) дан ортмаслиги керак.

Тоғ жинсларини чакиши йўли билан бетон сифатини оширувчи йирик тўлдиргич – чакиқ тош олинади. У киррали, умуман куб шаклига ўхшаш доналардан ташкил топган. Бу эса цемент хамирининг чакиқ тош билан мустаҳкам

хамирининг чакиқ тош билан мустаҳкам

– қориshmани узоқ масофага ташиганда уни тайёрлаган вақтда-гидек бир жинслилиги йўқолмаслиги лозим.

Бетон иншоотларининг юқори сифатли бўлишида қориshmанинг қулай жойланувчанлик кўрсаткичи катта аҳамиятга эга. Бетон қориша қайси мақсадда ишлатилишига кўра унинг қулай жойланувчанлик ва ёйилувчанлик кўрсаткичи олдиндан белгилаб олинади. Қулай жойланувчанлик кўрсаткичи техник вискозиметр асбобида аниқланади. Бетон қориshmасининг хоссаларини аниклаш усуллари «Қурилиш материалларидан лаборатория ишлари» китобида тўла ёритилган.

Бетон қориshmасининг хоссасини ифодаловчи яна бир кўрсаткич унинг ёйилувчанлиги-дир. Ёйилувчанлик баландлиги 30 см, қуий диаметри 20 см, усткиси эса 10 см. га teng қилиб пўлат тахтасидан ясалган (тубсиз) кесик конус асбоб ёрдамида аниқланади. Қориshmанинг конус баландлигига нисбатан ёйилишдаги чўкишига қараб, бетоннинг ёйилувчанлик ёки ко-нусншг чўкиш кўрсаткичи аниқланади. Конуснинг чўкиш миқдорига кўра бетон қориshmалар ўта қуюқ, пластик ва қуйма бўлади. Ута қуюқ бетон қориша конусининг чўкиши 0–1 см. га teng. Бундай қориshmани қолипларга жойлашда уни шиббалаш, титратиб шиббалаш ёки зичлаш керак. Пластик бетон қориша конусининг чўкиши 3–10 см. га teng. Бундай қориshmалар қолипга титратувчи ас-боб (вибратор) воситасида жойланади. Қуйма бетон қориша конусининг чўкиши 15–18 см. дан катта бўлиб, қориshmанинг тўла жойланиши учун уни озгина титратишкифоя.

Бетон қориshmасидаги йирик тўлдиргичлар бўшлиқларини цемент қум қориshmаси тўлғизади. Шағал доналари орасидаги бўшлиқлар ҳажми қориша ҳажмига teng бўлиши ке-рак. Шунда ўта зич бетон олиш мумкин. Шағал доналариаро бўшлиқлар ҳажмига teng қориша ҳажмини сурилиш коэффициентига (ўта қуюқ бетон қориshmалари учун 0,85–0,95, пластик қориshmалар учун 0,5–0,8) кўпайтириб қориshmанинг ҳақиқий ҳажми топилади (1-расм). Бетон қориshmасининг пластиклигини яхшилаш учун юқоридаги қўшилмалардан ташқари лигносульфат (ПСТ гидрофил), совун, микрооваклар ҳосил қиласидан совунли ёғоч пеки ва комплекс кимёвий қўшилмалари ҳам ишлатилади

## **Топшириқлар**

1. Зичлигига кўра бетонлар ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
2. Тўлдиргичлар ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
3. Бетон қоришмасидаги йирик тўлдиргичлар ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
4. Бетон учун оғир, енгил ва ўта енгил тўлдиргичлар мавзусида масалалар ечинг.

## **Назорат саволлари**

1. Бетонга тариф беринг.
2. Бетонларнинг синфланиши.
2. Майда ва йирик тўлдирувчиларнинг бетон учун яроқли эканлиги қандай аниқланади?
3. Майда ва йирик тўлдирувчиларнинг асосий хоссаларини изоҳлаб беринг.
4. Бетон учун яроқли бўлган сувга қўйилган талабларни айтиб беринг.

## Амалий машғулот № 4

### Оғир, енгил ва ўта енгил бетонлар таркибларини ҳисоблаш

#### Ишнинг мақсади

Ушбу амалий машғулотнинг мақсади талабаларга оғир, енгил ва ўта енгил бетонлар таркиблари тушунча бериш ҳамда амалий машқлар ишлаш.

#### Ишнинг назарий асослари

Кам цемент сарфлаб, КМҚ талабини қониқтирадиган бетон қориши масини тайёрлаш учун, аввало унинг таркибини тўғри ҳисоблаш зарур. Бунинг учун бетон таркибини ташкил қилувчи материалларнинг сифатига қараб, уни танлаш ва миқдорини аниқлашкерак. Бетон таркибини ҳисоблаш учун аниқланадиган ифода ва жадвалларда тўлдирувчиларнинг тарки-биди мустаҳкамлиги ҳар хил бўлган моддалар борлиги этиборга олинмаган. Шу сабабли, бетон таркиби ҳисоблангандан кейин, лаборатория шароитида қоришима тайёрлаб, унинг маркаси текшириб кўрилади. Агар намунаниг 28 кундан кейин мустаҳкамлиги лойиҳа талабини қониқтирса, у ҳолда бетон қориши масининг ҳисобланган таркиби тавсия этилади.

Бетон таркибини ҳисоблаш усуслари кўп. Булар ичida энг самарали бўлган усул танланади. Б.Г. Скрамтаевнинг “абсолют ҳажмлар усули” бетон таркибини ҳисоблашда энг қулай усул ҳисобланади.

Бетон таркибини ҳисоблаш  $-1 \text{ м}^3$  бетон учун сарфланадиган цемент ( $\text{Ц}$ ), сув ( $\text{С}$ ), қум ( $\text{К}$ ) ва йирик тўлдиргич ( $\text{Ш}$ ) ларнинг массаларини аниқлашдан иборат.

##### I. Сув:цемент нисбатини ҳисоблашни куйидагича бажарилади:

Оддий бетон учун,  $\text{С}/\text{Ц} > 0,4$  бўлса,  $R_b = AR_{\text{Ц}} (\text{Ц}/\text{С} - 0,5)$

Юкори маркали бетон учун,  $\text{С}/\text{Ц} \leq 0,4$  бўлса,  $R_b = A_1 R_{\text{Ц}} (\text{Ц}/\text{С} + 0,5)$

$$\text{Бундан } \frac{\text{С}}{\text{Ц}} > 0,4 \text{ бўлган хол учун } \frac{\text{С}}{\text{Ц}} = \frac{AR_{\text{Ц}}}{R_b + 0,5AR_{\text{Ц}}}.$$

Бу ифода  $\frac{R_b}{R_{\text{Ц}}} = \frac{1}{2}$  бўлганда самарали ҳисобланади.

Бунда  $R_b$  - бетоннинг 28 кундан кейинги мустаҳкамлиги ёки маркаси (МПа);

$R_{\text{Ц}}$  - портландцементнинг маркаси (активлиги), МПа;

А ва  $A_1$  - тўлдиргичлар ва цементнинг сифатига боғлик бўлган коэффициентлар. (1-жадвал)

С - сув миқдори, литр; Ц - цемент миқдори, кг.

1-жадвал

Бетон тўлдиргичлари ва цементнинг сифатига қараб киритиладиган коэффициентлар А ва  $A_1$  миқдорлари

Тўлдиргичлар ва цементнинг ҳусусиятлари	A	$A_1$
Юкори сифатли	0,65	0,43
Оддий	0,60	0,40
Паст сифатли	0,55	0,37

2-жадвал

Бетон қоришмасининг куюклиги (қулай жойланувчалиги)		1 м <sup>3</sup> бетон учун сув сарфи Тўлдиргич йириклигинга нисбатан сув сарфи, кг/м <sup>3</sup>					
Чўкиш	Куюклик	Шағал			Чакиқ тош		
Конуснинг чўкиши, см	Куюклиги, сек	10	20	40	10	20	40
0	31	150	135	125	160	145	135
0	30-20	160	145	130	170	155	145
0	20-11	165	150	135	175	160	150
0	10-5	175	160	145	185	170	155
1-2	-	185	170	155	195	180	165
3-4	-	195	180	165	200	190	175
5-6	-	200	185	170	210	195	180

62

7-8	-	205	190	175	215	200	185
9-10	-	215	200	185	225	210	195

Эслатма: Жадвалдаги қийматлар портландцемент ва ўртача йириклидаги қумдан ташкил топган бетон қоришмаси учун мўлжалланган. Агар пуацолан цемент ишлатилса, сувнинг сарфи 20 кг/м<sup>3</sup>га ортади, шағал ўрнига чақилган тош ишлатилса ва ўртача йириклидаги қум ўрнига майдо қум ишлатилса, сувнинг сарфи 10 кг га ортади, йирик қум ишлатилса 10 кг га камаяди.

3. Цементнинг сарфи қўйидаги аниқланади:

$$\Pi = C \sqrt{\frac{C}{\Pi}};$$

Қулай жойланувчан бетон қоришмасини тайёрлаш учун йирик тўлдиргич доналарининг орасидаги  $\Pi:C$  қоришмаси етарли бўлиши керак. Йирик тўлдиргич доналарининг орасидаги  $\Pi:C$  қоришмаси, бир-биридан силжиш тузатмаси орқали ифодаланади ва у “алфа” ҳарфи билан белгиланади. Бетон қоришмаси қанчалик суюқ бўлса, унинг силжиш тузатмаси шунча катта бўлади, “алфа” қўйидаги 3-жадвалдан танлаб олинади.

3-жадвал

Цементнинг сарфий микдори	“α” тузатмаси, С/Цисбати бўйича				
	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8
250	-	-	1.26	1.32	1.33
300	-	1.3	1.36	1.42	-
350	1.32	1.33	1.44	-	-
400	1.44	1.46	-	-	-

4. “α” қийматини жадвалдан аниқлангандан сўнг куйидаги ифода ёрдамида йирик тўлдиргич – шагал ёки чакиқ тош микдорини хисобланади:

$$\text{Ш} = \frac{1000}{\frac{V_{\text{ш}} \cdot \alpha}{\rho_{\text{ш}}} + \frac{1}{\rho_{\text{ш}}^x}}; \text{ кг}/\text{m}^3$$

бунда,  $V_{\text{ш}}$  - шагал ёки чакиқ тош нинг бўшлиги, уни хисоблаш ифодаси куйидагича:  $V_{\text{ш}} = \left(1 - \frac{\rho_{\text{ш}}}{\rho_{\text{ш}}^x}\right)$

$\rho_{\text{ш}}$  - шагал ёки чакиқ тошнинг нисбий зичлиги  $\text{г}/\text{см}^3$ ;

$\rho_{\text{ш}}^x$  - шагал ёки чакиқ тошнинг ҳақиқий зичлиги  $\text{г}/\text{см}^3$ .

5. Ҳажми  $1 \text{ м}^3$  бўлган бетон коришмаси учун майдо тўлдиргич (кумнинг) микдори куйидаги ифода орқали аниқланади:

$$K = \left[ 1 - \left( \frac{Ц}{\rho_{\text{ц}}^x} + C + \frac{Ш}{\rho_{\text{ш}}^x} \right) \right] \cdot \rho_{\text{к}}^x, \quad (\text{кг})$$

Бунда, Ц, Ш, С –  $1 \text{ м}^3$  бетон коришмаси учун сарфланадиган цемент, шагал ва сув микдори, кг;

$\rho_{\text{ц}}^x, \rho_{\text{ш}}^x, \rho_{\text{к}}^x$  - цемент, шагал ва кумнинг ҳақиқий зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$ .

Бетон коришмасининг хисобий зичлиги куйидагича аниқланади:

$$\rho_b = K + Ш + С + Ц, \text{ кг}/\text{м}^3$$

6. Бетоннинг чиқиши микдорини куйидагича аниқланади:

$$\beta = \frac{1}{\frac{Ц}{\rho_{\text{ц}}^x} + \frac{К}{\rho_{\text{к}}^x} + \frac{Ш}{\rho_{\text{ш}}^x}};$$

бунда  $\rho_{\text{ц}}^x, \rho_{\text{к}}^x, \rho_{\text{ш}}^x$  - цемент, шагал ва кумнинг ўртача зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$ .

Бетоннинг чиқиши мөндори тұзатысын одатда күйидеги оралықда бұлады:

$$\beta = 0,55+0,65$$

Алар,  $\beta$  шу оралықда чиқса, бетон коришинасшыннің таркиби тұгры ҳисобланған бұлады.

Алар тұлдірүүчілар нам холатда бўлса, у ҳолда тұлдірүүчілар таркибидеги сув мөндори ҳисобга олинаб, бетон коришина учун сарфланадиган сув, кум ва йирик тұлдірүүчілар мөндорига ўзgartыриш киритилади.

7. Бетон таркибидеги материалларнинг иисбий ифодасин көлтириб, мөндори аниқланади.

Алар 1 м<sup>3</sup> бетон коришина учун сарфланадиган цемент мөндорини 1 деб олинса, у ҳолда иисбатлар күйидегича бұлады:

$$\frac{Ц}{Ц} : \frac{Ш}{Ц} : \frac{К}{Ц}$$

$$X = \frac{Ш}{Ц} \text{ және } Y = \frac{Q}{Ц} \text{ деб белгиланы, унда иисбатлар ифодаси (1:X:Y) ҳолда келиб чиқады.}$$

Бу ифодалар орталык бетон коришинасшыннің ўртача таркибинин ҳисоблаш мүмкін, чунки бу ифодаларда барча материаллар "абсолют"(мутлақ) қуруқ холатда олинған.

Амалшытда бетон коришинасшыннің таркибинин аниқлашта тузатылар киритилади, одатда бетон тұлдірүүчілари нам холатда бўлиши мумкин. Тұлдірүүчілардаги табиий сув мөндори аниқланаб, бетон учун лозим сув мөндори ушбу ифода билан топылади;

$$C = [C - (C_m - C_e)]$$

бұнда  $C$  - бетон коришина учун сұннинг сарфи, л;

$C$  - аниқланған таркибдеги сув мөндорини жадванды топылади, л;

$C_m$  - йирик тұлдіргіч намылғы бўйича сув мөндори, л;

$C_e$  - кумнинг таркибидеги намылғы бўйича сув мөндори, л;

Масалан йирик тұлдірүүчи намылғы 1% және мағіда тұлдірүүчи намылғы 3% бўладиган бўлса, тұлдірүүчілардаги сув мөндори күйидегича аниқланади.

$$C_{ш} = \frac{Ш * 1\%}{100} \quad C_e = \frac{Q * 3\%}{100}$$

Бунда, алар материал нам холатда бўлса, намлик ҳисобига сұннинг мөндори камаради, шуннинг учун у материал мөндори кўпроқ олинади, яны;

$$Q' = Q + C_e \text{ және } Ш' = Ш + C_{ш}$$

Шундай қилиб, ишлаб чиқарып учун бетон коришинасшыннің таркиби аниқланади және цементта иисбатан бетон таркибинин ифодаси көлтириб чиқарылади, яны;

$$\frac{Ц}{Ц} : \frac{Q'}{Ц} : \frac{Ш'}{Ц}; \quad \frac{Q'}{Ц} = X'; \quad \frac{Ш'}{Ц} = Y'$$

У ҳолда бетон таркибинин цементта иисбатан ифодаси 1 : X' : Y' деб белгиланади.

Бетон коришинасшыннің қулай жойлашуучанлығы бетон коришинасшыннің куюқдигига болған; ҳолда аниқланади:

- а) суюқ бетон коришилары учун ҳаракатчанлығы (подвижность);
- б) куюқ бетон коришилары учун жаға каттықдиги (жесткость).

ГОСТ 7473-94 бўйича бетон коришина кулай жойлашуучанлығи бўйича күйидеги марказларга бўлиниади.


Таблица I

Кулай жойлашуучанлығи бўйича маркази	Кулай жойлашуучанлик күрсөткічлар:		
	Каттықдиги, с	Ҳаракатчанлығы, см	
		Конус чўкиши	Конус ёйниши
СЖЗ	Жуда каттық коришилар > 100	=	=
СЖ2	51—100	=	=

Күпай жойлашычанлыгы бүйінча маркасы	Күпай жойлашычанлык күрсөткічілер:		
	Қаттықшылығы, с	Харакатчалығы, см	
		Конус чұқиши	Конус әйнеліши
СЖ1	≤ 50	—	—
	Қаттық коришишмалар		
Ж4	31—60	—	—
Ж3	21—30	—	—
Ж2	11—20	—	—
Ж1	5—10	—	—
	Харакатчан коришишмалар		
П1	≤ 4	1—4	—
П2	—	5—9	—
П3	—	10—15	—
П4	—	16—20	26—30
П5	—	≥21	≥31

Бетон коришинашынның харакатчалығы стандарт кесик конус өрдемнің аниқланады (1-расм).

Хисобланған таркиб бүйінча тайёрланған бетон коришина стандарт конусга бар хил баландында З бұлымдан иборат қылғы солинады. Ҳар бир бұлым узундығы 60 см, диаметри 16 мм бұлған шұлап стержен билан 25 марта уриб шылаштырылады. Шылаш шайтада конусини пастти темир тағлікта қаттық босиб туриш керек. Конус устиды ортіб колған коришина кесиб ташланады на қозасы сипатқланады.



1-расм. Бетон коришинашынның ҳар ақатчалығы аниқлашы: а) конусшыннан үмтудың күршинаши; б) қаттық; в) кам ҳаракатчан; г) ҳаракатчан; д) күп ҳаракатчан на окуячан коришина

2-расм. Бетон коришинашынның харакатчалығы стандарт кесик конус өрдемнің аниқлашы: 1-тәніч; 2-дасти; 3-кесик конус; 4,5-чиштікшілар. (көне ичінде йирик тұлғадырылған үлчамы 40 мм даңындағы бұлған бетон учуны)


Конус бәндидан ушлаб аста-секин (3-7 секунд давомында) қатын тик холатда күтарилады на бетон коришина әннега күйнеледі.

Бетон коришинашынның харакатчалығын аниқлаш учун кесик конус устига чынғыч горизонтал күйнеледі на искенди чынғыч билан бетон чұқиши үлчаб олинады (2-расм).

Агар конус чұқиши 0 га тең бұлса, янын бетон чұқмаса бетон күкөк деб хисобланады на бұндан бетон учун қаттықшык (жесткость) күрсөткінші аниқланады.

Бетон кориши масининнег қаттиқсиги ГОСТ 10181-2000 күрсөттөлгөн усулдардан бирі орқада аникланады.


1-стандарт усул. Коришиңа қаттиқсигини аниклаш ускунасы төрттөкч столига мақкамланады. Конусни коришиңа болап түлдіриш, зичлаш ва конусни күтәриб олиш худди коришиңа ҳаракаттандырылғандағы каби базарылады. Штаттадығы диск шайлантыриб конус шаклида колпакланған бетон кориши маси үсткі сиртінек текүніш секундлик болап тушириб күйслады (3-расм).



3-расм. Коришиңа қаттиқсигини аниклаши стандарт ускунасы. 1-колпак; 2-конусни мақкамлаш тағынчи; 3-конус; 4-пороник; 5-штанга; 6-йұнналыруичи штукка; 7-дискни мақкамлаш штуккасы; 8-диск; 9-штатт; 10-штатттың қасқағачы.

Сүнгра титратқоч на секундамер бир вактта юргизылады на бетон кориши масининнег зичлашини күтәриб турилады. Дискіндегі шеттілдік иккі тешигидан коришиңа хамоғы чиққунча коришиңа титратылады на шу заходы секундамер на титратқоч тұхтатылады. Секундамер күрсөттөлгөн вакт бетон кориши масининнег қаттиқсиги ұнсабланады.

2-оддий (Б.Г.Скрамбаев) усул. Коришиңа қаттиқсиги 200x200x200 мм ли колпактарда аникланады. Колпак титратқоч столига мақкамстанады на унга стандарт конус үрнатылады.



4-расм. Коришиңа қаттиқсигини аниклашыныннег оддий усул. а) ускунанинг умумий күршиші; б) – титратунға кадар коришиңа; в) титраттандың кейнінги коришиңа; 1-конус; 2-колпак; 3-бетон кориши маси; 4-титраттич.

Стандарт конусиннег остиң түткічлары олинған на шасты диаметри куб ичига сиягадыған килиб кичрайтырылған бўлиши керак. Конусни коришиңа болап түлдіриш, зичлаш икорида келтирілген усулдардың каби базарылады. Конус астагина эхтиёткоралык болап күтәриб олинғанда на бир вактда титратқоч билан секундамер юргизылады. Бетон куб ичига әйнилиб куб бурчактариниң түлдіриб горизонтал ҳолатта келгүнча титратиш даюм этириллады. Бетон куб ичига әйнилиб горизонтал ҳолатта келгүнча кетген вактни 0,7 коэффициентте күпайтыриб бетон кориши масининнег қаттиқсиги аникланады.

## **Топшириқлар**

1.Бетон таркибини ҳисоблаш усуллари ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.

2. Бетон таркибини ҳисоблашни Б.Г.Скрамтаев усули ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.

3.Цемент сарфи аниқланишини ўрганиб, дафтарингизга ёзиб олинг

## **Назорат саволлари**

1. Йирик тўлдиргич миқдори қандай аниқланади.

2. Бетон қоришмаси қуюқлиги нима

3. Бетон таркиби нималардан иборат

**Амалий машғулот № 5**  
**Энергия самарадор сунъий тош материаллари мавзусида масалалар**

**ечиш**

**Ишнинг мақсади**

Ушбу амалий машғулотнинг мақсади талабаларга энергия самарадор сунъий тош материаллари мавзусида тушунча бериш ҳамда амалий машқлар ишлаш.

**Ишнинг назарий асослари**

Фасадбоп сопол ашёлар. Бинонинг фасад қисмини қуришда сифатли пиширилган тўғри шаклли, бир текис рангдаги ғишт ва сопол тошлар кўп ишлатилади. Фасадбоп ғишт ва тош-лар шаклига ва ишлатилишига кўра бир қаторга ва бурчакларга териладиган хилларга ажра-тилади. Бундай ғиштлар 150, 100, 75 маркаларда ишлаб чиқарилади. Уларнинг сув шимув-чанлиги 8–14 %, совуққа чидамлилиги 25 циклдан кам бўлмаслиги керак. Фасадбоп ғишт ва тошлар зинапоя деворларини, цехларнинг ички қисмини, ошхона деворларини қоплашда ҳам қўлланилади. Фақат ён томони сирланган ғишт санузел ва деворларни қоплашда кўп ишла-тилади. Булардан бошқа фасадбоп сопол ашёлар, араки (карниз)лар, дераза тахтаси сифатида ишлатилади.

Қоплама сопол тахтачалар. Нодир бинолар фасадини пардозлашда жуда кўп сопол қоплама ашёлар ишлатилади. Масалан, қоплама тахтачалар, тошлар, терракот ва бошқа сир-ланган буюмлар шулар жумласидандир. Қоплама сопол буюмлар, асосан, нам усул билан тайёрланади ва юқори сифатли лой қоришимаси бўлган тақдирда эса ним қуруқ усул ҳам ишлатилади.

Фасадбоп қоплама сопол тахтачалар юқори сифатли лойни яхшилаб пишитиб (зичлаш усули билан) ишланади. Уларнинг қалинлиги 20–25 мм, юзи 250x138 мм ўлчамларда қаторбоп ва бурчакбоп қилиб ишлаб чиқарилади. Кичик тахтачалар тайёр девор юзасига цемент қоришимаси билан ёпиширилади.

Терракот буюмлар деб, сунъий равища безалган ва ранг берилгандан сўнг пишириб олинган қоплама сопол ашёга айтилади. Сирланмаган терракот ҳайкалтарошлиқда, кичик меъморчилик қисмлари, деворбоп ашёлар сифатида ишлатилади.

Кислотага чидамли сопол тахтачалар

Пардозбоп тахтачалар юзи сирланган бўлиб, асосан бинонинг ички девори ва полларини қоплашда ишлатилади. Сирли қатlam -эриганда шишасимон ҳолатга ўтувчи, осон эрийди-ган лойни буюм юзасига суртиб, кейин пиширганда ҳосил бўлган қатламдир. Сирланган тах-тача юзаси жуда текис бўлганлиги туфайли унда сув ёки чанг ушланмайди. Турли ранглар билан қоришириб суртилган сирли тахтачалар девор сиртини безашда, меъморчиликда ва бошқа мақсадларда кўплаб ишлатилади. Пардозбоп тахтачалар юқори сифатли лой қоришимасидан нам ёки ним қуруқ усул билан тайёрланади. Кўпинча биноларнинг ички де-ворларини қоплашда майолик ва фаянс сопол тахтачалар ишлатилади. Фаянс учун хом ашё

сифатида каолин, дала шпати ва кварц қуми ишлатилади. Майолик тахтачалар табиий куйган тупроқдан олинади ва уларнинг юзаси сирланади.

Тахтачаларни таснифлаганда куйидаги турларга бўлиш мумкин: юзасининг шаклига кўра буюртма тасвирили ва фактурали; юзасидаги сирнинг хилига кўра ялтироқ, қўнғир, бир хил ёки кўп рангли хира тасвирили.

Полбоп тахтачалар. Кукун бўлгунга қадар туйилган, қийин эрувчан маҳсус лойни нам ҳолатда юқори босимда зичланади ва эригунга қадар пиширилиб, полбоп тахтачалар олина-ди. Ташқи кўриниши бўйича улар бир қатламли ва икки қатламли, шунингдек, сиртига рас-млар солингани ҳам бўлади. Шакли квадрат, тўғри бурчакли, уч бурчакли ва олти томонли бўлади. Қалинлиги 10–13 мм, томонларининг ўлчами 50 мм. дан 150 мм. гача бўлади. Бундай тахтачанинг камчилиги, иссиқлик ўтказувчанинг юқорилигидир.


Томбоп сопол буюмлар. Ҳозирги кунда айрим Европа давлатларида бар ш томлар 100 % сопол буюмлар билан ёпилади. Томларни сопол черепица билан ёпиш бизнинг республика-мизда ҳам сезиларли равища кўпайиб бормокда.

Черепица энг арzon, чидамли сопол том ашёсидир. У нам усулда тайёрланган лой қоришмасини пухта ишлаб, штамплаш йўли билан махсус черепица зичловчи машинада тайёрланади.

### Иссиқликни сақловчи сопол ашёлар

Лой қоришмаси, тошқол ва ёнувчи аралашмаларни пишириб олинган ғишт иссиқликни сақловчи ғишт деб аталади. Хом ашё сифатида таркибида органик аралашмалар (битумли сланецлар) ёки карбонатлар (мергелли тупроқ) бўлган махсус лой ишлатилади. Ёнувчи қўшилмалар (ёғоч қириндиси, кўмир кукуни) лойга нисбатан 20 %лар атрофида қўшилади.

Керамзит. Осон эрувчан лойни бирдан берилган юқори ҳароратда пиширишдан ҳосил бўлган, кўпчиган сунъий тош доналари керамзит деб аталади. Бунда таркибида 5–8 % темир оксиди бўлган лой ишлатилади. Керамзит ишлаб чиқаришда лойдан ташқари минерал хом ашёлар ва сунъий аралашмалар ҳам ишлатиш мумкин.



1-расм. Керамзит ишлаб чиқариш схемаси:

1—хом зшё ортилган аравача; 2—трансиортёр; 3—лойни қайта ишловчи ва қолипловчи машина; 4—юмалатиб қорувчи аппарат; 5—куритадиган транспортёр; 6—ўчоқнинг қабул қилувчи бункери; 7—лойни кўпчитувчи айланма ўчок; 8—ўчокка ёқилғи бериш; 9—элеватор; 10—навларга ажратиш; 11—керамзит шағал йигувчи бункер.

Керамзит олишнинг технологик схемаси 1-расмда кўрсатилган. Ғишт қолипловчи тасмали зичлагичда диаметри 15 мм. гача бўлган қалам сингари лой қаламчалари чиқарилади ва ҳар 1 –15 см. ли ўлчамда кесиб турилади. Зичлагичдан чиқсан лой дилиндрлар қуритувчи транс-портёрга ёки шахтага туширилади. Қуригандан сўнг, лой сфераидлар ҳарорати  $1150\text{--}1300^{\circ}\text{C}$  ли айланувчи хумдонга туширилади ва 30–60 мин. пиширилади. Бу ерда донадор кўпчиган керамзит шағали ҳосил бўлади. Кўпчиш коэффициенти 4 дан

ортиқ бўлиши керак. Унинг уюм ҳажм оғирлиги 250 дан 800 кг/м<sup>3</sup> атрофида бўлади.

Ўтга чидамли сопол ашёларнинг сифати, асосан, юқори ҳарорат таъсирида эримаслиги билан ифодаланади. Бундан ташқари, ўтга чидамли ашёлар юқори ҳароратда куч таъсирига чидамли бўлиши билан бирга деформацияянмаслиги ҳам керак.

Сопол ашёлар ўтга чидамлилик даражасига кўра тўрт гурухга бўлинади;

1. Қийин эрувчан (эриш ҳарорати 1380–1580°C);
2. Ўтга чидамли (эриш ҳарорати 1580–1770°C);
3. Юқори ҳароратга чидамли (эриш ҳарорати 1770–2000°C);
4. Ўтга ўта чидамли (эриш ҳарорати 2000°C дан юқори бўлган).

Ўтга чидамли ашёлар нам ва ним қуруқ ҳолатда зичлаш, қўйиш ва эритиб қўйиш усуллари билан тайёрланади.

Оқова сув ва дренаж сопол қувурлари. Оқова сув қувурлари учун таркибида 75 %гача тупроқ ва 25–30 %гача шамот бўлган хом ашё ишлатилади. Хом ашёни ишлаш ва қоришка тайёрлаш нам ёки ним қуруқ усулда олиб борилади. Қувурлар ҳавоси сўриб олинган қолипдан иборат бўлган тик винтли зичлагичларда қолипланади. Бунда қувур учун тайёрланган лой қоришиндинг намлиги 17–18 % бўлиши керак. Ҳозирги вақтда кўпгина заводлар-да қувурлар поршенли зичлагичларда қолипланади. Унинг иш унуми винтли зичлагичга нис-батан юқори бўлиб, қолипланаётган қувурнинг ички ва ташқи юзаси бир жинсли текис қилиб тайёрланади. Қолипдан чиқсан қувур қуритилади ва пиширишдан олдин унинг ички ҳамда ташқи томони сирланади. Бундай қувурларнинг сирланган сирти мустаҳкам ва зич бўлиши керак. Унинг сув шимувчанлик кўрсаткичи 9–11 %, қувурнинг ички диаметри 150–600 мм, деворининг қалинлиги эса 18–41 мм. га, узунлиги эса 800–1200 мм. га teng. Намлиги 4–5 %гача қилиб қуритилган сопол қувур туннели камераларда 1250–1300°C ҳароратда газ билан 48–60 соат пиширилади.

Дренажбоп сопол қувурлар пластификатор қўшилмалар қўшилган майин лойни маҳсус қолипларда қолиплаб ва тик ҳолда очик ўт таъсирида

пишириб тайёрланади. Дренажбоп қувурлар бир томони кенгрөк ва узунлиги бўйича бир хил диаметрли бўлган кўп тешикли хилларга бўлинади. Бундай қувурларнинг диаметри 25–250 мм, узунлиги 333–335 мм ва 500 мм, деворининг қалинлиги 8–24 мм бўлади. Дренаж қувурларининг музлашга чидамлилик маркаси 15 циклдан кам бўлмаслиги керак.

### **Топшириқлар**

1. Фасадбоп сопол ашёлар, қоплама сопол тахтачалар таркибини ҳисоблаш усуллари ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
2. Кислотага чидамли сопол тахтачалар, иссиқликни сақловчи сопол ашёлар таркибини ҳисоблаш ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
- 3.Керамзти сарфи аниқланишини ўрганиб, дафтарингизга ёзиб олинг

### **Назорат саволлари**

1. Керамика таркиби ва уларнинг турлари ҳақида тушунча.
2. Керамикабоп хом ашёларни ишлаб чиқариш технологиялари қандай?
3. Девор қуришда ва пардозлашда ишлатиладиган керамикашёларнинг қандай турларини биласиз?
4. Керамика шёлари ишлаб чиқаришда илмий-техника янгиликлари

### **Амалий машғулот № 6**

**Ёғоч материаллари энергия самарадорлиги мавзусида масалалар**

**ечиш**

**Ишнинг мақсади**

Ушбу амалий машғулотнинг мақсади талабаларга оғир, енгил ва ўта енгил бетонлар таркиблари тушунча бериш ҳамда амалий машқлар ишлаш.

### **Ишнинг назарий асослари**

Ёғоч кесилган дараҳтларга ишлов бериш йўли билан олинади. Дараҳт танасининг шох-шаббаларидан ва пўстлоқдан тозаланган қисми ёғоч ашёси деб аталади. Ёғоч – енгил, пишиқ, иссиқликни кам ўтказади, осонликча йўнилади, рандаланади, арраланади. Шу билан бирга ёғочнинг қурилиш ашёси сифатида кўпгина камчиликлари ҳам бор. Масалан, унинг анизотроплиги (толасимон тузилишга эга эканлиги, толаларининг жойланишига кўра хусу-сиятларининг ўзгариши), намликни ютувчанлиги, намлиги ўзгаришнинг механик хусусиятларига таъсир этиши, бикрлигининг қониқарли эмаслиги, ёрилиши, курт ва ҳашаротлардан осон емирилиши, осон алангаланувчанлиги ёғочни қурилишнинг ҳамма ерларида ишлатишга тўла имкон бермайди. Ҳозирги вактда ёғоч ашёларини ишлатишдан аввал уларнинг чидам-лилигини ошириш чоралари кўрилади.

Ёғочга антисептиклар, антиприренлар, смолалар шимдирилганда, унинг табиий хоссала-ри ўзгаради. Шу йўл билан мустаҳкам, пишиқ, биологик таъсирларга ҳамда ҳароратга чи-дамли ва муҳим технологик хоссаларга эга бўлган Қурилиш материаллари олиш мумкин.

Қурилиш материаллари таснифига кўра, улар асосан икки катта гурухга бўлинади: **табиий ва сунъий**.

Япроқли ёғоч турлари. Япроқли ёғоч дурадгорлик буюмлари, фанер, паркет, мебель ва шу кабилар учун ишлатилади. Уларнинг пишиқ ва чиройли текстурага эга бўлган қаттиқ турларига эман, шумтол, заранг, оққайин ва нок киради. Бундай дараҳт танасидан тилинган тахтада ёғоч толалари ва ўзак нурларининг яққол кўриниб туриши ундан ишланган буюмга чирой беради. Япроқли ёғочларнинг юмшоқ турлари қорақайин, зирқ, оққайин, тоғ терак, терак, ёнғоқ, аргувон мебель тайёрлаш ва пардоз буюмлар ишлашда қўлланилади.

Эманинг қишида барги тўклиладиган, ёзги ва барги йил бўйи тўклимайдиган турлари мавжуд. Эманинг бу иккала тури барги ва танасининг ташқи кўриниши билан бир-биридан фарқ қиласди. Уларнинг хоссалари деярли бир хил, аммо ёзги эманинг танаси анча тўғри бўлади. Эман жуда чуқур илдиз отади. У 500–600 йил яшайди. Зич ўрмонда ўсган эман да-рахти одатда, тўғри, кам шохли ва баланд, алоҳида ўсгани эса паст, йўғон, сершоҳ бўлади.

Эман ёғочи жуда қаттиқ, пишиқ, оғир ва чиройли, қўнғир ёки сарғиши рангда бўлади. 60–80°C ҳароратда қуритилганда, унинг ҳажми бирмунча

кичраяди, яъни киришади. Нати-жада, эмандан ишланган буюмда дарзлар ҳосил бўлади. Сувда кўп вакт турган эман ёғочи жуда қаттиқ бўлиб қолади. Бунга сабаб эмандаги тери ошлайдиган кислоталар темир оксид-лари билан бирикиб, сувга чидамлилиги ортади ва ёғоч юзаси қораяди. Техник хоссалари яхши бўлганлиги, чидамлилиги сабабли эман кўприклар, гидротехник иншоотлар қуришда кенг қўлланилади. Ёғочининг радиал ва тангенциал кесими жуда чиройли. Улар паркет, боч-ка тахтаси, фанер, мебел тайёрлаш ва пардозлашда ишлатилади.

**Қайрағоч** –ўзаги оч қўнғир ёки қулранг қўнғир, пўстлоқ ости қатлами кенг, оч сариқ ёғочли дараҳт. Қайрағоч тахтасининг зарбга қаршилиги юқори. Ўзи оғир, пишиқ, бироз эги-лувчан, қаттиқлиги ўртача ашё. Айниқса, сувда ўз пишиқлигини яхши сақиайди, очиқ ҳавода, нам шароитда эса тез чирийди. Қайрағоч гидротехник иншоотларда кўплаб ишлати-лади.

Оққайнин баргли дараҳтлар ичида энг кўп тарқалган. Унинг ёғочи қаттиқ ва пишиқ. Ле-кин танасининг эгрилиги ва турли замбуруғлар таъсирига чидамсиз бўлганлиги сабабли ай-рим буюмларга яроқсизdir. У фанер ишлаб чиқариш саноатида кўп ишлатилади. Пўстлоғининг оқлиги унда смолали моддалар (масалан, бетулин) борлигини билдиради. Шу-нинг учун пўстлоғи шилинмаган оққайнин танасидан нам ўтмайди, унга емирувчилар зарар етказмайди. Агар ёғочи чирий бошлаган бўлса, ранги ўзгаради.

**Қорақайнинг** ёғочи қизил, сарғиш рангларнинг турли тусларида бўлади. Оққайнин ёғочида бундай туслар йўқ. Ҳар томонлама кесганда ҳам қорақайнда йиллик қатламлар, ўзак нурлари яхши кўриниб туради. Радиал кесими жуда чиройли, пишиқ, аммо нам ва ҳароратлар таъсирига чидамсизdir. Кўпроқ Кавказ, Крим ва Ўрта Осиёning жанубий туман-ларида ўсади. Ундан асосан мебель ва фанер ишлаб чиқариш саноатида паркет ва ўқув ас-боблари ишланади.

**Игнабаргли ёғоч турлари.** Қурилишда ишлатиладиган ёғоч ашёларнинг асосий қисми игнабаргли ёғочлардир.

Қарағай қандай тупроқли ерда ўсгашшигига қараб икки хил бўлади: биринчиси қум ту-прокли ерда ўсиб, ёғочли қисми майда қатламли, жуда зич, қатгиқ, пишиқ ва сарғиш-қизил рангда, иккинчиси паастгекислиқдаги ўсадиган ёғочли қисми сарғиш, йирик ҳужайрали, енгил бўлади. Қалин дараҳтзорда ўсганининг танаси тўғри ва кам шохли. Унда смола кўп бўлганлиги сабабли тез чиримайди ва нам таъсирига чидамли.

Ўзбекистонда қарағай жуда кам. Айниқса, республикамизнинг жанубида ўсадиган қарағайлар бошқаларига нисбатан сифатсиз. Танаси эгри, ёғочи бўш ва тез чирийди. Қарағай ёғочи қурилишнинг деярли ҳамма жойларида,

жумладан, кўприк қуришда, шпаллар ва турли ёрдамчи конструкциялар тайёрлашда, қолиплар ясашда ишлатилади. Қарағай 350–500 йил яшайди.

**Арча** –ёғочлиги тўла пишган, оқ-сарғиш ёки оқ-қизғиши (ботқоқликларда ўсадиган ту-ри) дарахт. У Ўрта Осиёнинг тоғ бағирларида ўсади. Танаси тўғри, цилиндрсимон, аммо кўп шохли. Уни ёриш осон, қарағайга қараганда кам смолали, шунинг учун нам таъсирида тез чирийди. Қуруқ жойда ишлатиладиган ёғочи жуда узоқ вақт чиримай сақланади. Гоҳ намла-ниб, гоҳ қуриб турадиган жойда ишлатилган арча ёғочи 5–6 йилдан кейин бутунлай чириб ишдан чиқади. Арча 350йил яшайди, 80–150 йиллик арчалар қурилиш учун энг яхши ашё-дир.

**Тилоғоч** қўнғир-қизғиши рангли бўлиб, ёғоч қатламининг юпқалиги ва ўзагининг ранги билан ажralиб туради. Ёғочи кўп қатламли, пишиқ, оғир ва қаттиқ, нам ёки сув таъсирига чидамли. Унда смола кўпбўлганидан кемирувчилардан шикастланмайди. Гидротехник ва ер ости иншоотлари қуришда кенг ишлатилади. Тилоғоч дарахтлар ичида энг тез ўсувчи, танаси тўғри, кам шохли тур. Сувда кўп вақт сақланган ёғочи янада пишиқланади. Ёғочининг қўриниши тангенциал кесими бўйича бирмунча чиройли бўлса ҳам мебел саноатида кам иш-латилади. Сабаби, унинг қаттиқлиги ҳамда таркибида смола кўплигидир. У Россия Европа қисмининг шимоли-шарқида ўсади.

**Кедр ёғочи** оқ-сарғиш, ўзаги эса сарик-қизғиши рангларда бўлиши мумкин, йиллик қатлами юпқа, ўзи юмшоқ, аммо, етарли даражада пишиқдир. Танаси тўғри ва узун. 600–700 йил яшайди. Асосан Россияда, Европада нам ерларда ўсади. Сифатига кўра кедр ёғочи қарағайга яқин туради. Қурилишда ва дурадгорликда хода ва тилинган тахта ҳолида кўп иш-латилади.

**Пихта ёғочи кам смолали.** Қорақарағайнинг ёғочи сингари ғовак, енгил ва осон синув-чан, сифати эса қорақарағайнидан пастроқ. Пихта кам смолали бўлганлигидан бошқа иг-набаргли дарахтларга қараганда тезрок чирийди. У Кавказда, Россиянинг шимоли-шарқида, Ўрта Осиёда ўсади. Пихта хода ва тилинган тахта ҳолида ишлатилади.

### Ёғочнинг хоссалари

**Физик хоссалари.** Ёғочнинг ранги асосан ҳужайралардаги рангли моддалар миқдорига, дарахтнинг ёшига ва қандай шароитда ўсганлигига боғлиқ. Иқлим шароити ўртача бўлган жойларда ўсган дарахтлар одатда, бир хил рангда (оқ-сарғишдан жигаррангга-ча) бўлади. Қарағай, тилоғоч, эман ва шунга ўхшаш дарахтлар ўзагининг ранги ёғочидан тубдан ажralиб туради. Айrim ҳолларда ёғочда пайдо бўладиган ғайри табиий ранглар, яъни рангли доғлар ёки қатламлар унда замбуруғ касаллиги бошланаётганлигидан дарак беради.

Физик-кимёвий омиллар таъсирида ёғочнинг ранги вақт ўтиши билан ўзгаради. Масалан, зирк дараҳти танасидан тилингдан ёғоч вақт ўтиши билан ўз рангини оч бинафшадан сариқ-қизғиши ранггача ўзгартиради. Бунга сабаб, ёғоч хужайраларидаги айрим моддаларнинг ҳаво ва нур таъсирида оксидланишидир.

Намлик ёғоч хужайраларидаги, улар орасидаги бўшлиқларда, пардалар юзасида эркин, гигроскопик ёки кимёвий бириккан ҳолатда бўлади. Янги кесилган дараҳтда намлик миқдори 35 дан 40 %гача бўлиши мумкин. Сунъий ёки табиий усулда қуритилган ёғочда эркин ҳолатдаги сув 12–15 %ни ташкил этади. Маълумки, ашёларнинг зичлиги уларнинг ғоваклигига боғлиқ. Бу қонуният ёғочга ҳам тегишилдири. Ёғочдаги ғоваклар унинг умумий ҳажмининг 35–80 %идан иборат. Кўп ғовакли ёғочлар таркибида сув миқдори кўп бўлади. Масалан, ҳажмий оғирлиги 400 кг/м<sup>3</sup>бўлган арчада ғоваклар ҳажми 65–70 % бўлса, эманда 40–45 %ни ташкил этади. Чунки, у зич ва оғир, ҳажмий оғирлиги эса 700–750 кг/м<sup>3</sup>га тенг.

Сув юқтирувчанлиги сабабли ёғочнинг намлиги тез-тез ўзгариб туради. Бундай ўзгарувчан шароитда у тез чириди. Ёмғирда, зах бинода, нам ерда ва шунга ўхшаш бошқа ташқи сабаблар туфайли намланишдан ташқари, ёғочнинг табиий намлиги ҳам бор; бу на-млик дараҳтда шира ҳолатида бўлади. Шу шира ташқи намлик ва сув таъсирида тез ачиб, бижшиди ва ёғочда касалликларни вужудга келтиради.

Ёғоч намлигини 100–105°C ҳароратда турғун оғирликкача қуритиб, қуйидаги формула-дан хясоблаб топиш мумкин:

$$W = ((m_1 - m) / m) \cdot 100 \%,$$

бунда, W - ёғочнинг намлиги; m<sub>1</sub> – ёғочнинг қуритилишдан олдинги оғирлиги; m –турғун вазнгача қуритилган намунанинг оғирлиги.

1-жадвалда игнабаргли ёғочларнинг физик хоссалари келти-рилган. Куруқ ёғочни тўла сувга шимдирилганда ундаги хужайра деворлари ҳар хил ўлчамда шишади, натижада, ёғоч буюмнинг ҳажми, ўлчамлари катталашади.

1-жадвал

Игнабаргли ёғочларнинг физик хоссалари

Ёғоч турлари	Зичлик, кг/м <sup>3</sup>		Ғоваклик, %	Уртача йиллик ҳалиқалар сони, см
	12%ли намлик	Янги кесилгани		
Қарагай	530	860	55-70	6
Коракарғай	460	770	60-75	12
Тилогоч	680	840	45-75	10
Оқкорғай	390	800	55-80	8
Эман	720	1030	30-60	6
Оққайни	640	880	50-60	5
Коракайни	650	950	40-70	7
Терак	500	760	60-80	5

2-расмда сувга тўлган ҳужайраларнинг шишиш кўрсаткичи, уларнинг кесимиға кўра ўзгариши кўрсатилган.

Ёғоч намлигини тажрибахона шароитида аниқлаш кўп вақт талаб этади. Шунинг учун ян-ги усулларни қўллаш мумкин. Маълумки, ёточнинг электр ўтказувчанлиги унинг намлигига боғлиқ. Электр нам ўлчагичнинг ишлаш принципи ана шунга асосланган. Ёғоч қанча нам бўлса, электр токини шунча яхши ўтказади ва аксинча, ёғоч қанча қуруқ бўлса, электр токи-ни шунча ёмон ўтказади.

**Сув ўтказувчанлик.** Ёғочнинг сув ўтказувчанлиги деганда, унинг босим остида ўзидан сув ўтказиш даражаси тушунилади. Ёғочнинг бу хоссаси гидротехник иншоотларда ишла-тилганда муҳим ўрин тутади. Ёғочнинг сув ўтказувчанлиги унинг қандай ёғоч туридан экан-лигига, қайси йўналишда кесилганлигига, йиллик қатламларининг қалинлигига ва ёшига боғлиқ. Ёғочнинг кўндаланг кесими, радиал ва тангенциал кесимиға нисбатан кўпроқ сув ўтказади.

Ёғоч конструкциялар ва буюмлар узоқ вақт давомида кислота ёки ишқор эритмалари таъсирида бўлса бузила бошлайди. Эритмаларнинг ўткирлиги ортиши билан, яъни ёғочга таъсир этувчи заарли мухдит микдори кўп бўлса, ёғоч тез бузилади. Кучсиз ишқор эритмаси таъсирида ёғоч деярли бузилмайди. Нордон ёки кислотали эритмалар таъсирига эса у бетон ва пўлатга нисбатан чидамлидир. Масалан, бетон ёки пўлат намунаси pH=2 бўлган эритмада бузилса, ёғоч бундай эритмага анча чидамлидир.

Ёғоч турларининг (қарағай, арча, оқ ва қорақайин) кислоталар ва ўювчи ишқор эритма-ларига чидамлилигини текшириб, профессор С.И.Ванин қўйидагича хulosага келди. Игна-баргли ёғоч турларидан ишланган буюм ёки конструкциялар япроқли ёғоч турларига нисба-тан чидамлидир. Игнабаргли ёғоч турлари ичida тилоғоч бошқа турдаги ёғочларга нисбатан энг чидамлисидир. Ёғочнинг муттасил сув таъсирига чидамлилиги кам текширилган. Узоқ вақт сувда сакланган ёғочнинг пишиқлиги камаяди.

**Механик хоссалари.** Ёғочнинг механик хоссалари унинг анатомик тузилишига, тола-ларининг жойлашишига ва зичлигига, ҳужайралар орасидаги моддалар микдорига боғлиқ.

Механик хоссаларга кўра бошқа ашёларга нисбатан ёғочнинг кўпгина афзалликлари бор. Унинг чўзилишга, сиқилишга, эгилишга мустаҳкамлиги, ёрилишга қаршилик кўрсатиш каби хоссалари қурилишда жуда кўл келади.

Сиқилишдаги мустаҳкамлик. Кўпчилик ёғоч конструкциялар сиқилишга ишлайди. Масалан, қозик, устун, синч ва х.к. Ёғоч конструктив элемент сифатида ишлатилганда тола-ларининг йўналиши ва тури эътиборга олинади.

Масалан, ёғоч толалари бўйлаб таъсир эта-диган сиқувчи кучларга кўндаланг тушадиган кучларга нисбатан яхши қаршилик кўрсатади.

Шу сабабли, ёғоч ашёларнинг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси икки кўрсаткич: толала-ри бўйлаб ва толаларига кўндаланг сиқилиш билан ифодаланади (2-жадвал)

2-жадвал

**Ёғочларнинг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси**

Дараҳтнинг турни	Ҳақимий қаршиши, %	Сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси, 0,1 МПа		
		Толалар бўйлаб	Толаларига кўндаланг	
			Радиал	Тангенциал
Қарғай	0,44	60-75	12-13	6-6,7
Арча	0,43	56,5	7-7,5	5,5-5,8
Эмаш	0,43	75-76	11,5-12	17-17,5
Қоракайни	0,47	44,5	10,3	13,5

Толалари бўйлаб сиқилишдаги мустаҳкамлик чегарасини аниqlаш учун ёғочнинг нуқсонаси экойидан 20x20x30 мм ўлчамдаги намуналар тайёрланади. Намуналар гидравлик пресса сиқилишга синалади ва олинган натижга ёғочнинг 12 % намлиқдаги мустаҳкамлигига келтирилади:

Чўзилишдаги мустаҳкамлиги. Ёғочнинг толалари бўйлаб чўзилгандаги мустаҳкамлик чегараси жуда катта. Толаларига кўндаланг бўлганда эса жуда кичик бўлади. Чўзилишга иш-лайдиган ёғоч конструкциялар жуда кам тайёрланади, чунки унинг юқ қўйилган қисми ёри-лиши мумкин. Игнабаргли дараҳтларнинг хоссалари нам шароитда жуда кам ўзгарганлиги учун уларнинг 12 % намлиқдаги мустаҳкамлик чегарасини қайта ҳисоблашнинг ҳожати йўқ.


**Ёрилишга қаршилиги.** Ёғочга мих, пона ва бошқалар қоқилганда у толалари бўйлаб ёрилиши мумкин. Ёрилувчанлиги, аввало, толаларининг зичлигига боғлиқ. Ёрилувчанликка синаш учун қалинлиги ва эни 20 мм. ли приzmани рандалаб, 4-расмда кўрсатилган ўлчамларда намуналар тайёрланади ва Михаэлис асбобида икки учидаги ўйикқа куч бериб



4-расм. Ёғочни ёрилишга синаш учун тайёрланган намуна.

3-расм. Ёғоч мустаҳкамлигига на-мликнинг таъсири: а—кўндаланг эги-лиши; б—толалар бўйлаб сиқилиши; с—толалари бўйлаб ёрилиши тошилади. Ёғочлар жуда қийин ёрилувчан (шамшод, граб, олча, тисс), қийин ёрилувчан (за-ранг, шумтол, каштан) ва осон ёрилувчан (қарағай, терак, эман, арча) бўлади.


**Эгилишга мустаҳкамлиги.** Ёғоч эгувчан статик кучга катта қаршилик кўрсата ола-ди. Ёғочнинг толалари бўйлаб эгилишга мустахамлик чега-раси чўзилишга нисбатан салкам икки баробар кўп. Шунинг учун ҳам қурилишда ёғоч эгилишга ишлайдиган конструкциялар (кўпприклар қуришда) сифатида кенг ишлатилади. Ёғочнинг статик эгилишга мустаҳкамлик чегарасини аниқлаш учун тажрибахона шароитида рандалаб силлиқланган тахтадан 20x20x300 мм ўлчамли намуналар тайёрланади ва 5-расмда кўрсатилган синаш схемасига амал қилиб, гидравлик зичлагичда синалади.



**5-расм. Ёғоч намуниини статик эгилишга синади:**  
**1—намуна; 2—куч тушуничи пичоқлар; 3—**  
**таянчлар.**

**Сурилишга қаршилиги.** Ёғоч буюмнинг (тахта, устун, тўсин ва ҳ.к.) бир бўлагига ташқи куч қўйилганда ёндош бўлагига нисбатан сурилиши ёки эзилиши мумкин. Куч ёғочга қандай йўналишда тушишига қараб, унинг сурилишга қаршилиги турлича бўлади. Толалар бўйлаб сурилишда куч толаларга параллел тушади, толалар узунаси бўйлаб ўзаро сурилади

(6-расм, а). Толаларга тик сурилишда толаларга ташқи куч тик тушади, ҳужайралар орасидаги бўшлиқ ҳисобига ёғоч эзилади (4.12-расм, б). Шунингдек, кесилишда ҳам ташқи куч тола-ларга тик таянч устига тушади (5-расм, в). Ёғоч толалари бўйлаб ва унга тик равишда сурилганда толалар узилмайди, лекин улар ўзаро сурилиши ёки уларнинг ёпишқоқлиги бузилиши мумкин. Шу сабабли, ёғочнинг эзилишга қаршилиги кесилишга қаршилигидан анча кичик бўлади. Ёғочнинг толалари бўйлаб сурилишга бўлган қаршилиги сиқилишдаги мустаҳкамлигининг 15–25 %ини ташкил эта



6-расм. Сурнини турлари: а—толалари бўйлаб; б—толаларнинг йўнилишига тик; в—толаларига тик равишда кесилиш.

Ёғочинаг энг муҳим техник хоссаларидан бирои мих, бурама мих ва шунга ўхшашларини узнида маҳкам ушлай олинишадир. Ёғочларнинг бу хоссалси муҳиммал текширилган. Ёғочга мих көкнингдан у низа сингари толаларни ўзаро изхратади, алрим ҳолларда, толаларни кесади. Толалар тиншин; ва замстислиги туфайли көкнинг михини маҳкам ушлаб туради. Алрим ёғочларда (эмсан, тилогоч, коракайин) мих көкни пайтида дарслар хосил бўлади. Карагай, арча, зирк дарахти ёғочларнiga михини осон көкни мұымкни. Эман мих еки бурама михини иғна-барғиларга инебатан 1,5-2 марта маҳкам ушлайди. Ёғочларнинг мих ушланишик дарожаси 4-жадвада келтирилган. Таккослаш учун энг мустаҳкам граб ёғочининг мих ушланишик дарожаси 100 деб олининган.

4-жадвали

Дарахтнинг тури	Жамий оғирлик, кг/м <sup>3</sup>	Михин тортгандаги қаршилиги	
		Радиал	Тангеникал
Граб	700-720	100	89
Оқдайин	600-660	92	65
Эман	660-700	75	64
Карагай	550-600	63	42
Арча	400-410	44	29
Терак	340-400	37	28

**Ёғочдаги нуқсонлар ва касалликлар.** Дарахт ёмон шароитда ўсиб механик куч таъсирида шикастланса, уларда ҳар хил нуқсонлар ва касалликлар пайдо бўлади. Булар ёғочнинг қурилиш учун талаб қилинадиган техник сифатини пасайтиради. Ёғочдаги нуқсонлар қурилиш конструкциялари ҳамда буюмлари тайёрлашда ва улар-дан фойдаланишда жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Ёғочдаги кўпгина нуқсонлар аввало дарахтнинг ўсиш жараёнида пайдо бўлади. Лекин ўсиб турган дарахтдаги нуқсонлар миқдорини уни кесишдан олдин билиш қийин. Ёғочдаги айрим нуқсонлар уни тайёрлаш, ташиш ва сақлаш жараёнида пайдо бўлади.

## **Топшириқлар**

1. Ёғочнинг турлари ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.

2. Ёғочнинг физик хоссалари ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.

3. Ёғочнинг механик хоссалари ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.

4. Ёғочнинг сиқилишдаги, чўзилишдаги мустаҳкамлиги, ёрилишга қаршилигига оид масалаларни ечинг.

## **Назорат саволлари**

1. Ёғочнинг турларини санаб беринг.

2. Ёғочнинг хоссалари. Физик ва механик хоссалари

3. Сув, иссиқ-совуқ ўтказувчанлиги.

4. Сиқилишдаги, чўзилишдаги мустаҳкамлиги. Ёрилишга қаршилиги.

## **Амалий машғулот № 7**

### **Лок ва бўёқ материаллар мавзусида масалалар ечиш**

#### **Ишнинг мақсади**

Ушбу амалий машғулотнинг мақсади талабаларга лок ва бўёқ материаллар ҳақида тушунча бериш ҳамда амалий машқлар ишлаш.

#### **Ишнинг назарий асослари**

##### **Лок ва бўёқлар**

Пардозлаш ишларида ашё юзасига суркаладиган органик мойсимон, суюқ ва ҳар хил таркибли моддалар кўп ишлатилади. Улар ашё юзасига мустаҳкам ёпишиб, юпқа парда ҳосил қилиб қотади. Пардозбоп ашёлар гуруҳига киравчи.бундай моддалар ва таркибларни лок-бўёқ ёки бўёқчилик ашёлари деб ҳам аталади.Бино ва иншоотларни пардозлашда, зарарли муҳитдан муҳофазалашда, уларни қаттиқ ашёлар билан қопланганда буюм ҳамда конструкцияларнинг бошлангич давридаги хоссала-рини таъминлаб, уларнинг чидамлилиги ҳамда қурилиш самарадорлиги оширилади. Пардоз-боп ашёлар безак беришда, санитариягигиенага доир шароит яратишда, чангланиш, ифлосланиш, намланишдан, ташқи шовқиндан сақлашда катта аҳамият касб этади. Бўёқлар асосан боғловчи, эритувчи, пигмент ва кукун тўлдиргичлардан ташкил топган.

**Алифлар.** Лок-бўёқлар тайёрлашда асосан табиий ва аралаштирилган (сунъий) алиф-лар ишлатилади. Табиий алифлар ўсимлик мойидан маҳсус ишлаб олинади ҳамда суркалган-дан кейин ҳавода тез қуриб, юпқа ва эластик парда ҳосил қиласиди. Табиий алифларнинг қотиши коллоид кимёвий жараён бўлиб, у ҳаводаги кислород билан оксидланиш натижаси-дир. Табиий алиф зифир, каноп, кунгабоқар ва бошқа ўсимлик мойларидан тайёрланади. Бу-нинг учун ўсимлик мойига маҳсус аралашма (сиккативлар) қўшилиб, у 200°C гача қиздирилади. Зифир ва канопдан олинадиган алиф қурилишда юқори сифатли ашё ҳисобланади.

Табиий алифнинг камчилиги унинг секин қуришидир. Табиий алиф ўрнига қуюқ-суюқлиги ва парда ҳосил қилиш хоссалари унга яқин бўлган сунъий ҳамда ярим сунъий алифларни ишлатиш мумкин.

**Эритувчилар.** Барча бўтқасимон бўёқ таркибларни ишлаш учун қулай даражага келти-ришда эритувчилар катта аҳамиятга эга. Улар ишлатилишига кўра 3 хил бўлади: мойли лок ва бўёқлар учун; глифтал ва битум лок-бўёқлари учун; эпоксид, нитроцеллюлоза ва перхлор-винил лок-бўёқлари учун

ишлатиладиган эритувчилар. Елимли сув-эмульсияли бўёклар учун эритувчи сифатида сув ишлатилади. Лок-бўёкларни эритишида кўпроқ сквидар, сольвент-нафт, уайтспирит ва бошқалардан фойдаланилади.

**Пигментлар.** Кимёвий бирикмалар билан бўялган, сувда ва бириктирувчиларда, шу-нингдек, органик эритмаларда эримайдиган ҳамда кукун ҳолатида суюқ боғловчилар билан осонгина аралашиб бўёқ ҳосил қиласидиган моддалар пигментлар деб аталади. Пигментлар ор-ганик ва минерал бўлади. Минерал пигментлар ўз навбатида, **табиий ҳамда сунъий** хилларга бўлинади.

### Кукун тўлдиргичлар

Алюмин кукуни жуда нафис майдалангандан, баргсимон заррачалардан иборат. Беркитиши хусусияти, майдаланиши даражаси ва кимёвий таркибига қараб алюмин кукуни 4 хил маркали қилиб чиқарилади. Ташқи кўриниши жиҳатидан олганда алюмин кукуни осон суркаладиган кумушкул ранглидир. Асосан темир юзаларни бўяш учун ишлатиладиган мойли, эмалли ва эмульсия бўёқ аралашмалар тайёрлаш учун ишлатилади. Беркитувчанлиги 40 г/м<sup>2</sup>га тенг.

Олтин ранг бронза худди алюмин кукуни сингари жез, бронза ёки мисни майдалаш йўли билан олиниади. Заррачалари бир хил тузилишга эга. Олтин ранг бронзани мойли ва эмалли бўёққа қўшиб, асосан, хархил ички безаш ишлари учун ишлатилади. Беркитувчанлиги 40 г/м<sup>2</sup>га тенг.

Бўёқбоп кукун тўлдиргичлар – о қ рангли бўёқ таркибларга ишлатиладиган пигментларни тежаш мақсадида қўлланиладиган эритувчиларда эримайдиган минерал модда. Кукун тўлдиргичлар қўшилганда бўёқ таркибларнинг хоссалари бирмунча ўзгаради, яъни уларнинг мустаҳкамлиги, кислоталар, ишқор, юқори ҳароратга чидамлилиги анчагина ортади. Бўёқ таркиблар ва буюм сиртини текислашда туйилган тальк, кум, чангсимон кварц, андезит, диа-баз, асбест ишлатилади.

Эпоксид бўёқдари асосида тайёрланадиган эмаль пигментларни эпоксид смолалари эритмасида қоришириб олиниади. Эпоксид эмаллари кимёвий элементлар таъсирига жуда чидамли. Шунинг учун у темир ва ёғоч буюмларни занглашдан ва чиришдан сақдаш мақсадида ишлатилади.

Нитробўёқлар ташқи ва ички бўёқ ишларида хомаки бўялган темир, ёғоч-тахта ва сувоқ юзаларини бўяш учун ишлатилади.

Нитроэмаль –нитроцеллюлоза ва смоланинг учувчан органик эритувчилардаги эритмаларидан иборат. Унга пигментлар ва пластификаторлар қўшилган бўлади. Нитроэмаллар ташқи муҳит таъсирида бўлмаган ёғоч-тахта ва хомаки бўялган темир юзаларни бўяш учун ишлатилади.

**Эмульсияли бўёқлар.** Полимерли сув (полимер эмульсияси) билан пигментларни қоришириб тайёрланган эмульсияли бўёқлар қурилишда жуда кўп ишлатилмоқда. Шулар-дан бири ПВА смоласидан тайёрланган эмульсияни пигментлар билан қоришириб олинган бўёқлардир. Бўёқ парда мўрт бўлмаслиги учун эмульсияга пластификатор дибутильфтолат қўшилади. Бу турдаги бўёқдар заводдан қурилишга қуюқ бўтқасимон ҳолатда келтирилади ва сув билан суюлтириб ишлатилади.

Смола, битум ва шу сингари парда ҳосил қилувчи моддаларни учувчан эритмаларда суюлтириб локлар олинади. Буюм юзасига суртилган лок эритувчининг учиб кетиши ҳисобига тез қуриб, қаттиқ, юпқа ва ялтироқ парда ҳосил қилади. Қурилишда кўп ишлатила-диган локларни қуийдаги гурухларга бўлиш мумкин. Мойли смола локлар – табиий ёки синтетик смолаларни тез қурийдиган мойларда эритиб, уларга сиккатив ва суюлтиргичлар қўшиб олинган лок. Мой билан смолаларни ара-лаштириб олинган локлар қуригандан кейин буюм юзасида қаттиқ ва ялтироқ парда ҳосил қилади. Аммо, бундай локлар спиртли локларга қараганда секинроқ қурийди. Унга 3–12 со-атдан сўнггина чанг ёпишмайди, 1–3 кунда эса у батамом қурийди. Бундай локлар таркибида мой миқдорисмолага нисбатан 2–4 марта кўп. Мойли смола локлари суртилган буюм ялтироқ, мустаҳкам, сув ва атмосфера таъсирига чидамли бўлади, ишлатишга тайёр ҳолда чиқарилади. Уларни янада суюлтириш лозим бўлса, озгина скипидар ёки эриткич бензин қўшиш кифоя. Улар бинонинг ички ва ташқи юзаларини бўяш, шунин-гдек, чидамли шпаклёвка ва грунтлар тайёрлаш учун ишлатилади.

**Смола локлар.** Синтетик смолаларни органик эритмаларда эритиш йўли билан мойсиз синтетик локлар олинади. Қурилишда энг кўп ишлатиладиган бундай локлардан бири моче-вина-формальдегид ва глифталь смолалардан олинадиган Мч-26 ёки Мч-52 маркали локлар-дир. Улар жуда қаттиқ, рангсиз, тиник, юқори ҳароратга ва сувга чидамли, шунингдек, ишқаланишга мустаҳкам бўлган парда ҳосил қилиб қотади. Мч-26 ва Мч-52 маркали локлар поллар юзини қоплаш ва бошқа ишқаланишга кўп ишлайдиган буюмларни локлаш учун иш-латилади

### **Топшириқлар.**

- 1.Лок ва бўёқлар ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
- 2.Алифлар ва эритувчилар ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
3. Кукун тўлдиргичлар ва эмулсияли бўёқлар ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.

### **Назорат саволлари**

1. Алиф тўғрисида баён қилинг.
2. Пигментларнинг хоссаларини баён қилинг.
3. Кукун тўлдиргичлар нима?
4. Эмулсияли бўёқлар тўғрисида гапириб беринг.

## **Амалий машғулот № 8**

### **Энергия самарадор иссиқлик изоляцияси материаллари мавзусида масалалар ечиш**

#### **Ишнинг мақсади**

Ушбу амалий машғулотнинг мақсади талабаларга энергия самарадор иссиқлик изоляцияси материаллари ҳақида тушунча бериш ҳамда амалий машқлар ишлаш.

#### **Ишнинг назарий асослари**

Умумий маълумотлар. Индустрисал қурилишда иссиқ изоляция ашёлари ва буюмла-рининг аҳамияти каттадир. Иссиқ изоляция ашёлари Қурилиш материалларининг бир тури бўлиб, кам иссиқлик ўтказувчанликхусусиятига эга.

Фуқаро, саноат ва маъмурий-маиший бинолардаги ҳар бир тўсиқ маълум даражада ўзидан иссиқ ва совуқни ўтказувчан бўлади. Бино деворларининг иссиқлик ўтказувчанигини камайтириш учун улар қалинлигини оширишга тўғри келади, бу эса қурилиш таннархини ошириб юбориб, иқтисодий қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун бинолардаги ҳар бир тўсиқ-деворларни иссиқ изоляция ашёлари ва буюмларидан ясаш тўсиқ-деворлар қалинлигини камайтиришга ва иқтисодий тежамкорликка олиб келади.

Иссиқ изоляция ашёларининг иссиқлик ўтказувчанлик хусусияти бу ашёлардаги ғовакликлар билан белгиланади. Ашёдаги ғовакликлар ҳаво билан тўлганлиги учун ҳам улар кам иссиқлик ўтказадилар, чунки ҳаво энг кам иссиқлик ўтказади (иссиқлик ўтказувчанилиги  $0,024 \text{ Вт}/\text{м} \cdot {}^{\circ}\text{C}$ ).

Иссиқ изоляция ашёлари юқори ғовакли бўлганликлари учун уларнинг ўртача зичлиги кичик бўлади.

Иссиқ изоляция ашёлари ва буюмларига қўйиладиган талаблар:

1. етарли даражада мустаҳкам бўлиши;
2. биологик таъсирга чидовчан, яъни чиришга чидамли бўлиши;
3. турли хил газ ва суюқликлар таъсирига чидамли бўлиши
4. гигроскопик бўлмаслиги, ҳамда қуруқ бўлиши (чунки намлик ортиши билан унинг иссиқ ўтказувчанилиги ошади) керак;

**Тузилишига қўра** иссиқлик изоляция ашёлари бир неча гурухга бўлинади, яъни ғовакли, донадор, толали, қатламли ва аралаш.

Ғовакли иссиқ изоляция ашёларига ғовакли газ бетон ва кўпик бетонлар, кўпик шиша ва бошқалар киради. Донадор иссиқ изоляция ашёларига керамзит

шағали ва унинг турлари, аглопорит, шунгизит ва бошқалар киради. Толали иссиқизоляция буюмларига минерал ва шиша пахта толалари, асбест толалари ва бошқалар киради. Қатламли иссиқизоляция ашёла-рига слюдаларни кўпчишиш йўли билан олинган вермикулит киради. Донадор ва толали иссиқ изоляция ашёлари асосида аралаш иссиқизоляция буюмлари тайёрланади.

Иссиқ изоляция ашёлари **шакли ва ташқи кўринишига, тузилишига, хом ашёнинг тури-га, зичлигига кўра** синфларга бўлинади.

Шакли, тузилиши ва ташқи кўринишига кўра донабай буюмларга (фишт, блок ва бошқалар); тасмасимон ва ипсимон ҳамда сочилувчан ҳолатдаги ашёларга бўлинади.

Хом ашёнинг турига кўра анорганик ва органик гурухларга бўлинади. Анорганик иссиқизоляция ашё ва буюмларига ғовакли бетонлар, минерал ва шиша пахта, сопол асоси-даги буюмлар ва бошқалар киради. Бундан ташқари хом ашёнинг турига қараб аралаш ҳолдаги иссиқизоляция буюмлари ҳам бор. Масалан, фибролит (минерал боғловчи ва ёғоч қипиғи аралашмаси) ёки минерал тахта билан органик боғловчи (битум) аралашмаси. Ўртacha зичлигига кўра иссиқизоляция ашёлари қуйидаги маркаларга бўлинади:

Жадвал

Иссиқ изоляция ашёларининг маркалари

Ашёлар гурухи	маркаси				
	15	25	35	50	75
Зичлиги жуда кичик	15	25	35	50	75
Зичлиги кичик	100	125	150	175	-
Зичлиги ўртacha	200	225	250	300	350
Зич	400	450	500	600	-

Иссиқ изоляция буюмларининг ғоваклиги жуда катта бўлғанлиги сабабли, уларнинг мустаҳкамлиги жуда кам бўлиб, 0,1 дан 1,5 МПа гача боради. Аммо иссиқ изоляция ашёлари таркибини тўғри танлаб ва технологик жараёнларни ўзгартириш орқали мустаҳкамлиги 5 МПа ва ундан ҳам юкори бўлган буюмлар олиш мумкин.

Иссиқ ўтказувчанилигига кўра иссиқ изоляция ашёлари қуйидаги синфларга бўлинади:

Жадвал

Иссиқ изоляция ашёларининг синфланиши

Иссиқ ўтказувчанилиги бўйича синфи	Иссиқ ўтказувчанилиги, Вт/(м <sup>0</sup> С)
Паст	0,06 гача
Ўртacha	0,06 дан 0,115 гача
Юкори	0,115 дан 0,175 гача

### Органик иссиқ изоляция ашёлари ва буюмлари

Органик иссиқизоляция ашё ва буюмлари учун хом ашё бўлиб, ёғоч қипиқлари, қириндилари, қамиш, канап, гўзапоя ва бошқа ўсимликларни поялари, ҳайвон жунлари ҳамда полимерлар ҳисобланади.

Ёғоч толалари, қириндилар ва қипиқларидан ёғоч толали ва ёғоч қириндилплиталар тайёрланади. Ёғоч толалари, қипиқларини соғ ўзини иссиқ изоляция ашёлари сифатида иш-латиб булмайди, чунки улар намлик таъсирида чирийди, чўкади ва ҳашаротларга осонгина ем бўлади. Шунинг учун ёғоч

толалари ва қириндиларига минерал ёки органик боғловчилар ва қўшимчалар қўшилади.

Қамиш плиталар - қамиш ўсимлиги пояларини пресслаш ва уларни пўлат симлар билан бириктириб тайёрланади. Қамиш плита иссиқ изоляцион буюмлар синчли ва тўсиқ де-ворларни қоплашда ишлатилади. Қамиш плиталарининг ўртacha зичлиги пресслаш даражаси-га кўра  $150\div300$  кг/м<sup>3</sup>гача булади. Иссиқлик ўтказиш коэффициенти 0,05 дан 0,09 Вт/м.<sup>0</sup>К.

Қамиш плиталар бошқа иссиқ изоляцион материалларга қараганда анча арzon, аммо ўтга чи-дамсиз, осонгина ёнади, ҳашаротларга ем булади, намлик таъсирида чирийди ва михлар би-лан беркитилиши ёмон, чунки михда яхши ушланмайди. Қамишли плита билан қопланган биноларни ёнғиндан сақлаш учун улар юзасини қоришмалар билан сувалади ёки қамиш пли-талари антипиренларга шимдирилади. Антипиренлар сифатида натрий фтор, бура, аммоний хлорид кабилар қўлланилади.

Ёғоч қириндили плиталар- ёғоч қириндиларини полимерли боғловчилар, терморе-актив смолалар ва антисептик моддаларни кўшиб аралаштириш ва иссиқ ҳолатда пресслаш йўли билан олинади. Сувдан ва чиришдан сақлаш учун парафин эмульсиялари қўшилади.

Ёғоч қириндили иссиқ изоляция буюмларни иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0,04 дан 0,09 Вт/м <sup>0</sup>К гача бўлади, ўртacha зичлиги эса  $200\div400$  кг/м<sup>3</sup>.

Ёғоч толалари плиталар –ёғоч қириндиларини майдалаш, титиш ва уларни полимер боғловчилар, гидрофоб қўшимчалар ёки антисептик моддала билан араштириб масса тайёр-лаш ва бу массалардан пресслаш ва қуритиш натижасида олинади. Иссиқ изоляцион ёғоч-толали плиталарнинг ўртacha зичлиги  $150\div300$  кг/м<sup>3</sup>, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти эса  $0,06\div0,1$  Вт/м.К. Ёғоч-толали ва ёғоч-қириндили плиталар бино деворлари ва шиферларини қоплашда ишлатилади. Улар мих, шурут ва мастикалар ёрдамида бириктирилади.

Фибролит – минерал боғловчилар (портландцемент, магнезиал боғловчи), химиявий моддалар (кальций хлор, суюқ шиша ва бошқалар) билан ишланган тасмасимон ёғоч қириндиларини сув билан аралаштириб, босим остида пресслаш ва буғлаш камераларида термик ишлов беришйўли билан тайёрланади. Одатда фибролит плиталарнинг узунлиги 2400 ва 3000 мм, эни 600 ва 1200 мм ҳамдақалинлиги 30 дан 150 мм гача қилиб тайёрланади. Иссиқ изоляцион фибролитнинг иссиқ ўтказувчанлиги 0,07 дан 0,12 Вт/м.К, ўртacha зичлиги  $300\div500$  кг/м<sup>3</sup>. Фибролит плиталар конструктив -изоляцион деворлар, тўсиқ деворлар ва қоплама бу-юмлар сифатида ишлатилади.

Арболит -портландцемент, ёғоч чиқиндили тўлдриувчи, химиявий қўшимчалар ва сув аралашмасидан иборат бўлиб, структурал тузилиши бўйича енгил бетоннинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Бунда боғловчи модда сифатида портландцемент, майда ва йирик тўлдирувчилар сифатида эса ёғоч чиқиндилиари ҳисобланади. Ёғоч чиқиндилиарни чиришдан сақлаш мақсадида улар кальций хлорид эритмаларига ёки эрувчан силикат шишаларга шимдирилади. Арболит теплоизоляцион буюмларни сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 5 дан 15 МПа, эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси эса 0,3 дан 1,5 МПа, иссиқлик утказувчанлиги 0,06 дан 0,18 Вт/м·К гача бўлади.

Арболит биноларни девор, тўсиқ девор ва қопламаларида иссиқ изоляцион материал сифатида ишлатилади.

Полиимерлар асосидаги органик иссиқ изоляцион материалларга кўпик полистирол, мипора сотопластлар киради.

**Физикавий тузилишлари бўйича** полимер иссиқ изоляция материаллар уч гурухга бўлиндаи: кўпикли, ғовакли ва ковакли (сото).

Кўпикполистирол - сферик заррали полистиролнинг бир-бирига туташидан ҳосил бўлган ғовакли моддадан иборат бўдлган иссиқ изоляцион материалdir. Ўртacha зичлиги  $15\div60 \text{ кг/м}^3$ . Иссиқлик ўтказувчанлиги  $0,03\div0,04 \text{ Вт/м}\cdot\text{К}$ . Кўпикполистирол – қурилишда де-ворларни, шифтларни ҳамда юпқа деворли панелларни иссиқ изоляциялаш мақсадида ишла-тилади. Кўпикполистирол алюминий, асбестцемент ва шишапластикалар билан яхши тута-шади.

Мипора –мочевиноформальдегид смола асосида блок шаклида тайёрланади. Мипора-нинг ўртacha зичлиги  $10\div20 \text{ кг/м}^3$ , иссиқлик ўтказувчанлиги  $0,03 \text{ Вт/м}\cdot\text{К}$ . Мипоранинг мустаҳкамлиги жуда кичик бўлганлиги учун иссиқ сақлагич тўлдирувчи ва товуш ютувчан материал сифатида ишлатилади.

Сотопластлар - қофоз ёки газламларни оловдан ҳимояловчи модалар ва синтетик смо-лалар шимдириш ва уларни бир-бирига елимлаш натижасида тайёрланади. Сетопласт ковак-ларини иссиқизоляция материаллар билан тулдириб, ковакларнинг икки томони мустаҳкам материал варақалари шишапластика, алюминий, фанера ва бошқалар билан беркитилади, натижада енгил ва етарли даражада мустаҳкам материал ҳосил бўлади. Бу материалларни тўсиқ деворлар, шифт деворлари сифатида ишлатиш мумкин.

Сотопластларнинг ўртacha зичлиги  $15\div20 \text{ кг/м}^3$ , иссиқлик ўтказувчанлиги  $0,04\div0,05 \text{ Вт/м}\cdot\text{К}$ .

### **Топшириқлар**

1. Иссик изоляция ашёлари ва буюмларига қўйиладиган талаблар хақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
2. Иссик изоляция ашёлари шакли ва ташқи кўринишига, тузилишига, хом ашёнинг тури-га, зичлигига кўра синфлар маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
3. Органик иссиқ изоляция ашёлари ва буюмлари хақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг

### **Назорат саволлари**

1. Иссик изоляция ашёлари ва буюмларига қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат
2. Иссик ўтказувчанлик бўйича изоляция ашёларининг синфланиши
3. Органик иссиқ изоляция ашёлари ва буюмларни санаб беринг.

## **Амалий машғулот № 9**

### **Қурилиш материаллари ва буюмлари бўйича ҳисоб-китобларни виртуал услубда ташкил этиш.**

Ушбу амалий машғулотнинг мақсади талабаларни қурилиш материаллари ва буюмлари бўйича ҳисоб-китобларни виртуал услубда ташкил этишга ўргатиш ҳамда амалий машқлар ишлаш.

#### **Ишнинг назарий асослари**

Керакли жиҳозлар: Бетон ва қоришималар учун тўлдирувчилар. Майда тўлдирувчи – кум

Вазифа: Хоссаларини аниқлаш.

Кум учун умумий тушунча ва қўйиладиган техник талаблар: Тўлдиргичлар бетоннинг асосий қисми хисобланади. Улар бетон хажмининг 80 - 85% ини, бинобарин, бетоннинг қаттиқ скелетини ташкил этади ва шу билан бетоннинг қуриб кичрайишини камайтиради ҳамда қуриб ёрилишининг олдини олади. Тўлдиргичларнинг сифати оғир бетоннинг техник хоссаларига жуда таъсир этади. Тўлдиргичлар доналари (зарралари)нинг йирик-майдалигига қараб, майда тўлдиргич (кум) ва йирик тўлдиргич (чақиқтош) каби хилларга ажратилади.

Оғир бетон тайёрлашда майда тўлдиргич сифатида табиий қум ишлатилади, қум пишиқ тоғ жинсларининг табиий равишда емирилишидан хосил бўлган, йирик-майдалиги 0,14-5 мм келадиган зарралардан иборат сочиувчан материалдир. Табиий қумлар жойлашишига қараб: дарё қуми, денгиз қуми ва жарликлар (тоғ) қуми деган номлар билан юритилади. Дарё ва денгиз қумларининг зарралари шаклан думалоқ, жарлик (тоғ) лар кумининг зарралари эса ўткир қиррали бўлади, бундай зарралар бетон билан яхши тишлashingadi. Бироқ жарликлар қумида заарли аралашмалар денгиз ва дарё қумларидағига нисбатан кўпроқ бўлади.

Кумнинг ўртача тўқма зичлигини аниқлаш

Таъриф: Қум 10 см баландликдан идишга эркин тушганлиги ва ўша масани хажмга бўлинганлиги кумнинг тўқма зичлиги дейилади.

Асбоб ва ускуналар: 1 л хажмли идиш, қуриши жавони, торози, линейка.

Ишлаш тартиби: Бетоннинг таркибини хисоблаш, қум зарралари орасидаги бўшлиқлар хажмини аниқлаш, шунингдек, қумни ташиб келтириш, тўлдиргичлар сақланадиган омборларни лойиҳалаш ва шу кабилар билан боғлиқ хисоблаш учун қумнинг тўкма зичлигни билиш керак. Тўкма зичликни аниқлаш учун оғирлиги 5 кг бўлган ўртача намуна қуриши жавонига жойланиб, массаси ўзгармайдиган бўлгунча  $110\pm5^{\circ}\text{C}$  хароратда қуритилади. Сўнгра қўзларининг диаметри 5 мм келадиган ғалвирдан ўтказилади, совитилади, кейин массаси аниқланган 1л сифимли металл цилиндрга 10 см баландликдан куракча билан оз-оздан ташлаб турилади, цилиндр лим-мо-лим тўлгач, уюлиб турган ортиқча қум металл ёки ёғоч чизғич билан текисланади, бу вақтда цилиндрни мутлақо силкитмаслик керак, акс холда қум зичлашади. Қумга тўла цилиндр тарозида тортилади. Қумнинг тўкма зичлиги формула ёрдамида хисобланади ва натижага жадвалга тўлдирилади

5.1-инчи жадвал.

№	МАССА, Г			Идишни хажми, см <sup>3</sup>	Тўкилган зичлик, г/ см <sup>3</sup>
	Идишни	Идиш били қумнинг	кумнинг		
1					
2					

Тўкилган қумнинг ўртача зичлигининг ўртача қиймати . . . кг/м<sup>3</sup>

Қумнинг зичлигини аниқлаш.

Асбоблар: Пикнометр (зичликни аниқловчи асбоб), тарози, қуриши жавони, элак.

Ишлаш тартиби: Қумнинг хақиқий зичлиги хажми 100 мл ва бўйнида белгиси бор пикнометрда аниқланади. Қумнинг ўртача намунасидан 30 - 40 г тортиб олиб, думалоқ тешикли (тешикнинг диаметри 5 мм) ғалвирда эланади. Ғалвирдан ўтган қум бокс ёки чинни косага солиниб, массаси ўзгармагунча қуритиш жавонида  $110\pm5^{\circ}\text{C}$  хароратда қуритилади. Сўнгра косани эксикаторда ўткир сульфат кислота ёки сувсиз кальций хлорид тепасида тутиб, қум уй хароратигача совитилади. Қуритилган қумдан икки марта 10 г дан тортиб олинади ва улар алохида-

алохіда пикнометрга (10 г дан) солинади; пикнометрлар тоза, қуритилған ва тарозида тортиб массаси аниқланған бўлиши лозим.

Кум солинган хар бир пикнометр тарозида тортилади. Кейин уларга (хажмининг 2/3 қисмігача) дистилланған сув қуийлади ва аралаштирилади, кейин пикнометрлар құмлар өкінің сувли ваннага қия холда жойланади. Құм зарраларидаги хаво пулфакчаларини чиқарып юбориш учун пикнометрдаги сув (кум) қайнатылади; хаво пулфакчалари чиқып кетгач, пикнометр латта билан артилади, уй хароратигача совитылади; пикнометрга құшымча дистилланған сув (буйнидеги чизикчага етказиб) қуийлади ва тарозида тортилади. Кейин пикнометрдан сув ва құм бўшатиб олиниб, пикнометр яхшилаб чайилади ва бўйнидеги чизикчага етказиб дистилланған сув қуийлади ва яна тарозида тортилади. Қумнинг хақиқий зичлиги  $0,01 \text{ г}/\text{см}^3$

гача аниқликда хисобланади

	Олинган құм микдори, г	Олинган хажм, $\text{см}^3$	Сиқиб чиқарылған хажм, $\text{см}^3$	қумнинг зичлиги, $\text{г}/\text{см}^3$
1				
2				

Зичликинің ўртача қиймати- . . . .  $\text{г}/\text{см}^3$

### Қумнинг бўшлиғини аниқлаш

Қумнинг ғоваклиги, яъни зарралари орасидаги бўшлиқлар қумнинг аввалдан хисоблаб чиқарылған зичлик кўрсаткичи бўйича аниқланади. Қумнинг зичлиги (хажм бўйича % да) формула ёрдамида  $0,1\%$  гача аниқликда хисоблаб чиқарылади:

Қумнинг зичлиги- . . . .  $\text{г}/\text{см}^3$

Тўкилған қумнинг ўртача зичлиги-  $\text{кг}/\text{м}^3$ .

Қумнинг бўшлиғи- . . . . %

Қумнинг намлигини аниқлаш.

Таъриф: Табиий холатдаги нормал хароратдаги қумнинг ўзида намлик сақланадиган қумнинг намлик даражаси дейилади.

Асбоб ва ускуналар: Қуритиш жавони, торози, куракча, вақт ўлчаги чи

Ишлаш тартиби: Қумнинг намлик даражаси қуидаги аниқланади: қумнинг ўртача намунасидан тарозида иккі марта ва хар гал камида 500 граммдан (1 граммгача аниқликда) тортиб олиниб, айрим-айрим холда ясси идишларга тўкилади-да, қуритиш жавонида, то вазни ўзгармайдиган бўлгунча  $110\pm5^\circ\text{C}$  хароратда қуритилади. Қуритиш жараёнда қумни хар 30 минутда металл куракча ёрдамида аралаштириб туриш тавсия этилади.

Кум қуригач, совитилади ва тарозида тортилади. Унинг намлиқ даражаси  $W$  (массаси бўйича % хисобида) формула ёрдамида хисоблаб чиқарилади:

### 5.3-жадвал

№	МАССА, Г			Намлиқ %
	Идишни	Идишни қум билан	Куритилгандан кейин идишни қум билан	
1				
2				
3				

Ўртacha - .....%

### Топшириқлар

- Бетон ва қоришималар учун ишлатидиган қумлар ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
- Тўлдиргичлар ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
- Бетон қоришмасидаги йирик тўлдиргичлар ҳақидаги маълумотларни ўрганинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.
- Бетон учун оғир, енгил ва ўта енгил тўлдиргичлар мавзусида масалалар ечинг.

### Назорат саволлари

- Кумга тариф беринг.
- Қумларнинг турлари
- Майда ва йирик тўлдирувчиларнинг бетон учун яроқли эканлиги қандай аниқланади?
- Майда ва йирик тўлдирувчиларнинг асосий хоссаларини изоҳлаб беринг.

## **Фойдаланадиган адабиётлар рўйхати**

### **Асосий адабиётлар**

1. Борщ И.М. и др. "Процессы и аппараты в технологии строительных материалов. – Киев.: Высшая школа, 1991. – 295с.
2. Буров Ю.С. «Технология строительных материалов и изделий» - М.: Высшая школа, 1988, 264 с.
3. Кавецкий Г.Д., Васильев В.В. Процессы и аппараты пищевой технологии. - М.: Колос, 1998. - 551 с.
4. Юсупбеков Н.Р., Нурмухамедов Х.С., Исматуллаев П.Р. Кимё ва озик-овкат саноатларининг жараён ва к-'рилмалари фанидан хисоблар ва мисоллар. - Т.: NISIM, 1999.-351 б.

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Юсупбеков Н.Р., Нурмухамедов Х.С., Исматуллаев П.Р., Зокиров С.Г., Маннонов У.В. Кимё ва озик-овкат саноатларнинг асосий жараён ва курилмаларини хисоблаш валойихалаш. -Т.: Жахон, 2000.-231 б.
2. Скобло А.И., Молоканов Ю.К., Владимиров А.И., Щелкунов В.А. Процессы и аппараты нефтегазопереработки и нефтехимии. - М.: Недра, 2000. - 677 с. 7. Гельперин Н.И. Основные процессы и аппараты химической технологии. - М.: Химия, 1991. - т.1-2. - 810 с.

3. Нурмухамедов Х.С., Гулямова Н.У., Нигмаджанов С.К., Туйчиев И.С. ва бошқалар. Кимёвий технологиянинг гидромеханик, иссиқлик масса алмашиниши жараёнлари буйича лаборатория ишлари.- Ташкент, ТашКТИ, 2000. - 128 б.

4. Нурмухамедов Х.С., Туйчиев И.С., Нигмаджанов С.К., Абдуллаев А.А., ва бошқалар. Кимёвий технология жараён ва курилмалари фани буйича сиртки булим талабалари учун назорат вазифаларни бажариш.- Т.: ТошКТИ, 2001. - 35с.

## **1-Лаборатория машғулоти**

### **Мавзу: Суюқликларни физика-кимёвий хоссаларини аниқлаш.**

Ишнинг мақсади: Суюқликларни физикавий-кимёвий хоссаларини ўрганиш.

#### **Назарий тушунча**

Суюқликлар деб, оқувчанлик хусусиятига эга бўлган, гўё маълум ҳажмга эга, лекин шаклга эга бўлмаган, қайси идишга солинса, шу идиш шаклини эгаллайдиган физикавий жисмга айтилади.

Гидравликада суюқлик деганда газ ҳам (ҳаво, буғ, турли газлар), томчисимон суюқликлар ҳам (сув, мой, бензин, эритилган металл ва х.к.) тушунилади.

Гидравликада идеал ва реал суюқликлар тушунчаси мавжуд.

Идеал суюқликлар математик ҳисобларини осонлаштириш мақсадида қабул қилинган бўлиб, улардаги ички қовушқоқлик кучлари ҳисобга оллинмайди. Аслида эса, ҳар қандай суюқлик ички қовушқоқлик кучларга эга. Демак, ҳакиқатда табиатда идеал суюқлик бўлмайди, яъни барча суюқликлар реал суюқликлардир.

Суюқликларнинг гидравликада фойдаланиладиган асосий физик хоссалардан бири: зичлик, солиштирма ҳажм, солиштирма оғирлик, сиқилувчанлик ва қовушқоқликлардир.

1. Зичлик деб, ҳажм бирлигидаги суюқликнинг массасига айтилади:

$$\rho = \frac{m}{V}, \text{ кг/м}^3 \quad (1.1)$$

Масалан: сув учун  $\rho=1000 \text{ кг/м}^3$ ,

ҳаво учун  $\rho=1,29 \text{ кг/м}^3$ .

2. Солиштирма оғирлик деб, ҳажм бирлигидаги суюқликнинг оғирлигига айтилади:

$$\gamma = \frac{G}{V}, \text{ Н/м}^3 \quad (1.2)$$

Масса билан оғирлик ўзаро қуйидагича боғланган:

$$m = \frac{G}{g}, \quad \frac{H \cdot c^2}{m} = \frac{\kappa g \cdot m \cdot c^2}{c^2 \cdot m} = \kappa g \quad (1.3)$$

агар бундаги масса миқдорини (1) га қўйсак, ; яъни

$$\gamma = \rho \cdot g, \quad (1.4)$$

СИ системасидаги зичлик билан МКГСС системасидаги солиширма оғирлик сон жиҳатдан бир-бирига тенгdir:

$$\rho_{си} = \gamma_{мкгсс}.$$

3. Зичлик катталигига тескари бўлган катталик, солиширма ҳажм деб аталади.

$$v = \frac{V}{m}, \quad \frac{m^3}{\kappa g} \quad (1.5)$$

4. Қовушқоқлик деб, суюқликларнинг ички ишқаланиш кучларига қаршилик қўрсатиш қобилиятига айтилади.

Нютон қонунига асосан ишқаланиш кучини аниқлаш формуласи қуйидагича:

$$P = \mu \cdot F \frac{dw}{dn} \quad (1.6)$$

бу ерда:  $P$  - ишқаланиш кучи, Н;

$\mu$  - динамик қовушқоқлик коеффиценти, Па·с;

$\Phi$  - ишқаланиш юзаси.  $m^2$ ;

$\frac{dw}{dn}$  - тезлик градиенти.

$$\text{Нютон қонуни формуласидан: } \mu = \frac{m \cdot dn}{F \cdot dw} \quad (1.8)$$

Динамик қовушқоқлик коеффицентининг турли системалардаги ўлчов бирликлари қуйидагича:

$$\mu_{си} = \text{Па}\cdot\text{с}, \quad \mu_{мкгсс} = \text{кг}\cdot\text{с}/\text{м}^2, \quad \mu_{сгс} = \text{дин}\cdot\text{с}/\text{см}^2 = \text{Пуаз}.$$

$$1 \text{ пуаз} = 100 \text{ СПЗ}$$

$$1 \text{ СПЗ} = 10^{-3} \text{ Па}\cdot\text{с}.$$

Гидравликада кинематик қовушқоқлик коеффицентидан ҳам фойдаланилади:

$$v = \frac{\mu}{\rho}; \quad (1.9)$$

1 см<sup>2</sup>/с=1 стокс (ст)=100 сст

Жадвалларда кинематик қовушқоқлик коеффициенти қиймати берилмаган ҳолда Пуазейл (инглиз врачи) формуласидан фойдаланилади (фақат сув учун).

$$v = \frac{0,0178}{1 + 0,03376t + 0,00221t^2}, \frac{sm^2}{s} \quad (1.10)$$

5. Суюқликларнинг сиқилиши ва кенгайиши.

Суюқликнинг сиқилиши ёки сиқилувчанлиги - ташқи босим ортганда ҳажмнинг камайишидир.

$$\rho_v = \frac{1}{\Delta P} \cdot \frac{\Delta V}{V}, \quad (1.11)$$

$$\Delta P = P_2 - P_1, \quad \Delta V = V_2 - V_1$$

Суюқликнинг температураси 1°C га ўзгарғандаги ҳажмнинг кенгайиши - температуравий кенгайиши дейилади.

$$\beta_t = \frac{1}{\Delta T} \cdot \frac{\Delta V}{V}, \frac{1}{k} = k^{-1} \quad (1.12)$$

$$\Delta T = T_2 - T_1$$

6. Сирт таранглик кучи - суюқликнинг ўз сатхини түғрилаб олишга интилиш кучидир.

$$\sigma = \frac{m}{l}, \quad (1.13)$$

Сирт таранглик кучи маълум бўлса, суюқликнинг капилляр бўйлаб кўтарилиши баландлигини топиш мумкин:

$$h = \frac{2 \cdot \sigma}{r \cdot \rho \cdot g}, \text{ м} \quad (1.14)$$

r - капилляр радиуси.

### Текшириш учун саволлар

1. Суюқлик нима ?
2. Гидравликада идеал ва реал суюқликлар деганда нима тушунилади?
3. Суюқликларнинг гидравликада фойдаланиладиган асосий физик хоссаларини айтиб беринг

## **2-Лаборатория машғулоти**

### **Мавзу: Ихтиёрий нүктадан гидростатик босимни аниқлаш.**

Ишнинг мақсади: Гидростатик босим ва ихтиёрий нүктадаги гидростатик босимни аниқлашни ўрганиш

### **Назарий тушунча**

Босим - бир бирлик юзага таъсир қилаётган куч миқдоридир. Агар таъсир юзаси бир нүктага қараб интилса, бу босим гидростатик босим дейилади.

$$P = \lim_{\Delta S \rightarrow 0} \frac{F}{\Delta S}; \quad \frac{H}{m^2} \quad (1.15)$$

Бу ерда:  $\Phi$  - куч, Н.;  $\Delta C$  - элементар юза,  $m^2$ .

СИ системасида: Па=Н/м<sup>2</sup>,

МКГСС системасида: кгк/м<sup>2</sup>,

СГС системасида: дн/см<sup>2</sup>.

Амалда босим физик ва техник атмосферада ўлчанади.

Физик атмосфера - нормал шароитда, яъни атмосфера ҳавоси 0<sup>0</sup> да денгиз сатҳидаги ўртача босимдир (атм).

$$\begin{aligned} 1 \text{ атм} &= 1,03 \text{ кгс/см}^2 = 013 \cdot 10^5 \text{ Па} = 760 \text{ мм.см.уст.} = 1,03 \cdot 10^4 \text{ кгс/м}^2 = \\ &= 1,03 \cdot 10^4 \text{ мм.сув.уст.} \end{aligned}$$

Техник атмосфера - техник ҳисобларда қўлланиладиган ўртача босимдир.  
(ат)

$$1 \text{ ат} = 1 \text{ кгс/см}^2 = 9,81 \cdot 10^4 \text{ Па} = 735 \text{ мм.см.уст.} = 10^4 \text{ кгс/м}^2 = 10000 \text{ мм.сув.уст.}$$

$$1 \text{ ат} = 10 \text{ м.сув уст.}, \quad 1 \text{ мм.сим.уст.} = 133,3 \text{ Па},$$

$$1 \text{ мм.сув.уст.} = 9,81 \text{ Па}, \quad 1 \text{ бар} = 750 \text{ мм.сим.уст.} = 10^5 \text{ Па} \approx 1 \text{ ат.}$$

Гидростатик босим 2 та асосий хусусиятга эга:

1. Гидростатик босим ўзи таъсир қилаётган юзага доимо тик йўналган бўлади.
2. Гидростатик босимнинг қиймати таъсир юзасининг жойлашишига боғлиқ эмас.



Расм 1.

Бу тенгламани келтириб чиқариш учун бирор идишда тинч ҳолатда турган суюқлик ҳажмидан элементар заррача (параллелепипед) ажратилади ва унга таъсир этаётган кучлар ўрганилади. (расм - 1). Бу ерда:

$$\Gamma = \text{гдм} \quad \text{дм} = \rho dV \quad \Gamma = \text{грдВ} \quad dV = dx dy dz$$

$x, y, z$  ўқларига проектсияланган умумий кучлар йифиндиси 0 га teng, бу ўқларга фақат гидростатик босим таъсир қиласи.

$$X \text{ ўқига проектсияси: } P dy dz - \left( P + \frac{\partial p}{\partial x} dx \right) = - \frac{\partial p}{\partial x} dx dy dz = 0$$

$$Y \text{ ўқига проектсияси: } P dx dz - \left( P + \frac{\partial p}{\partial y} dy \right) = - \frac{\partial p}{\partial y} dx dy dz = 0 \quad (1.16)$$

3

ўқига

проектсияси:

$$P dx dy \left( P + \frac{\partial p}{\partial z} dz \right) = - \rho g - \frac{\partial p}{\partial z} dx dy dz = 0$$

маълумки  $dx \neq 0$ , яъни  $dz \neq 0$ . Унда юқоридаги тенгламалар системасига математик ишлов берсак, қуйидаги ҳолга келади.

$$\left. \begin{aligned} - \frac{\partial p}{\partial x} &= 0 \\ - \frac{\partial p}{\partial y} &= 0 \\ - \rho g - \frac{\partial p}{\partial z} &= 0 \end{aligned} \right\} \quad (1.17)$$

Бу тенгламалар системаси - Эйлернинг мувозанат ҳолати учун дифферентсиал тенгламаси дейилади.

### Текшириш учун саволлар

1. Босим нима?
2. Физик атмосфера ҳақида тушунча беринг
3. Техник атмосфера ҳақида тушунча беринг

4. Эйлернинг суюқликнинг мувозанат ҳолати учун дифференциал тенгламасини тушунтириб беринг.

### **3-Лаборатория машғулоти**

#### **Мавзу: Анимал ва оддий суюқликлар учун ҳаракат тартибини аниқлаш**

Ишнинг мақсади: Анимал ва оддий суюқликлар учун ҳаракат тартибини аниқлашни ўрганиш

#### **Назарий тушунча**

Гидромеханика – суюқликнинг мувозанатини ва ҳаракатини ҳамда суюқлик билан унга тўла ёки қисман чўктирилган жисм ўртасидаги ўзаро таъсирини ўрганувчи фан.

Гидромеханик жараёнлар асосан: а) суюқликлар, газлар, уларнинг аралашмаларини трубопроводлар ва қурилмалар орқали силжитиш; б) ҳар хил жинсли системаларни турли усуллар билан ажратиш (чўктириш, синфлаш, филтрлаш, тцентрифугалаш); в) суюқ муҳитларни аралаштириш; г) қаттиқ жисмларни ҳаво оқими ёрдамида узатиш (пневматранспорт); д) мавхум қайнаш қатламининг ҳосил бўлиши кабиларни ўз ичига олади. Бу жараёнларнинг тезлиги гидромеханика қонунлари билан ифодаланади. Гидромеханика қонунлари гидравлика фанида ўрганилади.

Гидравлика икки асосий қисмдан: суюқликларнинг мувозанат қонунларини ўрганадиган гидростатика ва суюқликларнинг ҳаракат қонунларини ўрганадиган гидродинамикадан иборат.

Суюқликлар оқувчанлик хусусиятига эга бўлиб, молекуляр кучлар таъсири остида шар шаклини олади. Моддаларнинг суюқ ҳолатини газ ҳолат билан қаттиқ ҳолат оралиғи деб қаралади.

Суюқлик ва газларнинг ҳаракат тезликлари товуш тезлигидан паст бўлгани учун уларнинг ҳаракат қонунлари бир хил. Шунинг учун гидравликада суюқлик дейилгандага газ ҳам, суюқлик ҳам тушунилади. Уларни бир – биридан ажратиш учун суюқликлар томчили, газлар эса эластик суюқлик деб қаралади.

Суюқлик ва газлар қуйидаги хоссалари билан бир – бирига ўхшайди :  
1) суюқликлар худди газлар каби маълум шаклга эга эмас, унинг физик хоссалари барча йўналишида бир хил, яъни изотопдир;

2) газларнинг қовушқоқлиги кичик бўлиб, суюқликларнига якинлашади;

3) критик температурадан юқори температурада суюқликлар билан газлар орасидаги фарқ йўқолади.

Баъзи суюқликларнинг қовушқоқлиги жуда кичик бўлиб, температура ва босим таъсири натижасида ўз ҳажмини жуда кам миқдорда ўзгартиради, бундай суюқликлар идеал суюқликлар дейилади. Эластик суюқликларнинг ҳажми температура ва босим таъсирида кескин ўзгаради.

Агар суюқлик оқимида унинг заррачалари тезлиги ҳамда унинг ҳаракатига таъсир қилувчи факторлар (зичлик, температура, босим ва бошқалар) оқимнинг исталган кўндаланг кесим юзида вақт давомида ўзгармаса бундай оқим турғун ёки стационар деб аталади.

Турғун оқимда суюқлик тезлиги оқим ичида олинган нуқтанинг координаталари ( $x, y, z$ ) дан боғлиқ бўлиб, вақт ўтиши билан ўзгармайди:

$$\vartheta = f(x, y, z)$$

Нотурғун оқимда эса суюқликнинг тезлиги оқим ичида олинган нуқтанинг нафақат координаталаридан, балки вақтдан ҳам боғлиқ бўлади ёки

$$\vartheta = f(x, y, z, \tau)$$

Суюқликнинг нотурғун оқимига суюқлик сатхи ўзгариб турган идиш таглигига ўрнатилган жўмракдан чиқаётган суюқлик оқими мисол бўлади. Суюқлик сатхининг юқори бўлиши тезликнинг ошишига сабаб бўлса, унинг паст бўлиши оқим тезлигининг камайишига олиб келади.

Чўктириштезлигини аниқлаш учун алоҳида олинган шарсимон қаттиқ заррасжаларнинг суюқлик муҳитида эркин чўкишини текширамиз. Бунда заррачага оғирлик кучи  $\Gamma$ , кўтариш кучи  $A$  ва муҳитнинг қаршилик кучи  $P$  таъсир этади. Сўктиргичнинг ҳаракатлантирувчи кучини заррачаларнинг суюқликдаги оғирлиги бажаради:

$$P = G - A = \frac{\pi d^3}{6} g(\rho_k - \rho_M)$$

Бу ерда  $d$ - заррача диаметри,  $M$ ;  $g$  – оғирлик кучи тезланиши,  $m/c^2$ ;  $\rho_k$  – заррача зичлиги,  $kg/m^3$ ;  $\rho_M$  – мұхит зичлиги,  $kg/m^3$ .

Мұхитнинг қаршилиги  $P$  заррача йўналишига қарама–қарши бўлиб, ишқаланиш ва инерсия кучидан таркиб топган. Ламинар оқимда ишқаланиш кучи инерсия кучига нисбатан ката бўлади. Стокс қонунига кўра ламинар режимда шарсимон заррачанинг чўкишида мұхитнинг қаршилик кучи  $P$  қуидаги тенглама билан топилади:

$$P = 3\pi d \mu \omega_e, \quad (6.1)$$

Бу ерда  $\mu$  – мұхитнинг динамик қовушқоқлиги,  $Pa^*c$ ;  $\omega_e$  – заррачанинг эркин чўкиш тезлиги,  $m/c$ .

Чўкаётган заррача дастлаб тезроқ чўкади, бир оздан сўнг мұхитнинг қаршилик кучи ҳаракатлантирувчи кучга тенлашганда ўзгармас тезлик билан чўка бошлайди. Шу ўзгармас тезлик чўкии тезлиги дейилади. Заррача ўзгармас тезликка эга бўлганда  $P$  ва  $R$  нинг қийматини тенглаштириб қуидагиларни оламиз:

$$\frac{\pi d^3}{6} g (\rho_k - \rho_M) = 3\pi d \mu \omega_e \quad (6.2)$$

Бу ердан чўкиш тезлиги

$$\omega_e = \frac{d^2 g (\rho_k - \rho_m)}{18 \mu} \quad (6.3)$$

Бу (5) тенглама Стокс тенгламаси деб юритилади ва  $Re \leq 2$  бўлганда ишлатилади.

Кўпчилик ишлаб чиқариш жараёнларида суюқлик ва газлар сочиувчан донасимон материаллар қатламидан ўтказилади. Бу жараёнларга донадор материалларни қуритиш, қаттиқ маҳсулотларни экстраксиялаш, адсорбсия (етил спирти ишлаб чиқаришда спиртни кўшимча компонентлардан актив кўмир заррачалари ёрдамида тозалаш), қаттиқ донадор кондитер маҳсулотлари

сиртини қўшимча қатlam (глазур) билан қоплаш, донадор махсулотларни ҳаво оқими ёрдамида бир жойдан иккинчи жойга кўчириш каби жараёнларни мисол қилиш мумкин. Қатlamдаги зарралар ўлчамига қараб бир ўлчамли ёки қўп ўлчамли қатlamлар мавжуд.

Донасимон материаллар қатлами гидравлик қаршилик, солишифирма юза, заррачалар орасидаги бўшлиқ ҳажм каби катталиклар билан ҳарактерланади.

Донасимон материаллар орасидаги бўшлиқ ҳажмнинг қатlam ҳажмига нисбати *бўши ҳажм* дейилади.

$$\varepsilon = \frac{V - V_3}{V} \quad (6.4)$$

бу йерда  $V$  - қатlam ҳажми;  $V_3$  - заррачаларнинг умумий ҳажми.

Бўш ҳажмнинг қиймати тажриба орқали аниқланади.

Донасимон қатlamнинг гидравлик қаршилиги суюқлик оқимида босимнинг йўқолиши формуласидан аниқланади.

$$\Delta P = \lambda \frac{l}{d_3} \cdot \frac{\rho \cdot g^2}{2} \quad (6.5)$$

бу йерда  $\lambda$  - умумий қаршилик коеффициенти бўлиб, қатlamдаги барча гидравлик қаршиликларни ўз ичига олади;  $-$  қатlamнинг баландлиги;

- мос ҳолда қатlamдан ўтаётган мухитнинг зичлиги ва тезлиги,

$d_3$  - эквивалент диаметр:

$$d_3 = \frac{2 \cdot \varphi \cdot \varepsilon \cdot d}{3(1 - \varepsilon)} \quad (6.6)$$

$d$  - заррачанинг ўлчами;  $\varphi$  - заррачаларнинг шаклини белгиловчи катталик

$$\varphi = \frac{F_{uu}}{F} \quad (6.7)$$

- қатламдаги заррачанинг юзаси;  $F_{ii}$  - ҳажми текширилаётган заррача ҳажмига тенг бўлган шарнинг юзаси.

Шарсимон заррачалар учун  $\varphi = 1$ , куб шаклидаги заррачалар учун  $\varphi = 0,806$  баландлиги радиусидан 10 марта катта бўлган силиндрик заррачалар учун  $\varphi = 0,69$  Агар қатламнинг солиштирма юзаси ва бўш ҳажми маълум бўлса эквивалент диаметр қуидагича топилади:

$$d_e = \frac{4 \cdot \varepsilon}{a} \quad (6.8)$$

бу йерда  $a$  - солиштирма юза.

Солиштирма юза махсулот қатламиининг ҳажм бирлигига жойлашган ҳамма заррачалар юзасидан иборат:

$$a = \sum_{i=1}^n F_i / V \quad (6.9)$$

Агар қатлам кўп ўлчамли заррачалардан иборат бўлса, у ҳолда заррачаларнинг диаметри қуидагича топилади:

$$d = 1 / \sum_{i=1}^n \frac{x_i}{d_i} \quad (6.10)$$

бу йерда - диаметри бўлган заррачаларнинг массавий улушки.

Донадор заррачалар қатламидан ўтаётган суюқлик тезлигини аниқлаш қишин, шунинг учун дастлаб қуидаги тенгламадан суюқликнинг мавхум тезлиги аниқланади:

$$\vartheta_0 = V / F \quad (6.11)$$

$V$  - суюқликнинг ҳажмий сарф;  $\Phi$  - қатлам кўндаланг кесими юзаси.

Суюқликнинг ҳақиқий тезлиги эса қуидаги тенгламадан аниқланади:

$$\vartheta = \frac{\vartheta_0}{\varepsilon} \quad (6.12)$$

Умумий қаршилик коеффиценти қуидаги формуладан аниқланади:

$$\lambda = \frac{133}{Re} + 2.54 \quad (6.13)$$

Тенгламадаги Re - Рейнолдс мезони қуидагича ҳисобланади

$$Re = \frac{4 \cdot \vartheta_0 \cdot \rho}{a \cdot \mu} \quad (6.14)$$

бу йерда - мос ҳолда суюқликнинг динамик қовушқоқлик коеффиценти ва зичлиги.

### Текшириш учун саволлар

1. Гидромеханика нимани ўрганадиган фан?
2. Суюқлик ва газлар қайси хоссалари билан бир-бираига ўхшайди?
3. Суюқликларда чўкиш ва чўқтириш жараёни ҳақида гапириб беринг.

## 4 – Лаборатория машғулоти

### Мавзу: Бернулли тенгламаси ёрдамида напор сарфини аниқлаш

Ишнинг мақсади. Бернулли тенгламаси ёрдамида напор(дам) сарфини ўрганиш.

#### Назарий тушунча

Эйлернинг ҳаракатдаги суюқлик учун дифферентсиал тенгламасининг ҳар икки томонини мос равишда  $dx$ ,  $dy$ ,  $dz$  ларга кўпайтирилиб ва  $\rho$  га бўлиб, уларнинг йиғиндисини оламиз, яъни

$$\left. \begin{aligned} -\frac{1}{\rho} \frac{d p_x}{dx} dx &= \frac{dw_x}{d\tau} dx \\ -\frac{1}{\rho} \frac{d p_y}{dy} dy &= \frac{dw_y}{d\tau} dy \\ -gdz - \frac{1}{\rho} \frac{d p_z}{dz} dz &= \frac{dw_z}{d\tau} dz \end{aligned} \right\} \quad (3.11)$$

дан маълумки, буни ҳисобга олиб, системали йиғиндиласак,

$$kw_x dw_x + w_y dw_y + w_z dw_z. \quad (3.12)$$

(39) дан уларнинг йиғиндиси

$$d\left(\frac{w_x^2 + w_y^2 + w_z^2}{2}\right) = d\left(\frac{w^2}{2}\right) \quad (3.13)$$

ва

$$\left( \frac{d p_x}{dx} dx + \frac{d p_y}{dy} dy + \frac{d p_z}{dz} dz \right) = dp \quad (3.14)$$

чунки, тенгламанинг бу қисми босимнинг тўлиқ дифферентсиалини ифодалайди.

Унда (38) тенглама қўйидаги кўринишга келади:  $-gdz - \frac{dp}{\rho} - d\left(\frac{w^2}{2}\right) = 0$

ёки д ни қавсдан чиқарсак,  $\int -d\left(gz + \frac{p}{\rho} + \frac{w^2}{2}\right) = 0$  ва

г га бўлиб интегралласак, бу тенглама идеал суюқликнинг элементар оқимчаси учун Бернулли тенгламаси бўлади.

$$z + \frac{p}{\rho g} + \frac{w^2}{2g} = \text{const} \quad (3.15)$$

Бунда бутун олам сақланиш ва гидравликанинг асосий қонунлари ифодаланади.

Бу ерда:  $z$  - геометрик дам ёки нивелир баландлик, яъни таққослаш текислигидан кесманинг оғирлик марказигача бўлган масофа.

$\frac{p}{\rho g}$  - пайезометрик баландлик ёки статик дам.,

$\frac{w^2}{2g}$  - динамик дам ёки тезлик ҳосил қилган баландлик, м.

Бу дамлар йиғиндисини тўла гидродинамик дам деб юритилади. Исталган иккита кўндаланг кесма учун, яъни икки хил диаметрли қувур учун бу тенглама қўйидагича ёзилади:

$$z_1 + \frac{p_1}{\rho g} + \frac{w_1^2}{2g} = z_2 + \frac{p_2}{\rho g} + \frac{w_2^2}{2g} \quad (3.16)$$

Демак, Бернулли тенгламасига биноан идеал суюқликларнинг турғун ҳаракатида тўла гидродинамик дам бир қувурдан иккинчисига ўтганда ҳам ўзгармайди.

Бернулли тенгламасининг энергетик маъноси қўйидагича

$z$  - ушбу нуқтадаги ҳолатнинг солиштирма потентсиал энергиясини ифодалайди.

$\frac{p}{\rho g}$  - ушбу нуқтадаги босимнинг солиштирма потентсиал энергиясини ифодалайди.

ифодалайди.

$\frac{w^2}{2g}$  - ушбу нуқтадаги солиштирма кинетик энергияни ифодалайди.

Демак, турғун ҳаракатдаги идеал суюқлик учун потентсиал ( $z+$ ) ва кинетик () энергиялар йиғиндиси оқимнинг исталган нуқтасида ўзгармасдир. (расм 2).

Реал суюқликлар учун Бернулли тенгламаси қўйидаги кўринишга эга:

$$z_1 + \frac{p_1}{\rho g} + \frac{\alpha_1 w_1^2}{2g} + z_2 + \frac{p_2}{\rho g} + \frac{\alpha_2 w_2^2}{2g} + h_e \quad (3.17)$$

$$x_{\text{й}} = \sum x_{\text{л}} + \sum x_{\text{мк}} \quad (3.18)$$

$x_{\text{й}}$  - йўқотилган тўла дам.

$x_e$  - трубанинг узунлиги бўйича йўқотилган дам.


$x_{\text{мк}}$  - маҳаллий қаршилик ҳисобига йўқотилган дам.

$\alpha$  - Кориолис коефитсиенти. Бу коефитсиент кўндаланг кесим бўйича тезликнинг нотескис тақсимланишини ифодалайди.

**Бернулли тенгламаси** халқ хўжалигининг кўп саноат корхоналарида суюқликнинг тезлигини, сарфини ва идишлардан суюқликларнинг оқиб чиқиш вақтини аниқлашда кенг қўлланилади.


1. Пито найчаси (расм 10) тезликни аниқлашда ишлатилади.

$$h = \frac{w^2}{2g}; w = \sqrt{2gh}, \text{ м/сек.} \quad (3.19)$$



Расм 10. Пито–Прандтл найчаси.

2. Вентури найчаси.



Расм 11. Вентури найчаси.

Расмдаги икки кесим учун Бернулли тенгламасини ёзиб, қуйидаги мос үзгартиришлар, гурухлашларни бажарғач, тезлик ва сарф тенгламаси келиб чиқади:

$$\frac{p_1}{\rho g} + \frac{w_1^2}{2g} = \frac{p_2}{\rho g} + \frac{w_2^2}{2g} \quad (3.20)$$

$$\frac{w_2^2}{2g} - \frac{w_1^2}{2g} = \frac{p_1 - p_2}{\rho g} = h \quad (3.21)$$

$$\frac{w_2^2}{2g} - \frac{w_1^2}{2g} = h \quad (3.22)$$

Узлуксизлик тенгламасига асосан

$$B_{cek} = w_1 \phi_1 = w_2 \phi_2 = \dots = w_n \phi_n. \quad (3.23)$$

$$w_1 = w_2 \frac{f_2}{f_1} \quad f_1 = \frac{\pi d_1^2}{4} \quad f_2 = \frac{\pi d_2^2}{4} \quad w_1 = w_2 \frac{d_2^2}{d_1^2} \quad (3.24)$$

Буни (48) га қўйсак,

$$\frac{w_2^2}{2g} - \frac{w_1^2}{2g} \left( \frac{d_2}{d_1} \right)^4 = h \quad (3.25)$$

Бундан

$$w_2 = \sqrt{\frac{2gh}{1 - \left( \frac{d_2}{d_1} \right)^4}} \quad (3.26)$$


$$V_{cek} = \frac{\alpha \pi d_0^2}{4} \sqrt{\frac{2gh}{1 - \left(\frac{d_2}{d_1}\right)^4}}, \text{ м}^3/\text{с.} \quad (3.27)$$

бу ерда:  $d_0=d_2$ ; ва

$\alpha = f\left(Re, \frac{d_0}{d_1}\right)$  дроссел асбобларининг сарф коеффиценти. Дроссел асбобларининг диаметри труба диаметридан 3-4 маротаба кичик бўлади, шу сабабли охирги тенгламадан  $(d_2/d_1)^4$  нисбатлар микдори ҳам жуда кичик бўлгани учун бу тенгламани қуидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$V_{n_{\text{ае}}} = \frac{\alpha \pi d_0^2}{4} \sqrt{2gh} \quad (3.28)$$

3. Суюқликларнинг тешиклардан оқиб чиқиши. (расм 12)



Расм12. Идишнинг тешигидан суюқликнинг оқиб чиқиши

а– ўзгармас баландликда, б– ўзгарувчан баландликда.

Икки кесим учун Бернулли тенгламасини ёзамиз ва қуидагиларни инобатга оламиз:

$$P_1=P_2, w_1=0, z_1-z_2=X$$

У ҳолда , бундан, . Реал суюқликлар учун

$$w_2 = \varphi \sqrt{2gH}. \quad (3.29)$$

Бу ерда:  $\varphi$  - тезлик коеффициенти бўлиб, суюқлик тешикдан оқиб чиқаётгандаги дамнинг йўқолишини ҳисобига олинади.  $\varphi=0,97\div0,98$ .

$$\varepsilon = C_2/C_0 \text{ - сиқилиш коеффициенти.} \quad (3.30)$$

$$\varepsilon = 0,61\div0,64.$$

$$\mu = \varepsilon \varphi \text{ - сарф коеффициенти.} \quad (3.31)$$

$$\mu = 0,60\div0,63 \text{ у ҳолда } w_0 = w_2 = \varepsilon \varphi \sqrt{2gH} = \mu \sqrt{2gH},$$

$$Vc = \mu S_0 \sqrt{2gH}, \text{ м}^3/\text{с.} \quad (3.32)$$

Бу тенгламадан кўриниб турибдики, тешикчадан оқиб чиқаётган суюқлик миқдори тешикнинг эквивалент диаметри ва суюқликнинг баландлигига боғлиқ. Суюқликнинг баландлиги  $H_1$  дан  $H_2$  гача камайгандаги вақти қуидагича аниқланади: (расм 13)

$$\tau = \frac{2S\sqrt{H_1} - \sqrt{H_2}}{\mu \cdot S_0 \sqrt{2g}}, \text{ сек} \quad (3.33)$$

$C_0$  - тешикчанинг кўндаланг кесим юзаси.

$C$  - идишнинг кўндаланг кесим юзаси.

Идиҳдаги суюқликнинг тўлиқ оқиб чиқиш вақти қуидагича:

$$\tau = \frac{2S\sqrt{H_1}}{\mu \cdot S_0 \sqrt{2g}}, \text{ сек} \quad (3.34)$$

Думалоқ тешикдан оқиб чиқиш холи учун

$$\varepsilon = 0,64; \quad \varphi = 97; \quad \mu = 0,62 \text{ га тенг}$$

### Текшириш учун саволлар

1.Идеал суюқликнинг элементар оқимчаси учун Бернулли тенгламасини тушунтириб беринг

2.Бернулли тенгламасининг энергетик маъноси

3. Бернулли тенгламасининг халқ хўжалиги ва саноатда қўлланилиши


## 5 – Лаборатория машғулоти

### Мавзу: Узунлик бўйича ва маҳаллий қаршиликлар ҳисобига напор сарфини ҳисоблаш

Ишнинг мақсади: Узунлик бўйича ва маҳаллий қаршиликлар ҳисобига напор сарфини ҳисоблашни ўрганиш

#### Назарий тушунча

Гидродинамиканинг асосий масалаларидан бири - қувурлардаги ҳаракатланаётган суюқликнинг дами ёки босим йўқолишини аниқлашдир. чунки йўқотилган дамни билмай туриб энергия сарфини ҳисоблаш мумкин эмас. Трубалардаги дам асосан ички ишқаланишни ва маҳаллий қаршиликларни енгишга сарф бўлади. Ички ишқаланиш кучи трубанинг узунлиги бўйлаб мавжуд бўлади ва унинг катталиги суюқликнинг оқиш режимига боғлиқдир. Ундан ташқари трубалардаги ҳаракатланаётган суюқлик маҳаллий қаршиликларга дуч келади ва унинг оқим тезлиги ва йўналиши ўзгаради. Бу ҳам энергия йўқотишига олиб келади. Маҳаллий қаршиликларга: трубадаги жўмраклар, тирсаклар, торайган ва кенгайган қисмлари, ҳар хил тўсиқлар киради.



Расм 4.2 . Маҳаллий қаршиликлар.

а – трубанинг бирдан кенгайиши; б – трубанинг бирдан торайиши;  
в – трубанинг текис бурчак остида тўғри бурилиши; г – тўғри бурчак

остида трубанинг бирдан бурилиши; д – тиқинли кран; е – стандарт вентил (егилган шпиндел билан)

Ишқаланиш ва маҳаллий қаршиликлар турлари, коэффициентлари. Маҳаллий қаршиликлар натижасида суюқликнинг ҳаракат йўналиши ва тезлиги ўзгаради. Трубадаги вентиллар, тирсак, жўмрак, торайган ҳамда кенгайган қисмлар ва ҳар хил тўсиқлар **маҳаллий қаршиликлар** дейилади (4.2 - расм). Труба ва каналларда ички ишқаланиш ва маҳаллий қаршиликлар натижасида йўқотилган босим **Дарси – Вейсбах тенгламаси** орқали аниқланади:

$$\Delta P = \lambda \frac{l \rho v^2}{d_e \cdot 2} \quad (4.1)$$

бу йерда  $\lambda$  - ички ишқаланиш коефитсиенти;  $l$  – труба узунлиги, м;  $v$  - оқимнинг ўртача тезлиги, м/с;  $d_e$  - трубанинг эквивалент диаметри, м;  $\rho$  - суюқликнинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>.

Тўғри ва силлиқ трубаларда суюқлик оқими ламинар ҳаракатда бўлса, ишқаланиш коефитсиенти трубанинг ғадир – будирлигига боғлиқ бўлмайди ва қўйидаги тенглик орқали аниқланади:

$$\lambda = \frac{A}{Re} \quad (4.2)$$

бу йерда  $A$  – труба шаклини ҳисобга олувчи коефитсиент: думалоқ трубалар учун  $A=64$ , квадрат шаклидага каналлар учун  $A=57$ ; **Pe**- Рейнолдс мезони.

Гидравлик жиҳатдан силлиқ трубалар учун **Pe** нинг қиймати  $4 \cdot 10^3$  дан  $10^4$  гача бўлганда ишқаланиш коефитсиентини **Блазиус тенгламаси** орқали аниқлаш мумкин:

$$\lambda = \frac{0,316}{Re^{1/4}} \quad (4.3)$$

Турбулент оқимда ишқаланиш коефитсиентининг катталиги режимга ҳамда трубанинг ғадир – будирлигига боғлиқ. Трубанинг ғадир – будирлирлиги абсолют геометрик ва нисбий ғадир – будирликлар билан характерланади. Труба

деворларидаги ғадир – будирликлар ўртача баландлигининг труба узунлиги бўйича ўзгариши *абсолют геометрик ғадир – будирлик* дейилади.

Труба деворларидаги ғадир – будирликлар баландлигининг ( $\Delta$ ) трубанинг эквивалент диаметрига ( $d_e$ ) нисбати нисбий ғадир – будирлик дейилади ва  $\varepsilon$  билан ифодаланади:

$$\varepsilon = \frac{\Delta}{d_e} \quad (4.4)$$

Турбулент режим учун ишқаланиш коеффиценти  $\lambda$  ни топишда қуйидаги тенгламадан фойдаланиш мумкин:

$$\frac{1}{\sqrt{\lambda}} = 21g \left[ \frac{\varepsilon}{3.7} + \left( \frac{6.81}{Re} \right)^{0.9} \right] \quad (4.5)$$

Маҳаллий қаршиликлардаги босимнинг йўқотилиши қуйидаги тенглама орқали топилади:

$$\Delta P_{mk} = \sum \xi_{mk} \frac{\rho \omega^2}{2} \quad (4.6)$$

бу йерда  $\xi_{mk}$  - маҳаллий қаршилик коеффиценти (4.2 – жадвалга қаранг) унинг қиймати тажриба йўли билан аниқланади.

4.2 – жадвал.

#### Маҳаллий қаршилик коеффицентлари

Маҳаллий қаришилик турлари	Маҳаллий қаршилик коеффицентининг қийматлари
Трубага кириш	0.5
Трубадан чиқиш	1.0
Кран тўла очик бўлганда	0.2
Тирсак учун	1.1
Нормал вентил	4.5 – 5.5
Труба бурилиши $90^\circ$ бурчак остида бўлса	0.14

Ички ишқаланиш ва маҳаллий қаршиликларни енгиш учун умумий сарф бўлган босим қўйидагига тенг:

$$\Delta P = \left( \lambda \frac{l}{d_s} + \sum \xi_{mk} \right) \frac{\rho v^2}{2} \quad (4.7)$$

### **Текшириш учун саволлар**

1. Гидродинамиканинг асосий масалаларини сўзлаб беринг
2. Ишқаланиш ва маҳаллий қаршиликлар турлари, коэффициентлари
3. Маҳаллий қаршилик турлари

## **6 – Лаборатория машғулоти**

### **Мавзу: Мавҳум қайнаш қатлами гидродинамикаси.**

Ишнинг мақсади: Мавҳум қайнаш қатламининг ҳолатлари ва турларини ўрганиш. Мавҳум қайнаш қатламининг асосий гидромеханик характеристикалари (критик тезлик, гидродинамик қаршилик, бўш ҳажм)ни аниқлаш.

### **Назарий тушунча**

Хозирги вақтда қурилишнинг турли соҳаларида мавҳум қайнаш усули кенг қўлланилмоқда. Иссиклик алмашиниш, қуритиш, адсорбтсиялаш каби жараёнларда. Бу усулнинг қўлланилиши катта натижалар бермоқда. Мавҳум қайнаш жараёнида фазаларнинг контакт юзаси катта бўлиши туфайли жараён бир неча марта тезлашади. Натижада аппаратнинг иш унумдорлиги ошади. Мавҳум қайнаш қатламининг гидравлик қаршилиги нисбатан кичик. Мавҳум қайнаш икки хил (бир жинсли ва турли жинслар) кўринишда юз беради.

Саноатда асосан қаттиқ модда - газ системасидаги турли жинсли кўринишдаги мавҳум қайнаш қатлами кўпроқ ишлатилади. Донадор заррачалар мавҳум қайнаш қатламини ҳосил қилиш учун сим -тўр билан иккига ажратилган ихтиёрий шаклдаги идишга тўр устига донадо р маҳсулот солинади ва тўр орқали пастдан юқорига кичик тезлиқда газ ёки суюқлик оқими юборилади. Дастреб қатлам ўзгармай қолади. Оқим тезлиги аста -секин ошириб борилса, тезликнинг ма`лум қийматида қатламдаги маҳсулот оғирлиги оқимнинг гидродинамик босим кучига teng бўлиб қолади, бу ҳолда қаттиқ заррачалар гидродинамик мувозанат бўлмайди, қатлам мавҳум қайнаш ҳолатини эгаллайди, яъни қатлам худди қайнаётгандек кўринади.

Қатламнинг ўзгармас ҳолатидан мавҳум қайнаш ҳолатига ўтишига тўғри келадиган муҳитнинг оқим тезлиги мавҳум қайнашнинг бошланиш тезлиги ёки биринчи критик тезлик дейилади. Агар оқим тезлигини ошираверсак, тезлик мавҳум қийматга этгач гидродинамик босим кучлари

маҳсулотнинг оғирлик кучидан ошиб кетади, натижада маҳсулот зарралари оқим билан бирга чиқиб кета бошлайди. Шу ҳолатга тўғри келувчи тезлик чиқиб кетиш тезлиги ёки иккинчи критик тезлик дейилади. Шундай қилиб, мавхум қайнаш биринчи ва иккинчи критик тезликлар ўртасида юз беради.

Агар зарралар ўлчами катталашиб, аппаратнинг диаметри кичиклашса ва газнинг тезлиги ошса ўзаро поршенли қатlam пайдо бўлади. Намлиги юқори бўлган қаттиқ маҳсулот ёки ўлчами жуда кичик маҳсулот мавхум қайнаш ҳолатига келтирилса канал ҳосил қилувчи қатlam пайдо бўлади.

Конуссимон ёки конус - тсилиндрсимон аппаратларда канал ҳосил қилувчи қатlam фонтанли қатlamга айланади.

### **Тажриба қурилмасининг тузилиши.**

Тажриба қурилмасининг тузилиши 4.1 - расмда тасвирланган. Курилма вентилятор 1, вертикал ҳолда жойлашган призмасимон шиша идш 2 дан иборат.

Ҳаво сарфини ўзгартириш учун вентилляторнинг сўриш трубасига эркин силжитиши имкони бўлган тўсик 3 ўрнатилган. Материал 4 ни ушлаб туриш учун идишнинг ичига сим тўр 5 ўрнатилган.

### **Ишни бажариш тартиби:**

Синовни бошлашдан олдин донадор қатlamни тавсифловчи катталиклар 4.1. жадвалда қайд қилинади: материалнинг массаси  $m$  (кг); унинг зичлиги  $p$ -(кг/м<sup>3</sup>); зарранинг ўртача ўлчами  $a$  (м); ускунанинг ички юзаси  $C$  (м<sup>2</sup>).


Сўнgra қурилмани ишга тайёрлашга киришилади. Биринчи навбатда вентиллятор ишга туширилади. Ҳавонинг мавхум қайнаш режимига мос келувчи тезлиги ўрнатилади. Бунинг учун анемометрдан фойдаланилади. Маҳсулот қатламининг баландлиги ўлчанади.

Ҳаво тезлигини анемометр ёрдамида ўлчаш қўйидагича амалга оширилади: анемометр кўрсатгичи (н) ўнлик, юзлик ва мингликларда ёзиб олинади. Сўнgra секундомерни ишга тушириш анемометрни горизонтал ҳолатда

ҳаво оқими йўлида жойлаштирилади. Анемометри ҳаво оқимида 100 секунд ушлаб тургач учта тсиферблат бўйича унинг кўрсаткичи ( $n_2$ ) ёзиб олинади.

Ўлчаш бошидаги ва охиридаги анемометр кўрсаткичлари орасидаги фарқ аниқланади. Олинган фарқни 100 секундга бўлиб ҳаво оқимининг тезлиги аниқланади, (м/с).

$$V_x = \frac{n_2 - n_1}{100} \quad (3.1)$$



**4.1 - rasm. Tajriba qurilmasining tuzilishi.**

1 - ventilyator, 2 - prizmasimon shisha idish, 3 - to'siq,

4 - donasimon material qatlami, 5 - sim to'r.

Ventilyator so'rish trubasidagi to'siqni ko'tarib havo sarfi, mos ravishda uning tezligi o'zgartiriladi. SHunday qilib havo sarfi va tezligining uch xil qiymatida sinov o'tkaziladi. O'lchash natijalari 4.1. jadvalga kiritiladi.

Mahsulot massasi -  $m = 80 \text{ gr}$

zarranining o'rtacha o'lchami -  $a = 2,5 \text{ sm}$

uskunaning ichki yuzasi -  $S_{ap} = 0,06 \text{ m}$

zarranining zichligi -  $\rho = 20 - 30 \text{ kg/m}^3$

**Jadval 4.1**

No	Havo oqimining tezligi $v, \text{m/s}$	Qatlam zichligi $\rho, \text{kg/m}^3$	Material qatlami balandligi $H, \text{m}$

Тажриба натижаларини ҳисоблаш.

1. Мавхум қайнаш бошланишига мос келувчи ҳаво оқими тезлиги Лев формуласи бўйича аниқланади.

бу эрда:  $a$  – зарранинг ўртача ўлчами, м;

- ҳавонинг кинематик қовушқоқлик коеффициенти, ҳаво температурасига боғлиқ ҳолда маълумотлар тўпламидан аниқланади, м<sup>2</sup>/с.

$$\rho_z = \text{zarraning zichligi, kg/m}^3.$$

2. Ҳавонинг сарфи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$G_x = V_x \cdot S_T \quad (3.3)$$

бу эрда  $S_T$  - ҳаво кироятган трубканинг ко'ндаланг кесим ўзаси, м<sup>2</sup>;

3. Мавхум қайнаш қатламидаги босимлар фарқи қуйидагича аниқланади:

$$\Delta P_k = (\rho_3 - \rho_x) \cdot g (1 - \varepsilon) \cdot h \quad (3.4)$$

бу эрда  $\varepsilon$  - қо'зг'алмас қатлам бо'sh hajmi;

$g$  - erkin tushish tezlanishi, м/с<sup>2</sup>;

$h$  - mavhum qaynash қатламining balandligi, м.

$$\varepsilon = 1 - \frac{\rho_k}{\rho_z} \quad (3.5)$$

4. Ҳаво оқимининг ичидағи соxта тезлиги қуйидагича аниқланади:

$$\omega_o = G_x / S_{an} \quad (3.6)$$

бу эрда  $S_{an}$  - apparatning ko'ndalang kesim ўзаси, м<sup>2</sup>.

5. Ҳаво оқимининг аппарат ичидағи ҳақиқий тезлиги қуйидаги тенгламадан аниқланади:

$$\omega = \frac{\omega_0}{\varepsilon} \quad (3.7)$$

6. Қайнаётган қатламдаги зарраларнинг аралashiш тезлигини характерловчимавхум қайнаш сони қуйидагича аниқланади:

$$N = \frac{\omega}{V_{kp}} \quad (3.8)$$

Hisoblash natijalari 3.2 – jadvalga yoziladi.

Jadval 3.2.

<b>№</b>	<b>Havoning sarfi</b> $G_k \quad m^3 / s$	<b>Bo'sh hajm,</b> $\varepsilon$	<b>Bosimlar farqi</b> $\Delta P_k, \quad Pa$	<b>Mavhum qaynash soni</b> $N$

Olingan natijalar bo'yicha  $\Delta P_k = f(\omega)$  grafigi quriladi.

### Такрорлаш учун саволлар.

1. Мавхум қайнаш қатламининг қанақа ҳолатлари мавжуд?
2. Мавхум қайнаш қатлами нима мақсадларда фойдаланилади?
3. Мавхум қайнаш тезлиги тажрибада қандай аниқланади?
4. Мавхум қайнаш сонининг физик ма'носи нима ва у сон қандай аниқланади?
5. Бўш ҳажм деб нимага айтилади ва у қандай аниқланади?
6. Солиштирма юза нима?

## **7-лаборатория машғулоти**

**Мавзу:** Насосларни ва вентиляторларни асосий параметрларини ҳисоблаш

**Ишнинг мақсади:** Насосларнинг тузилиши, иш тарзини ва принципиал схемаларини ўрганиш

### **Назарий тушунча**

Озиқ-овқат ва кимё саноатининг барча тармоқларида суюқликлар горизонтал ва вертикал трубалар орқали узатилади. Суюқликларни узатиш учун мўжалланган машиналар (курилмалар) **насослар** дейилади. Трубанинг бошланғич ва охирги нуқталаридаги босимлар фарқи трубаларда суюқликнинг оқиши учун ҳаракатланувчи куч ҳисобланади. Суюқлик оқимининг трубалардаги ҳаракатлантирувчи кучи гидравлик машиналар ёки насослар орқали ҳосил қилинади. Насос электр двигателдан механик энергия олиб, уни суюқлик ҳаракатининг оқим энергиясига айлантириб, босимини оширади.

Насослар иқтисодиётнинг барча соҳаларида: машинасозлиқда, металлургияда, озиқ-овқат ва кимё саноатида, эр ишларини гидромеханизациялаштиришда ва кўпчилик бошқа тармоқларда кенг қўлланилади.

Насослар асосан икки турга: динамик ва ҳажмий насосларга бўлинади. Динамик насосларда суюқлик ташқи куч таъсирида ҳаракатга келтирилади. Насос ичидаги суюқлик насосга кириш ва ундан чиқиш трубалари билан узлуксиз боғланган бўлади. Суюқликка таъсир қиласиган кучнинг турига кўра, динамик насослар парракли ва ишқаланиш кучи ёрдамида ишлайдиган насосларга бўлинади.

Парракли насослар ўз навбатида марказдан қочма ва пропеллерли (ўқли) насосларга бўлинади. Марказдан қочма насосларда суюқлик иш ғилдирагининг марказидан унинг четига қараб ҳаракат қиласа, пропеллерли насосларда эса суюқлик ғилдиракнинг ўқи йўналишида ҳаракат қиласи.

Ишқаланиш кучига асосланган насослар икки хил (уормавий ва оқимли) бўлади.

Уормавий ва оқимли насосларда суюқлик асосан ишқаланиш кучи таъсирида ҳаракатга келади.

Ҳажмий насосларнинг ишлаш принципи суюқликнинг маълум бир ҳажмини ёпиқ камерадан итариб чиқаришга асосланган. Ҳажмий насослар жумласига поршенли, плунжерли, диафрагмали, шестерняли, пластинали ва винтсимон насослар киради.


Саноатда суюқликларни сиқилган газ (ёки ҳаво) ёрдамида узатиш учун **газлифтлар ва монтежюлар** ҳам ишлатилади.

**Умумий босим.** Суюқликни пастки идишдан (5.1-расм) сўриш ва ҳайдаш трубалари орқали ҳайдаш учун двигателъ насосга зарур энергия бериши, яъни насос босими (напор) ҳосил қилиши лозим.

Насоснинг умумий босимини 5.1- расмдаги насос қурилмасидан аниқлаш учун сўриш ва ҳайдаш трубалари учун Бернулли тенгламасининг ўзгаришидан фойдаланамиз. Бунинг учун сўриш ва ҳайдаш вақтидаги параметрларнинг ўзгаришини қуидаги тартибда

аниқлаймиз:

$P_1$  — суюқлик сўриб олинаётган идишдаги босим; — юқорида Жойлашган идишдаги босим;  $P_c$ ,  $P_x$  — суюқликнинг насосга киришидаги ва чиқишидаги босими;  $H_c$  — суриш баландлиги;  $H_x$  — ҳайдаш баландлиги;  $H_r$  — суюқликнинг геометрик кўтарилиш баландлиги;  $x$  — вакуумметр ва манометр ўрнатилган нуқталар орасидаги вертикал масофа.



**Расм 1.2.** Насоснинг умумий босимини аниқлаш.

- 1-суюқлик узатиладиган резервуар;
- 2- суюқлик қабул қилувчи резервуар;
- 3- насос; М- манометер; Б- бакуумметр.

Пастки идишдаги суюқликнинг эркин сиртига (5.1- расм) атмосфера босими  $P_0$  таъсир этади. Суюқлик сўриш трубаси орқали баландликка кўтарилиб, насоснинг иш камерасини тўлдириши учун бу камерада сийракланиш (яъни вакуум) вуЖудга келтириш керак. Бунда иш камерасига қолдиқ абсолют босим  $P_c < P_0$  таъсир этади. Босимлар фарқи ( $P_0 - P_c$ ) ҳосил бўлганлиги сабабли суюқлик устунининг метрларда ифодаланган босими  $(P_0 - P_c)/\rho g$  ҳосил бўлади. Бу босимнинг бир қисми суюқликни сўриш трубасида Н баландликка кўтариш учун, қолган қисми эса суюқликнинг трубада  $w$  тезлик билан ҳаракатланишига ёки тезлик босимини ҳосил қилиш учун ва сўрилаётган суюқлик йўлида учрайдиган барча қаршиликларни енгишга сарфланади. У ҳолда:

$$\frac{P_o}{\rho g} - \frac{P_c}{\rho g} = H_c + \frac{\omega^2}{2g} + h_c \quad (8.6)$$

Узатилаётган суюқликнинг кайнаб кетишини хисобга олган холда (у доим сурилиши учун) сурилиш трубаларидағи босим шу температурадаги суюқликнинг туйинган буг босими  $P_m$  дан юкори булиши керак. Бунда насоснинг нормал ишлаши учун тенглама куйидагича ёзилади:

$$\frac{P_c}{\rho g} = \frac{P_o}{\rho g} - (H_c + \frac{\omega^2}{2g} + h_c) \geq \frac{P_t}{\rho g}$$

Бу йердан

$$H_c \leq \frac{P_o}{\rho g} - (\frac{P_t}{\rho g} + \frac{\omega^2}{2g} + h_c) \quad (8.7)$$

Температура ортиши билан суюқликнинг тўйинган буғ босими ҳам ортиб, у қайнаш температурасида ташқи атмосфера босимига тенглашади, бу вақтда сўриш баландлиги нолга тенг бўлади. Шунинг учун қовушоқоқлиги юкори ва иссиқ суюқликларни узатаётганда насос қабул қилувчи идишга нисбатан пастроқ ўрнатилиши зарур.

Насослар сўриш баландлигининг узатилаётган сув температураси билан боғлиқлиги 8.1-Жадвалда берилган.


### 8.1-Жадвал. Сўриш баландлигининг ўзгариши

Сувнинг температураси, $^{\circ}\text{C}$	10	20	30	40	50	60	65
Сўриш баландлиги, м	6	5	4	3	2	1	0

Худди шунингдек, сўриш баландлигини ҳисоблашда гидравлик ва маҳаллий қаршиликларни енгиш учун кетган сарфлардан ташқари, марказдан қочма насосларда кавитатсия ходисаси, поршенли насосларда эса инертион куч таъсирида бўладиган босим йўқолишлари инобатга олинини лозим.

**2.** Умумий напорни аниклаш. Поршенли насослар, ишлаш принципи, тузилиши ва хажмий фойдали иш коэффициенти. Марказдан кочма насослар ва унинг асосий тенгламаси. Насослар характеристикаси. Пропорционаллик конуни.

**Поршенли насослар.** *Поршенли насосларнинг тузилиши ва ишлаш принципи.* Поршенли насосларда суюқлик ҳайдаш трубасига илгариланма – қайтма ҳаракат қилувчи механизмлар орқали узатилади. Поршенли насослар воситасида ҳар қандай қовушқоқликдаги суюқликларни узатиш мумкин. Поршенли насослардан оз миқдордаги суюқликларни юқори босимда узатишда ва суюқлик сарфи ўзгармас бўлиб, босим кескин ўзгарадиган ҳолларда фойдаланиш қулай.



Бу насосларда поршен насос қобигида горизонтал ва вертикал ҳолларда жойлашган бўлиши мумкин. Ишлаш принсипига кўра поршенли насослар оддий, икки босқичли ва кўп босқичли бўлади.

Поршен суюқликни фақат олд томони билан сиқиб чиқарадиган насос оддий бир томонлама ишлайдиган насос дейилади.

Агар насос силинтрида поршеннинг иккала томонида жойлашган иш камераси бўлса ва поршен улардан суюқликни кетма – кет сиқиб чиқарса, бундай насос икки босқичли ёки икки томонлама ишлайдиган насос дейилади.

Оддий поршенли насоснинг ишлаш принсипини кўриб чиқамиз. Насос поршени сўриш жараёнида ўнг томонга ҳаракат қилганда иш камерасининг ҳажми катталашади. Ундаги босим камайиб, сийракланиш ҳосил бўлади. Пастки резервуардаги (насос суюқликни сўриб оладиган бассейндаги) суюқликнинг еркин сирти атмосфера босими  $P$  таъсирида бўлади. Атмосфера босими билан пасайтирилган босим  $P_c$  орасидаги фарқ таъсирида суюқлик резервуардан сўриш трубаси бўйлаб силиндрга қўтарилади ҳамда сўриш клапанини очиб, насоснинг иш камераси бўшлигини тўлдиради. Поршен ўнг чекка ҳолатни эгаллаб, чап томонга ҳаракат бошланиши билан сўриш клапани ёпилиб, хайдаш клапани очилади ва силиндрда йигилган суюқлик поршен воситасида узатиш трубасига сиқиб чиқарилади.

Поршенли насосларнинг сарфи қуидагича аниқланади:

$$Q_q = \eta_v \cdot \frac{FnS}{60} \text{ м}^3/\text{с} \quad (9.5)$$

$\Phi$  - ишчи тсилиндрнинг кўндаланг кесим юзаси,  $\text{м}^2$ ;

$S$  - поршен юриш йўли,  $\text{м}$ ;

$n$  - айланишлар сони, айл/м.

Кўп босқичли насослар учун

$$Q_q = \eta_v \frac{iFnS}{60}, \text{ м}^3/\text{с} \quad (9.6)$$

и - босқичлар сони.

$\eta_v$  - Поршеннинг фойдали иш коеффиценти,

$$\eta_v = \frac{Q_{xak}}{Q_{naz}} \quad (9.7)$$

$$\eta_v=0,85\div0,95$$

Насоснинг қуввати қуйидагича аниқланади:

$$N = \frac{QSgH}{1000\eta}, \text{ кВт}$$

Суюқликнинг ҳаракат тезлиги ва босимларининг пулсасияланишини тенглаштириш ҳамда суюқликнинг сўриш ва ҳайдаш трубаларида бир меъёрда текис оқишини таъминлаш учун насосга маҳсус қурилма (ҳаво қалпоқчалари) ўрнатилади.

Поршенли насосларнинг ишлаш принтсиби ишчи органнинг илгариланма қайтарма ҳаракатланиши натижасида суюқликни сиқиб чиқаришга асосланган.

1-ишчи тсилиндр, 2-поршен, 3-шток, 4-судралувчи (ползун), 5-штатун, 6-кривошип, 7-8-сўриш ва узатиш йўлларидағи клапанлар.

Поршенли насосларнинг сарфи қуйидагича аниқланади:

$$Q_q = \eta_v \cdot \frac{FnS}{60} \text{ м}^3/\text{с} \quad (9.8)$$

$\Phi$  - ишчи тсилиндрнинг кўндаланг кесим юзаси,  $\text{м}^2$ ;

$S$  - поршен юриш йўли,  $\text{м}$ ;

$n$  - айланишлар сони, айл/м.

Кўп босқичли насослар учун

$$Q_q = \eta_v \cdot \frac{iFnS}{60}, \text{ м}^3/\text{с} \quad (9.9)$$

$i$  - босқичлар сони.

$\eta_v$  - Поршеннинг фойдали иш коеффиценти,

$$\eta_v = \frac{Q_{xak}}{Q_{naz}} \quad (9.10)$$


$$\eta_v=0,85\div0,95$$

Насоснинг қуввати қуйидагича аниқланади:

$$N = \frac{QSgH}{1000\eta}, \text{ кВт} \quad (9.11)$$

Поршенли насосларнинг асосий характеристикаси 32-расмда кўрсатилган. Поршенли насосларнинг афзаллиги жуда юқори босимли дам ҳосил қила олади. Камчилиги - ишчи орган билан тсилиндр ишқаланишлари сабабли тез ишдан чиқади, сўриш ва узатиш бир текис эмас ва х.к.

**Марказдан қочма типдаги насослар.** Марказдан қочма насосларда спиралсимон қобик ичидаги парракли ишчи ғилдирак жойлашган бўлади. Ишчи ғилдиракнинг айланишида марказдан қочма куч ҳосил бўлади. Бу куч таъсирида суюқликнинг сўрилиши ва уни ҳайдаш бир меъёрда узлуксиз боради. 8.1 – расмда марказдан қочма насос схемаси кўрсатилган.



8.1 - rasm. Марказдан қочма насос.

- 1-спиралсимон қўзғалмас камера;
- 2- иш ғилдираги; 3-парраклар;
- 4- вал; 5- сўрувчи труба; 6- кириш клапани; 7- тўрли філтр;
- 8- узатувчи труба; 9- суюқлик

Насос ишга туширилишидан олдин сўриш трубаси, иш ғилдираги ва қобик суюқлик билан тўлдирилади. Шундан кейин двигател ток манбаига уланади ва иш ғилдираги ҳаракатга келтирилади. Суюқлик ғилдирак билан бирга айланиб, марказдан қочма куч таъсирида парраклар воситасида ғилдиракнинг марказидан чеккасига отилиб, спиралсимон қўзғалмас камерани тўлдиради ва ҳайдаш трубаси орқали баландликка кўтарилади. Бунда иш ғилдирагига кириш олдида сийракланиш вужудга келади. Суюқлик атмосфера босими таъсирида йиггич резервуардан кириш клапани орқали сўриш трубасидан насосга кириб, иш ғилдиракнинг марказий қисмини тўлдиради ҳамда

ғилдиракнинг чеккаларига чиқариб ташланади ва ҳоказо. Шундай қилиб, узлуксиз марказдан қочма куч таъсирида суюқликнинг насос орқали ўтадиган узлуксиз оқими вужудга келади.

Суюқликнинг иш ғилдираги орқали оқиб ўтишида двигателнинг механик энергияси суюқлик оқими энергиясига айланади. Бунда ишчи ғилдиракдан чиқиш олдида суюқликнинг босими ортади.

Босим (дам), қувват ва ФИК ларнинг сарфга бўклиқлик графиклари насоснинг характеристикалари дейилади, яъни:

$$H=\phi_1(K), H=\phi_2(K), \eta=\phi_3(K). \quad (27\text{-расм})$$

P-P чизиги берилган айланиш

сонларида маскимал ФИК га тўғри келади.

Универсал характеристика (28-расм) насосларни танлашда кўл келади. бундан фойдаланиб насосларнинг ишлаш чегарасини аниқлаш мумкин.

$H_1, H_2, H_n$  - айланишлар сони;

$P_1, P$  - чизик ўрта чизик.

Насослар асосан тармоқлар (қувур) га суюқлик узатгани сабабли, уларнинг ўзаро мослиги аҳамиятга эгадир. Бу ҳол ишчи нуқта орқали аниқланади.


Ишчи нуқта (A) деб, трубопровод характеристикаси  $X_{tp}=\phi(K)$  билан насоснинг бош характеристикаси  $X=\phi(K)$  кесишигана нуқтасига айтилади.

Марказдан қочма насослар ўзаро параллел ва кетма-кет уланиши мумкин.

Агар мақсад - сарфни ошириш бўлса, у ҳолда характеристикалари ётиқ бўлган насослар танланади ва параллел

### Текшириш учун саволлар

1. Насослар нима ?



5.4- расм. Марказдан қочма насоснинг иш характеристикаси.

2. Насосларнинг турларини сўзлаб беринг.
3. Поршенли насос ҳақида тушунча беринг
4. Марказдан қочма насос ҳақида тушунча беринг

## **8-лаборатория машғулоти**

### **Мавзу: Иссиклик ўтказувчанлик ва иссиқлик бериш коэффициентини аниқлаш**

**Ишнинг мақсади:** Газ ва томчили суюқликларда иссиқлик ўтказувчанлик, иссиқлик беришни ўрганиш

#### **Назарий тушунча**

Иссиқлик ўтказувчанлик. Газ ва томчили суюқликларда молекулаларнинг ҳаракати, ёки қаттиқ жисмларда кристалл панжарадаги атомларнинг тебраниши металларда эркин электронларнинг диффузияси натижасида иссиқлик ўтказувчанлик жараёни содир бўлади.

Иссиқлик ўтказувчанлик орқали тарқалган иссиқлик миқдори Фуре қонуни асосида аниқланади. Бу қонунга кўра, иссиқлик ўтказувчанлик орқали узатилган иссиқлик миқдори дК иссиқлик ўтказувчанлик коеффицентига, температура градиентига, жараён давомийлигига ва иссиқлик оқими йўналишига перпендикуляр бўлган текислик юзасига пропорсионалдир, яъни:

$$dQ = -\lambda \frac{dt}{dn} \cdot dF \cdot d\tau \quad (8.1)$$

бу йерда:

$\lambda$  - иссиқлик ўтказувчанлик коеффиценти, (Вт/м.град);

$dt/dn$  - температура градиенти, ( $^{\circ}\text{C}/\text{м}$ );


$d\tau$  - жараён давомийлиги, (С);

$dF$  - иссиқлик алмашиниш юзаси, ( $\text{м}^2$ ).

**Иссиқлик ўтказувчанлик коеффиценти** иссиқлик алмашиниш юзаси бирлигидан вақт бирлиги давомида изотермик юзага нормал бўлган узунлик бирлигига температуранинг  $1^{\circ}\text{C}$  га пасайишида иссиқлик ўтказувчанлик йўли билан берилган иссиқлик миқдорини ифодалайди.

Иссиқлик ўтказувчанлик коеффицентининг қиймати модданинг тузилиши ва унинг физик-кимёвий хоссаларига, температура ва бошқа бир қатор катталикларга боғлик. Нормал температура ва босимда металлар иссиқликни жуда яхши, газлар эса жуда ёмон ўтказади. Масалан, айрим моддаларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коеффициенти (Вт/м.град бирлигиде) қуйидагича: тоза мис учун - 394, СТ3 маркали пўлат учун- 52, ҳаво учун - 0,027, томчили суюқликлар учун - 0,1 - 0,7, газлар учун- 0,006 - 0,165, иссиқликдан химояловчи материаллар учун - 0,006 - 0,175 га тенг.

Қалинлиги  $\delta$  ва иссиқлик ўтказувчанлик коеффициенти  $\lambda$  бўлган, бир жинсли материалдан тайёрланган текис деворнинг иссиқлик ўтказиш жараёнини кўриб чиқайлик. Деворнинг қарама-қарши томонларидағи температуralар  $t_1$  ва  $t_2$  га teng бўлиб,  $t_1 > t_2$  бўулсин (8.1-расм).



8.1 - расм. Текис девор орқали иссиқлик ўтказувчанлик йўли билан иссиқлик ўтказиш схемаси

Агар иссиқлик ўтказиш турғун режимда борса ва факат бир йўналишда тарқалса, иссиқлик ўтказувчанликнинг дифференсиал тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$\frac{\partial^2 t}{\partial x^2} = 0 \quad (8.2)$$

Бу тенгламани интегралласак:

$$t = c_1 \cdot x + c_2 \quad (8.3)$$

бу йерда:  $c_1 c_2$  - доимий коеффициентлар;  $x$ -иссиқликнинг тарқалиш йўналишига мос келувчи координата.

Интеграллаш доимийси  $c_1 = dt/dn$  бўлиб, чегара шартлари ( $x=0$ ,  $x=\delta$ ) бўлган ҳолда  $c_1 = (t_1 - t_2) / \delta$  бўлади ва буни ҳисобга олганда (8.1) тенглама қўйидаги кўринишга келади:

$$dQ = \lambda [(t_1 - t_2) / \delta] \cdot dF \cdot d\tau \quad (8.4)$$

ёки


$$Q = \frac{\lambda}{\delta} (t_1 - t_2) F \cdot \tau \quad (8.5)$$

Демак, юкоридаги шартларни қаноатлантирувчи текис деворда температура туғри чизик бўйича ўзгаради ва шунга мос ҳолда бир неча бир жинсли қатламлардан ташқил топган деворда температура синик тўғри чизик бўйича ўзгаради.

Силиндрический девор (8.2-расм) учун иссиқлик ўтказувчаник тенгламаси қўйидаги кўринишда ёзилади:

$$Q = \frac{2 \cdot \pi \cdot L \cdot \tau \cdot (t_1 - t_2)}{\frac{1}{\lambda} \cdot 2,3 \cdot \lg(d_t / d_i)} \quad (8.6)$$

бу йерда:  $L$  - силиндрический девор баландлиги;  $\tau$  - жараён давомийлиги;  $t_1, t_2$  - силиндрический деворнинг ички ва ташқи сиртининг температураси;  $\lambda$  - девор материалининг иссиқлик ўтказувчаник коеффициенти;  $d_t$ ,  $d_i$  - силиндрический деворнинг ташқи ва ички диаметлари.



## 8.2 - расм. Силиндрсимон деворнинг иссиқлик ўтказувчанлик тенгламасини аниқлаш схемаси

Ушбу тенгламадан кўриниб турибдики, силиндрсимон деворда температуранинг ўзгариши эгри чизик бўйича боради.

Агар силиндрсимон девор бир неча бир жинсли қатламлардан ташқил топган бўлса, (8.6) тенглама қуидагича ёзилади:

$$Q = \frac{2\pi \cdot L \cdot \tau \cdot (t_1 - t_n)}{\sum_{i=1}^n \frac{l}{\lambda_i} \cdot 2,3 \cdot \lg(d_{i+1} / d_i)} \quad (8.7)$$

и -қатламнинг тартиб рақами; н -қатламлар сони.

Кимё саноатида қўлланиладиган силиндрсимон деворли кўпчилик иссиқлик алмашиниш қурилмаларининг диаметри катта (500-2500 мм), девор қалинлиги эса жуда кичик (5-20мм). Бундай қурилмалар учун иссиқлик ўтказувчанлик жараёни таҳлил қилинганда 8.4 ёки 8.5 - тенгламалардан фойдаланиш мумкин.

### Текшириш учун саволлар

- 1.Иссиқлик ўтказувчанлик нима
2. Иссиқлик ўтказувчанлик коеффиценти ҳақида сўзлаб беринг
3. Цилиндрсимон девор учун иссиқлик ўтказувчанлик тенгламасини ёзиб беринг

## **9-Лаборатория машғулоти**

**Мавзу: Қуритиш жараёни, қуритиш аппаратларининг ҳисоби**

Ишнинг мақсади: Қуритиш жараёни ва қурилиш аппаратларини ишлашини ўрганиш.

### **Назарий тушунча**

Нам материалларни қуритувчи агент ёрдамида сувсизлантириш жараёни **қуритиши** деб аталади. Бу жараёнда намлик буғланиш йўли билан қаттиқ фаза таркибидан газ (ёки буғ) фазасига ўтади.

Нам материалларни қуритиш жараёнини саноатда ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Қуритилган материалларни транспорт воситасида узатиш арzonлашади, уларнинг сақланиш муддати узаяди. Тегишли хоссалари яхшиланади, қурилма ва трубаларнинг каррозияга учраши камаяди.

**Материалларни уч ҳил усулда:** механик, физик - кимёвий ва иссиқлик ёрдамида **сувсизлантириши** мумкин. Механик усул билан сувсизлантириш – таркибида кўп микдорда сув тутган материалларни қуритиш учун ишлатилади. Бу усул билан сувсизлантиришда намлик сиқиши ёки тсентрифугаларда марказдан қочма куч ёрдамида ажратиб олинади. Одатда механик йўл билан намликни ажратиши – материалларни сувсизлантиришда биринчи босқич ҳисобланади. Механик сувсизлантиришдан сўнг яна бир қисм намлик қолади, бу қолган намликни иссиқлик ёрдамида, я'ни қуритиш йўли билан ажратиб чиқарилади.

Физик - кимёвий усул билан материалларни сувсизлантириш лаборатория шароитларида ишлатилади. Бу усул сувни ўзига тортувчи моддалар (масалан, сульфат кислота, кальтсий хлорид) дан фойдаланишга асосланган. Ёпиқ идиш ичида сувни тортувчи модда устига нам материал жойлаштириш йўли билан уни сувсизлантириш мумкин.

Иссиқлик та'сирида сувсизлантириш (қуритиш) саноатда кенг ишлатилади. Қуритиш кўпгина ишлаб чиқаришларнинг охирги, я'ни тайёр маҳсулот олишдан олдинги жараён ҳисобланади. Айрим ишлаб чиқаришларда

материалларни сувсизлантириш икки босқичдан иборат бўлиб, намлик аввал бошланғич жараён ҳисобланган механик усул билан, сўнгра қолган намлик қуритиш йўли билан ажратилади. Материал таркибидан намликни бундай мураккаб йўл билан ажратиш усули жараённинг самарадорлигини оширади.

Қуритиш икки хил (табиий ва сун'ий) йўл билан олиб борилади. Материалларни очик ҳавода сувсизлантириш табиий қуритиш дейилади, бу жараён узок вақт давом этади. Саноатда материалларни сувсизлантириш учун сун'ий қуритиш усули ишлатилади, бу жараён маҳсус қуитгич қурилмаларида олиб борилади.

Қуритилиши лозим бўлган материаллар уч турга бўлинади: қаттиқ (донали, бўлак-бўлакли, заррачали); пастасимон; суюқ (еритмалар, суспензиялар).

Иссиқлик ташувчи агентнинг қуритилаётган материал билан ўзаро та`сирлашув усулига кўра қуритиш қўйидаги турларга бўлинади:

- 6) Конвектив қуритиш – нам материал билан қуритувчи агент тўғридан тўғри ўзаро аралашади;
- 7) Контактли қуритиш-иссиқлик ташувчи агент ва нам материал ўртасида уларни ажратиб турувчи девор бўлади;
- 8) Радиатсияли қуритиш – иссиқлик инфрақизил нурлар орқали тарқалади;
- 9) Диелектрик қуритиш – материал юқори частотали ток майдонида қиздирилади;
- 10) Сублиматсияли қуритиш – материал музлаган ҳолда, чуқур вакуум остида сувсизлантирилади.

Охирги учта усул саноатда нисбатан кам ишлатилади ва одатда қуритишнинг маҳсус усуллари деб юритилади.

Қуритишнинг турларидан қатъий назар, жараён давомида материал нам газ (кўпинча ҳаво) билан ўзаро та`сирлашиб туради. Конвектив қуритиш усули саноатда кенг ишлатилади, бу жараённи амалга ошириш учун материалга нам ҳаво та`сирининг аҳамияти катта. Шу сабабли нам ҳавонинг асосий параметрларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Нам ҳаво қуруқ ҳаво ва сув буғларининг аралашмасидан иборат. Қуритишда нам ҳаво намлик ва иссиқлик ташувчи агент вазифасини бажаради. Баъзан тутунли газлар ёки уларнинг ҳаво билан аралашмаси ишлатилади, бироқ нам ҳаво ва тутунли газларнинг физик хоссалари бир - биридан фақат сон қиймати бўйича фарқ қиласди.

Нам ҳавонинг асосий хоссалари қуйидаги тушунчалар билан белгиланади: абсолют намлик, нисбий намлик, нам сақлаш, энтальпия.

**Абсолют намлик.** Нам ҳавонинг ҳажм бирлигига тўғри келган сув буғларининг миқдори **абсолют намлик** деб аталади ва  $\rho_{c\phi}$  ( $\text{кг}/\text{м}^3$ ) билан белгиланади. Агар нам ҳаво совитилиб борилса, ма`лум температурага этгач, намлик шудринг сифатида ажрала бошлайди. Намликнинг бундай ҳолатда ажралишига тўғри келган температурага **шудринг нуктаси** деб аталади. Бундай шароитда ҳаво таркибида максимал миқдорда сув буғи бўлади. ҳавонинг тўйиниш пайтидаги абсолют намлиги  $\rho_t$  ( $\text{кг}/\text{м}^3$ ) орқали ифодаланади.

**Нисбий намлик.** Ҳаво абсолют намлигининг тўйиниш пайтидаги абсолют намликка нисбати **нисбий намлик** деб аталади. Ҳавонинг нисбий намлиги (тўйиниш даражаси) протсент ҳисобида қуйидаги ифода бўйича топилади:

$$\varphi = \frac{\rho_{c\phi}}{\rho_t} \cdot 100\% = \frac{P_{c\phi}}{P_t} \cdot 100\% \quad (9.1)$$

бу эрда,  $P_{c\phi}$  – текширилаётган нам ҳаводаги сув буғининг партсиал босими, Па;  $P_t$  – берилган температура ва умумий барометрик босимда тўйинган сув буғининг босими, Па.

Нисбий намлик ҳавонинг муҳим хоссаси ҳисобланади. Ҳаво таркибида намлик қанча кам бўлса, бундай ҳаво қуритиш жараёнида шунча самарали ишлатилади. Намлик билан тўйинган ҳаводан қуритувчи агент сифатида фойдаланиб булмайди.

Нисбий намликни аниқлаш учун психрометрдан фойдаланилади. Психрометр иккита термометрдан иборат бўлиб, битта термометрнинг шарчаси доим ҳўллаб турилади ва у **ҳўл термометр** деб аталади.

Куруқ ва хўл термометрлар қўрсатишининг айрмаси  $\Delta t = t_k - t_x$  температураларнинг психрометрик айрмаси дейилади. Нисбий намлик қанча кам бўлса, хўл термометр шарчаси юзасида сувнинг буғланиши шунча тез боради, натижада шарча тезлик билан совийди. Шу сабабли ҳавонинг нисбий намлиги камайиши билан температураларнинг психрометрик айрмаси кўпаяди. Бу айрма  $\Delta t$  асосида психрометрик жадваллар ёки диаграммалар ёрдамида ҳавонинг нисбий намлиги топилади.

**Нам сақлаши.** 1 кг абсолют қуруқ ҳавога тўғри келган сув буғларининг миқдори ҳавонинг нам сақлаши деб юритилади. Бу параметр  $x$  ( $\text{кг}/\text{кг}$ ) ёки  $\delta$  ( $\text{г}/\text{кг}$ ) билан белгиланади. Ҳавонинг нам сақлаши қўйидаги нисбат орқали топилади:

$$x = \frac{m_{c\delta}}{m_{kx}} = \frac{\rho_{c\delta}}{\rho_{kx}} \quad (9.2)$$

бу эрда  $m_{c\delta}$  – нам ҳавонинг берилган ҳажмидаги сув буғлари массаси,  $\text{кг}$ ;  $m_{kx}$  – нам ҳавонинг берилган ҳажмидаги абсолют қуруқ ҳавонинг массаси;  $\text{кг}$ ;  $\rho_{kx}$  – абсолют қуруқ ҳавонинг зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$

**Нам ҳавонинг энталъпияси.** Нам ҳавонинг энталъпияси  $I$  ( $\text{Ж}/\text{кг}$ ) қуруқ ҳаво) қуруқ ҳаво энталъпияси билан шу нам ҳавода бўлган сув буғининг энталъпияси йиғиндисига teng:

$$I = C_{kx} \cdot t + \cdot i_{yz} \quad (9.3)$$

бу эрда  $C_{kx}$  – қуруқ ҳавонинг солиштирма иссиқлик сифими, ( $\text{Ж}/(\text{кг} \cdot \text{К})$ );  $t$  – ҳаво температураси;  ${}^\circ\text{C}$ ;  $i_{yz}$  – ўта қиздирилган буғнинг энталъпияси,  $\text{Ж}/\text{кг}$ .

Ўта қиздирилган буғнинг энталъпияси  $i_{yz}$  термодинамикада қўйидаги тенглама орқали топилади:

$$\dot{r}_{\ddot{y},\delta} = r + c_{\delta} \cdot t \quad (9.4)$$

бу эрда  $\varrho = 0^{\circ}\text{C}$  даги бүгнинг энталъпияси,  $p = 2493 \cdot 10^3 \text{ Ж/кг}$ ;

$c_{\delta}$  – бүгнинг солиштирма иссиқлик сифими,  $c_{\delta} = 1,97 \cdot 10^3 \text{ Ж/(кг.K)}$

Агар қуруқ ҳавонинг солиштирма иссиқлик сифими  $1000 \text{ Ж/(кг K)}$  деб олинса, юқоридаги тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$H = 1000m + x(2493 + 1,97m)10^3 \text{ Ж/(кг қуруқ ҳаво)} \quad (9.5)$$

Демак, нам ҳавонинг энталъпияси нам сақлаш  $x$  ва температура  $m$  га боғлиқ бўлиб, нам ҳаво таркибида бўлган қуруқ ҳавонинг  $1 \text{ кг}$  миқдорига нисбатан олинади.

### Текшириш учун саволлар

1. Куритиш деб нимага айтилади?
2. Куритиш неча хил усул билан амалга оширилади?
3. Абсолют ва нисбий намлиқ тўғрисида сўзлаб беринг.
4. Нам ҳавонинг энталъпияси тўғрисида тушунча беринг